

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

А.А.Азларова, М.М. Абдурахманова

**Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш
фанидан ўқув қўлланма**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2019

UDK 336.7 1+339.13(575.1)

ВБК 65.050.5(2)2

А.А.Азларова, М.М. Абдурахманова: Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш.. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. - 328 б.

Ушбу ўқув қўлланмада тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг предмети, методи, банк ресурсларининг ташкил топиш манбалари, актив ва пассивларни самарали бошқариш усулларига оид масалалар батафсил ёритилган.

Ўқув қўлланма намунавий ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари, илмий ходимлар, раҳбар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир и.ф.д., проф. _____

Такризчилар: доц. _____

доц. _____ ТДИУ

А.А.Азларова, М.М. Абдурахманова. Управление активами и пассивами коммерческих банков: Учебное пособие. – Т.:ТДИУ, 2019. - 328 с.

В данном учебнике подробно описываются предмет, метод управления активами и пассивами коммерческих банков, источники банковских ресурсов и способы эффективного управления активами и пассивами.

Учебник основан на стандартной учебной программе и рассчитан на студентов и преподавателей высших учебных заведений, научных работников, руководителей и специалистов.

Ответственный редактор д.э.н., проф. _____

Рецензентк: доц. _____, _____,

доц. _____.

A.A. Azlarova, M.M. Abdurakhmanova. Asset and Liability Management of Commercial Banks: A Training Manual. - T.: TDIU, 2019. - 328 p

This textbook describes in detail the subject, the method of managing the assets and liabilities of commercial banks, the sources of banking resources and how to effectively manage assets and liabilities.

The textbook is based on a standard curriculum and is designed for students and teachers of higher educational institutions, researchers, managers and specialists.

UDK 336.7 1+339.13(575.1)

ВБК 65.050.5(2)2

© Иқтисодиёт, 2019.

МУНДАРИЖА

Кириш.....8

1-боб.Тижорат банкларининг актив ва пассивларни бошқариш фанининг предмети ва мазмуни

1.1.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг мақсад ва вазифалари.....11

1.2.Иқтисодий муносабатларда мустақил субъект сифатида тижорат банкини бошқариш.11

1.3.Тижорат банклари фаолиятини барқарорлаштириш ва унга таъсир қилувчи омиллар.....14

1.4.Тижорат банкларини бошқаришни ташкил қилиш асослари.....20

2- боб.Тижорат банклари фаолиятида актив ва пассивларни бошқаришни ташкил қилишнинг умумий асослари

2.1.Тижорат банклари актив ва пассивлари ҳақида тушунча.....23

2.2.Тижорат банклари актив ва пассивларининг таркиби.....27

2.3.Актив ва пассивларни бошқаришни ташкил қилишнинг тамойиллари ва хусусиятлари.30

2.4.Тижорат банкларининг ресурслари, уларнинг таркиби.....45

3- боб.Тижорат банкларининг капиталини бошқариш

3.1.Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларнинг тавсифи.....49

3.2.Банк капиталининг таркиби ва унинг тузилиши.....50

3.3.Банк капитали ўрнатиш меъёри ҳажмининг ўлчанилиши ва унинг тартибга солиш усули.....55

3.4.Банк капитали, банкнинг молиявий ресурсларини ўзгариши.....59

3.5. Банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбалари.....64

3.6. Ҳосилавий (дереватив) воситалар.....66

4- боб.Банк мажбуриятларини бошқариш

4.1.Тижорат банклари мажбуриятларининг мазмуни ва уларнинг таркибий тузилиши.	67
4.2.Банкларнинг депозит ресурслари ва унинг таркиби.....	67
4.3. Банкнинг нодепозит манбалари ва хорижий банклар амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантириш усуллари.....	71
4.4.Банкнинг мажбуриятларини бошқариш усуллари.....	73

5- боб.Тижорат банклари ресурсларини бошқаришда депозит сиёсати ва уни такомиллаштириш

5.1.Банкнинг депозит сиёсати, унинг элементлари ва мезонлари.....	79
5.2. Банк депозит сиёсатининг воситалари.....	80
5.3. Баҳони белгилаш моделлари.....	82
5.4. Депозит ресурсларининг тузилмавий таҳлили.....	83
5.5.Тижорат банклари депозит сиёсатининг такомиллаштириш йўллари.....	85

6- боб.Банк активлари ва пассивларини бошқаришнинг диверсификация қуроли

6.1. Ҳосилавий (диверсификация) воситалар.....	90
6.2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари.....	91
6.3. Опцион, унинг моҳияти ва турлари.....	93
6.4.Фьючерс, унинг хусусиятлари ва аҳамияти.....	95
6.5.Варрант, унинг моҳияти ва хусусиятлари.....	99

7- боб.Тижорат банклари ресурсларини стратегик бошқариш

7.1.Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришни стратегик режалаштириш.....	101
7.2.Тижорат банки молиявий ресурсларини бошқаришда ички ва ташқи муҳитнинг таъсири.	103
7.3.Ички ва ташқи муҳитлар ва омилларнинг таъсирини камайтириш орқали бошқариш.....	105

8- боб. Банк ишида балансдан ташқари молиялаштириш

8.1.Банкларда балансдан ташқари молиялаштириш	
---	--

тушунчаси.....	109
8.2. Банк активлари ва қарзларни секюритизациялаш.....	113
8.3. Банк ресурсларини тўлдириш мақсадида қарзларни сотиш.....	115

9- боб.Тижорат банклари ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш йўллари

9.1. Тижорат банклари ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари. Тижорат банклари ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбалари.....	117
---	-----

9.2. Тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.....	122
--	-----

9.3. Иқтисодийтн модернизациялаш шароитида тижорат банклари ресурсларини оптимал бошқариш.....	125
--	-----

10- боб. Тижорат банклари ресурслари билан боғлиқ рисклар ва уларни бошқариш

10.1.Банк фаолиятида унинг ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари.	128
---	-----

10.2.Молиявий ресурсларни жойлашиши билан боғлиқ рисклар.....	132
---	-----

10.3.Рискларни мониторинг орқали бошқариш.....	135
--	-----

11- боб.Кредит ресурсларини жалб қилиш (аккумуляция) механизми

11.1.Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат қилиш шакллари.....	141
--	-----

11.2.Кредит назариялар.....	141
-----------------------------	-----

11.3.Тижорат банкларининг кредит операцияларининг банк фаолиятидаги ўрни.....	143
---	-----

12- боб. Кредит иқтисодий категорияси ва кредитлашни ташкил этишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий асослари

12.1. Кредит муносабатлари ва уларнинг иқтисодий муносабатлар тизимидаги ўрни.	147
---	-----

12.2.Кредит категориясининг иқтисодий категориялар тизимидаги ўрни.	148
--	-----

12.3. Кредитнинг моҳияти ва унинг кўриниши, яъни унинг юзага чиқиши.	148
---	-----

13- боб. Кредит механизми ва унинг таркибий қисмлари

13.1. Кредит механизми тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.....	152
13.2. Кредит механизмининг таркибий қисмлари ва уларнинг кетма-кетлиги.	152
13.3. Кредитга лаёқатлилиқ, кредитлаш тамойиллари, кредитнинг таъминланганлиги, кредит шартномаси, кредит рисқи, кредитларни таснифлаш.....	153

14- боб.Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит ресурсларини бошқаришнинг асоси сифатида

14.1.Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни.	158
14.2.Тижорат банкларини кредит сиёсатининг мазмуни ва унинг тузилиши.	159
14.3.Банк кредит сиёсатининг элементлари. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти.	163
14.4.Банкнинг кредит сиёсатини оқилона олиб бориш йўллари.....	165

15- боб. Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит ресурсларини бошқаришнинг асоси сифатида

15.1. Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни.	172
15.2.Тижорат банкларини кредит сиёсатининг мазмуни ва унинг тузилиши.	174
15.3.Банк кредит сиёсатининг элементлари.	175
15.4.Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти.....	177
15.5.Банкнинг кредит сиёсатини оқилона олиб бориш йўллари.....	178

16- боб. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги ва кредитлаш тартиби

16.1. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти.	182
16.2. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигининг асосий	

кўрсаткичлари.....	189
16.3. Кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг кўшимча кўрсаткичлари.....	195
16.4.Берилган кредитлар устидан мониторинг ўтказиш тартиби.....	200

17- боб.Кредитлаш жараёнида таъминотнинг ўрни ва унинг турлари

17.1.Кредитнинг таъминланганлик тушунчаси ва унинг аҳамияти.....	207
17.2.Кредит қайтарилишида гаровнинг тутган ўрни.....	210
17.3.. Кафиллик, кафолат ва таъминотнинг бошқа шакллари.....	218
17.4. Банк кафолати ва унинг кредитлашдаги ўрни.....	223

18- боб.Тижорат банклари фоиз сиёсати

18.1.Тижорат банклари фоиз сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.	200
18.2.Тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсир этувчи омиллар.....	238
18.3. Фоиз ставкаси ва унинг турлари.....	240
18.4.Банк маржаси ва фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омиллар.....	244

19- боб.Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш тартиби

19.1.Имтиёзли кредитлаш тушунчаси ва уни мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.....	248
19.2. Тижорат банклари томонидан таълим кредитини бериш тартиби ва унинг аҳамияти.....	249
19.3. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ажратиладиган кредитлар ва улардан фойдаланиш шартлари.....	251
19.4. Ёш оилаларга микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш ва қайтариш тартиби.....	252

20- боб. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш

тартиби

20.1. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш.....	255
20.2. Активлар сифатини таснифлаш тизими.....	257
20.3. Тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш.....	262
20.4. Кредит портфелини диверсификациялаш даражасини оршириш рискларни камайтиришнинг асосий омили сифатида.....	263

21- боб.Тижорат банклари кредит портфелини бошқариш

21.1. Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши.....	270
21.1. Муаммоли ссудаларни юзага келишининг белгилари ва асосий сабаблари.	271
21.2. Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш усуллари.....	274
21.3. Кредит портфелини бошқаришда рискларни баҳолаш тизими.....	276
21.4. Тижорат банкида кредитлаш даражасини оптималлаштириш.....	276
21.5.Тижорат банклари кредит порфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар.....	280
21.6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштириш.....	281
21.7.Кредит қайтмаслиги рискининг ошиши.....	283
21.8. Кредит портфелини диверсификация қилиш.....	285

22- боб. Кредит рисклари ва уларни бошқариш

22.1.Банк рисклари ва уларнинг турлари.....	287
22.2.Кредит рисклари ва уларни клиб чиқиш сабаблари.....	298
22.3.Кредитнинг алоҳида турларида кредит рискларини аниқлаш, уни камайтириш йўллари.....	307
22.4.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредит рискларини бошқариш усуллари.	312
Глоссарий	316

Фойдаланилган
рўйхати.....319

адабиётлар

Кириш

Бугунги кунда Республикамизда аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ва шу асосда ресурс базасини янада кенгайтириш тижорат банклари фаолиятидаги устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу борада банклар таклиф етаётган депозитлар линейкасини доимий равишда такомиллаштириб бориш ва шартларини мақбуллаштириш омонатлар жозибадорлиги ҳамда оммавийлашувида муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумки, тижорат банклари ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари етарли даражада пул ва бошқа молиявий ресурслар билан таъминланган бўлиши керак. Бу фаолият тижорат банклари томонидан юридик ва жисмоний шахслардан вақтинча бўш пул маблағларини қайтариб беришлилик, тўловлилик ҳамда муддатлилик шартлари асосида жалб этиш билан боғлиқ фаолиятига асосланади яъни тижорат банкларининг пассив операциялари ҳисобланади.

Банк тизими ривожланишининг истиқболи «барқарор» даражада ривожланишида, аввало, мамлакат иқтисодиётининг жадал суръатлар билан ўсиб бориши, шунингдек, банклар даромадлигининг ижобий кўрсаткичлари ва активлари сифатининг яхшиланиши, ликвидлик даражасининг барқарорлиги, мижозлар депозитларининг ўсиб бориши, ҳукумат томонидан йирик банкларга йўналтирилаётган сезиларли молиявий ресурслар асосий ижобий омиллар бўлиб хизмат қилади.

Тижорат банклари ўз ресурс базасини ошириш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ривожига йўналтирилган ислохотларда фаол иштирок этиш мақсадида аҳоли учун қулай даромад манбаи бўлган омонатлар турини тобора кенгайтириб бормоқда. Бунда асосий эътибор омонатларнинг жозибадорлигини ошириш ва уларда аҳолининг турли тоифалари эҳтиёжларини инобатга олишга қаратилмоқда.

Жумладан, Банк тизимидаги ислохотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур барқарор макроиқтисодий ва қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ҳисобланади. Банкларнинг иқтисодиётдаги молиявий воситачилик ролини мустаҳкамлаш билан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкорига айланишга еришилади. Шу мақсадда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹»да иқтисодиётни ривожлантириш, эркинлаштириш ва тартибга солишнинг долзарб устувор йўналишлари белгилаб берилган.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва иқтисодий рақобатнинг чуқурлашуви ҳамда мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграция жараёнларининг тезлашуви тижорат банклари ресурсларини барқарор манбалар ҳисобидан шаклланиши ва уларни самарали мақсадларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сонли 2017 йил 2 феврал.

жойлаштиришни талаб этмоқда. Буларнинг барчаси тижорат банклари ресурсларини бошқаришни назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини англатади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар қандай фаолият ва иқтисодий муносабатларда ижобий натижага эришиш учун самарали бошқаришни йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Банклар иқтисодий фанлар тизимининг асосий бўғини бўлган махсус (функционал) иқтисодий фанлар таркибидаги муҳим соҳалардан бири ҳисобланиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг фаолияти, шунингдек молиявий ресурслари самарали бошқаришни талаб этади.

Тижорат банклари ресурсларини бошқариш масаласи узоқ тарихга эга эмас. Халқаро банк амалиётидан маълумки, 1980 йилларга қадар банкларнинг ликвидлигини таъминлаш ва фойдасини шакллантириш уларнинг активларини бошқариш орқали амалга оширилганлиги боис, банк ресурсларини бошқаришга эҳтиёж мавжуд бўлмаган. 1980–йилларга келиб банкларда интеграциялашув жараёнининг чуқурлашуви, молиявий ресурсларнинг мамлакатлараро сузиб юривчанлигига шароитнинг яратилганлиги ва иқтисодиётнинг тобора глобаллашуви банк ликвидлигини таъминлаш ва зарур миқдорда фойдасини шакллантириш учун фақатгина банк активларини бошқариш кифоя бўлмай қолди.

Жаҳон банки етакчи мутахассиси Диана Мак Нотон: «Яқин – яқингача (1980-1990 йиллар назарда тутилмоқда) ривожланаётган мамлакатлар молия бозорларида ресурсларни бошқариш масаласига жиддий эътибор берилмас эди. Ҳозирги кунга келиб, аҳвол кескин равишда ўзгармоқда, ушбу молиявий бозорларда фаолият юритаётган банклар молиявий ресурсларни бошқаришга алоҳида эътибор билан қарашмоқда», – дея таъкидлайди.

«Банк фаолиятини бошқаришнинг янги усулларини доимий такомиллаштирмаслиги оқибатида, нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки ривожланган мамлакатлар банклари ҳам иқтисодий инқирозга юз тутиши табиийдир. Мисол тариқасида, 1980 йилларнинг охирида АҚШ ссудо – жамғарма уюшмалари ва тижорат банклари иқтисодий инқирозини келтиришимиз мумкин». Буни ХХ асрнинг иккинчи ярмида Осиё, Лотин Америка, Ғарбий Европа, Россия молия тизими ҳамда 2008 йил сентябрда АҚШ молия тизимида бўлиб ўтган молиявий-иқтисодий инқирозлар мисолида кўриш мумкин.

Биз тижорат банклари нафақат ресурсларни жалб қилади, балки уларни фойдали манбаларга юқори риск асосида жойлаштириш орқали, банкларнинг фаолияти бошқа молиявий муассасалар фаолиятдан фарқ қилишини таъкидламоқчимиз. Айнан, мана шу жараён тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш заруриятини келтириб чиқаради.

1-боб.Тижорат банкларининг актив ва пассивларни бошқариш фанининг предмети ва мазмуни

1.1.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг мақсад ва вазифалари.

1.2.Иқтисодий муносабатларда мустақил субъект сифатида тижорат банкини бошқариш.

1.3.Тижорат банклари фаолиятини барқарорлаштириш ва унга таъсир қилувчи омиллар.

1.4.Тижорат банкларини бошқаришни ташкил қилиш асослари.

Таянч иборалар: банк, мажбурий захира, омонат, миллий валюта, пул маблағлари, аҳоли, чакана хизмат.

1.1.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқариш фанининг мақсад ва вазифалари

Банклар фаолияти ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз фаолиятини олиб бориши учун етарли даражада пул ва молиявий ресурслари билан таъминлаган бўлиши керак, чунки уларнинг асосий таклиф этадиган ва кўрсатадиган хизматлари ҳам пул маблағлари ёки молиявий ресурсларда ташкил топади. Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил апрел ойида бўлиб ўтган саккизинчи сессиясида “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида” ги Қонун қабул қилиниши билан республикамизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими ташкил этилишига асос солинди.

Бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги ҳамда жозибадор турларини жорий этиш бўйича тижорат банклари томонидан фаол амалга оширилаётган тадбирлар натижасида банклардаги депозитлар ҳажми йилдан йилга ўсмоқда.

Ҳозирда тижорат банклари томонидан мижозларга 400 дан зиёд омонат турлари таклиф этилмоқда. Уларнинг 100 дан ортиғи хорижий валютада жорий қилинган бўлиб, АҚШ доллари, Евро ва Англиянинг фунт стерлинг валюталарида омонатлар жалб қилиняпти.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга

барча асосларимиз бор”²

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ҳам ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромаднинг салмоғи барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир. Аҳоли даромадларининг ошиши ўз навбатида уларнинг банклардаги омонатларининг салмоғининг ошишига олиб келди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга йўналтирилган бўлади. Бозор иқтисоди шароитида банк фойдасининг иқтисодий моҳияти янгича ижтимоийиқтисодий тус олиб бормоқда, чунки тижорат банкларининг фойдаси банк капитали тўпланишининг ва банк ривожланишининг асосий манбасидир.

Банк фойдасининг ўсиб боришига таъсир қиладиган бир неча хил омиллар мавжуд улар – банкнинг рентабеллиги, вақтинча бўш маблағларнинг самарали ишлатилиши, турли хил пуллик хизматлар доирасини (факторинг, лизинг, траст хизматлари ва ҳ.к.) кенгайтириш, фойда келтирмайдиган активларни камайтириш, фойда келтирувчи активларни кўпайтириш ва бошқалар ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш босқичида тижорат банкларининг асосий иш тамойилларидан бири юқори даражада фойда олишга қаратилган бўлади. Банкларнинг фаолияти доимо фойда кўриш билан боғлиқ бўлмасдан, улар фаолиятида зарар кўриш эҳтимоли ҳам учраб туриши мумкин. Банклар фаолияти ижобий бўлган ҳолларда банкларнинг фойда олиши ва салбий фаолият натижасида банкларнинг зарар кўриш эҳтимоли юқори бўлади. Юқорида айтилган фойда келтирувчи захираларни амалда татбиқ қилиш жараёнида банкнинг иш фаолияти иқтисодий жиҳатдан таваккалчилик (зарар кўриш эҳтимоли билан) билан боғлиқ бўлади.

Тижорат (акцияли, пай асосида ва хусусий тартибда ташкил қилинган) банклар ҳуқуқий ва хусусий шахсларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги» қонунда назарда тутилган операцияларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш орқали шартнома асосида кредит, ҳисоб-китоб ва бошқа хил банк хизматларини кўрсатади.

1.2.Иқтисодий муносабатларда мустақил субъект сифатида тижорат банкни бошқариш

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг бориш натижаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтдилар: “Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 15.01.2017.

Ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши лозим.

Бунда банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак.

Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур³.”

Шу жihatдан, тижорат банклари ташкилий таркибини кўриш моделларини ўрганиб чиқилиши - бунақа ягона оптимал модел йук эканлигини кўрсатади. Хаммаси банк олдида турган аниқ мақсад ва вазифалар, ихтисослашув тури ва хусусиятлари, банкни ташкил этишнинг муҳим хусусиятларига боғлиқ. Банклар жамғарма банки, ипотека кредит институти, траст банки, микрокредит институти ва бошқа кўринишларда ташкил қилиниши мумкин ва мана шу кўринишлар банка у ёки бу ташкилий таркибни танлашда муҳим омиллар булиб хизмат қилади.

Акционерлик банкларида (хусусийдан фаркли равишда) акционерлар талабларини бирлаштириб боғлаб турувчи Банк Кенгашининг ўрни юкори. Ипотека банкида кўчмас мулкни баҳолайдиган махсус бўлимнинг ўрни беқиёс. Инвестицион банкда Лойихавий молиялаш бўлими алоҳида аҳамият касб етса, траст банкларда ҳар хил турдаги мижозлар мулкни бошқариш бўлими асосий ҳисобланади.

Банкларнинг у ёки бу ташкилий тузилишга эга бўлиши маълум норматив талабларга ҳам боғлиқ. Маълумки, банк назорати органлари банкларни рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш жараёнида бир қатор ҳужжатлар (таъсис шартномалари, устав ва янги кредит институтининг фаолият хусусиятларидан келиб чиқадиган ташкилий тузилиши) тақдим этилишини талаб қиладилар. Ҳуқуқий нормаларга кўра қайта ташкил этилган банклар ўзларининг уставидаги ,ва энг асосийси, фаолият йўналишидаги, банк капиталидаги, ташкилий таркибидаги бўлажак ўзгаришлар тўғрисида банк назорати органларига хабар беришлари керак. Янги банк очишдан олдин унинг муассислари банк қанақа ҳуқуқий асосда (акционер, кооператив ва б) ташкил этилиши, қанақа таркибий бўлинмалардан (бошқарув, булимлар, секторлар) иборат бўлиши кераклигини ўзлари учун аниқ белгилаб олишлари керак.

³. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи 29.12.2018 й.

Банкка мос ташкилий таркибни вужудга келтириш бир марталик жараён эмас. Банкнинг дастлабки ташкилий таркибига банкни ривожлантириш кучига узгартириш киритиш билан, фаолият чегарасини ўзгартириш билан, янги турдаги банк махсулотларини яратиш ва ривожлантириш билан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Банкни реорганизация қилиниши унинг санациясига ёки кўшилиши ёки тугатилишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, банк фаолиятини мукаммаллаштиришга қаратилган ташкилий қайта қуриш ички ёки ташқи омиллар натижасидагина амалга оширилади.

1-жадвал.

Банклар классификацияси

№	Синфлар	Банклар турлари
1	Мулкчилик шаклига кура	Давлат, Акционер, Кооператив, Хусусий, Аралаш ва Чет элкапитали иштирокидаги банклар
2	Ташкилий ҳуқуқий шаклига кура	Очик акционерлик жамиятлари, Ёпиқ акционерлик жамиятлари, Масъулияти чекланган жамиятлар
3	Функционал белгисига кура	Эмиссион (бу фақат I поғона учун), депозит ва тижорат
4	Операцияларни юритиш хусусиятларига кура	Универсал, ихтисослашган
5	Тармоқларга хизмат кўрсатишига кўра	Кўп тармоқли, монотармоқли
6	Филиаллари мавжудлигига кура	Филиалли, филиалсиз
7	Хизмат кўрсатиш мақомига кура	Регионал, халқаро
8	Фаолият масштабига кура	Кичик, ўрта ва йирик
9	Ихтисослашувига кура	Ривожлантириш, муниципал ва ипотека
10	Бир-бирига боғлиқлик даражасига кура	Бош(головной, она) банк, дочерний, асоциациялашган
11	Фаолият самарадорлигига кура	Молиявий кийинчилиги йук банклар, Фаолиятида маълум кийинчиликларга эга банклар, жиддий молиявий кийинчиликларни бошидан кечираётган банклар ва критик молиявий ҳолатдаги банклар.

Банк бошқарув органлари таркибидаги ўзгаришлар улар ўртасидаги ўзаро муносабатларга, штат жадвали ўзгаришига, қарор қабул қилувчи шахслар компетенциялари тақсимланишига ҳам таъсир қилади. Бу шуни билдирадики, банклар реорганизацияси зарур ва фойдали бўлишига қарамасдан, янги бошқарув механизмини ишлаб чиқишга кэтадиган вақт ва ҳаражатлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Реорганизация хар куни ўтказилмайди. Қайта ташкил этиш чора-тадбирлари бир-бирини давом эттирмайди.

Банк стратегияси шакллантирилмаганлиги (банк фалсафаси аниқланмаганлиги) банкни бошқариш органлари таркибини кўришда, ходимлар меҳнатини ташкиллаштиришда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Банкнинг умумий саволларига жавоб топилмаган бўлса, ижро этувчилар ҳар кунлик жорий (кичик, бир йўналишга тегишли) муаммоларга дуч келаверадилар. Амалиётда бу ҳолат ҳар кунлик бошқарув аппаратини қайта қўришга олиб келиши мумкин (банк бошқарувини ёки бошқа ходимларни ўзининг асосий профессионал вазифаларини бажаришдан чалғитиш эвазига).

Банкнинг кучли ва кучсиз томонлари тахлили, шунингдек, банкнинг ҳажми қанчалик оптималлиги, унинг ҳуқуқий шакли фаолияти ютуқларини қанчалик таъминлаб бериши, тармоқлари етарли ёки етарли эмаслиги (филиаллари, банкоматлар ва ҳ.к) ва хоказоларни баҳолашга ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида **SWOT** (Strength Weakness Opportunity Threaten) деб номланадиган бу **тахлил** тури банкнинг имкониятлари ва рисклари, ташқи муҳит таъсири тахлили билан ҳам боғланган. Баҳолар асосида банк тижорат фаолиятини юритиши учун қаерда шароит борлигини; пул, кредит ва молия бозоридаги имкониятларини қайси турдаги мижозларга ва қайси регионларда қўллаши мумкинлигини; қайси соҳаларда, ўзининг кучли томонларини инобатга олган ҳолда, юқори рискка бориши мумкинлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Аксинча, ўзининг кучсиз томонларини ҳисобга олиб, стратегия тез-тез ўзгариб турадиган, фойда қамайиши мумкин бўлган, қўшимча ресурсга тез-тез талаб бўладиган, бошқа банк ва нобанк кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари аралашishi мумкин бўлган маълум «зона»ларни ўзича аниқ тасаввур қила олиши керак.

Ташкилий уставда банк бошқаруви ва унинг аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, сайлаш тартиблари, қоида ва чекловларга шарҳлар (*шунингдек янги тижорат булимларини, филиалларни, чет элда бўлимларни очиш бўйича), текширув, ревизиялар, алоҳида фаолият бўйича ҳисоботларни тайёрлаш тартиблари, шунингдек, персоналга талаблар ва банк сирини сақлашга доир талаблар кўрсатилади.

Назорат жараёнида реструктуризация натижалари баҳоланиши ва эълон қилиниб борилиши, реорганизация натижалари тахлил қилиб борилиши керак. Бу шунингдек, ҳисоб-китоб соҳасини назорат қилишни ҳам ўз ичига олади. Бухгалтерия ҳисоботлари, операцион ҳисоб-варақларнинг юритилиши, ҳўжалик фаолияти тахлили, банк статистикасининг тақдим этилиши банк фаолиятидаги таркибий ўзгаришлар тугрисида «сигнал» бериб туриши керак.

1.3. Тижорат банклари фаолиятини барқарорлаштириш ва унга таъсир қилувчи омиллар

Иқтисодиётнинг муҳим бўғинларидан ҳисобланган банк тизими, хусусан, алоҳида олинган тижорат банкининг самарали фаолият кўрсатиши


иқтисодиётнинг ривожланиш омили бўлади. Замонавий банк фаолияти турли рисклар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни самарали бошқариш банкларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, тижорат банклари ўз фаолиятларини доимо турли иқтисодий субъектлар орасида бўлиб ўтадиган турли-хил иқтисодий алоқаларнинг ўзгарувчан шарт-шароитларида олиб боришади. Бундай алоқаларнинг умумийлиги тижорат банкларининг иш фаолиятини юзага келтиради ва бу фаолият ўз таъсирини тижорат банкларининг иш олиб бориш характери ҳамда барқарорлигини кўрсатади. Тижорат банкларининг фаолият олиб бориш муҳити икки хил йўналишда кўриб чиқилади: макромухит (банкнинг ташқи муҳитдаги фаолияти), микромуҳит (банкнинг ички муҳитидаги фаолияти).

Бундан ташқари, ҳар бир аниқ иқтисодий вазият капитални иқтисодиётнинг турли йўналишларига тақсимлашга ва ўз навбатида бундай тақсимланган капитал банк миждозлари гуруҳларига тақсимланишига ёрдам беради.

Табиий шароит, бевосита ёки билвосита банк миждозларининг иш фаолиятига таъсир қилади, чунки у табиий ресурсларнинг ишлатилиши, уларни қўриқланиши ва табиий офатларнинг юзага келишининг олдини ола билиш борасида алоҳида аҳамият берилиши лозим бўлган муҳит ҳисобланади.

Банкнинг микромуҳити унинг ўз ички фаолиятидан келиб чиқади, шу билан бирга бу ерда: банкнинг хизмат турлари, ҳисоб-китоб турлари, тўлов усуллари маҳсулот етказиб берувчилар, воситачилар, миждозлар ва банкнинг ўз ходимлари уларнинг касб маҳоратлари ва банклар инобатга олинади.




1 – расм. Тижорат банкининг макромухит концепцияси.¹

¹ Печникова. А.В., Маркова О.М., Стародубцева. Е. Б. Банковские операции: Учебник. - М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. - 368с.

Тижорат банклари турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашиб, ўз олдиларига турли хил масалалар қўйиб, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилишади ва бунинг натижасида уларнинг ташкилий тузилмаси бир меъёردа сақланиб турмаслиги юзага келиши мумкин.

Тижорат банки ичидаги алоқаларнинг қай даражада муҳимлигини баҳолаш қийиндир. Бундай алоқалар нафақат формал, ташкилий тузилишига, балки тижорат банкининг ички тартиб қоидалари ва ундаги ноформал бўлган алоқаларга боғлиқдир. Бундай шароитлар банк ходимлари иш активлигини яратади ва барча ходимларни ишга ёндаштиради.

Банкнинг микромуҳитида (2-расм), мижозлар муҳим ўрин тутди. Мижозларнинг қай даражада банк учун фойдалилиги ва таркиблантирилганлиги банкка молиявий ресурсларнинг жалб қилиниши ва уларнинг сифатли жойлаштирилишига имкон беради ва банкнинг иш унумини таъминлайди.



2 – расм. Тижорат банкининг микромуҳит концепцияси.¹

Банкнинг маҳсулот етказиб берувчилар билан бўлган ўзаро алоқалари доимий бўлмаслиги мумкин, чунки тижорат банки кундалик иш фаолиятида ишлатиш учун зарур бўлган компьютер жихозлари, канцелярия буюмлари, пломбалар ва бошқа жихозларни маҳсулот етказиб берувчидан доимий равишда сотиб олмайди, лекин шунга қарамасдан туриб банк ва маҳсулот етказиб берувчилар орасида алоқалар доимий равишда мутаносиб ушланиб туриши керак.

Банклар ўз фаолияти давомида икки турдаги воситачилар билан ишлар олиб борилиши мумкин. Буларнинг биринчиси, маслаҳат хизматларини кўрсатиш бўлса; иккинчисига молия-кредит муассасалари билан узвий боғлиқликдаги қўйидаги уч йўналишдаги:

1. Қимматли қоғозлар билан олиб бориладиган операциялар;
2. Бажарилаётган молиявий операцияларни суғурталаш;

¹ Банковское дело: Учебник под ред. д-ра экон. наук, проф. Коробовой. Г.Г. - М.: Экономист, 2005. - 751 с.

3. Кредит ресурсларини сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ операциялар киради.

Кўп тижорат банклари ўз иш фаолиятларини рақиблар орасида олиб боришади. Охириги йилларда банкларнинг ривожланиб кетиши улар орасида рақобатнинг ўсишига сабаб бўлди. Бу эса, нафақат, бозор ва мижозлар фаолиятини ўрганиб чиқиш, балки рақиблар фаолиятини ҳам доимий равишда ўрганиб боришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунларда, банклар яхши обрўга эга бўлиши ва максимал фойда олиш учун ўз рақибларини ўрганишга кўп вақт ва маблағ сарфлашмоқда.

Оммавий алоқа воситалари билан бўлган алоқалар ҳам банк фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш сиёсатини ривожлантирадиган ва тўлдирадиган пассивларни бошқариш назарияси қўйидаги икки асосга эга.

Биринчидан – тижорат банки ликвидлик муаммосини қўшимча пул маблағларини капитал бозорида сотиб олган ҳолда жалб этиш йўли билан ҳал эта бориши мумкин. Реал тарзда ушбу фикр-мулоҳаза ғарб мамлакатларида амалда рўёбга чиққан.

Иккинчидан – тижорат банки ўз ликвидлигини Марказий банкдаги кенг миқёсда қарзга бериладиган пул маблағларидан ёки вакил банкларидан қарзга олинадиган, шунингдек евровалюталар бозоридан олинадиган қарзлардан фойдаланиб таъминлаши мумкин.

Кейинги йилларда банклар ўз ликвидликларини таъминлаш учун кенг миқёсда қарз олишдан фойдаланмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб қилингангача омонатлар нисбатан секин кўпаяётганлиги билан белгиланади. Иқтисодий фаоллик кучайиши ва инфляция суръати ошиши хўжалик фирмаларининг кредитларга бўлган эҳтиёжлари ошишини англатади. Бундан ташқари фирмалар ҳам, хусусий шахслар ҳам фоиз ставкаларига нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганлар. Шу муносабат билан, таъкидлаб ўтганимиздек, талаб қилингангача омонатлар кўпайиши секинлашди. Харажатлар кўпайиши банкларни ўз ресурсларидан тўлиқроқ ва унимлироқ фойдаланишга ундади.

Банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжни халқаро амалиётда банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирадидилар.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларининг жуда кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, банклараро кредитлар назарияси ҳисобланади.

Банклараро кредитлар назарияси Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш захираларнинг (бинобарин, ликвидликнинг ҳам) ҳолатини тузатиш учун маблағларни сафарбар этишнинг «ҳисоб ойнаси» (discount window) деб ҳам номланадиган бир усулидир. Захираларни бараварлаштириб боришнинг

ушбу усули кенг тарқалмаган бўлсада, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Маблағ жойлаштиришдан наф кўришдан ташқари, кредитор банклар банк фаолиятининг бошқа масалалари бўйича ҳам амалий шерикчилик муносабатлари ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Молиявий барқарор катта банклардан ташқари, ташкил қилиниш, ривожланиш босқичида турган банклар бўш кредит ресурсларига эга бўлади. Улар ҳозирча мижозлар этишмаслиги даврини бошдан кечиришмоқда.

Кредит ресурсларининг ўрнини қоплаш муддатлари турличадир. Халқаро амалиётда 1, 3 ва 6 ой муддатидаги депозитлар, бир кундан токи бир неча йилгача энг юқори муддатлилар кўпроқ тарқалган. Банклараро кредит бўйича ставка одатда, хўжалик юритувчиларга берилган кредитлар бўйича белгиланадиган фоиз ставкаларидан пастроқ бўлади ва Марказий банкнинг расмий ҳисобга олиш ставкасига мувофиқ равишда тузатилади. Қарз олувчи банк бошқа банклардан кредит ресурслари жалб этишига унинг ўз мижозларининг қарз маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириши, яъни ўз кредит қўйилмаларини кенгайтириши ҳамда банк ликвидлигини тартибга солиб бориш зарурияти сабаб бўлади. Банклараро кредит жалб этиш иккита усулда: мустақи равишда, тўғридан-тўғри музокаралар йўли билан ёки молиявий воситачилар орқали амалга оширилади. Банкларнинг ўзлари банклараро кредит тўғрисида келишилган тақдирда уларнинг муносабатлари махсус шартнома билан расмийлаштирилади. Банклараро шартномаларнинг аксарияти муддатли шаклда, қолганлари эса муддатсиз шаклда тузилади. Иқтисодий барқарорлик бўлмаган шароитда кредит бозорида қандай вазият юзага келишини ва банкнинг молиявий аҳволи қандай бўлишини олдиндан билиш қийин. Чунки, кредит ресурслари этишмаслиги ёки ортиқча бўлиб қолиши мумкин.

Банклараро шартноманинг муддатсиз шакли банклараро кредитни шартномада белгиланган энг қисқа муддатга беришни кўзда тутди. Бу муддат туганидан кейин кредит муддатсиз кредитлар тоифасига ўтади, яъни кредитор – банк томонидан олинган маълум қилинган ҳолда исталган пайтда талаб қилиб олинishi мумкин. Кредит ресурсларини қарзга олган банк уларни қайтариш имкониятига эга бўлмаса, у бошқа банкларнинг муддатли қарзларидан фойдаланади.

Бўш ресурслар жалб этиш (жойлаштириш) тўғридан-тўғри (сотувчи-харидор) эмас, балки воситачи иштирокида кечади. Банкларнинг ўзлари, брокерлик идоралари, фонд биржалари, молия уйлари, кредит дўконлари шу йўсинда қатнашишлари мумкин.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларидан яна бири евродоллар бозоридан қарз олиш назарияси ҳисобланади.

Евродоллар бозоридан қарз олиш назарияси. Евродоллар бозоридан қарз олиш йирик тижорат банклари учун иложи бўлган пассивларни бошқариш инструментиدير. Ундан чет элда филиаллари бўлган банклар ҳам, бундай филиаллари бўлмаган банклар ҳам фойдаланади. Евродоллар – АҚШ

долларларида ифодаланган ва АҚШ дан ташқаридаги тижорат банкларида, шу жумладан, Америка банкларининг филиалларида сақланадиган кўйилмалардир. Евродоллар АҚШ банкининг америкалик ёки чет эллик омонатчиси чет элдаги банкка ёки Америка банкининг филиалига маблағ ўтказганида юзага келади. Ушбу операция ўтказилиши натижасида АҚШдаги омонатга эгалик қилиш чет элдаги молия муассасасига ўтади. Бу муассасанинг АҚШ долларларида қопланиши шарт бўлган мажбурияти юзага келади. Мазкур ҳолда АҚШдаги жами банк кўйилмалари ўзгармасдан қолади. Лекин чет элда АҚШ долларларидаги янги депозит мажбурияти – евродолларлар пайдо бўлади.

Евродоллардаги қарзларнинг анча қисми Америка банкларининг чет элдаги ўз филиаллари олдидаги мажбуриятларининг кўпайишида ифодаланади. Бунда қарзларнинг 75 фоизи Нью-Йоркдаги энг йирик муассасаларнинг филиалларига тўғри келади. Ушбу депозитларни қабул қилиб оладиган Европа банклари ва филиаллари уларнинг эгаллари, одатда АҚШ пул бозоридаги ставкалардан юқори ставкалар бўйича фоиз тўлайдилар ва Америкадаги ҳамда чет элдаги фирмаларга, шунингдек, АҚШ банкларига қарзга пул берадилар. Кредитга эҳтиёжни қоплашга етарлича маблағни мамлакат ичида жалб этишга тижорат банкларининг қурби етмаган тақдирда улар зарур ресурсларни олиш учун евродоллар бозорига мурожаат қиладилар⁴.

Кўпинча бу манбадан банкларда ўтказилаётган муддатли депозит сертификатлари суммаси қисқарган ёки бир озгина ошган даврларда фойдаланилади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларидан яна бири захира фондларини олиш назарияси ҳисобланади.

Захира фондларини олиш назарияси. Ликвидликни таъминлаш мақсадида кредитдан фойдаланишнинг кенг тарқалган усулларидан биридир. Ушбу фондлар Марказий банкдаги ҳисобварақларда сақланадиган депозит қолдиқларидир. Кутилмаганда кўйилмалар оқими кела бошлаган ёки ссудалар қисқарган тақдирда тижорат банкларида ортиқча захиралар юзага келиши мумкин. Бу маблағлар даромад келтирмаслиги сабабли, банклар уларни қисқа фурсатга бошқа банкларга фойдаланиш учун бериб қўядилар. Захиралар мажбурий ҳажмини тиклаш ёки активлар сотиб олиш учун маблағга муҳтож бўлган банклар эса ушбу ортиқча маблағларни бажонидил сотиб оладилар.

Захира фондларига оид бир кунлик операциялар ўз моҳиятига кўра, ссудалар билан таъминланган бўлади. Баъзан банкларнинг бири бошқасига давлатнинг қимматли қоғозларини сотадиган бўлса, битим қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битим шаклини касб этади. Бундай битимлар, одатда бир кунлик муддатга мўлжалланади. Лекин айрим битимлар бўйича тўлов муддати бир ҳафта ёки, ҳатто, бир неча ҳафтани ташкил этиши мумкин.

⁴ Modern Banking Shélagh Héffernan Proféssor of Banking and Financé, Cass Businéss School, City Univérsity, London Copyright 2005 John Wiléy & Sons Ltd, Thé Atrium, Southérn Gaté, Chichéstér, Wést Susséx PO19 8SQ, Éngland

Захира фондларига оид операциялар механизми оддийгинадир. Таъминланмаган типик битим тузилган тақдирда иккита банк шарт-шароитлари тўғрисида келишади, сотувчи банк Марказий банкка белгиланган миқдордаги маблағни ўзининг захира фондидан харидор банкнинг захира ҳисобварағига ўтказишни таклиф этади. Кейинги куни банк очилиши чоғида аксинча битим амалга оширилади. Фоизлар одатда алоҳида чек билан тўланади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларига қайтариб сотиб олиш тўғрисида битимлар назариясини ҳам қўшишимиз мумкин.

Қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар назарияси. Захира фондларига оид банклараро операцияларга қўшимча равишда банклар билан давлат қимматли қоғозлар бўйича диллерлар ҳамда бошқа инвесторлар ўртасида шуларга ўхшаш битимлар амалга оширилади. Бу битимлар қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар (repurchase agreements IRF) ёки шунчаки (Репо) деб номланади. Бундай битимда активларни сотиш қайтариб сотиб олиш шартлари асосида белгиланган кунда ва олдиндан келишилган нархда амалга оширилади. Бундай битимлар вақтинча бўш маблағлар учун муҳим канал бўлиб қолган. Чунки, уларнинг иккала томоннинг эҳтиёжларига мослаштириш осон. Улар бир кундан бир неча ойгача муддатга тузилиши мумкин. Лекин кўпинча қисқа муддатга тузилади. Таввакалчилик хатари юқори эмаслиги «Репо»нинг афзаллигидир. Чунки «Репо» битимлари – банк захираларини бараварлаштиришнинг энг яхши воситасидир. Банк активларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятини олган ҳолда сотганидан тўлов харидорнинг депозит ҳисобварағини дебетлаш йўли билан ёки бошқа банкка ёзиб берилган чек орқали амалга оширилади. Биринчи ҳолда банкнинг мажбурий захиралари камаяди. Чек олганида эса номига чек ёзилган банкнинг захираларига нисбатан сотувчи банкнинг муайян ҳуқуқлари юзага келади. Одатда, бундай қимматли қоғозлар объект бўлса-да, ссудалар ҳам шундай объект бўлиши мумкин.

Қисқа муддат ичида пассивларни бошқариш қўйидаги қоидаларга риоя этишни назарда тутаяди: активлар ва пассивларни қайтариш муддатларидаги узалишлар ёки турли вақт оралиқларидаги фоизларга сезгир активлар ва пассивларнинг ҳажмлари ўртасидаги номувофиқликларни синчковлик билан кузатиб бориш. Фоиз ставкалари динамикасини ҳисоб-китоб ставкасидан фарқли бўлса, ликвидликнинг сусайиш хафи ошади; фондлаштириш манбалари бўйича таваккалчиликларни диверсификациялаш ва ресурсларни тўлдиришнинг муқобил тарздаги хилма-хил манбаларини топиш.

Фондларни бошқариш стратегиясини бошқара бориб, тижорат банклари банк хизматлари бозорида: муддатли депозитли майда омонатчиларни; муддатли катта қўйилмалар кам сонли йирик миқдорларни кўзлаб ҳаракат қилишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, банк ресурсларини бошқаришда банк хизматлари бозорини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ушбу минтақадаги бошқа банкларнинг қўйилмаларини жалб этиш шарт-

шароитлари тўғрисида ахборот беради. Банк қўйидагиларни: қўйилмаларга оид манфаатлироқ шарт-шароитларни; янги молиявий маҳсулотларни; қўшимча хизматларни (масалан, бозор тўғрисидаги ахборотни ва бошқа кредит муассасалари фоиз ставкаларининг таққосланиши); хизмат кўрсатишнинг хилма-хиллигини таъминлаш даражасини ошириш ва бу асосда банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш катта аҳамиятга эга

1.4.Тижорат банкларини бошқаришни ташкил қилиш асослари

Банклар ва банк тизими барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатда муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бутунжаҳон банклар фаолиятини назорат қилувчи органлар мамлакат банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида доимий изланиш олиб бормоқда ва ушбу йўналишда бугун турли янгилик ва инновациялар ишлаб чиқмоқда.

Ҳар бир банк учун тижорат банклари ликвидлиги, тўлов қобилияти, барқарорлик ва ишончлилик энг зарур омиллар ҳисобланади. Шундай бўлса-да, турли адабиётлар ва олимлар нуқтаи назарига кўра, ушбу тушунчаларда моҳиятан турли ўхшашликлар мавжуд. Шу боис, айти тушунчаларни турли манбалардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Энг аввало, бизнингча, тижорат банклари ликвидлиги, тўлов қобилияти, барқарорлик ва ишончлиликни қўйидаги расм орқали тўлароқ ифодалаш мумкин.

Ликвидлик тижорат банклари фаолиятида энг асосий тушунчалардан биридир. У тижорат банклари ишончлилиги ва барқарорлиги асосини ташкил этади ва банкнинг тўлов қобилияти бўлишига замин яратади. Тижорат банклари мижозлар ва кредиторлар олдида ўз имижини сақлаб қолиши учун, энг аввало, уларнинг ликвидлиги ва тўлов қобилияти мустаҳкам бўлиши лозим.

Ликвидлик – банк мажбуриятларини керакли вақтда, яъни талаб этилган пайтда бажара олиш қобилияти ҳисобланади. Тўловга қобилиятлилик эса банк мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир¹. Агар банк мижозлари олдидаги депозитларни қайтариш вақти этганда бажара олмаса, у вақтинчалик ликвидли бўлмайди, лекин банкка маблағлар келиб тушгач, мажбуриятларни тўлай олади ва ўзининг ликвидлигини тиклайди. Ушбу вазифани банклар ташқи қарз ёки банклараро кредитлар евазига ҳам амалга ошириши мумкин. Банк мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслиги унинг тўлов қобилиятига таъсир етмайди. Тўловга қобилиятли банк ертами-кечми, ўз мажбуриятларини, албатта, бажаради. Ликвидли банк эса мажбуриятларини ўз муддатида бажарадиган банкдир.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда банк ликвидлигига қўйидагича таъриф бериш мумкин: «Банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келажакдаги мажбурият ҳамда тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва керакли миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда

ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндисидир⁵»

Банклар ишончилиги деганда уларнинг ўз мижозлари олдидаги мажбуриятини, яъни биринчи талаб биланоқ амалга ошириш лаёқатига эга бўлган фаолиятини тушунамиз. Ишончилиikka эришиш учун эса банклар ликвидлик ва тўлов қобилиятига эга бўлиши, барқарорлик лозим.

Банк барқарорлиги банклар олдидаги мавжуд барча функцияларни тўлиқ бажариш, демакдир.

«Банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолиятини, ўз функцияларини тўлақонли бажара олишларини таъминлаш имконини берадиган даражадаги барқарор ҳолатидир»³.

Банк тизими барқарорлигини ҳар қандай шароитда, эришилган даражани сақлаб қолган ҳолда ривожланиш, тараққиёт сари интилиш, деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Банк тизими барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсатининг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади⁴.

Банклар рентабеллигини ошириб бориш уларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун тижорат банклари ёки банк тизими активлари рентабеллик (ROA) кўрсаткичларини доимий таҳлил этиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки айни кўрсаткич орқали банк рискларини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. ROA ни таҳлил этиш натижасида банкларнинг кредит rischi, фоиз rischi, ликвидлик rischi, операцион риск ҳамда банк фойдалилик даражасига таъсир этувчи ҳар қандай рискларни баҳолаш имкони пайдо бўлади.

Назорат учун саволлар

1. Тижорат банклари ресурслари ва уларни ташкил қилишнинг умумий жиҳатлари нималардан иборат?

2. Тижорат банкларини бошқаришни ташкил қилиш асослари ҳақида гапириб беринг?

3. Молиявий ресурсларни бошқаришни ташкил қилишнинг тамойиллари нималарда ифодаланади ва унинг қандай хусусиятлари мавжуд?

⁵ Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. – Т.: Эхтрэмум Пресс, 2010. – 9-бет.

2- боб. Тижорат банклари фаолиятида актив ва пасивларни бошқаришни ташкил қилишнинг умумий асослари

2.1.Тижорат банклари актив ва пасивлари ҳақида тушунча.

2.2.Тижорат банклари актив ва пасивларининг таркиби.

2.3.Актив ва пасивларни бошқаришни ташкил қилишнинг тамойиллари ва усуллари.

2.4.Тижорат банкларининг ўз ресурслари, уларнинг таркиби.

2.5.Тижорат банкининг жалб қилинган ресурслари ва уларни таркиби.

Таянч иборалар: банк, актив операция, пасив операция, ресурс, бошқарув, капитал, омонат, миллий валюта, пул маблағлари, аҳоли, чакана хизмат.

2.1.Тижорат банклари актив ва пасивлари ҳақида тушунча

Банкларнинг операциялари уларнинг бевосита фаолияти орқали (вазифаси) амалга оширилади. Бундай вазифаларни ўзаро боғлиқ икки турга бўлинади. Пасив (банк ресурсларини шакилантириш бўйича операциялар). Актив (бундай ресурсларни жойлаштириш ҳамда фойдаланиш билан боғлиқ операциялар).

Банк ресурслари ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлардан вужудга келади. Ўзига тегишли маблағлар одатда банклар тасарруфидаги барча ресурсларнинг фақат унча катта бўлмаган қисмларини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми депозитлар ёки банкларнинг мижозларига қаршли омонатлардан иборатдир.

Банкнинг актив операциялари унинг операцияларининг аниқлаб берувчи қисми ҳисобланади. Активлар структураси деганда банк баланси активлари турли сифатли моддаларининг баланс якунига нисбати тушунилади. Банк активларининг сифати активлар структураси, актив операцияларни диверсификациялаш, рискли активлар хажми, критик ва тўлиқ бўлмаган активлар ҳамда активларнинг ўзгарувчанлик хусусиятлари билан аниқланади.

Тижорат банклари активларини 4 категорияга бўлиш мумкин: кассадаги нақд пул ва унга тенглашган маблағлар; қимматли қоғозларга инвестициялар; ссудалар; иморат ва ускуналар.

Европа мамлакатларида, Буюк Британияда энг ликвид активларнинг салмоғи тахминан 3%ни эгаллайди. Бу биринчидан, алоҳида мамлакатлар марказий банкларининг турли резерв талаблари билан; иккинчидан, турли мамлакатлар банкларининг активлар классификацияси ўртасидаги номуносивликлар билан тушунтирилади.

Бу борада иқтисодчи Мурадова Л. ўзининг иқтисодий олиб борган амалий изланишларида шундай келтиради; “Иқтисодий ривожланаётган

мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам тижорат банклари активлари билан боғлиқ айрим муаммоли вазиятлар мавжуд. Асосан бундай ҳолат кредитни ёпиш учун катта миқдордаги резервлар билан боғлиқ ҳолда йирик тижорат банклари фаолиятида кузатимиз мумкин”,- деб таҳлил кўрсаткичлари билан изоҳлайди.⁶

Даромад келтиришига қараб банк активлари: даромад келтирувчи активларга ва даромад келтирмайдиган активларга бўлинади.

Даромад келтирувчи активларга куйидагилар киради: барча берилган кредитлар (жумладан банклараро кредитлар); инвестициялар; ғазна векселлари; давлат облигациялари; қимматли коғозлар.

Даромад келтирмайдиган активлар: пул активлар гуруҳи; асосий воситалар; капитал харажатлар; барча моддий активлар ва бошқа активлар; номоддий активлар.

Бу гуруҳда пул маблағидан ташқари барча активлар ҳам ликвид активларга киради.

Иккинчи гуруҳ активларига банк фаолиятида катта эътибор бериш лозим. Чунки бу гуруҳда активларнинг сифатини туширувчи активлар, муддати кечиктирилган фоизсиз ссудалар, муддати ўтган ссудалар ва фоизлар, туланмаган аренда ва бошқалар бўлиши мумкин.

Бу активларнинг даражаси умумий активлар ҳажмидан 3 фоиздан ошмаслиги керак.

Агар бу активлар миқдори икки ва ундан ортиқ марта ўрнатилган нормадан ортиқ бўлса, банк фаолияти жуда муаммоли, унинг кредит сиёсати жуда заиф деб баҳоланади.

Банклар актив операцияларининг яна бир муҳим тури товарлар бўйича ссудалар, яъни товарларни гаровга қўйиб ссуда олиш ҳисобланади. Товарлар бўйича ссудалар банк томонидан товарнинг тўлиқ бозор қийматида эмас, балки унинг бир қисмида (50 - 60 фоиздан юқори булмайди) берилади.

Тижорат банкларининг асосий актив операцияси бу кредитлаш фаолиятидир. Кредит муносабатларининг субъектлар: хўжалик органлари, аҳоли давлат ва банкларнинг ўзидир.

Банк активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар: нақд маблағлар, қарзга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб - ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари банкда номоддий активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этадилар. Банк активлари таркибининг тўғри белгилаб олиниши ва улардан мақсадли фойдаланиши банкларнинг самарали фаолият олиб боришига асос ҳисобланади.

Тижорат банкларининг активлари ўзига хос белгиларига кўра яъни ликвидлик ва риск даражасига қараб ҳамда даромад келтиришига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

Банк балансида активлар ликвидлик даражасига қараб акс эттирилади

⁶ “Important issues of increasing the active operations profitability of commercial bank” by Muradova L., “Advanced Science Journal”, Дсэмбэр 2014

ва ликвидлик даражасига қараб улар қуйидаги 3 гуруҳга: юқори ликвидли активлар, ликвидли активлар, ноликвид (паст ликвидли) активларга бўлинади.

1- гуруҳ - юқори ликвидли активлар. Буларга:

а) кассадаги ва йўлдаги нақд пуллар, қимматбаҳо тошлар, монета, чеклар ва бошқа пул хужжатлари;

б) вакиллик ҳисобварағидаги маблағ қолдиқлари;

в) "Ностро" ва "Востро" счетлардаги қолдиқлар;

г) мажбурий резервлар смети бўйича маблағлар қолдиғи;

д) қимматли қоғозлар, ғазна векселлари, давлат облигациялари, ЎРМБнинг қимматли қоғозлари ва облигациялари.

2- гуруҳ - ликвид активлар. Буларга:

а) берилган кредитлар (жумладан, банклараро ҳам);

б) ўз инвестициялари;

в) бошқа қимматли қоғозлар, муддати 30 кунгача бўлган дебиторлар;

3 гуруҳ - ноликвид (паст ликвидли) активлар. Буларга:

а) муддати ўтган ссудалар;

б) муддати ўтган фоизлар;

в) суд аралашуви билан ўзлаштирилиши кўзда тутилган ссудалар;

г) тугалланмаган ишлаб чиқариш;

д) асосий воситалар киради.

Банк доимий тарзда ўзининг ликвидлилигини маълум бир даражада сақлаши керак, яъни ўзининг тўловга қобиллигини шубҳа остида қолдирмаслиги керак. Ликвидликка бўлган талаб активлардан келадиган даромадни ошириш фаолиятига маълум даражада қарши туради.

Бугунги кунда банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг активларини қийматини ўсиши эса ўз навбатида активларни тўғри диверсификация қилиш натижасидир.

Банкнинг активлари қанчалик даражада ликвидли бўлса шунчалик улар билан боғлиқ риск кичик бўлади, аммо шунга жавобан уларга тўланадиган фоиз ҳам шунчалик кам бўлади.

Бугунги кунда республикамизда тижорат банкларнинг актив ва пассив операцияларини бошқаришда ташкилий-иқтисодий механизмини юритишда банк бошқарув органлари яъни акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низом⁷да белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу Низомда банк Кенгаши активларни бошқариш билан боғлиқ

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Қарори, 2012 йил 20 апрел

бўлган актив ва пассивларни бошқариш бўйича қўмита ташкил этишни;

-кредит сиёсатида эса кредит ва кредитларни кўриб чиқиш ички жараёнини ўз ичига олади; дивидендларни тўлаш сиёсати; инвестиция сиёсати; эмиссия сиёсати кабиларни ишлаб чиқиши лозимлиги кўрсатилган

Республикамизда амалдаги қонунчиликка⁸ кўра тижорат банкларининг активларини диверсификациялашда асосий тушунчалардан фойдаланилади:

✓ активлар — кредит, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда молиялаш билан боғлиқ барча бошқа талаблар.

✓ муаммоли активлар — сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар;

✓ махсус захиралар — сифати «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган мажбурий захиралар;

✓ стандарт активларга яратиладиган захиралар — тижорат банки фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури натижасида эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захиралар;

✓ шартлари қайта кўриб чиқилган активлар — шартнома ва (ёки) унга қўшимча келишувга мувофиқ асосий шартлари ўзгартирилган активлар;

✓ тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий захиралар депозитлари — активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захиралар депозитлари;

✓ таъминланмаган активлар — таъминоциз берилган ёки таъминоти белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган активлар. Бундай активлар мустақкам тушумга эга бўлган қарздорга унинг яхши кредит тарихи асосида берилиши мумкин.

Белгиланган тўловга қобиллик доирасидан чиқмаган ҳолда активларга жойлаштирилган капиталдан даромадни ошириш, банкда бошқариш санъатини белгилайди.

Банк ликвидлиликни икки хил йўл билан таъминлаш мумкин:

1.Ортиқча ликвидли активларни йиғиш орқали;

2.Жахон амалиётида кенг қўлланилаётган усул - ликвидлиликни кам даромад келтирувчи ва тез сотилувчи қимматли қоғозларга инвестициялаш усулидир.

Одатда жахон амалиётида банк активларининг нақд пул бўлимига, кассадаги нақд пуллар, мажбурий захиралар фондига ажратмалар, вакиллик банкларга жойлаштирилган депозитлар ҳамда инкассация қилинаётган нақд

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарувининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори 2015 йил 14 июль

пуллар қўшилади, чунки бу маблағлар биринчи талаб қилинганда нақд пулга айланади. Шунинг учун ҳам бу маблағларни банкда "биринчи мудофаа чизиғи" деб аташади, чунки мижоз тасодифан ўз депозитини ёки кредит сўраб келганда айнан шу маблағлардан фойдаланилади.

Банк активлари таркибида биринчи даражали ликвидли активлар хиссаси қанчалик кўп бўлса, банк ликвидлиги шунча юқори бўлади. Лекин, шуни ҳам алоҳида белгилаш зарурки, бундай активлар даромад келтирмайди, шунинг учун бундай таркибий активларни ҳар қандай ҳолатда мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб бўлмайди.

2.2.Тижорат банклари актив ва пасивларининг таркиби

Рисклилик даражасига қараб активлар тўрт гуруҳга бўлинади.

1- гуруҳ рискдан холи бўлган активлар. Буларга: нақд пуллар ва бошқа касса ҳужжатлари, Марказий банкдаги "Ностро", "Востро" счегидаги маблағлар, мажбурий резерв счегидаги маблағлар, ҳазина векселлари, давлат облигациялари, Марказий банкнинг қимматли қоғозлари ва облигациялари киради.

2-гуруҳ кичик рискли активлар. Буларга: бошқа банкларнинг "Ностро" ва "Востро" корсчегидаги олинган лозим бўлган маблағлар, еврооблигациялар, қисқа муддатли биринчи синф таъминланганликка эга бўлган кредитлар ва бошқа ҳужжатлар киради. Бу активлар буйича риск даражаси 20% га тенг.

3-гуруҳ юқори рискли активлар: бошқа банкларга берилган кредитлар, бошқалар учун банк берган гаров ва қафолатлар. Бу активлар буйича риск 50 % га тенг.

4 -гуруҳ энг юқори даражадаги рискли активлар: қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олиш счеги, сотиб олинган векселлар, траст ҳужжатлар ва аккредитивлар, тратталари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, банкнинг тўланмаган акциялари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари, суд жараёнида бўлган кредитлар, аккредитивлар, форвард, сотиш ва сотиб олиш (банк билан ва банклараро) лар киради.

Ҳар бир тижорат банки ўз активларини жойлаштиришни ва уни бошқариш усулларини ўзи ишлаб чиқмоғи зарур. Маълумки, тижорат банклари активларининг қиймати ва улардан олинган фойда ўзгариб туриши мумкин. Активлар билан боғлиқ рисклар активлар баҳосининг ва улар бўйича олинган фойда миқдорининг камайиши активлар бўйича рисклар салмоғининг ошишига олиб келади.

Бу масалани активларни тўғри диверсификация қилиш йўли билан ҳал қилиши мумкин. Чунки баъзи бир активлар бўйича улар қийматини пасайиши бошқа активлар қийматини ўсиши билан қопланиши ва натижада банк активларининг умумий қийматларини сақлаб қолиши имкониятига эга бўлиши мумкин.

Банк активларининг қийматини ва улардан келадиган даромадларни

тўғри ҳисоб-китоб қилиб режалаштириш банк фаолиятининг самарадорлигига олиб келиши, активлар қийматини нотўғри ҳисоблаш, уларни жойлаштириш банкнинг молиявий аҳволида қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Иқтисодиёт нуктаи назаридан активларни бошқариш масалалари пасивлардан алоҳида кўриб чиқилади, бироқ амалиётда улар ўзаро боғлиқдир. Банк балансининг пасив қисмидаги жалб этилган маблағларнинг манбаларини таҳлил қилмасдан актив операцияларни амалга ошириш қийин. Тижорат банки йўналтириладиган ресурсларни депозитлар муддатлиги асосида вақти-вақти билан аниқлаш ва тартибга солиш муаммосига дуч келади.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, жумладан, доимий равишда жозибадор омонат турларини таклиф қилиш, узоқ муддатли банк депозит сертификатларини ва облигацияларини муомалага чиқариш ҳамда бу борада жорий этилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳозирда тижорат банклари томонидан 400 дан ортиқ жозибадор омонат турлари таклиф этилмоқда.

Бугунги кунда банклар ресурс базасининг муттасил ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида банкларнинг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларини кенгайтириб, банк активлари ҳажмининг ошишига имкон бермоқда.

Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли ҳимоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

Банк фаолиятини ташкил қилишнинг илк босқичи, банк ресурсларини шакллантиришдан иборат. Банк ресурсларининг мукамал ташкил қилиниши ва тежамли ишлатилиши ҳар қандай банк фаолиятининг самарали олиб борилишига замин яратади. Ҳосил қилинган ресурслар банкларнинг тижорат ва хўжалик фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади. Бозор иқтисодиёти шароитида банк ресурсларини шакллантириш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банкларининг ресурс базасини шакллантириш нафақат янги мижозларни жалб этиш, балки ресурслар манбалари тузилмасини доимий равишда ўзгартириб туришни ҳам ўз ичига олган ҳолда, банк активлари ва пасивларидан оқилона фойдаланишнинг таркибий қисми ҳисобланади. Банк пасивларидан самарали фойдаланиш депозит сиёсатининг оқилона юритилишидан иборат бўлади.

Тижорат банклари ресурсларининг таркибини тадқиқ қилишдан олдин банк ресурсларининг иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Ресурс - французча «ressourse»⁹. сўздан олинган бўлиб, пул маблағлари, ёрдамчи маблағ, имконият, захира, маблағ ва имкониятлар манбаи, даромадлар манбаи, хом-ашё деган маъноларни ўзида мужассамлаштиради.

Иқтисодий манбаларда «ресурс» сўзи турли ҳил маъноларда, яъни, табиат ресурслари, молиявий ресурслар, иқтисодий ресурслар, инсон ресурслари ва бошқа кўринишларда тез-тез учраб туради. Иқтисодий ресурслар асосий қисми, бу молиявий ресурслар бўлиб, бу ресурслар иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлаш учун фойдаланиладиган пул-кредит ва бюджет маблағларини ташкил қилади.

Молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб, вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, солиқлар, жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, чек- депозит эмиссияси билан боғлиқ маблағлар ва бошқалар ҳисобланди.

Банк ресурслари тўғрисида республикамизда и.ф.н. Б.Бобоев томонидан илмий тадқиқот иши олиб борилган. Унда банк ресурсларининг моҳияти, таркиби, ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўлларини кенг очиб беришга ҳаракат қилган. Республикада пул бозорини шакллантириш ва унда пул ресурслари билан операциялар ўтказишда банклар фаолиятининг стратегиясини ишлаб чиқиш учун банк ресурслари тушунчасини ҳамда банкларнинг ресурслар билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган операцияларнинг моҳиятини тўлиқ англаш ва талқин этиш лозим.

Хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ёзилган назарий манбалар ҳамда амалиётчилар иқтисодий таҳлилларини ўрганар эканмиз, шу нарсага амин бўлдикки, «банк ресурслари» тушунчасига катта эътибор берилган. Масалан, Е.Рид, Р.Коттер, Э.Пилл ва Р.Смитларнинг¹⁰ муаллифлиги остида чоп қилинган «Коммерческие банки» китобида банк балансини гуруҳлаштирилган ҳолда кўриш мумкин ва унда пул маблағларининг манбаларига алоҳида эътибор берилганлиги ҳамда уларни тадқиқ этишда банкларнинг пассив операцияларини чуқур таҳлил қилиш зарурлиги уқтирилганининг гувоҳи бўлдик. Яна бир гуруҳ Д. Полфреман ва Ф. Форд¹¹ каби иқтисодчи олимлар банк фаолиятини таҳлил қилишда банк ресурсларини, банк пассивлари деб кўриб чиқишган ҳамда улар банк акционерлари маблағлари ва жамғармачиларининг маблағларидан ташкил топган, деган фикрни билдиришган. Бу қарашнинг иккинчи жиҳати шундаки, тижорат банклари шу ресурсларни ўз мажбуриятларини бажариши учун мукамал жойлаштиришни афзал кўради ва шу орқали ресурслардан юқори

⁹ Совет Энциклопедия луғати. М. Совет Энциклопедия 1986 г.; Финансово-кредитный словарь М. Финансы и статистика 1986 г. 368 с.; Узбекско-русский словарь. гос. изд-во иностранных и национальных словарей. М.: 1959 г. 343 с.

¹⁰ Э.Рид, Р. Коттер, Э.Пилл ва Р.Смит «Коммерческие банки» перевод с англ. М. Космополис 1991г. стр.-16

¹¹ Полфреман Д., Форд Ф. Основы банковского дело. Перевод с англ. Москва инфра 1996 г. стр.-102.

самара олиш учун каттиқ кредит сиёсатини олиб боради, ҳамда тижорат банкларининг фаолияти мижозлари олдида олган мажбуриятларини бажаришга қаратилган бўлади. Шундан келиб чиқиб, «банк ресурслари» нафақат қарз мажбуриятлари ёки эғалик ҳуқуқини олиш учун маблағ жалб қилиш, балки банк учун даромад келтирадиган захира ва имконият ҳамдир.

Банкнинг пассив операциялари – банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини устида амалга оширилган амалиётларда юзага келади. Молия-кредит луғатларда берилишича, банкларнинг пассив операциялари бу – «Банклар кредит ва бошқа актив амалиётларни бажариш учун ўз ресурсларини шакллантириш операциялари» дир.

Пассив операцияларнинг хилма-хиллиги, уларни бошқариш заруриятини юзага келтиради ва ҳозирги кунда уларни бошқариш банк менежментини ташкил этувчи асосий қисмларидан эканлигини кўришимиз мумкин.

Банк пассивларини бошқаришдаги асосий эътибор банкнинг ликвидлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлиб, бу ерда пассивларнинг ҳар тури алоҳида эътиборга олинади. Пассивларни бошқаришда бегона пуллар билан ишлаш билан бир каторда (яъни жалб қилинган маблағлар) мижозларни талаби ҳам қондирилади.

Банклар ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ўз пассивларини бошқаришни ўта эҳтиёткорлик ва катъий ҳолатда олиб боради ҳамда банкнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлайдилик. Банк пассивларини бошқарилишини кўйидагиларни ўз ичига олади ва олиши керак.

Пассивларни бошқариш – банкни барқарор ресурслар билан таъминлаши, жалб қилинган ва ўз маблағлари ўртасида нисбатни оптимал тарзда белгилаши, пассивларни бошқариш орқали капиталнинг етарлилиги талабларини назорати, ҳамда депозитлар турларини салмоғини кўпроқ бўлишини таъминлаши ва мулкчилик шакллари манфаатларини ифода этиши, шу билан бирга муддатли жамғармаларга алоҳида эътибор берилиши ва ликвидликни таъминланиши лозим.

Умуман олганда, жалб қилинган ресурсларни муддатлари бўйича жойлаштирилган активларнинг муддатлари ва суммаларини мос келиши ва натижавий ҳолатда банк фойда кўриши лозим.

Банк пассивларини бошқаришдан мақсад банкни барқарор ресурслар базаси билан таъминлаш бўлиб, банкнинг олиб бораётган ёки олиб бориши лозим бўлган депозит сиёсатига боғлиқ бўлади.

2.3. Актив ва пассивларни бошқаришни ташкил қилишнинг тамойиллари ва усуллари

Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқаришнинг асосий мақсади – риск даражасини минимал даражага тушириб, фоиз тушумлари ва фоиз харажатлари орасидаги фарқни максималлаштиришдан (барқарор даражада тутиб туриш) иборат.

Ушбу мақсадга бир вақтнинг ўзида актив операциялари ҳажмини ошириш билан бирга депозит потенциалини кучайтириш орқали эришилади.

Актив операцияларини амалга ошириш учун жалб этилган манбалар таҳлилини ўтказиш ва миқдор зарур суммани бериш учун банк маблағлари етарли ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиш зарур. Тижорат банки депозитлар мудатлилиги асосида йўналтирилаётган ресурсларни аниқлаш ва мувофиқлаштириб бериш зарур¹².

Россиялик иқтисодчи олим И.О.Лаврушиннинг фикрича: “Актив ва пасивларни бошқаришнинг моҳияти у кўплаб ўн йилликлар давомида қўлланиб келинган алоҳида бошқарув (активлар, пасивлар ва спредларни) услубларини ягона мувофиқлаштирилган жараёнга бирлаштиришдир. Шундай қилиб, актив ва пасивларни бошқаришнинг асосий вазифаси – банкнинг алоҳида қисмларини эмас, балки унинг балансини яхлитлигича мувофиқлаштирган ҳолда бошқаришдан иборат”¹³.

Ўзбекистонлик иқтисодчиларнинг фикрича, жалб этилган ресурсларни бошқариш – банк ликвидлилиги ва даромадлилигини сақлаган ҳолда активларга маблағ жойлаш мақсадида ресурслар базасини шакллантириш учун эркин пул маблағларини сифатли ва самарали тарзда жалб этишдан иборатдир. Активлар ва пасивларни самарали бошқариш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- банк даромади ва харажатлари орасидаги фарқнинг маржа ёки спред кўринишидаги ортиб бориши;

- кредит ресурсларининг даромадлилик ва таваккалчилигининг зарур даражасига риоя қилиш;

- фоиз таваккалчилигини камайтириш мақсадида банкнинг фоиз ставкасининг ўзгаришларига таъсирчан активлари ва пасивларига алоҳида эътибор бериш¹⁴.

Активлар ва пасивларни бошқаришнинг моҳияти шундаки, банклар ўз активлари ва пасивлари мажмуа(портфел)ларига унинг умумий мақсадлари – юқори даромад ва таваккалчиликнинг меъёрий даражасига эришишда банкнинг қўшма портфели ролини белгилаб берадиган ягона, яхлит бирлик сифатида қарайдилар. Активлар ва пасивларни биргаликда бошқариш банкни депозитлар ва заёмлар сифатида жалб этилган маблағларни ишбилармонлик фаоллиги ва мавсумий цикллари тебранишлари таъсиридан сақлаш воситаси, шунингдек банк мақсадларининг рўёбга чиқишига имкон берадиган активлар портфелини шакллантириш учун маблағ билан таъминлайди.

Хорижлик иқтисодчи олим П.С.Роузнинг фикрича, “активлар ва пасивларни бошқаришнинг моҳияти стратегияларни шакллантириш ҳамда банк баланси тузилмасини унинг стратегик дастурларига

¹² Фазылова С. Управление активами и пассивами: основные вопросы - Спр. Цент.банк Р.Уз., Центр экономических исследований и статистики -Т.: Шарк, 1997. стр. 5.

¹³ Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). – М.: Юристъ, 2003. стр.368.

² Маткаримов М. Формирование ресурсной базы коммерческого банка // Рынок, деньги и кредит. Ташкент. 2005. – №1. стр. 10-11.

мувофиқлаштирадиган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат»¹⁵. Бошқа муаллифлар активлар ва пассивларни бошқаришни фоиз таваккалчилигини камайтириш, даромадларни оптималлаштириш ва банкнинг тўловга қодирлигини таъминлаш мақсадида дисбалансни бошқариш деб таърифлайдилар. активлар ва пассивларни бошқариш шунингдек активлар ва пассивлар тузилмасини уларнинг мудатлилиги, сифати, дифференциаллашганлиги ва нарх тавсифлари нуқтаи назаридан, шу билан бирга банкнинг фаолият жараёнида йўқотишларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлари деб ҳам қаралади.

Шундай қилиб, активлар ва пассивларни бошқариш деганда банк баланси активлари ва пассивлари тузилмасини молиявий менежментнинг муайян стратегиялари ва мақсадларига эришишни таъминлайдиган шакллантириш ҳамда уни кейинчалик мувофиқлаштиришни англаш лозим¹⁶.

Активлар ва пассивларни самарали бошқариш қуйидагиларга эришишни таъминлайди:

- берилган таваккалчилик даражасида активларнинг максимал даромадлилик даражасини таъминлайдиган оптимал тузилмасини;
- пассивларнинг молиявий таъминот манбаларини жалб этиш бўйича харажатларни минималлаштиришни таъминлайдиган оптимал тузилмасини;
- маржанинг, яъни активлар даромадлилиги ва пассивлар харажатлилиги ўртасидаги ижобий фарқнинг, максимал қийматини таъминлайдиган активлар ва пассивлар тузилмасини.

Активлар ва пассивларни самарали бошқариш учун қуйидаги вазифалар бажарилиши шарт:

- “арзон” ресурслар жалб қилиб, сўнг уларни нисбатан баланд фоизлар билан топшириш орқали таъминланиши мумкин бўлган кирим ва чиқим ўртасидаги банк маржаси ёки спредни кўпайтириш ва сақлаб қолиш;

- Марказий банк қимматли қоғозларига, банклараро кредитларга маблағ жойлашни максималлаштириш орқали эришиш мумкин бўлган банкнинг юқори даражадаги ликвидлилигини сақлаб қолиш. Айтиш керакки, Ўзбекистондаги тижорат банклари фаолияти Марказий банк томонидан мувофиқлаштириб турилади. Ликвидлилик коэффиценти, жорий активларнинг талаб қилиб олинадиган ва муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати сифатида белгиланадиган “жорий ликвидлилик кўрсаткичи” (банкнинг сўндирилиш муддати 30 кун ва ундан оз, бир марта бўлса ҳам муддати узайтирилганлари бундан мустасно, ва / ёки аввалги берилган ссудалар қоплаш мақсадида берилган, шунингдек муддати ўтиб кэтган кредитлар) камида 30%¹⁷ ни ташкил этиши шарт.

¹⁵ Роуз П.С. Банковский менеджмент. Предоставление финансовых услуг: пер. с англ. 2-е изд., - М.: Дело Лтд, 1997. стр. 477.

¹⁶ Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). – М.: Юристъ, 2003. стр.370.

¹⁷ Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида N 421НИЗОМ– Т.: Мазкур Низомга АВ 29.01.2013 й. 559-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқаруви Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

² Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). –

Активлар ва пасивларни бошқариш функциясини ташкиллаштириш. Активлар ва пасивларни бошқариш функциясини ташкиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

- тегишли қўмиталар, бўлинма ва рискни бошқариш даражалари ўртасида аниқ ваколатлар ва мажбуриятлар доирасини тақсимлаб чиқиш;

- тегишли ваколат, кўникмалар ва малакага эга бўлган ходимлар ва ресурслар ажратиш;

- қарорлар қабул қилиш жараёнини белгилаб олиш;

- бошқарув маълумотларига бўлган талабларни белгилаб олиш;

- тегишли ташкилий тузилмани қуриш.


Марказий Банкнинг Бошқармаси томонидан 1998 йилнинг 2 ноябрида № 421 остида тасдиқланган “Тижорат банкининг ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги Низом”нинг 3.4-бандига мувофик ҳар бир банкда ресурсларни бошқариш қўмитаси шакллантирилиб, унинг мажбуриятлари - ликвидликни самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида банкнинг турли бўлинмалари ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат.¹⁸

“Ликвидлик-даромадлик” дилеммасини ҳал қилишда активларни бошқаришнинг уч хил ёндошуви мавжуд. Биринчи усул энг оддий усул ҳисобланади, яъни ресурсларнинг умумий фонди усулидир (pull-of-funds). Иккинчи усул – активлар тақсимоти ёки ресурслар конверсияси (asset allocation and conversion of funds). Учинчи усул - ЭҲМ ларни қўллаш орқали бошқаришнинг илмий усули ва таҳлилидан фойдаланиш. Ушбу усуллар активларни бошқаришда ҳар бирининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.

Дастлаб, биринчи усулга тўхталсак. Ресурсларнинг умумий фонди усулида банкнинг барча ресурсларини бирлаштириш ғояси ётади. Тўпланган ресурслар кейин активларга жойлаштирилади. (кредитлар, давлат қимматли қоғозлари, кассадаги нақд пуллар ва б.) . Ушбу усулнинг моҳиятини қуйидаги чизмадан кўриб тушуниш мумкин (3-расм).

М.: Юристъ, 2010. стр.370.

¹⁸ Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида N 421 НИЗОМ– Т.: Мазкур Низомга АВ 29.01.2013 й. 559-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқаруви Қарорига мувофик ўзгартиришлар киритилган



3-расм. Ресурсларнинг умумий фонди усули орқали активларни бошқариш¹⁹

Активларни бошқаришда ушбу усулни амалга оширишда қуйидаги босқичлардан ўтиш даркор:

Биринчиси, маблағларнинг тақсимланиш тузилишини аниқлашда уларнинг улушини белгилаш, бу улуш бирламчи резерв сифатида ташкил қилинади. Бирламчи резервларга балансдаги нақд ва унга тенглаштирилган пуллар ҳамда уларнинг қолдиқлари киради. Бирламчи резервлар тижорат банки ликвидлилигининг асосий манбаси ҳисобланади. Чунки айнан ушбу манба орқали тижорат банклари кунлик ҳисоб-китобларида фойдаланади.

Иккинчиси, иккиламчи резервларни тузиш масаласидир. Тижорат банклари активларни жойлаштираётганда “нокассавий” ликвид активларни тузади. Бундай резервлар юқори ликвидликка эга бўлади. Чунки уларни қисқа муддат ичида нақд пулга айлантириш имконияти пайдо бўлади. Иккиламчи резервларни тузишдан мақсад бирламчи резервларни тўлдириш манбаси ҳисобланади. Иккиламчи резервларга қимматли қоғозлар портфели, айрим ҳолларда ссуда ҳисобварағидаги маблағлар киради.

Учинчи босқич, кредит портфелини тузишдир. Банк бирламчи ва иккиламчи резервларни тузиб бўлгандан кейин у ўз мижозларига ссудаларни бериши мумкин. Банк активлари ичида ссудалар асосий ўрини эгаллайди.

Тўртинчи босқичда, маблағлар тақсимлаб бўлингандан кейин, қимматли қоғозлар портфели таркиби аниқланади.


Юқоридаги таъкидланган усул активларни бошқаришда “ликвидлик-фойдалилик” дилеммасини тўлиқлигича ҳал қилолмайди. Чунки, ресурсларни активларга жойлаштиришнинг аниқ мезонлари ўрнатилмаган. Талаб қилингунча депозитларга, жамғарма депозитларга, муддатли депозитларга ҳамда асосий капиталга нисбатан ликвидлик талаблари

¹⁹ Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). – М.: Юристъ, 2010. стр.370.

ҳисобга олинмайди. Бунинг оқибатида тижорат банкларининг фойдаси йилдан йилга камайиб кетиши мумкин. Шунинг учун, тижорат банклари активларни бошқаришнинг иккинчи усули, яъни – активларни тақсимлаш усулига мурожаат қилишади.

Шундай қилиб, бирлаштирилган (ягона) манба усули банк актив операцияларини ягона манбадан амалга оширилишига қаратилган (уларнинг шаклланиш услуби – жалб этилган ёки банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан эканлигидан қатъи назар). Активлар ва пасивлар ўртасида ана шу вақтда боғлиқлик мавжудлиги банк ликвидлигини таъминлашда хавфли ҳисобланади.

Активлар бошқаришнинг иккинчи усулига батафсил тўхталиб ўтсак. Активларни тақсимлаш усулига кўра, тижорат банкка зарур бўлган ликвид маблағлар ресурслар жалб қилишнинг манбаларига боғлиқдир. Бу усул 4-расмда яққол тасвирланган.



4-расм. Активларни бошқаришнинг ресурслар тақсимои усули²⁰

Активларни тақсимлаш усулида ҳар бир депозит тури бўйича алоҳида резервларни ташкил қилиш назарда тутилади. Ушбу усулнинг энг асосий афзаллиги шундаки, ушбу усулни қўллашда ликвид активларнинг камайишига олиб келади. Бу эса, фойда меъёрини оширади. Ушбу усул тарафдорлари таъкидлашча, фойда меъёрининг ошиши айнан ортиқча ликвид маблағларини ишлатиб юборишligидан келиб чиқади. Умуман олганда, юқоридаги икки усул мажбурий резервлар ликвидлигига урғу беради. Иккала усул минимал ликвидлик даражасига таянмасдан, ўртача ликвидлик даражасига таянади. Бу эса иккала усул учун камчилик ҳисобланади.

²⁰ Роуз П.С. Банковский менеджмент. Предоставление финансовых услуг: пер. с англ. 2-е изд., - М.: Дело Лтд, 1997. стр. 477.

Фондларнинг ажралган (турли) манбалари усули маблағлар жалб этилаётган муайян манбаларни кўриб чиқиш усулидир.

Ушбу усул активларни муайян йўналишда, пассивларнинг муайян манбалари билан, уларнинг ликвидлиги ва даромадлигини таъминлаш мақсадида фойдаланишни кўзда тутиб, бунда ҳар бир алоҳида манбадан олинган маблағ, уларнинг айланувчанлигини ҳисобга олиб, турлича таъминлашни талаб этади.

Риск, фоиз ставкаларининг ўзгарувчанлиги мавжудлигини ҳисобга олиб, ушбу усул айниқса қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишда қўл келади:

- ҳам активлар, ҳам пассивлар ҳажми, тузилмаси, фойдаси ёки зарарини назорат қилиш;

- активлар ва пассивлар устидан шундай назорат ўрнатиш керакки, бунда активлар ва пассивларни бошқариш ҳам ягона бўлиши керак. Бу эса активлар бўйича даромад ва эмитентланган мажбуриятлар бўйича зарарлар орасидаги фарқни максималлаштириш имконини беради;

- даромад ва харажатларни баланснинг ҳар иккала – актив ва пассив томонига киритиб, яъни ҳам активлар, ҳам пассивлар бўйича даромадларни максималлаштириб, банк хизматлари қийматини минималлаштириш.

Ушбу усулнинг устуворликлари:

- бу ерда асосий маблағлар жалб этилаётган муайян манбалар кўриб чиқилади;

- жамғарма ва муддатли қўйилмалар ҳажмларининг умумий қийматини кузатиб бориш имконияти²¹

Активларни бошқаришнинг учинчи усули – илмий бошқариш усулидир. Ушбу усул орқали актив операцияларини амалга оширишда математик модел усулларидан фойдаланилади. Илмий бошқариш усули уч хил саволга жавоб беришни назарда тутди: “муаммонинг моҳияти нимада?”, “муаммо ечимининг вариантлари қандай?”, “қайси вариант энг яхши ҳисобланади?”. Ушбу саволларга жавоб беришни ЭҲМлардан кенг фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги таъкидлаб ўтилган активларни бошқаришнинг уч хил усули анъанавий усуллар қаторига киради. Чунки, бугунги кунда активларни бошқаришда янги ахборот технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Банк ишининг эволюцион тарзда ривожланиши натижасида актив ва пассивларни бошқариш назариялари юзага келди. Ҳозирги кунда 4 та асосий назариялар банк амалиётида маълум. Улар қуйидагилар:

1. Тижорат ссудалари назарияси ;
2. Жойдан-жойга кўчириш назарияси;
3. Кутиладиган даромад назарияси;
4. Пассивларни бошқариш назарияси.

²¹ Фазылова С. Управление активами и пассивами: основные вопросы - Спр. Цент.банк РУз., Центр экономических исследований и статистики -Т.: Шарк, 1997. стр.7.

Тижорат ссудалари назарияси вакиллари тижорат банклари ликвидлиги унинг активларини қисқа муддатли ссудаларга жойлаштирилганда сақланишини таъкидлайдилар. Бунда ссудаларнинг қисқа муддатлилиги, айланиш тезлиги ва даромадлилиги инобатга олинган. Назариянинг камчиликларидан бири шундаки, қисқа муддатли тижорат ссудаси иқтисодиёт нормал ҳолатда бўлсагина ликвидликни таъминлайди, бироқ иқтисодиёт инқирози даврида ликвидликни бошқариш банкларга бир қанча қийинчиликлар туғдириши мумкин.

Жойдан-жойга кўчиш назариясига асосан банк ўз активларини кўчира олиши ёки бошқа кредиторларга нақд пулга сота олиши билан ликвидликни таъминлаши мумкин. Бунда энг яхши ликвидли манба бўлиб узоқ вақтлар осон сотиладиган қимматли қоғозлар ҳисобланар эди, шунинг учун уларни иккинчи даражали резервлар деб қарашади.

Кутиладиган даромад назариясига кўра банк ликвидлигини кредитларни қайтаришда тўловлар графигига, келажакда қарз олувчининг оладиган даромадини қўйган ҳолда режалаштирса бўлади. Ушбу назарияга кўра банк ликвидлигига кредитларни ва инвестицияларни қайтариш муддатларини ўзгартириш йўли билан таъсир этиш мумкин. Назария тарафдорлари фикрича, банклар инвестиция сиёсатини шундай юритишлари керакки, уларнинг қайтариш муддатлари занжири узилмаслиги керак, яъни доимий тушумлар бўлиб туриши лозим ва бунинг натижасида мижозлар олдидаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши керак.

Сўнгги назария тарафдорлари банк ликвидлиги муаммосини бозордан кўшимча маблағлар жалб қилиш йўли билан эришиш мумкин деб таъкидлайдилар. Пассивларни бошқариш назарияси, ривожланиб-тўлдириб борилаётган тижорат банклари ликвидлигини бошқаришда қуйидагиларга асосланади:

1. Тижорат банклари кўшимча маблағларни капитал бозоридан жалб қилиш йўли билан ликвидликка эришиши мумкин. Бу бўйича ғарб мамлакатларидаги амалиёт ўз тасдиғини топди.

2. Тижорат банклари Марказий банк ва бошқа банклардан олинган пул маблағлари ҳисобига ликвидликни таъминлаши мумкин.

Банкларнинг инвестиция фаолияти кредит ресурсларининг узоқ муддатли ноликвид активларга жойлаштирилишини кўзда тутсада, банк ссудалари одатда қисқа муддатли депозитлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Умуман олганда бунгунги кунда банк активларни бошқариш соҳасида банк менежментидан фойдаланиш хорижий банкларда ривожланган бўлиб ҳам ижроия органлари ўзларининг стратегияларни ишлаб чиқиб, уни самарали ижро этиш мақсадида махсус қўмиталар ташкил қилинган. Ушбу қўмиталар ҳар куни ёки ҳар ҳафтада йиғилиб активларни ҳолати бўйича тезкор режалари ишлаб чиқишади.

Бундан кўзланган асосий мақсад – акционерлар ва жамғарма эгаларни ҳимоя қилиш; банк ликвидлигини меъёрида сақлаш; фойдани кўпайтириш мақсадида жалб қилинган маблағларни фоизини бошқариш;

таваккалчиликлар меъёрида бўлган чет эл валюталари айирбошлашидан даромад олиш; капиталнинг етарлилигини таъминлаш, кредитларнинг таъминланганлик ва таваккалчиликлилик даражасига, даромадлилик даражасига кредит қўйилмаларининг ичида ҳар бир кредит турининг салмоғини банкнинг кредит сиёсатига боғлиқ равишда ўзгаришини назорат қилиш; активларнинг ва пасивларнинг фоиз ставкаларининг сезувчанлигини меъёрида сақлаш кабилар ҳисобланади.

2.4.Тижорат банкларининг молиявий ресурслари, уларнинг таркиби

Бугунги кунда банклар фаолияти ҳам бошқа хўжалик юритувчи субъектлар сингари ўз фаолиятини олиб бориши учун етарли даражада пул ва молиявий ресурслари билан таъминланган бўлиши керак, чунки уларнинг асосий таклиф этадиган ва кўрсатадиган хизматлари ҳам пул маблағлари ёки молиявий ресурсларда ташкил топади. Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор”²²

Банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигини янада ошириш, депозит базасини кенгайтириш ва диверсификациялаш, активлар, жумладан, кредит портфели сифатини янада яхшилаш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ҳам ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромаднинг салмоғи барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир. Аҳоли даромадларининг ошиши ўз навбатида уларнинг банклардаги омонатларининг салмоғининг ошишига олиб келди.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозитлари ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар, жумладан, доимий равишда жозибадор омонат турларини таклиф қилиш, узоқ муддатли банк депозит сертификатларини ва облигацияларини муомалага чиқариш ҳамда бу борада жорий этилган имтиёзлар ва қулай шарт-шароитларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ўзининг ижобий натижаларини бермоқда²³.

²² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи. 15.01.2017.


²³ www.cbu.uz. 2015 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари

Банк ресурсларининг иқтисодий моҳиятини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга, таниқли россиялик иқтисодчи олим Лаврушин О.И., қўйидагича таъриф берган: «Тижорат банки ресурслари ёки «банк ресурслари», актив амалиётларни амалга ошириш учун ўз ихтиёрига жалб қилинган ва ўз маблағларининг жамламасидир²⁴».

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, «банк ресурслари» нафақат қарз мажбуриятлари ёки эғалик ҳуқуқини олиш учун маблағ жалб қилиш, балки банк учун даромад келтирадиган захира ва имконият ҳамдир.

2.Молиявий ресурсларнинг асосий манбаи бўлиб, вақтинчалик бўш турган пул маблағлари, солиқлар, жисмоний шахсларнинг пул маблағлари, чек- депозит эмиссияси билан боғлиқ маблағлар ва бошқалар ҳисобланди.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялари ёрдамида шаклланиб, банк балансининг пассив қисмида икки катта гуруҳга бўлиб ҳисобга олинади. Булар: банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларидир. Жалб қилинган ресурсларни баъзи ҳолларда иккига бўлиб қаралади. Биринчиси, бу жалб қилинган депозитлар, иккинчиси, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслардир.



²⁴ И
384

4-расм. Тижорат банклари ресурсларининг шаклланиш жиҳатдан таркибий таснифи²⁵

Банк ресурсларининг асосий қисмини банк мижозларининг маблағлари ташкил қилади. Банк бошқа маблағларини жалб қилиш учун, авваламбор меъёрий ҳужжатлар талаблари бўйича банк ўз капиталининг етарлилик даражаси миқдорини шакллантириши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг ресурсларини ташкил қилиш жараёнида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларнинг бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади. Булар:

- банклараро кредит бозорида Марказий банкнинг фаол иштирок этишининг таъминланиши ва бу ўз навбатида кредит рискинни камайтирганлиги;

- иқтисодиётда нотўловлар муаммосининг мавжудлиги ва кредитнинг қайтарилмаслиги оқибатида тижорат банкларининг зарар кўриш имкониятининг ошиши;

- аҳоли қўлидаги омонатларнинг ўсиши;

- корпоратив қимматли қоғозлар бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва бошқалардир.

Шундай қилиб, ўз маблағлари ва жалб қилинган ёки сотиб олинган маблағлари йиғиндиси таркибий шаклланиш жиҳатдан тижорат банкларининг ресурс базасини ташкил қилади.

Ишончлилик даражаси бўйича банкнинг ўз маблағлари ва уларга тенглаштирилган маблағларидан кейинги ўринда турувчи жалб қилинган ва қарз маблағлари бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирига боғлиқдир:

- фуқароларнинг омонатлари ва юридик шахсларнинг депозитлари фоиз ставкалари миқдори;

- омонат ва депозитларни қабул қилиш, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларини очиш ва уларни юритиш шартлари.

Нобанк секторидан жалб қилинган маблағлар қаторида ишончлилик даражасига кўра депозитлар (асосан муддатли депозитлар) муҳим ўрин тутати, таниқли иқтисодчи олима Г.С. Панованинг фикрига кўра: «депозитлар - мижознинг банкка маълум бир талаблари борлигини тасдиқловчи ҳисоблар ёки битимлар ва шартномаларга асосан мижозларнинг банкларга омонат шаклида

²⁵ И.Р.Тоймухамедов. Банк иши. Ўқув қўлланма, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2005, 144 б.

кўйган пул маблағларидир».¹

Тижорат банкининг ресурс базасини ташкил қилиниши, таҳлили ва бошқарилиши умумий объектив иқтисодий қонунлар ҳамда банк тизимининг тизимли ташкил қилинишига асосланади.

Тижорат банкларининг барча ресурс базасидаги элементрни турли белгилар бўйича гуруҳларга ажратиб ўрганиш зарур. Таҳлил мақсадида ва классификациянинг асосини бошқаришда тижорат банклари маблағлари қайси субъектга тегишли эканлиги ва бу субъектнинг молиявий аҳволи, унга шу маблағлар қайси муддатга зарурлиги ёки бошқача қилиб айтганда, уларнинг ликвидлилик, ишончлилик даражаси, шу маблағлар бўйича мавжуд рисклар ва уларнинг даражасини аниқлашга ва шу омиллар асосида чора-тадбирларни амалга ошириб банкларнинг ресурс базасини барқарор ушлаб туришга ёрдам беради.

Банк пасивларини иккита катта гуруҳга бўлинади :

- Банк капитали ва унга тенглаштирилган моддалар;
- Жалб қилинган маблағлар, депозит ва нодепозит;

3 - жадвал

Тижорат банклари ресурсларининг манбаси бўйича таснифланиши²⁶

Тасниф	Ресурслар турлари	Изоҳ
1	2	3
Манбаи	Ўз маблағлари	Низом, кўшимча капитал, захиралар, фойда ва зарарлар ҳисоб рақамидаги қолдиқ.
	Жалб қилинган ва қарз маблағлари	Мижозларининг ҳамда вакил - банкларининг жорий, депозит, жамғарма ва бошқа ҳисоб рақамларидаги маблағлар; юридик шахслар томонидан олинган кредитлар
Маблағларнинг кимга тегишлилиги бўйича	Банкка тегишли	Ўз маблағлари: жамғармалар, тақсимланмаган фойда, тақсимотдан кейинга жорий даврнинг фойдаси, ўз маблағларини кўпайишига таъсир қилувчи харажатларни ҳисобга олмаган ҳолда эмиссион даромад.
	Банкка тегишли бўлмаган	Банклараро кредит, жалб қилинган депозитлар, махсус жамғармалар, корхоналарнинг ҳисоб рақамларидаги вақтинча бўш пул маблағлари, банкнинг кредиторлик қарзлари, дебиторлар билан ҳисоблашишлар бўйича захиралар.
Муддатига кўра	Узоқ муддатли	Ўз маблағлари, ўз маблағларига тенглаштирилган маблағлар (талаб қилиб олингунча ҳисобрақамларидаги минимал қолдиқлар), узоқ муддатли депозитлар.
	Қисқа муддатли	Қисқа муддатли депозитлар, корхона ва ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамларидаги минимал қолдиқдан ортган маблағлар.
Қиймати	Тўловли	Ўз маблағлари, депозитлар, бошқа юридик шахсларининг кредитлари

¹ Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка, - М.: 1996 стр. 68

²⁶ И.Р.Тоймухамедов. Банк иши. Ўқув қўлланма, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси. 2005, 144 б..

	Нисбатан тўловсиз	Талаб қилиб олингунча ҳисоб рақамлари, корхоналарнинг ҳисоб рақамлари
Ишонччилик даражасига кўра	Ишонччи	Ўз маблағлари, узок муддатли депозитлар, молиявий ёрдам
	Ишончсиз	Талаб қилиб олингунча депозитлар, корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари.
Кўпайиш манбаи		Тақсимланмаган фойда.
	Ўз ички ва ташқи маблағлари	Қимматли қоғозларни чиқариш (акция, облигация, векселлар) шу жумладан, конвертирланадиган, банк активларини сотиш, кўчмас мулкни ижарага бериш.
	Жалб қилинган ички ва ташқи қарз маблағлари	Қимматли қоғозларни конвертация қилиш. Юридик шахсларни ҳисоб рақамларини очиш, фуқароларнинг омонатлари, юридик шахсларнинг депозитлари, банклараро кредитлар.

Фикримизча банк ресурсларига, банкнинг ўз капитали, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағлари кириб, улардан банкнинг актив амалиётларини амалга оширишда фойдаланилади, яъни маблағларни даромад олиш мақсадида соҳаларга жойлаштириш тушунилади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишига банклар томонидан депозитларга жалб қилинган маблағлар миқдори сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш учун аввало, уларга манфаатли фоизлар тўланиши ва янги банк хизмати турларини жорий этиш муҳимдир. Ҳозирги кунда банкларда аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш энг омилкор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Тижорат корхоналарининг бир тури сифатида банк муассасаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг ресурслари асосан қарзга олинган маблағлар ҳисобидан ҳосил қилинади. Маблағларни жалб қилишда банкларнинг имкониятлари аниқланади:

- аввалги ихтисослаштирилган давлат банклари базасида ташкил этилган тижорат банклари учун жалб қилинган маблағлар ҳажми банкларнинг хусусий капиталидан 25 мартадан ошмаслиги лозим;

- ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун – 20 баробардан ортмаслиги лозим;

- очиқ турдаги акционер жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун 10 баробардан ортмаслиги лозим.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд.

1. Тижорат банклари қимматли қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;

2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасининг ошириш;

3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;

4. Депозит операцияларини амалга ошириш.

Депозитлар банкларнинг ссуда капиталини ташкил этиб, банк уни истаган ҳўжаликка жойлаштириши мумкин.

Депозит - лотинча (depositum) сўз бўлиб, сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради²⁷. Иқтисодиётда эса мижознинг ўз маблағини вақтинча фойдаланиш учун банкка топшириши натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабат тушунилади.

Депозитларнинг иқтисодий мазмуни ва уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги туганган ўрни депозит амалларини банк ва мижозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар сифатида ифодаланади. Агар, аҳоли бўш пул маблағларини банкларда бежавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фоизли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига мижозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг каби жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олишади.

Нақд пулга нисбатан депозитнинг устунлиги унинг фоиз келтиришидир. Депозит фақат омонатчига эмас, балки банкларга ҳам фойдалидир. Улар ёрдамида банклар ссуда капиталини яратиш имкониятига эга бўлиб, хўжаликнинг хоҳлаган соҳасига қулай шартлар асосида жойлаштириш имконига эга бўладилар. Депозит фоизлари билан пул фоизлари ўртасидаги фарқ асосида банклар мукофотга эга бўладилар.

Банкнинг депозит операциялари 4 гуруҳга бўлинади:

1 Талаб қилиб олингунча (муддатсиз) депозитлар;

2 Муддатли депозитлар;

3 Аҳоли жамғармалари;

4 Қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан маблағларни жалб қилиш.

Муддатсиз депозитлар – бу мижоз томонидан ўз маблағини хоҳлаган пайтда ҳеч қандай олдиндан огоҳлантирмай олиниши мумкин бўлган маблағлар тушунилади.

Муддатли депозитлар – бу банк томонидан маълум бир муддатга жалб қилинадиган маблағлардир. Муддатли депозитларда маблағ шартномада келтирилган муддатга банкка фойдаланишга топширилади. Бу муддат тугаши билан унинг эгаси маблағни қайтариб олиши мумкин. Жалб қилинган маблағлар ичида муддатли депозитлар асосий ўринни эгаллайди.

Жамғарма депозитлари аҳоли пул жамғармаларининг тўпланиши учун хизмат қилади. Жамғарма депозитларга пул маблағларини жамғариш ёки сақлаш мақсадида шакллантирилган қўйилмалар киради. Уларнинг махсус хусусиятли томонлари - сақлашнинг рағбатлантирилиши ва юқори даромадлилик даражаси, маълум давр ичида жамғарила бориши кабилар ҳисобланади.

Банкнинг ресурслари таркибини икки қисмга жалб қилинган ва ўз маблағларига бўлиб ўрганар эканмиз, улар ҳам ўз вақтида бир неча иқтисодий унсурларда ташкил топганлигини кўраемиз.

Булардан, банкнинг ўз маблағлари умумий олганда ўз акцияларини жойлаштириш, шунингдек резервлар шакллантириш, хар ҳил фондлар


²⁷ Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с.

ташкил этиш, ва тақсимланган фойда ҳисобига шаклланади. Шунингдек банкларда бошқа номолиявий ташкилотлардан фаркли ўларок, ўз маблағлари билан таъминланганлик озрок бўлади. (Бошқа номолиявий ташкилотларда 50% дан юқори, банкларда эса 10% атрофида)

Банк ўз маблағлари таркиби:

- 1) Акциядорлик капитали (Оддий, Имтиғзли)
- 2) қўшимча капитал,
- 3) захира капитали (Захиралар ва махсус фондлар, девальвация)
- 4) Тақсимланмаган фойда
- 5) қайта баҳолаш ортиқчасидан иборат.

Жалб қилинган маблағлари банк ресурслари таркибида 50% ва ундан хам кўпроқ улушни ташкил этиши мумкин. Банкларнинг ривожланиш тараққиётида шунинг билан биргаликда анъанавий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқган холда жалб қилинган маблағларнинг таркибида уни ташкил этувчи манбааларда бир қатор ўзгаришлар юзага келган, яъни бугунги кунда жалб қилинган маблағлар депозит ва нодепозит манбалар ҳисобига шаклланмоқда.



5-расм. Тижорат банклари нодепозит манбалари

5-расмда кўрсатилган инструментлар банкка ресурсларни жалб қилишнинг иккиламчи ёки нодепозит усулига киради, яъни депозит сертификатлари чиқариш, облигациялар, банк векселлари ва бошқа қимматли қоғозлар билан операциялар олиб бориш. Булар депозит манбалардан фарқли ўларок ўз эгасига яъни маблағ жойлаштирувчига маблағ қўйганлигини тасдиқловчи эгаллик ҳуқуқи тўғрисида махсус ҳужжатлари асосида таъминланиши ёки кўзда тутилган шартномалар асосида сотиб олиниши мумкин.

Банкларнинг пул бозоридаги маркетинг тадқиқотларини олиб бориш билан бирга, ресурслар бозоридаги талаб ва таклиф асосида шаклланган пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишнинг замонавий усуллари деб қарашимиз мумкин. Бу усуллардан бири қимматли қоғозлар тоифасига кировчи ёки унинг бир кўриниши бўлган банк депозит сертификатларидир.

Республикамизда депозит сертификатлар амалда бўлиш қоидалари ва бозори шартларини ташкил этиш ва уларнинг муомаласини тартибга солиш мақсадида, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан «Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидалари» ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур тартибга асосан Республикамизда фаолият юритаётган банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга мўлжалланган ўз депозит сертификатларини чиқариб келинмоқда.

Банк томонидан чиқарилаётган сертификатлар халқаро амалиётда ва бизнинг қонунчиликда белгиланган шартлар бўйича икки турда чиқарилиши мумкин:²⁸

1. Юридик шахслар учун мўлжалланган – депозит сертификатлари.

2. Жисмоний шахслар учун мўлжалланган - жамғарма сертификатлари

Депозит сертификатлари - бу қимматли қоғоз бўлиб, эмитент банк пул маблағларининг омонатга қўйилганлиги ҳақидаги гувоҳномасидир ва у омонатчига ёки унинг ҳуқуқий ворисининг депозит суммасини ва унга тегишли фоизларни белгиланган муддат тугагандан сўнг ёки кўрсатилган шартлар бўйича олдиндан олиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Депозит сертификатлари бир йилгача (сертификат чиқарилиши санасидан токи сертификат эгаси сертификат бўйича омонатни талаб қилиш ҳуқуқини олган санагача) бўлган муддатга чиқарилади. Жамғарма сертификатлари эса 3 йилгача муддатга чиқарилиши мумкин.

Маблағ жалб этишнинг нодепозит усулларида яна бир тури банклараро кредитлар ҳисобланади. Банклараро кредитлар – Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш заҳираларнинг ҳолатини тузатиш ва ликвидликни сақлаш учун маблағларни сафарбар этишнинг «ҳисоб ойнаси» деб номланган бир усулидир. Заҳираларни баробарлаштириб боришнинг усули кенг йиғилмаган бўлсада, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

2.5. Тижорат банкининг жалб қилинган ресурслари ва уларни таркиби

Банкнинг ресурслари таркибини икки қисмга жалб қилинган ва ўз маблағларига бўлиб ўрганар эканмиз, улар ҳам ўз вақтида бир неча иқтисодий унсурларда ташкил топганлигини кўрамиз.

Булардан, банкнинг ўз маблағлари умумий олганда ўз акцияларини жойлаштириш, шунингдек резервлар шакллантириш, ҳар ҳил фондлар ташкил этиш, ва тақсимланган фойда ҳисобига шаклланади. Шунингдек банкларда бошқа номолиявий ташкилотлардан фарқли ўларок, ўз маблағлари билан таъминланганлик озрок бўлади. (Бошқа номолиявий ташкилотларда

²⁸ «Банк депозит сертификатларининг чиқариш, рўйхатга олиш ва муомаласи тартиби» тўғрисида Марказий Банк 24.12.1994, № 103, Адлия Вазирлиги, 09.11.1998, № 522

50% дан юқори, банкларда эса 10% атрофида)

Банк ўз маблағлари таркиби:

- 1) Акциядорлик капитали (Оддий, Имтиғзли)
- 2) қўшимча капитал,
- 3) захира капитали (Захиралар ва махсус фондлар, девальвация)
- 4) Тақсимланмаган фойда
- 5) қайта баҳолаш ортиқчасидан иборат.

Жалб қилинган маблағлари банк ресурслари таркибида 50% ва ундан ҳам кўпроқ улушни ташкил этиши мумкин. Банкларнинг ривожланиш тараққиётида шунинг билан биргаликда анъанавий ва хорижий тажрибалардан келиб чиқган ҳолда жалб қилинган маблағларнинг таркибида уни ташкил этувчи манбааларда бир қатор ўзгаришлар юзага келган, яъни бугунги кунда жалб қилинган маблағлар депозит ва нодепозит манбалар хисобига шаклланимоқда.

Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш ҳамда хизматлар тури ва сифатини ошириш масаласи, бугун банкларнинг фаолиятида алоҳида ўрин тутаяди. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан янги омонатларни амалга киритиш, мижозларга манзур бўлган депозитлар шартини янада такомиллаштириш, омонат шартларини бошқа хизмат (маҳсулот) турлари билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида, - “Халқаро молия институтларининг кредитлари, айниқса, лойиҳалар буюртмачилари бўлмиш Республика йўл жамғармаси ва «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан самарасиз ишлатилмоқда. Чунки уларнинг фаолиятида тизим, назорат ва масъулият йўқ²⁹” деб таъкидлаб ўтдилар.

Юқорида келтирилган ижобий натижалар билан бирга тижорат банкларида аҳоли омонатлари билан ишлаш амалиётини ўрганишимиз натижасида тижорат банкларининг тўкнашиши мумкин бўлган муоммолардан бири бу банк ресурсларнинг шакллантириш ва уларни саклаб қолиш бўлиб қолганлигига гувоҳ бўлдик.

Тижорат банклари ресурслари макроиқтисодий кўрсаткичлар каторига киради ва банкнинг ликвидлигига ва даромадлигига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Тижорат банкнинг фаолияти кўрсатиш қамровини оладиган бўлсак улар оладиган фойдалар банк ресурсларини қандай шакллантирганлиги ва қандай шартлар ва турлари бўйича жалб қилганлигига жуда ҳам боғлиқлигини жуда яхши биламиз.

Банк ресурсларини шакллантириш жараёни бу фақатгина янги

²⁹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон 2017 й.

мижозларни банкга жалб қилишнинг ўзи эмас балки банк маблағлари тузилишининг доимий равишда ўзгариб туриши ва таркибидаги пасивларнинг ҳолатига қараб ўз активларини бошқариши ҳам тушунилади. Бунинг учун эса самарали пасивларни бошқариш тизими ёки самарали депозит сиёсатини юритилишини талаб этилади. Мижозлар олдидаги талабни доимий қондириш ҳамда барқарор ҳолатни сақлаб қолиш учун банклар керакли даражада ликвидлик талабларни бажариши керак.

Ресурсларнинг чегараланганлиги бу банкларнинг ривожланаётганлигини ва банкнинг мижозларга боғланиб қолишини ҳамда банклар ўртасида мижозлар учун кучли рақобат муҳити юзага келаётганлигини кўрмоқдамиз. Шунинг учун банк ресурсларини барқарорлигини таъминлаш учун аниқ стратегик режалар билан асосланган депозит сиёсати юритиши асосида депозит портфелининг диверсификацияланганлиги ҳамда юритилаётган депозит сиёсатининг самаралилигига эришиш лозим.

Чунки бугунги шароитда ресурслар жалб қилиш билан биргаликда уларни оптимал тарзда тақсимлаш ва керакли бўлган мақсадларга эришиш, яъни давлат аҳамиятидан ҳам банк ҳамда мижоз манфаатини ҳам кўзлаши керак. Чунки банклар ўз тўлов қобилиятини сақлаши ёки ликвидлигини сақлаб туриши банк учун ҳам мижоз учун ҳам энг муҳим бўлиб, учинчи томонидан назорат қилувчи муассаларнинг ҳам қарашларини қондиради. Иккинчи тарафдан ликвидлик ҳамда даромадлилик бир бирига нисбатан тесқари пропорционалдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда банк жалб қилинаётган манбааларнинг сифатига шу билан биргаликда йўналтирилаётган соҳалар ишончлилигига кучли эътиборни қаратишлари керак.

Мамлакатимиз Президентининг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида» ги Қарорига мувофиқ республика тижорат банклари ўртасида ҳар йили аҳоли бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш бўйича танлов ўтказилганини эътироф этишимиз мумкин.

Республикамиз тижорат банклари ўртасида аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича ҳар йили танлов ўтказилиши банкларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада жадаллашишига, банк хизматлари сифатининг ошиши ва турларини кенгайтишига, жисмоний шахсларнинг талаб ва истакларини инobatга олган ҳолда янги омонат турларининг жорий этилиши ва кўпайишига олиб келмоқда.

Шунингдек, танлов аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилишда тижорат банкларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини янада кенгайтириш учун ресурс базаларини мустаҳкамлаш, омонатларни жалб этишда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда бу соҳада илғор халқаро тажрибани кенг жорий этишга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобварақларига

кўйиладиган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод қилинган бўлиб, уларнинг манбалари декларация қилинмайди ҳамда ушбу маблағларни омонатчилар ҳеч қандай чекловларсиз тасарруф этадилар.

Шу билан бирга, юқорида таъкидлаганимиздек, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари тўла ҳажмда қоплаб берилиши кафолатланган.

Буларнинг барчаси банк тизимини янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари миллий ҳамда чет эл валютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ омонат турини аҳолига таклиф этмоқда. Буларнинг барчаси банк тизимини янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари миллий ҳамда чет элвалютасида чекланмаган миқдорда ва муддатларда 250 дан ортиқ омонат турини аҳолига таклиф этмоқда.

Назорат учун саволлар.

- 1..Тижорат банклари молиявий ресурслар тушунчаси.
- 2.Тижорат банклари молиявий ресурсларининг таркиби нималардан иборат?
2. Тижорат банкларининг ўз ресурслари, уларнинг таркиби ҳақида гапириб беринг?
3. Тижорат банки ресурсларини бошқаришнинг асосий концепциялари нималарда ифодаланади?
- 4.Тижорат банкининг жалб қилинган ресурслари ва уларни таркибини тушунтириб беринг?

3- боб.Тижорат банкларининг капиталини бошқариш

3.1.Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларнинг тавсифи.

3.2.Банк капиталининг таркиби ва унинг тузилиши.

3.3.Банк капитали ўрнатиш меъёри ҳажмининг ўлчанилиши ва унинг тартибга солиш усули.

3.4.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталини шакллантиришда Базел талабларининг аҳамияти

3.5. Банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбалари.

3.6. Ҳосилавий (дереватив) воситалар.

Таянч иборалар: капитал, банк, биринчи даражали капитал, иккинчи даражали капитал, ресурс, актив операция, пассив операция, бошқарув, , омонат, жалб қилинган маблағлар, Базел келишувлари, пул маблағлари, ахоли, чакана хизмат.

3.1.Банк капиталини ташкил қилувчи асосий элементларнинг тавсифи

Ўзбекистонда тижорат банклари вужудга келишининг дастлабки давридаёқ банк капиталига асосий молиявий манба сифатида катта эътибор қаратилди.

Банк капитали билан банкнинг ўз маблағлари тушунчалари бир хил эмас. Банкнинг ўз маблағлари тушунчаси банк капитали тушунчасига қараганда кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига банк капиталини ҳам қамраб олади. Мавжуд иқтисодий адабиётларнинг қисқа таҳлили шуни кўрсатадики, академик О.И.Лаврушиннинг фикрича «Под собственными средствами банка следует понимать различные фонды, создаваемые в хозяйственной деятельности, а также полученную прибыль по результатам деятельности текущего и прошлых лет»³⁰.

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифлар аксарият ҳолда бир-биридан унчалик фарқ қилмайди, яъни юқорида муаллифлар банкнинг ўз маблағлари ва банк капиталини айрим бир хил тушунчага эга эканлигини кўрсатмоқда. Америкалик иқтисодчилар Крис Дж Барлтон ва Диана Мак Нотоннинг фикрича, банк капитали банк фаолиятида юзага келадиган турли хил кўзда тутилмаган ҳолатларнинг олдини олиш учун етарли резерв бўлиши билан бирга, ўзгарувчан шароитга мослашишда юзага келадиган тўловга қобилияцизликни бартараф қилишда ёрдам беради. Шу сабабли улар банк капиталига «амортизатор на случай неожиданной аварии»³¹ деб таърифлаганлар ва банк капиталининг ҳажми ҳар бир мамлакатда банк

³⁰ «Банковское дело» под редакцией акад О.И.Лаврушина Москва «Финансы и статистика» 1998 г. стр 70

³¹ Крис Д.Ж. Барлтон и Д. Макнотон « Банковские учреждения в развивающихся странах» II том. Всемирный банк Вашингтон, ДС. 1992, стр. 101

тизими ҳамда унинг иқтисодининг ривожланишига қараб турлича бўлишини таъкидлашган.

Банк капитали бу банк таъсисчилари томонидан қўйилган маблағлар бўлиб, у устав капитали ва резерв фондлари, ҳамда тақсимланмаган фойдадан иборат. Банкнинг капитали тўғрисида гапирганда, аввалом бор, банк капитали унинг таъсисчилари томонидан тўпланган маблағ эканлигига эътибор бериш лозим. Турли хил фондлар, тақсимланмаган фойда эса банк фаолияти махсули сифатида юзага келиши мумкин ва улар банк капиталининг ўзгаришига, яъни ошиб боришига замин яратади.

Банк капиталининг ташкил топиши ва фаолият кўрсатишга таъсир қилувчи яна бир омил – бу инфляция бўлиб, бу жараён банк капитали ва унинг кредитлаш жараёнида ўз аксини топади. Банк капиталининг ўсиб бориши банкларни бозор иқтисодиётининг етакчи субъекти сифатида фаолият олиб боришга олиб келмоқда. Жаҳоннинг барча мамлакатларида банкларнинг ликвидлигини ошириш ва мижозлари орасида ишончилигини мустаҳкамлаш мақсадида Марказий Банк томонидан устав капиталининг минимал ҳажми ўрнатилади.

Шу билан бирга, тижорат банки капитали Марказий банк томонидан, унинг фаолиятини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш ва тегишли операцияларнинг амалга оширилишини мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида хулосалар чиқариш учун, асосий иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банклари бажараётган барча операциялар бевосита ёки билвосита банк капиталининг етарлилиги ва унинг сифатига боғлиқ бўлиб, ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобиллигини ва хатардан ҳолилигини баҳолашда банк капиталининг етарлилиги асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг ликвидлигини таъминлашда ва фаолияти давомида дуч келадиган хатарлардан зарар кўрмай чиқиб кэтиш имкониятини беради.

Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган асосий талаблар “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Марказий банкнинг 420-сонли Низомида белгиланган. Низом бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар халқаро Базел қўмитасининг андозаларида кўзда тутилган талабларга мос келади. Базел қўмитасининг андозалари, унга аъзо бўлган ўн иккита мамлакат марказий банкларининг вакиллари иштирокида 1988 йилда ишлаб чиқилган ва 1993 йилда амалиётга жорий этилган.

3.2. Банк капиталининг таркиби ва унинг тузилиши

Банк ўз капитали тушунчасини кенг очиб бериш учун шуни айтиб ўтиш керакки, банк назариясида банк ўз маблағи ва ўз капитали тушунчалари фарқ қилади. Юқорида таъкидлаб ўтилган «Ўз маблағи» тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у банкнинг ички фаолияти жараёнида ташкил топган барча пассивларни (банкнинг устав, захира ва бошқа фондлари, банк ташкил

қилингандаги захираларни, тақсимланмаган фойда ва жорий йил фойдасини) ўз ичига олади.

Банкнинг ўз капитали деганда, банкнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга қаратилган, махсус ташкил қилинадиган фонд ва захираларни тушунишимиз керак. Банк капиталига устав капитали, захира капитали, таъсис фойдаси, банк ихтиёрида қолдирилган ўтган ва жорий йилда тақсимланмаган фойдаси, турли рискларни қоплаш учун ташкил қилинган захиралар киради ва у банк фаолиятида муҳим функцияларни бажаради.

Банкнинг ўз капитали – ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. У иқтисодий маъносига кўра банк капитали функцияларини бажарадиган ўзлик маблағларни ичига олади.

Банкнинг ўз капитали – банк вақтинча жалб қилган қарз маблағларидан фарқли ўлароқ, бевосита банкнинг ўзига тегишли бўлган маблағлардир. Банк капиталининг бошқа корхоналар капиталидан фарқи шундаки, банкнинг ўз капитали айланма маблағларининг 10 фоизини, корхоналарда эса у тахминан 40-50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил қилади.

Банк капиталига банкнинг ўз маблағларининг асосий элементлари киради, яъни қонунчиликка мувофиқ ташкил топган асосий фондлар, банк фаолиятини таъминлаш мақсадида ички манбалар ҳисобига ташкил топган захиралар киради. Улар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак.

- банк фаолиятининг барқарорлиги;
- кредитор ҳуқуқлари бўйича субординацияланганлик;
- қайд қилиб ёзилган даромадларнинг йўқлиги.

Тижорат банклари капиталининг минимал миқдори халқаро Базел кўмитасининг талабларига кўра асосий (биринчи даражали) ва кўшимча (иккинчи даражали) капиталдан иборат бўлиб, у регулятив капитал деб ҳам юритилади. Регулятив капитал – банк фаолиятини бошқариш ва иқтисодий меъёрлар ҳисоб-китобини ўтказиш мақсадида ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган банк капиталидир.

Ўзбекистон Республикаси банклари фаолиятида ҳам регулятив капитал II даражали капитал ва III даражали капиталдан ташкил топган. Амалиётда II даражали капитал регулятив капиталнинг 75 фоизини ёки ундан ортиғини ташкил этиши лозим. II даражали капитал миқдори II даражали капитал миқдоридан ошиб кета, капиталнинг ошиб кэтган қисми капитал ҳисобига олинмайди ёки киритилмайди.

II даражали капитал (регулятив капитални 60 % дан кам бўлмаган қисми) таркибига қуйидагилар киради:

- а) тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялар;
- б) нокумулятив муддатсиз имтиёзли акциялар. Бу акциялар:
 - муайян сотиб олиш санаси ва шартларига эга эмас;
 - эгасининг хоҳишига кўра сотиб олиниши мумкин эмас;
 - банк акциядорлари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ уларга доир дивидендлар тўланмаслиги мумкин;

- улар бўйича ўтган даврдаги олинмаган (нокумулятив) дивидендлар тўланмайди;

д) қўшимча капитал (капиталнинг ортиқча қисми)—оддий ва имтиёзли акциялар бозор нархининг уларнинг номинал қийматидан ошиб кетиши;

е) тақсимланмаган фойда:

- капитал захиралар;
- аввалги йиллар тақсимланмаган фойдаси;
- жорий йил зарарлари.

ф) девалвация захираси.

г) озчилик акция эгаларининг бирлашган корхоналар акциядорлик ҳисоб варақларидаги улуши в.б.

II даражали капитал қуйидагилардан иборат:

а) жорий йилдаги соф фойда;

б) хатарни ҳисобга олган ҳолда, активлар суммасининг 1,25 фоизи ва ҳисоб-китоблардан сўнг II даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдордаги умумий захира;

д) ҳисоб-китоблардан сўнг II даражали 100 фоизли капиталдан ошмаган миқдорда аралаш турдаги мажбуриятлар (акциядорлик ва қарз капитали тавсифларини ўз ичига олган воситалар). II даражали капиталга киритилмаган аралаш турдаги мажбуриятлар, жумладан, имтиёзли акциялар агарда улар қуйидаги шартларга жавоб берсалар, II даражали капиталга киритилиши мумкин:

- тўлиқ тўланган бўлиши керак;
- гаров билан таъминланмаган;
- банк тугатилганда уларга доир талаблар банк депозиторлари талаблари қондирилганидан сўнг қондирилиши;

- акция эгасининг ташаббуси билан ва олдиндан олинган Марказий банк рухсатисиз тўланиши мумкин эмас;

- банкнинг ҳар қандай зарарларини қоплаши ва банкни тўловга қобилияциз деб эълон қилиш ҳуқуқини бермаслиги;

- агар банк охириги 3 чорак мобайнида фойда олмаган бўлса, эмитент хоҳишига кўра ёки оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар (фоизлар) тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишда ушбу мажбуриятларга доир дивидендлар (фоизлар)ни тўлаш муддати кечиктирилиши мумкинлиги;

е) субординар қарз, бу банкнинг қарз мажбуриятлари шакли бўлиб, банк капиталини аниқлаш мақсадида ҳисоб-китоблардан сўнг II даражали капиталнинг 50 фоизидан ошмаслиги керак. II даражали капиталга кирувчи субординар қарз тўлаш муддати этиб келгунга қадар, охириги 5 йил давомида йилига 20 фоизга камайиб бориши шарт. II даражали капитал таркибига кирувчи субординар қарз қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- гаров таъминотига эга бўлмаслик;
- банк тугатилаётганда ушбу мажбуриятлар бўйича талаблар депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг амалга оширилиши;
- бошланғич тўлов муддати 5 йилдан ортиқ бўлиши;

•банкнинг устав капиталидаги валюта қисмига тенг бўлган валюта активларини қайта баҳоланиш ҳисобига ташкил этилган девалвация учун захиралар.

Капиталдан чегирмалар капитал етарлилиги коэффициентлари ҳисоблангунча амалга оширилиши керак.

II даражали капиталдан чегирмалар номоддий активлар, шу жумладан, Гудвиллни ўз ичига олади. “Гудвилл” – харидор томонидан банк сотиб олинаётганда, унинг соф активлари қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида таърифланади (барча активларнинг бозор нархи ва барча мажбуриятларнинг бозор нархи ўртасидаги фарқ гудвиллни ташкил қилади.).

Регулятив капиталдан чегирмалар қуйидагилардан иборат:

•бирлашмаган нобанк шуъба молия корхоналари капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил қилувчи уларнинг ҳар қандай акциялари ва қарз мажбуриятлари;

•бирлашмаган нобанк номолиявий корхоналар капиталига инвестициялар, жумладан, бундай корхоналар капиталини ташкил этувчи ҳар қандай қимматли қоғозлар ва қарз мажбуриятлари;

•бирлашмаган банклар капиталининг ҳар қандай воситаларига инвестициялар.

Банкларнинг резерв капитали ёки резерв фонди фойдадан ажратмалар ҳисобига ҳосил бўлади ва у кўзда тутилмаган зарарлар ҳамда қимматли қоғозлар курсининг тушиши натижасидаги йўқотишларни қоплаш учун мўлжалланган.

Шунингдек, “Капитал захиралар” тушунчаси – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг соф фойда ҳисобига шаклланган захираларни англатади. Захиралардан банк фаолиятида вужудга келадиган турли зарарларни улар юзага келиши биланоқ ҳеч қандай чеклашларсиз қоплаш учун фойдаланилади.

Капитал етарлилигини ҳисоблашда, шунингдек, “Умумий захиралар” тушунчаси ҳам ишлатилади ва у банк фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури (кредитлаш, инвестициялаш) натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш (масалан, яхши кредитлар бўйича зарар кўриб қолинса) учун, лекин айрим муайян операциялар бўйича зарарларни қоплашга мўлжалланмаган захиралар ҳисобланади.

“Махсус захиралар”- «Субстандарт», «кониқарсиз», «Шубҳали» ва «Умидсиз» деб таснифланган кредит ва лизинг операциялари ёки бошқа алоҳида муайян активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун захира ташкил қилинади.

Тақсимланмаган фойда. Тақсимланмаган фойда – резерв фондига ажратмалар ва дивидендлар тўланганидан сўнг қоладиган фойданинг бир қисмидир. Бу ҳисобварағи банкнинг бутун фаолияти давомида олган фойдасининг тақсимланмаган қисми ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Ўз ичига йиллик, соф фойда; бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳоланганда қўшимча қиймат, ҳисобрақамларни олади. Агар банк молиявий

ҳисобот якунларига кўра фойда билан чикса, ушбу ҳисобрақам кредит қолдиқ билан ёпилади.

Бошланғич қийматга нисбатан қайта баҳолангандан қўшимча қиймат ҳисобварағи инфляция натижасида банк асосий воситалари қиймати қайта баҳоланганда, уларнинг бошланғич ва бозор қийматлар ўртасидаги ижобий фарқ, яъни бошланғич баҳосига нисбатан қўшимча қийматининг суммаси акс эттирилади .

Банк капиталининг учта асосий функцияларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Булар: ҳимоя, оперативлик ва тартибга солиш функциялари.

Банк омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилиш банк капиталининг асосий функцияси ҳисобланади. Чунки банк активларининг асосий қисми омонатчилар ҳисобига ташкил топади.

Ҳимоя функцияси зарар кўриш хавфи туғилганда актив захиралар шакллантириш орқали банкнинг тўлов қобилиятини сақлаб қолиш, мабодо банк тугатиладиган бўлса, омонатчиларга компенсация тўлаш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг кейинги фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб беради. Лекин шуни эътиборга олишимиз керакки, тижорат банклари кўпгина корхоналардан фарқли ўлароқ ўзларининг тўловга қобилиятлигини жорий банк даромади ҳисобига таъминлайдилар ва фақатгина зарарнинг бир қисми капитал ҳисобига қопланиши мумкин.

Капитал ўзига хос ҳимоя ёстиғи ролини ўйнаб, йирик, кўзда тутилмаган харажатлар шароитида банкка ўз операцияларини давом эттириш имкониятини беради. Шу каби чиқимларни молиялаштириш учун банкнинг ўз капитали ичига кирувчи турли хил захира фондлар мавжуд. Лекин миждларнинг ссудаларни оммавий қайтарилмаслиги юз берганда, зарарни қоплаш учун акционерлик капитали бир қисминигина ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Банк ўз капиталининг мавжудлиги унинг ишончилиги ва ликвидилигининг биринчи шартидир.

Банк капиталининг ҳимоя функциясига қараганда, оперативлик функцияси иккинчи даражали бўлиб ҳисобланади. У банкнинг ўз маблағларини ер, бино, иншоот жиҳозларни қоплаш учун молиявий захираларни шакллантиришга ажратишни ўз ичига олади. Бу молиявий ресурслар манбайи банк иши фаолиятининг биринчи босқичларида, таъсисчиларнинг биринчи навбатдаги харажатларни амалга оширишларида жуда кераклидир. Банк ривожланишининг кейинги босқичларида банк капиталининг роли муҳим бўлиб, бу маблағларнинг бир қисми тўғри захираларни ташкил қилиш учун узоқ муддатли активларга сарфланади.

Гарчи зарарни қоплашнинг асосий манбаи фойда жамғариш бўлса ҳам зарарни қоплаш учун янги акциялар чиқариш ёки узоқ муддатли қарз олиш мумкин.

Банк капитали тартибга солувчи функцияни ҳам бажаради. Банк капитали кўрсаткичи ёрдамида банк фаолиятига баҳо бериш ва назорат қилиш мумкин. Одатда, банк капиталига унинг минимал миқдори, активлар меъёри ва бошқа банк активларини сотиб олиш шартлари бўйича

талабларқўйилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар, асосан, банкнинг ўз капитали ҳажмидан келиб чиқади. Тартибга солувчи функцияга капитални ссуда ва инвестицион операцияларни чегаралаш мақсадида ишлатиш ҳам киради.

Банклар фаолиятида муаммоли кредитларнинг катта миқдори, соф зарарлар, активларнинг катта миқдорда ўсиши, фоиз ставкалари бўйича юқори даражали таваккалчиликнинг юзага келиши ва бошқа таваккалли ҳолатлар банкларнинг капитал миқдорини талаб қилинган миқдорда ушлаб туришни тақозо этади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддаси ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги” қонуннинг 25-моддасига мувофиқ банклардан банк фаолияти, иқтисодий вазият ва молиявий аҳволига хос риск(таваккалчилик)ка қараб капитал етарлилигининг янада юқори коэффицентлари таъминланишини талаб қилиши мумкин.

3.3.Банк капитали ўрнатиш меъёри ҳажмининг ўлчанилиши ва унинг тартибга солиш усули

Ўзбекистон тижорат банклари капитали таркиби ва унинг етарлилга қўйилган талаблар Марказий банкнинг 2013-йил 30-январда тасдиқланган 949-7-сонли “Тижорат батклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом асосида тартибга солинади.

Банк капиталини таҳлил этишда асосий эътиборлардан бири унинг етарлилик даражасини кузатишга қаратилган. Марказий банк томонидан банклар барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг капиталининг етарлилигини белгиловчи нормативлар ўрнатилган. Унинг учта кўрсаткичи мавжуд. Банклар нормал фаолият олиб бориши учун капиталнинг етарлилик даражасини аниқлаш бўйича ўрнатилган коэффицентлар минимал даражада бажарилиши лозим.

Тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси қуйидаги коэффицентлар ёрдамида аниқланади.

K_1 –умумий капиталнинг етарлилик коэффицент;

K_2 –II-даражали капитал етарлилиги;

K_3 – Левереж коефициенти.

Тижорат банки умумий капиталининг етарлилик коэффицент қуйидагича аниқланади:

$$K_1 = \frac{\text{ТАКУС}}{\text{ТНОАУС}} \quad (1^{32})$$

Бу ерда: ТАКУС – таваккалчиликка асосланган капиталнинг умумий суммаси,(бу сумма чегирмаларни ҳисобга олган ҳолда I-даражали капитал ва 2-даражали капитал йиғиндисидан иборат).

³² Sh.Z.Abdullayeva, U.O'.Azizov Bank ishi. T.Moliya 2017 y 190- bət

ТНОАУС – таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда (ёки рискка тортилган) активларнинг умумий суммаси. Бу сумма чегирмалардан кейин таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда баланс ва балансдан ташқари активлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

Ушбу кўрсаткич (K_1)нинг етарлилигига рухсат этилган даражаси мамлакатимизда 0,1 га, яъни 10 фоизга тенг. “Базел” қўмитаси таклифида эса 8 фоиз қилиб белгиланган.

Тижорат банки Идаражали капитали етарлилиги даражаси қўйидагича аниқланади:

$$K_2 = \frac{\text{II даражали капитал}}{\text{ТНОАУС}} \quad (2)^{33}$$

II даражали капиталнинг (K_2 нинг) етарлилиги 0,05 га ёки 5 фоизга тенг бўлиши лозим.

Левереж коэффицент

Капиталнинг етарлилик даражаси талаблари билан бир қаторда тижорат банклари левераж коэффицентга ҳам риоя этишлари керак:

$K_3 = \text{II даражали капитал}$.

Умумий активлар – номоддий активлар.

K_3 .. Левереж коэффицент– бу банк жами активларининг капитал билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи кўрсаткич. У биринч II даражали капиталнинг номоддий активлар қиймати, жумладан, гудвилни чиқариб ташлаган ҳолда умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланади.

K_3 нинг рухсат этилган минимал даражаси 0,06 га ёки 6 фоиз тенг. Ушбу капитал етарлилиги талаблари фақат капитал етарлилигининг энг кам даражаси ва кредит таваккалчилигини акс эттиради. Банкнинг номоддий активларига банкдаги дастурий таъминот, фойдаланиш ҳуқуқи, маркетинг ва техник маълумотлар ва бошқалар киради. Гудвил юқорида таъкидлаганимиздек, барча активларнинг бозор нархи ва барча мажбуриятларнинг бозор нархи ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Капитал етарлилигини аниқлашда рискка тортилган активларнинг умумий суммасидан фойдаланамиз. Ушбу кўрсаткич банк активларининг қанча миқдори қай даражали рискка асосланганлигини англатади.

“Тижорат банклари капитали етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 949-7-сон низомга мувофиқ баланс активлари риск (таваккалчилик) даражаси бўйича 0, 20, 50, 100 фоизли тўрт гуруҳга бўлинади. Ҳар хил тоифали активлар нисбий таваккалчилиги ўз зиммасига мажбуриятларни қабул қилган шахс тури ва гаров ёки кафолат тавсифига боғлиқ. Масалан, нақд пул 0 фоизли риск (таваккалчилик) даражасига эга бўлса, тижорат кредитлари 100 фоизли риск (таваккалчилик) тоифасига киради. Рискка тортилган активлар умумий суммасини ҳисоблашда ҳар бир актив баланс суммасини унга тегишли риск (таваккалчилик) миқдорига кўпайтириши ва таваккалчилик бўйича аниқланган активлар йиғиндиси

³³ Sh.Z.Abdullayeva, U.O'.Azizov Bank ishi. T.Moliya 2017 y 190- bət

орқали топилади.

Банклар 2015 – 2019 йилларда соф фойдадан ажратмалар ажратиш орқали куйида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда капитални кўпайтириши лозим.

5-жадвал³⁴

Капиталга бўлган минимал талаблар (%)

Йиллар	Регулятив капитал	1-даражали капитал	1-даражали асосий капитал
1.01.2015 йил	10	7,5	6
1.01.2016 йил	11,5	8,5	7
1.01.2017 йил	12,5	9,5	7,5
1.01.2018 йил	13,5	10,5	8,5
1.01.2019 йил	14,5	11	9,5

• 2015 – 2019 йилларда тижорат банклари соф фойдадан ажратмалар ажратиш ҳисобига юқорида келтирилган кўрсаткичлардан кам бўлмаган миқдорда капиталларини кўпайтиришлари лозим. Бу борада тижорат банклари:

• ўз фаолиятида юқори самара берувчи ва кам рискга мойил бўлган операциялар кўламини кенгайтиришлари;

• ўз қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш бўйича сиёсатини қайта кўриб чиқиши ва уни такомиллаштириши;

• банк акциядорларининг салмоғи ва сифатини ошириши ва ўзининг дивидент сиёсатини такомиллаштириши;


• депозит сиёсатини такомиллаштириши, банк ресурсларининг барқарорлигини таъминлаш ва жозибадор депозитлар жалб қилиш чораларини кўриши;

• тижорат банкларининг турли замонавий молиявий хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятини кенгайтириш борасидаги ишларини кенгайтириши лозим.

Юқорида айтилган банк капиталининг функцияларидан хулоса қилиб айтсак, банкнинг ўз капитали – банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларни олдини олиш манбаи бўлиб, унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банклари капиталининг юқори суръатлар билан ўсиш жараёни кечмоқда. Бундай ўсишга нафақат давлат улуши бор банклар, балки бошқа тижорат банкларининг ҳам эришаётгани банк бизнеси учун мамлакатимизда қулай муҳит яратилганлигини кўрсатади. (-расм)

³⁴ Sh.Z.Abdullayeva, U.O'.Azizov Bank ishi. T.Moliya 2017 y 191- бэт



6-расм. Республикамиз тижорат банкларининг жами капитали, трлн сўм³⁵

6-расм маълумотларидан республикамиз тижорат банкларининг жами капитали ўсиб бориш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакатимиз банк тизимининг капиталлашув даражасини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлигини кучайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Натижада 6-расм маълумотларига асосан банк тизимида эришилган кўрсаткичлар нафақат халқаро умумқабул қилинган меъёрларга, балки айрим йўналишлар бўйича ундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди дейишга асосимиз бор.

Хусусан, бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил этиб, у халқаро банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 8 фоиз қилиб белгиланган талабга нисбатан қарийб 3 баробар зиёддир.

Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси бир неча йилдан буён 64,5 фоиздан юқори бўлиб, бу кўрсаткич ҳам жаҳон амалиётида умумқабул қилинган минимал кўрсаткичдан 2 баробар ортиқдир. Банк активлари 2015-йилнинг шу даврига нисбатан 23,3 фоиз ўсиб, 2017-йилнинг 1-январ ҳолатига 80,4 трлн сўмдан ошди.

Ўзбекистон банк тизимида Базел 3 талабларидан келиб чиқиб, тижорат банкларининг регулятив капиталига бўлган талаб: 2016-йил 1-январда 11,5 фоиз, 2019-йил 1-январда 14,5 фоиз бўлиши II даражали капиталга бўлган талаб 2016-йил 1-январда 7,5 фоиз, 2019-йил 1-январда 11,5 фоизга етказилиши режалаштирилган³⁶.

Юқорида айтилган банк капиталининг функцияларидан хулоса қилиб айтсак, банкнинг ўз капитали – банк тижорат фаолиятининг асосидир. У банк мустақиллигини ва турли рисклар бўйича салбий оқибатларнинг олдини олиш манбаи бўлиб, унинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

³⁵ www.cbu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумоти

³⁶ www.cbu.uz.- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумоти

3.4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капитални шакллантиришда Базел талабларининг аҳамияти

Базел IV капитал миқдори бўйича сезиларли даражадаги қаттиқ талаблар ижросида рискка тортилган активлар (RWA) миқдорини қайта ҳисоблаш тизимини такомиллаштириш, кредит rischi, фоиз, операцион риск кабиларнинг контрагентларини қайта ҳисоблаш, кредит ва операцион рискларни моделлаштириш, риск коэффициентлари сезгирлиги ва ўзгариши бўйича ёндашувни шакллантиришга эътибор қаратмоқда.

Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг талаблари кўпгина давлатлар амалиётида қўлланиб келинмоқда. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатадики, қатор хорижий давлатлар олимлари Қўмита фаолиятига танқидий нуқтаи назардан қарайдилар ва уларни доимо Қўмита ўз асосий вазифасини бажара олдимиз, деган савол қизиқтиради. Халқаро Ҳисоб-китоблар Банкига кўра, Қўмитанинг фаолияти банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида назорат ва тартибга солишни кучайтириш ҳамда ягона стандартларни банклар фаолиятига татбиқ қилишдан иборат. Қўмита унга аъзо давлатларнинг банклари фаолияти учун тавсиялар ва кўрсатмаларни шу мақсадга асосланиб ишлаб чиқади.

Тавсияларда дунёнинг барча давлатлари тажрибаси, амалиёти, таклифлари инобатга олинганлиги боис, Қўмита тавсияларини нафақат аъзо давлатлар, балки бошқа давлатлар ҳам ўз амалиётига жорий қилиши ва банк тизимини халқаро талабларга мослаштириб бориши мумкин. Аммо Қўмитанинг тавсия ва талабларини жорий қилиш мажбурий эмас, у ихтиёрий ҳисобланади.

Базел I ҳужжатининг мақсади банклардан юқори йўқотишлар эҳтимолини қоплашга етарли капитални талаб қилиш ва кейинчалик банкларни халқаро миқёсда бир хил рақобатлашиш даражасига олиб келиш эди. Аммо бу ҳужжатга ўз вақтида баъзи олимлар ва экспертлар томонидан АҚШ банкларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ҳам дейилганди. Бунинг сабаби шундаки, 1982 йили Лотин Америкасидаги қарз инқирозининг таъсири натижасида шу йил ўрталарида АҚШнинг 42 та йирик банки банкрот бўлди. 1983 йилда 49 та банк ўзини банкрот деб эълон қилди ва 540 банк банкротлик ёқасига келиб қолди. Депозитларни суғурталаш бўйича федерал корпорация (ФДИС) бу банкларни қутқариш учун 870 млн. АҚШ доллари сарфлаган эди. 1984 йилда 40 млрд. АҚШ долл, миқдоридagi активга эга бўлган йирик банк Сонтинентал Иллиноис Натионал Банк & Трустнинг молиявий тангликка учраши ва ФДИС томонидан унинг 4,5 млрд. АҚШ долларига тенг 80 фоиз акцияси сотиб олиниши АҚШ банк тизими барқарорлигига путур этганлигидан далолат берар эди. Мана шундай шароитда АҚШ банк тизимини назорат қилувчи органлар банкларнинг капитал етарлиликка нисбатан янги талабларини эълон қилди. Натижада, маълум бир вақтдан сўнг Америка банкларининг айланма капитални камайтирилганлиги сабабли, халқаро майдонда бошқа давлат банкларига

нисбатан паст самарадорлик кўрсаткичлари кузатила бошлади. АҚШ назорат органлари эса Базел қўмитасини ишга солиб бошқа халқаро даражадаги банкларнинг ҳам капиталини камайтиришга эришди.

Натижада 1988 йили «International convergence of capital measurement and capital standards», яъни Базел I хужжатининг эълон қилиниши банкларда биринчи даражали капитал рискка тортилган активларнинг 4% ини ҳамда биринчи ва иккинчи даражали капитал 8% ини ташкил қилиши лозимлигини белгилади. Хорижий экспертлар ва олимлар Базел I банк тизимини тўла қамраб ола олмаганлигини таъкидлайдилар. Ушбу мавзунини чуқур таҳлил қилган Джексон ишчи гуруҳи ва бошқалар Базел I даги асосий муаммо назорат арбитражи (regulatory arbitrage - назорат тартибларини банклар томонидан четлаб ўтиш) деб атади.

Уларнинг фикрича, ушбу масаланинг асосий манбаси банкларнинг капиталидир. Чунки банкларда капиталга оид иккита тушунча пайдо бўлди: регулятив капитал - regulatory capital (биринчи ва иккинчи даражали капитал) ва иқтисодий капитал - economic capital (молиявий институтнинг ўз фаолиятдан келиб чиқиб белгилаган капитал қиймати). Кўпгина банкларда инноватив молиявий инструментлар, жумладан, секюритизация орқали икки капитал тушунчалари орасида катта фарқ юзага кела бошлади. Бундан ташқари, Базел I бошқа қатор камчиликларга ҳам эга эди. Уларнинг асосий деб тан олинган баъзиларини санаб ўтиш ўринлидир. Булар:

- рискка таъсирчанликнинг пастлиги, яъни рискка тортилган активлар ичида корхона учун ажратилган кредит корхонанинг тўлов қобилияти аъло (AAA) ёки жуда пастлигига қарамасдан 100% деб саналиши;
- рухсат берилган гаров тури ва кафолат берувчилар рўйхати банклар ишлатадиган рўйхатга нисбатан чекланганлиги;
- барча риск турларининг Базел I томонидан эътиборга олинмаганлиги ёки қопланмаганлиги;

Базел I биринчи навбатда кредит рискини ва 1996 йили унга киритилган ўзгартиришда (Market Risk Amendment) бозор рискини инобатга олган эди, холос. Лекин кўп учрайдиган бошқа риск турлари, масалан, операцион риск, репутацион риск ва стратегик рисклар ушбу талаблардан четда қолган эди;

- барча банклар учун бир намуна - банклар фаолиятининг риск даражаси, ҳажми ва фаолият турига қарамасдан уларга бўлган талаблар деярли бир хил бўлганлиги;

◆ кредитнинг минтақа ва тармоқ, секторларга қараб турли рискка эгаллиги инобатга олинмаганлиги ва бошқалар.

Базел Қўмитаси 2004 йилда Базел I даги назорат арбитражний бартараф этиш мақсадида янгиланган Базел II андазасини нашр этди. Ушбу хужжатнинг асосий мақсадларидан бири, банк активларини секюритизация қилиш орқали балансдан ташқарига чиқарилган ва шу орқали рискка тортилган активлар ҳажминини камайтиришга эришган банклар устидан назоратни қучайтиришга қаратилган эди.

Базел II олдинги андазага чисбатан мураккаброқ усулларни ичига олган бўлиб, учта устунга асосланган эди. II устун (1), минимал капиталга бўлган талаблар (minimum capital requirements) - кредит, операцион ва бозор рискларига чаратилган, (2) назоратчи таҳлили (supervisory review) - бу қисм ўз ичига банк ва назорати ўртасида алоқа ўрнатилиши, шунингдек, назоратчи ва банк ўртасида ҳисобот ва назоратчи таҳлили бўлишига қаратилган (3) бозор тартиб-интизоми (market discipline) - кўпроқ транспарентликни таъминлашга чератилган чоралардан иборат эди.

Базел II нинг капитал етарлилигига қаратилган биринчи Устунда жами рискка тортилган активлар кредит, бозор ва операцион рискларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланиб қўшилган миқдорга тенг бўлар эди:

$$RWA = \{ 12.5(OR+MR) + 1.06 * I[w(i)A(i)] \} t$$

RWA - riskka tortilgan aktivlar;

w(i) - i aktivining risk hajmi;

A(i) - i aktivi;

OR va MR - операцион риск ва бозор rischi.

Юқоридаги параметрларга кўпайтириладиган коэффицентлар Базел Қўмитаси томонидан статистик ҳисоб-китобларга асосланган бўлиб, 2008 йилда кўп давлатлар амалиётига тўғри келар эди.

Банклар рискка тортилган активларни ҳисоблашда уч хил усулни қўллашлари мумкин эди:

- Соддалаштирилган ёндашув - кичик банкларга мўлжалланган бўлиб, улар ўзининг бизнес riskини ҳисоблаш имконияти йўқлиги туфайли Базел Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган тартибни қўлланиши;

- Ташқи рейтинг агентлик-лари ишлаб чиққан риск даражаларига асосланган ёндашув;

- Ички рейтингга асосланган (IRB - Internal Rating-Based) ёндашув - катта ёки мураккаб банклар ўз фаолияти ва ҳолатидан келиб чиқиб ўз активларига риск ҳажмини моделлаштириш усулларида фойдаланишлари лозим эди.

Соддалаштирилган ёндашув Базел I га нисбатан мураккаб ва турли омилларни инобатга олганлигига қарамасдан, унга ўхшаш кўпгина жиҳатларни сақлаб қолди. Баъзи хорижлик иқтисодчиларнинг фикрича, Базел II нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини баргараф эта олмади, балки Базел Қўмитасининг соддалаштирилган усулини ҳатто инқироз юзага келишининг сабаблари қаторига қўшиш ҳам мумкин. Чунки мазкур усул ипотека кредитларининг riskлилик коэффицентини 50 % дан 35% га туширгани (ички рейтингга асосланган усулда ундан ҳам пастроқлиги) Базел I ккинчи андазасининг мукамал эмаслиги исботларидан бири эди.

Ички рейтингга асосланган усул банклардан ҳар бир кредит учун дефолт эҳтимоли (probability of default - PD), унинг дефолт ҳолатида йўқотишлар ҳажми (loss-given- default - LGD) ва дефолтдан кутилаётган таъсирни (expected exposure at default - EED) ҳисоблашни талаб этади. Бу ўз навбатида банклардан жуда мураккаб моделлаштиришни талаб этар ва

асосий элементларини қуйидагилар ташкил этади:

- регулятив капитал ни ҳисоб-китоб қилишнинг янги тартиби;
- контрагентнинг биржадан ташқари битимлари бўйича рискинни баҳолаш;
- капитал доимийлигини таъминлаш бўйича буфернинг мавжудлиги;
- контрсиклик буфернинг мавжудлиги бўйича талаблар;
- базавий капитал етарлилигини баҳолаш бўйича меъёр (SET I);
- асосий капитал етарлилигини баҳолаш бўйича меъёр (TIER I));
- қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи (LCR);
- соф барқарор фондлаш- тириш кўрсаткичи (NSFR);
- молиявий в о с и та (Leverage);
- рискни ҳисобга олмаганда активларнинг капитал билан қопланиши меъёри.

Базел III капиталга бўлган талабни 8% даражасида сақлаган ҳолда унинг таркиби бўйича талабни кучайтиришга муваффақ бўлди, яъни I-даражали асосий капиталнинг роли анча ошгани ҳолда II-даражали капитал салмоғи нисбатан тушди, 2019 йилгача ялпи капитал буфер билан биргаликда 10,5% ни ташкил этиши лозим қилиб белгиланди.

Базел II, шунингдек, икки янги меъёрни жорий этди. Булар - қисқа муддатли ликвидлилик (LCR) ва узоқ муддатли ликвидлилик (соф барқарор молиялаштириш) (NSFR). Қисқа муддатли ликвидлилик (LCR) банкнинг нақд пул маблағларига айланиши мумкин бўлган юқори сифатли ликвид активларини талаб даражасида ушлаш йўли билан юзага келиши мумкин бўлган форсмажор ва таҳликали - стресс-сценарий ҳолатларда 30 кун давомида банкнинг ликвидлигини таъминлашнинг кафолати ҳисобланади. Бу кўрсаткич бугунги кунда 60% дан кам бўлмаслиги, 2019 йилга бориб у 100% ни ташкил этиши лозим.

Узоқ муддатли ликвидлилик (соф барқарор молиялаштириш (NSFR) коэффиценти) - бир йил давомида банкнинг узоқ муддатли активлари унинг барқарор пасивлари минимал миқдорини қоплай олишининг кафолати сифатида ишлатилади. Бу кўрсаткич 100% га тенг бўлиши лозим. Стресс ҳолларда қўлланиладиган яна бир кўрсаткич левераж бўлиб, у I-даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати сифатида аниқланади. Бу кўрсаткичнинг миқдори 3% дан кам бўлмаслиги лозим. Базел III стандартларига таркибий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, уни икки таркибий қисмга ажратиш мумкин:

- Банк капиталининг таркби ва унинг рискка тортилганлик даражаси;
- Банк ликвидлиги рискни назорат қилиш йўллари за усуллари.

Банк тизимида Базел III талабларини жорий қилиш дунёнинг кўпгина мамлакатлар учун жуда муҳим ҳисобланат чунки банк тизими ва банклар: фаолиятини халқаро талаблага мослаштириш, уларнинг беқарорлиги ва ликвидлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат- иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. 2007-2009 йиллардаги молиявий-иқтисодий инқироз дунё мамлакатлари банк тизими учун синов бўлиши билан биргаликда,

уларни барқарорлиги ва ликвидлилигига сезиларли салбий таъсир кўрсатди, кўпгина банклар катта йўқотишларга учради. Бу ҳол банк фаолияти бўйича халқаро: меъёрий талаблар, банкларнинг капитал базаси, ликвидлилиги, молиявий барқарорлиги кўрсаткичларини акс эттирувчи ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва мукамаллаштиришни талаб етди.

Базел II да капитал етарлилигига катта эътибор берилди. Умуман олганда, барча капитал турлари учун етарлилик даражаси оширилган. Лекин умумий капитал етарлилиги ўзгармаганлиги туфайли иккинчи даражали капиталнинг моҳияти ва аҳамияти нисбатан пасайтирилганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда. Базел IIIда:

- Хусусий капиталга қўшимча қатлам қўшилди. Бу қатлам банк ўз фаолиятини яхши юритаётган пайтда 2.5% ни ташкил қилиши ва инқироз ёки зарур кўраётган вақтда ишлатилиш имкониятини беради. Бу ўз навбатида минимал 4.5 % ни сақлаб қолиш имкониятини беради.

- Контрсиклик капитал буфери - яъни иқтисодий инқироз ва таҳликали ҳолатларда банкларни турли молиявий пуфаклардан чеклаш.

- Бутун банк тизимига таъсир қилувчи катта банклар учун қўшимча капитал ва ликвидлилик талаблари.

- Левераж коэффициенти;

- банкнинг барча балансдаги ва балансдан ташқари активларга;

- нисбатан йўқотишларни қамраб олувчи минимал қиймат.

- Ликвидлилик талаби - 30 кунлик стрессли муддат ичида пулга муҳтожликни қоплашга зотилган минимал ликвидлилик коэффициентида эътибор берилди ва бошқалар.

Ушбу ўзгаришлар Базел II даги камчиликларни бартараф этишни мақсад қилганига қарамасдан, Қўмитанинг кейинги ҳужжатида ҳам маълум камчиликлар мавжуд, дея эътироф этилмоқда. Масалан, Маркетреалист нашрига кўра, Базел III нинг қуйидаги камчиликлари банк тизими ривож ва улар фаолиятидаги рискларини бартараф этишга салбий таъсир қилади:

Биринчидан, Базел III да капитал етарлилиги бўйича талабларнинг оширилиши банк тизимида рақобатни сусайтиради ва ушбу секторга киришни қийинлаштиради;

Иккинчидан, рискка тортилган активларда катта ўзгаришлар йўқ. Бунинг салбий тарафи шундаки, инқирознинг келиб чиқишига сабаб бўлган ААА рейтингига эга секюритизация маҳсулотлари одатда ўз ортида жуда паст рейтингли активларни яшириб туради;

Учинчидан, Базел III ҳали ҳануз рейтинг агентликлари хулосаларига таянади, лекин молиявий-иқтисодий инқироз уларнинг фаолиятида ҳам риск мавжудлигини исботлади;

Тўртинчидан, Базел III нинг бутун дунёда оммавий қўлланилиши ҳар бир давлатнинг ўз ривожланиш хусусиятларини инобатга олмайди. Бу эса, ўз навбатида, банклар фаолиятини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришга салбий таъсир кўрсатади;

Бешинчидан, Базел III бўйича капиталга талабларнинг оширилиши иқтисодий ўсишни секинлаштириши ва капиталнинг мобил ҳолатга келишига сабаб бўлади. Бу асосан ривожланаётган давлатларга катта таъсир қилади.

Юқорида келтирилган хулосалар асосида, фикримизча, Ўзбекистон банк тизими Базел III талабларини амалиётга жорий қилишда юқорида келтириб ўтилган, исботланган камчиликларни инобатга олиши, Базел кўмитаси талабларини жорий қилишда мамлакат иқтисодиёти, унинг тараққиёт суръатлари ва банк тизими ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиши, ҳар йили Базел кўмитаси талабларини жорий қилиш бўйича таҳлиллар натижаларидан келиб чиқиб талабларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиб бориши лозим.

3.5. Банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбалари

Банк капитал ҳажмини аниқлаш нафақат зарурий назарий саволлардан бири ҳисобланади, балки у тартибга солиш нуқтаи-назардан амалий аҳамиятга ҳам эга. Банк капиталини тартибга солишнинг зарурияти, аввало банкнинг банкротлик рискига йўлиқишини чегаралаш ва банкга нисбатан жамоат ишончига сақлаш билан белгиланади.

Банкнинг қандай ҳажмдаги капиталга эга бўлиши кераклигини белгилашдан олдин, унинг қандай ўлчанишини аниқлаш зарур. Банк капитални ўлчашнинг уч тури маълум:

- Бухгалтериянинг умумий қабул қилинган тамойиллари бўйича;
- Бухгалтериянинг тартибга солиш тамойиллари бўйича;
- Бозор қиймати бўйича

1. Бухгалтериянинг умумий қабул қилинган тамойиллари бўйича капитал унинг баланс қиймати бўйича баҳоланиши мумкин. Капиталнинг баланс қиймати банк активларнинг ва мажбуриятларининг баланс қиймати ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. Бу ҳолатда банк активларининг ва мажбуриятларининг катта қисми банк балансида уларни сотиб олиш ёки ишлаб чиқариш қийматида баҳоланади. Вақт ўтиши билан уларнинг бирламчи баланс қийматлари ўзгаради, бу эса капиталнинг етарлилик даражасини аниқлашда ўз таъсирини кўрсатади.

2. Бухгалтериянинг тартибга солиш тамойиллари бўйича банк капитални, унинг барча асосий таркибларининг қийматлари суммаси сифатида ҳисобланади. Капитал таркибига қуйидаги элементрни киритиш : субординар қарзлар ва банкнинг шубба корхоналардаги улуши, бошқарув органлари, банк капиталининг барқарорлик даражасини қисман оширади.

3. Банк капиталининг бозор қиймати банк активларининг ва мажбуриятларининг бозор қийматлари ўртасидаги фарқ орқали аниқланади. Ушбу услуб ҳақиқий капитал ҳажми тўғрисида нисбатан аниқ маълумот беради.

Банк капиталини бошқаришнинг асосий услублари бўлиб, устав капиталнинг минимал ҳажми ва капиталнинг адекватлик кўрсаткичларига ўрнатилган талаблар ҳисобланади.

Устав капиталнинг ҳажми, уни шакллантириш ва ўзгартириш тартиби банк Низоми билан белгиланади. Банкнинг ўз капиталини кўпайтириш банк ҳамкорларининг манфаатларидан келиб чиқади ва у банк тизимининг барқарорлик шартларидан бири ҳисобланади. У банкка актив операциялар ҳажмини кенгайтиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга имкон беради. Бир вақтнинг ўзида мижозларга хизмат кўрсатишнинг молиявий кафолати ошади, кўрсатиладиган хизматлар доираси кенгайди, банклараро рақобат вужудга келади. Капитални бошқариш жараёни уни тўлдиришнинг манбаларини қидириб топишга боғлиқ. Банк капиталини тўлдиришнинг манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади.

Капитални кўпайтиришнинг асосий ички манбаси бу фойданинг акционерларга тўланмайдиган ва банкда қоладиган қисмидир. Капитални кўпайтирининг бундай усулининг асосий афзалликлари қуйидагилар:

- янги акцияларни жойлаштириш бўйича харажатларнинг йўқлиги;
- банкнинг очиқ бозор маблағларига нисбатан мустақиллиги;
- янги шахсларнинг банкни бошқаришдаги қатнашишини чегаралаш ҳисобига мавжуд акционерларнинг манфаатларини ҳимоялаш.

1997 йилнинг охирида Базел Қўмитаси банкнинг ўз капиталини аниқлаш ва ўлчашда халқаро яқдилликка риоя қилишга доир таклифлар ишлаб чиқди. Бу ерда асосий ғоя банк капиталини юқори рискли тортилган активлар умумий ҳажмининг минимал ўзгармас миқдорига етказишдан иборат эди. Бошқа давлатларга капитал қўйишда юзага келувчи рискларни инобатга олишга катта эътибор бериш лозимлиги таъкидланади.

Базел келишувининг асосий мақсади:

1. Тижорат банклари бўғини билан унинг чет элдаги филиаллари фаолиятини бир асосга келтириш;
2. Турли мамлакатлардаги риск даражасини тартибга солиш;
3. Риск даражасини ҳисобга олган ҳолда банк капиталининг етарлилик даражасини бир асосга келтириш ва бошқалардир.

Банк капитали салмоғи ва унинг миқдорини ошиб бориши банк ресурслари ҳамда унинг фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга асос бўлади.

Банк I даражали капиталининг миқдори банк устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Бунда банк I даражали капиталининг миқдорини аниқлаш учун банк устав капитали энг кам миқдорининг миллий валютадаги эквиваленти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳисобот ойининг охири кунига валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш мақсадида белгиланган валюталар курси бўйича аниқланади.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда банкларга нисбатан регулятив капитал миқдорини ошириш тўғрисида талаблар қўйишга ҳақли:

-хавфсиз бўлмаган ва носоғлом банк фаолиятининг юзага келишига олиб келиши мумкин бўлган қониқарсиз молиявий ҳолат;

-банк фойдасининг қониқарсиз прогнози;

-юқори даражадаги банк таваккалчилиги ва баланسدан ташқари моддалар мавжудлиги ҳолатлари аниқланганда.

Ҳар бир банкнинг регулятив капитали унинг монандлигини аниқлаш мақсадида мазкур Низом талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилиши лозим.

3.6.Ҳосилавий (дереватив) воситалар

Банк томонидан форвард келишувлари, своплар, опционлар ва шунга ўхшаш ҳосилавий шартномалар амалга оширилганда, у битимлар тўлиқ номинал қийматида кредит таваккалчилигига учрамайди. Шартнома мажбуриятлари контрагент томонидан бажарилмаганлиги, банк учун пул оқимини алмаштиришнинг потенциал қиймати таваккалчилик ҳисобланади.

Ҳосилавий (дереватив) воситанинг баланс эквиваленти ҳисоблаш омилини ҳар бир воситанинг номинал қийматига кўпайтириш орқали куйидаги жадвалга асосан аниқланади.

6-жадвал

Ҳосилавий (дереватив) воситанинг баланс эквиваленти ҳисоблаш омили

Тўлов муддатлари	Ҳосилавий воситалар	
	Ҳосиласиз асосланган	Валюта алмашув курсларига асосланган
Бир йилгача	0,5%	2,0%
Бир йилдан икки йилгача	1,0%	5,0% (масалан 2%+3%)
Кейинги йил учун	1,0%	3,0%

Ҳисоблаш омили миқдори восита тавсифи ва барча воситалар бўйича қолган қоплаш муддатига боғлиқ, бошланғич қоплаш муддати қўлланиладиган валютавий шартномалар ва олтин бундан мустасно. Юқоридаги усул бўйича ҳисобланган эквивалентларга қарздор тури, кафолат табиати ва таъминотига қараб баланс воситалари сингари таваккалчилик қўлланилади.

Назорат саволлари

- 1.Тижорат банклари капитали тушунчаси.
2. Капитал ва унинг таркиби.
3. I даражали капитал деганда нимани тушунаси?
4. II даражали капитал таркиби нимадан иборат.

4- боб. Банк мажбуриятларини бошқариш

4.1. Тижорат банклари мажбуриятларининг мазмуни ва уларнинг таркибий тузилиши.

4.2. Банкларнинг депозит ресурслари ва унинг таркиби.

4.3. Банкнинг нодепозит манбалари ва хорижий банклар амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантириш усуллари

4.4. Банкнинг мажбуриятларини бошқариш усуллари.

Таянч иборалар: банк, капиатал, мажбурият, депозит, депозит сиёсати, ресурс базаси, Базел талаблари, капитални монандлиги.

4.1. Тижорат банклари мажбуриятларининг мазмуни ва уларнинг таркибий тузилиши

Тижорат банклар ресурс базасининг шаклланиши деганда, банкларнинг шундай операциялари тушуниладики, натижада пассивларнинг активлардан ошган қисмидаги пассив ҳисоб рақамларида ёки актив-пассив ҳисоб рақамларида мавжуд бўлган пул маблағларининг кўпайиши тушунилади.

Тижорат банклари фаолиятида пассив операциялар муҳим роль ўйнайди. Фақат улар ёрдамида банклар кредит ресурсларига эга бўладилар. Тижорат банклари пассив операцияларининг тўртта шакли мавжуд:

- тижорат банкининг қимматли қоғозлар бошланғич эмиссияси;
- фондларнинг шаклланиши ёки кўпайишида банк фойдасидан ажратма;
- бошқа юридик шахслардан кредитлар олиш;
- депозит операциялар.

4.2. Банкларнинг депозит ресурслари ва унинг таркиби

Банк депозитлари тратта, чеклар, пул топшириқномалари, давлат ғазна кафолатлари ва бошқа шаклларда келиб тушса, улар умумий олиш шарти билан қабул қилинади. Бироқ бундай суммалар банкнинг ҳисобварағига келиб тушмагунча ушбу депозитга киритилган ҳисобланмайди.

Тижорат банкларининг депозитлар билан боғлиқ фоизлар банклар томонидан депозитлар билан келишувига мувофиқ белгиланади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, банкларнинг депозитларга тўлайдиган фоизлари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига ҳамда банкнинг нарх сиёсатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистонда қабул қилинадиган депозитларнинг турлари:

- талаб қилиб олингунга депозитлар:
- жамғарма депозитлари:
- муддатли депозитлар:
- жамғарма сертификати:
- бошқа депозитлар:

Талаб қилиб олингунга депозитлар. Талаб қилиб олингунга депозитлар юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик мақсадлари учун хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган ҳисоб варақларидаги маблағларидир.

Талаб қилиб олингунча депозитлар миқдорнинг талабига кўра шартноманинг олдиндан келишилган шартлари асосида ушбу миқдорнинг бошқа турдаги депозитларига ўтказилиши мумкин.

Талаб қилиб олингунча депозитларнинг ижобий томонлари:

-миқдорлар учун бундай депозитлар юқори ликвидли маблағлар ҳисобланади.

-бундай депозитларга маблағлар миқдорларнинг хўжалик ва бошқа операцияларини ўтказиш натижасидан келадиган барча пул маблағлари қўйилади ва олинади.

Муддатли ва жамғарма депозитлари. Банклар томонидан жалб қилинган муддатли депозитлар - юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлашга доир маблағларидир. Муддатли депозит ҳисобварағи очилганда жисмоний шахсларга омонат дафтарчалари берилади.

Маблағлар муддатидан олдин олинганда омонат бўйича фоизларни, шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, банк талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича тўлайдиган фоизлар миқдоридан тўлайди.

Ўзбекистонда **муддатли депозитлар** қуйидаги муддатларга бўлинади:

- муддати 30 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 90 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 180 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кунгдан ортиқ бўлган депозитлар.

Жамғарма депозитлар. Даврий бадаллар асосида шаклландиган жамғарма депозитлари муайян мақсадни амалга ошириш учун депозит ҳисобварақда маълум миқдорда пул суммасини жамғариш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига олинади.

Жамғарма сертификатлари. Жамғарма сертификатлари - аниқ муддатда қоплаш талаби ва қатъий фоиз ставкасига эга бўлган сертификатлар. Жамғарма сертификати банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг сертификатини берган банкдан белгиланган муддат тугашидан сўнг омонат суммасини ва фоизини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

4.3. Банкнинг нодепозит манбалари ва хорижий банклар амалиётида банкларнинг ресурс базасини шакллантириш усуллари

Банкларнинг ривожланиш тараққиётида шунинг билан биргаликда анъанавий ва хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда жалб қилинган

маблағларнинг таркибида уни ташкил этувчи манбааларда бир қатор ўзгаришлар юзага келган, яъни бугунги кунда жалб қилинган маблағлар депозит ва нодепозит манбалар ҳисобига шаклланимоқда яъни банкка ресурсларни жалб қилишнинг иккиламчи ёки нодепозит усулига киради, яъни депозит сертификатлари чиқариш, облигациялар, банк векселлари ва бошқа қимматли қоғозлар билан операциялар олиб бориш. Булар депозит манбалардан фарқли ўлароқ ўз эгасига яъни маблағ жойлаштирувчига маблағ қўйганлигини тасдиқловчи эгаллик ҳуқуқи тўғрисида махсус ҳужжатлари асосида таъминланиши ёки кўзда тутилган шартномалар асосида сотиб олиниши мумкин.

АҚШда ресурс базасининг шаклланишига қараб молия институтлари 2 категорияга бўлинади:

1. Депозит институтлар
2. Нодепозит институтлар.

Депозит институтлар. Тижорат банклари депозит институтларга киради ва ҳукумат агентларига, тадбиркорларга, жисмоний шахсларга чек ва жамғарма ҳисоб рақамларини очади. Тижорат банклари акциядорларнинг капитали асосида корпорация шаклида ташкил этилади.

Жамғарма ва ссуда ассоциациялари кўчмас мулкни гаров асосида кредитлаш ва жамғарма ҳисоб рақамларини юритишга ихтисослашган. Тижорат банклари ўз фаолиятини бизнес соҳаси ва хусусий шахслар билан йирик операциялар ўтказишга йўналтирса, жамғарма ва ссуда ассоциациялари яқка тартибдаги мижозларга хизмат кўрсатади. Бу ташкилотларнинг жамғарма ва кредитлаш хизматлари фоизли чек ҳисоб варақларини, кичик бизнесга кредитлар, жамғарма, инвестицион ва молиявий режалаштиришни ўз ичига олади.

Ўзаро жамғарма банклар омонотчиларнинг мулки ҳисобланади ва кўчмас мулк гарови остида кредитлаш ва жамғарма ҳисоб варақларни юритиш билан шуғулланади. Уларнинг операциялари бўйича олинган даромад омонотчиларнинг омонотларига юқори фоизлар тўлаш йўли билан уларга қайтарилади.

Кредит уюшмалар корпоратив молия ташкилот бўлиб уюшма аъзолари томонидан ташкил этилади ва улар, одатда, кам фойдага эга бўлади. Кредит уюшма аъзолари бир соҳага тааллуқли (ишчилар, балиқчилар, дурадгорлар ва ҳ.к.) ёки бир ҳудудда яшашади. Кредит уюшмалар кредитлар ва мижозларга кўрсатадиган хизматлари бўйича паст фоиз ставкалар белгилашади. Улар кредит карталар, банкоматлар, депозит сейфлар, инвестициялар бўйича хизмат кўрсатиши, ссудалар тақдим қилиши мумкин.

Нодепозит институтлар. Ҳаётни суғурталаш бўйича компания фаолияти йўналишида ҳаётни суғурталаш полисларида суғурталанган жамғарма ва инвестицияларни ифодалаш мумкин.

Инвестицион компаниялар пул бозори фондлари орқали банк операцияларига ўхшаган хизматлар таклиф қилиши мумкин. Мазкур

компаниялар ўз мижозларининг маблағларини қисқа муддатли молиявий воситалар сотиб олишга йўналтириши мумкин.

Молиявий компаниялар асосан узоқ ва қисқа муддатли истеъмол кредитлари бериш ва кичик бизнес соҳасига кредитлар ажратиш билан шуғулланади. Молиявий компанияларнинг кредитлари бошқа кредиторларнинг кредитига нисбатан юқори фойзага эга эканлиги билан ажралиб туради.

Ипотека компаниялари томонидан уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари берилади.

АҚШда молия институтлари ёки банкларининг ресурслари 2 гуруҳга бўлинади: - ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар. Банкларнинг ўз маблағлари таркиби ва миқдорига бўлган талаблар қонун билан белгиланган бўлиб у капитал етарлилиги бўйича белгиланган меъёрларда ўз ифодасини топади.

Жалб қилинган маблағлар АҚШ молия тизимида депозитлар деб номланади. Пул маблағлари ва пул мажбуриятларининг қайси қисми депозитлар қаторига киритилиши бўйича меъзонлар қонун билан белгилаб қўйилган.

Ўз маблағларига тўланган акционер капитал, фойдадан шакллантирилган турли фондлар, субординар қарз киради. Тижорат банкларининг ўз маблағлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- биринчи даражали ёки асосий капитал. Бунга: оддий акциялар, муддатсиз имтиёзли акциялар, тақсимланмаган фойда, фондлар, эмиссион даромад (муассис фойдаси);

- иккинчи даражали капитал. Бунга: муддатсиздан ташқари имтиёзли акциялар, субординар қарзнинг бир қисми, гибрид инвестициялар (облигациялар, конвертирланадиган акциялар), қайта баҳолаш резервлари (хорижий валюта, гаров ва бошқалар), эҳтимолий йўқотишлар бўйича захиралар.

Тижорат банклари фаолиятида капитал ва унинг етарли даражасига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга

АҚШнинг миллий қонунчилигига асосан банкларда капитал етарлилиги 3 та асосий кўрсаткич орқали баҳоланади.

- а) I- даражали капитал етарлилиги бўйича меъёр мин 4% бўлиши;
- б) II-даражали капитал етарлилиги бўйича меъёр 4% бўлиши;
- с) капитал етарлилиги бўйича меъёр- 8% бўлиши лозим.

Капиталнинг етарлилигини ҳисоблашда Базел қўмитаси талабларидан келиб чиқиб банк активлари риск даражасига қараб 0%, 10%, 20%, 50%, 100% га бўлинади. Бундай бўлиниш кўпгина давлатларнинг банк қонунчилигида ўз ифодасини топган.

АҚШда активлар 4 гуруҳга таснифланади.

1-гуруҳ - 0% рискли активлар. Буларга: нақд пуллар (ФРТ ва банк-корреспондентларнинг ҳисоб рақамлари ва бошқаларда бўлган маблағлар) ва АҚШ ҳукуматининг тўғридан-тўғри қарзлари;

2-гурух – 20% рискли активлар. Бу гурухга АҚШ ҳукумати томонидан шартли кафолатланган қарзлар;

3-гурух – 50% рискли активлар, Буларга: оилавий уй-жойлар учун гаров асосида берилган кредитлар, биринчи закладной ва оддий закладной билан таъминланган қимматли қоғозлар, молиялаштириладиган лойиҳалардан олинадиган даромадлар билан таъминланган облигациялар;

4-гурух – 100% рискли активлар. 1-3 гурухга кирмаган барча бошқа активлар.

АҚШ да фирмалар ва жисмоний шахсларнинг пул ресурслари 2 гурухга бўлинади:

- жорий харажатларга сарфланадиган пул маблағлари;
- резервлар ва жамғармалар, вақтинча бўш турган маблағлар.

Биринчи гурухга турли ҳисоб-китоблар ва тўловлар учун оборотда бўлган пул маблағлари кирса, иккинчи гурух тижорат банклари ва нобанк молия институтларининг актив операцияларини амалга оширишнинг манбаси ҳисобланади.

АҚШнинг қонунчилигига асосан қуйидагилар депозитлар дейилади:

- пул оборотидан ортган, депозит ташкилотларида турган тўловларга йўналтирилмайдиган пул қолдиқлари;

- депозит ташкилотида бўлган пул маблағлари

- берилган кредитлар бўйича гаровга олинган қимматли қоғозлар;

- АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозларини сотиб олиш учун аванс сифатида депонентлаштирилган маблағлар;

- банк хизматчиси томонидан имзоланган, лекин тўланмаган вексел, чек, тўлов топшириқномаси;

- мизож маблағлари ҳисобидан сотиб олинган, лекин мижозга этиб бормаган қимматли қоғозлар;

- кредит қолдиқ, аванс тўловлар ва бошқалар.

Депозитлар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади:

Ҳисоботда акс эттирилишига қараб: талаб қилиб олинадиган, муддатли депозитлар ва жамғарма депозитларга бўлинади. Банкларни кўпроқ ”узун пуллар”, яни муддатли депозитлар қизиқтиради Чунки бу маблағлар банкнинг барқарор ресурс базасини шакллантиради.

Келиб чиқишига қараб: депозитлар оддий, махсус ва ихтисослашган депозитларга бўлинади:

Оддий депозитлар – булар пуллар ёки депозит ҳисоб варағи бўйича оборотда бўлган чеклар, аксептларга, тўлов муддати келган векселлар, купонлар, тўлов топшириқномаси, тратталар;

Оддий депозитлар банк ресурслари ҳисобланади ва банк ва омонотчи ўртасида кредитор ва қарздор муносабати шаклланади. Банк депозитларнинг эгаси сифатида майдонга чиқади ва пул маблағларини депонентлаштиради, банк омонотчига пули ўрнига қиммати қоғозлар бериши, қимматли қоғозларга пул маблағларини бериши мумкин. Мабодо банк банкрот бўлса, оддий депозит эгаси имтиёзли кредиторга айланади.

Махсус депозитлар – маълум бир мақсад билан киритилган депозитлар бўлиб депозитнинг бу турида банк уларни махсус сақлаб берувчи ҳисобланади. Депозитнинг бу турларига векселларни сўндириш учун мўлжалланган, қимматли қоғозлар сотиб олиш учун, аккредитивларни тўлаш учун мўлжалланган пул маблағлари киради. Махсус депозитлар ҳам тижорат банкларининг ресурслари ҳисобланади.

Ихтисослашган депозитлар – булар пулдан ташқари омонотчига тегишли бўлган ва унинг мулки бўлган банкда сақланаётган турли қимматликлар ҳисобланади. Буларга банкда сақлаб беришга топширилган акциялар, облигациялар, суғурта полислари, қимматбаҳо буюмлар ва бошқалар киради. Омонотчи бу қимматликларни банкга топширсада, у бу қимматликлар бўйича эгалик ҳамда мулкӣ ҳуқуқларга эга. Банк банкротликка учраганда мазкур депозитлар тезда омонотчига қайтарилади.

Омонотчининг ҳуқуқи таъминланишига қараб депозитлар таъминланган ва таъминланмаган депозитларга бўлинади.

Депозитлар маълум турдаги қимматли қоғозлар гарови билан таъминланган бўлади. Давлат ҳокимияти органлари депозитларини қабул қилган банк таъминот сифатида маълум облигацияларни қўйиши лозим. Бундай депозитларнинг эгалари таъминланган кредиторлар ҳисобланади. Баъзи бир бошқа депозитларнинг барчаси таъминланмаган депозитлар ҳисобланади.

Жалб қилиниш муддатларига қараб депозитлар муддатли ва талаб қилиб олинadиган турларга бўлинади.

Депозитлар ишлатиш характерига қараб яқка тартибдаги ва умумий депозитларга бўлинади. Умумий депозитлар штат қонунчилик меъёрларига асосан турли шаклларда бўлиши мумкин:

- вафот этиши муносабати билан мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи шаклида;
- депозитни бўлмасдан эгалик қилиш;
- биргаликда эгалик қилиш ва бошқалар.

Депозит сертификатлар банкдаги ҳисоб варақга маълум миқдорда пул маблағлари қўйганлик тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжат бўлиб у оборотда айланиши бўйича ўз хусусиятларига эга. ФРТ бошқарувчилари Кенгашининг қоидаларига кўра депозит сертификатлар муомалада айланadиган ва айланмайdиган турларга бўлиниб, унда кўрсатилган сумма сертификат эгасига ёки унинг буйруғи бўйича у кўрсатган шахсга қайтарилиши лозим. Маблағларни тўлаб бериш:

- депозит қўйилгандан камида 30 кун ўтганидан кейин аниқ бир санада қайтарилиши;

- 50 кун олдин пулни олиш тўғрисида билдиришнома берилганда;
- депозит сертификатни банкга тақдим этганда амалга оширилади.

Энг кўп тарқалган депозит сертификати турларидан бири қайтиб олинadиган депозит сертификати бўлиб тақдим қилинганда тўланиши кафолатланган ва улар бўйича одатда фоизлар тўланмайди. Муддатли

депозит сертификатларининг муддати 30 кундан бир неча йилгача бўлиши мумкин ва ўз эгасига маълум миқдорда даромад келтиради Муддатли депозит сертификатларининг минимал номинал миқдори 1000 долл.дан кам бўлмаслиги лозим. Йирик суммадаги сертификатларнинг номинал миқдори 100.000 долл.дан ортиқ бўлиши мумкин. Кейингилар, одатда, қимматли қоғозлар бозорида муомалада иштирок этади ва кредитлар бўйича таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин.

Депозит сертификатлар шунингдек, сузиб юривчи фоиз ставкали депозит сертификатлари ва жаримасиз депозит сертификатлари, акция курси бўйича индексацияланадиган депозитларга бўлинади.

АҚШда ҳар қандай молиявий депозит институт якка тартибдаги пенсия ҳисоб рақамларини очиши мумкин ва жуда катта миқдорга эга бўлган бу маблағлар тижорат банклари молиявий ресурсларнинг муҳим ва салмоқли манбаси бўлиб хизмат қилади.

Нау-ҳисоб варақлар (**How**) – жамғарма ҳисоб варақлари бўлиб буйрук ёки чек ёзиш орқали тўловлар амалга оширилади ва улар бўйича фоизлар тўланади..

АҚШ банклари ва бошқа молия институтлари мижозларнинг маблағларини жалб қилиш бўйича жамғариш режаларини ишлаб чиқишади. Омонотчи ўз маблағларини омонотга қўйишда кредит институтлари томонидан таклиф этилаётган фоиз ставкалари ва улар бўйича оладиган даромад нормасига, омонотига тўланадиган фоизнинг қанча даромад келтириши (компаунд) ёки олган фоизининг фоиз ишлашига, инфляция даражасига, солиқларга, кредит ва депозит институтларининг ликвидлиги ва хавфсизлигига ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратади.

Жамғаришнинг қайси турини танлаш мижознинг хоҳишига боғлиқ. Амалиётда кўпроқ Асосий Жамғарма Ҳисоб варағи (**Basic Saving Account**) ва Пул Бозори Депозити Ҳисоб варағи (**Money Market Deposit Account**)лари қўлланилади. Асосий Жамғарма Ҳисоб варағи (Basic Saving Account)да катта бўлмаган миқдор (100 АҚШ долл.дан бошлаб)да маблағ қўйилиши ва ундаги маблағлар оқими бўйича операциялар кўплаб ўтказилиши мумкин, яъни бу талаб қилиниб олинандиган ҳисоб рақам режимида ишлайди, одатда, у бўйича ҳар чоракда фоизлар тўлаб борилади.

Пул Бозори Депозити Ҳисоб варағи (Money Market Deposit Account)ларини очиш учун катта миқдорда (1000-3000 АҚШ долл.) пул маблағлари қўйилади ва бу ҳисоб рақами бўйича чекланган операциялар ўтказилади, юқори фоизлар ва мукофотлар тўланади. Шунингдек, айланиш муддати 90 кундан 5 йилгача бўлган эркин айланувчи депозит сертификатлари ҳам америка банклари амалиётида қўлланилади.

4.4.Банкнинг мажбуриятларини бошқариш усуллари

Тижорат банклари кенг миқёсда банк маблағларини жалб қиладилар. Арзон қарз маблағларидан фойдаланиш эвазига, шу жумладан

депозитлардан, банк операцияларидан даромадлар охир оқибат акционерларга етарли даромадни таъминлайди. Жалб қилинган маблағларнинг асосий манбаи-депозитлар бўлиб, улар тижорат банклари пасивларининг деярли 86% ни ташкил этади. Бошқа манбалар сифатида бошқа банклардан олинган кредитлар, қайта сотиб олиш шартномаси асосида сотилган қимматли қоғозлар сексепланган, лекин тўланмаган тўлов хужжалари қисқа муддатли облигациялар.

Кенг маънода банк мажбурятларини бошқариш ёки пасив операцияларни бошқариш омонатчилар ва бошқа кредиторлар маблағларини жалб қилиш ва бу манбалар комбинациясини аниқлаш билан боғлиқ фаолиятини назарда тутаяди.

Пассив операцияларни бошқариш деганда эҳтиёж ва мажбурликни зарурий меъёр даражасида қарз маблағларини актив тарзда жалб қилиш йўли билан қондириш фаолияти тушунилади. Пассив операцияларни бошқаришда маблағларни жалб қилиш харажатлари то бу маблағларни қимматли қоғозлар ёки қарзга беришдан даромадлар нисбатини эътиборга олиш зарур.

Тижорат банкларининг фаолиятида маблағлар жалб қилиш ва уларни ссуда ёки инвестицияларга юқори фоизларда жойлаштириш асосий ўринни эгаллайди. Бу фаолият орқали банклар омонатга маблағ тўловчилар ортиқча пул маблағ эгалари ва пул маблағларига талабгорлар ўртасидаги молиявий воситачилик вазифасини бажараяди.

Омонатлар юридик шахслар, тадбиркорлик фирмалар, нотижорат ташкилотлари, ҳукумат муоссасалари ва маҳаллий ҳукумат органлари ўз маблағларини тижорат банкларига жойлаштирадilar. Бу эса бир неча сабаблар билан тушунтирилади. Биринчидан, банклар юқори ишончлиликни таъминлайдилар. Деярли барча банклар суғурталанган. Хар бир банк хисоби ўртача 40000 USD га суғурталанган.

Талаб қилиб олунгунча қўйилмалар.

Қайтариб олишига қараб депозитларни муддатли ва талаб қилиб олингунча (ТАО) қўйилмаларга ажратиш мумкин. ТҚО қўйилмалар омонатчи тамонидан олинини ёки бошқа шахсга хоҳлаган пайтда ўтказиш мумкин. Бундай омонатларни мавжуд маблағ талабидаги шахслар қўядилар, Булар АҚШ банк операцияларининг қарйиб 38% ташкил этади. ТҚО омонатлар чеклар ёрдамида олинади ва улар пул массасининг 74% ни ташкил этади, одатда, АҚШ пул оборотининг 90% чеклар билан амалга оширилади.

Чек транспорт харажатлари назаридан економичный, йўқотишлар ва ўғирланиш хавфи кам бўлган пул маблағларини ўтказиш усулидир. Чекларнинг пул муомиласидаги иқтисодий аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир. Чек ёрдамида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар давомида тўловчи ва олувчи ортиқча ишлардан ортади, нақд пул айланмаси қисқаради ва ҳокозо..

Муддатли қўйилмалар.

Банк мажбурятларининг салмоқли қисмини муддатли ва жамғарма омонатлар гуруҳи ташкил этади.

Муддатли омонатлар белгиланган муддатгача кўйилади. Бу категориядаги омонатларга банк фоиз тўлаши лозим, ҳамда ТҚО омонатлар резервига нисбатан кам миқдорда резерв ташкил этади. Омонат маълум даврга кўйилиши ва олдиндан хабар бериш орқали олиниши мумкин. Муддатли омонатларни чеклар орқали олиш мумкин эмас, улар нақд пул шаклида ёки жорий ҳисоб рақамга ўтказилиши лозим.

Жамғарма омонатлар

Жағарма омонатлар оддий ҳисобрақам(регулар ассоунт) ёки жамғарма дафтарчани ҳисобрақам (пассбук ассоунт)га ўтказиш мумкин.Иккинчи шакл бўйича омонат дафтарчасининг мавжудлиги счёtdан фойдаланиш қоидалари ва бу счёtd бўйича операцияларнинг акс эттириши билан характерланади. Омонат эгаси счёtdга пул кўйиш ёки олиши учун уни албатта кўрсатиши шарт.Оддий жамғарма счёtdлардан одатда юридик шахслар ва нотижорат ташкилотлар фойдаланадилар.

Депозит сертификатлари.

Муддатли депозит сертификатлари банкка аниқ муддатга пул маблағлари кўйилганлигини тасдиқловчи пул ҳужжатини ифодалайди. Бу ҳужжат бошқа шахсларга инддосамент бўйича ўтказилиши ёки ўтказмаслиги мумкин. Бу омонатлар фақатгина тўғри индоссоментланган сертификатлар кўрсатилганда олиниши мумкин.Депозит сертификатлари улар амал қилиш муддати давомида харид қилиниши мумкин, улар бўйича фоизлар эса сотиб линган кундан ҳисобланади.

Депозит сертификатлариубуу кўпгина турлари мавжуд. Муддатлари 30 кундан 8 йилгача, минимал миқдори 500 USD -100000 USD гача бўлиши мумкин. Фоиз ставкалари омонат миқдори ва муддатига боғлиқ. Сертификатларнинг кўпчилиги бошқа шахсларга ўтказилмайди, балки банкка қайтариш йўли билан нақд пулга айлантиради.

Омонатчиларнинг маблағларини жалб қилиш рақобати шароитида Депозит сертификатларининг янги турлари юзага келди. Йирик банклар ўтказма депозит сертификатларини чиқарадилар. Қимматли қоғозлар диллерлари бу сертификатларни иккиламчи бозорини ташкил этган ҳолда йирик инвесторлар маблағларини банкка йўналтирадилар одатда бу Депозит сертификатлари, қиймати 100 минг USD-1млн USD, корпарацияларга, пенсион фондлар ва ҳукумат муоссасаларига сотилади.

Шунингдек банклар майда инвесторлани жалб қилиш мақсадида қисқа муддатли сертификатлар (моней маркет сертификатес)ни чиқарадилар. Депозит сертификатларининг бу шаклининг номинали 10000 USD кам бўлмай 6 ой муддатга чиқарилади ва бозор муомиласида бўлмайди. Улар бўйича фоизлар ғазна вексилларнинг охириги ауксионидаги баҳосида белгиланган фоизларнинг ўртача миқдорида белгиланади.

Жамғарма сертификатлари депозит сертификатларидан ўзининг муддати(3 йил) билан фарқланади. Узоқ муддатли бўлганлиги сабабли унга юқорироқ фоиз тўланади. У кўпроқ даромад олишни кўзловчи “оралиқ” инвесторларга мўлжалланган.

Тижорат банклари тизимидаги депозитлар ва алоҳида банклардаги депозитлар ўртасидаги фарқни билиш лозим. Бу фарқни муҳимлиги шундаки, алоҳида банк мамлакатдаги бутун депозитларни бошқара олмайди, аммо чегараланган даражада унга қўйилган омонатлар суммасини бошқара олиши мумкин.

Тижорат банклар тизимидаги омонотлар ҳажми банклар тамонидан ссуда ва инвестиция кўринишида берилган кредит суммаларига боғлиқ. Агар банклар ссуда ва инвестиция операциялари билан шуғулланмаганда, уларни депозитор ҳажми омонатчилар қўйган нақд пул миқдорига тенг бўларди. Банклар абсолют ликвид бўлиб, уларни даромадини комисион ва хизматлардан мукофатлардан иборат бўлар эди. Амалда эса банклар юқори даромадга интилувчи ташкилотлардир. Улар акциядорлар ва омонатчилардан олишган маблағларни иложи борича самарали фойдаланиб ва кўпроқ инвестицияга йўналтирган ҳолда юқори даромадга интиладилар. Одатда Оддий банк резерв миқдоридаги суммани ёки бўлмаса “ортиқча резервлар” ни ссудага ёки инвестиция сифатида жойлаштириши мумкин.

Банк ўзида сақланаётган омонатларни тўла бошқара олмасада, уларга таъсир кўрсатиши мумкин. Депозитлар банк фаолити натижалари учун муҳим аҳамият касб этиши сабабли улар, орасида шавқатсиз рақобат юзага келади. Банклар омонатларни жалб қилиши, нуфузли омонатчилар учун хизматларни янада жозибадорлигини ошириш мақсадида реклама агентликларига мурожат қиладилар. Аини пайтда, банк тизимидаги депозитлар суммасига ҳукуматнинг солиқ ва пул кредити сиёсати таъсир қилар экан, аниқ банк учун иқтисодий ва сиёсий омиллар ҳам муҳимдир:

- персанол ва иш жойи (офислар...)
- банк хизматлари;
- банк ишончилиги ва асосий сиёсат
- иқтисодий самарадорлик даражаси;
- жойлашган жой;
- эски банкларнинг афзалликлари;

Сўнги пайтларда (АҚШ мисолида) банклар ўз ликвидлигини таъминлаш мақсадида йирик қарзлар ола бошладилар- “пассивларни бошқариш” деб ном олди. Иқтисодий фаолликнинг кучайиши, инфляция даражасининг ўсиши хўжалик субъектларининг кредитга бўлган талабини ошишига олиб келди.

Бундан ташқари, юридик шахслар, фирмалар фоиз ставкаларига нисбатан “сезувчанлиги”нинг ошиши ТҚО омонатлар ўсиш темпларини пасайтирди. Харажатларни кўпайиши банкларни ўз ресурсларини тўлароқ фойдаланишларига олиб келди.

Банклараро кредитлар

Федерал резервдан корреспондент-банкдан қарз олиш резерв ҳолатини яхшилаш усуллари (диссоунт window-“ҳисоб ойнаси”)дан биридир. Ликвидликни таъминлаш ёки резервларни тартиблаш мақсадида жалб қилинган маблағлар Федерал резерв тизими орқали бошқариб борилади.

Марказий банкни доимий ва ишончли маблағлар манбаси сифатида ҳисоблаш мумкин эмас. Қарз муддати кўпгина омиллар, масалан банк молиявий ҳолати, иқтисодийнинг ҳолати кабиларга боғлиқ бўлади.

Кичик банкларга йирик банкларга нисбатан қарз олиш осонроқ. Бу кичик банклар бозорлардаги барча операциялани бажара олмаслиги, шунингдек ссуда ва омонатчиларнинг даврийлиги билан тушунтирилади.

Федерал резерв фондларини сотиб олиш ликвидликни таъминлаш мақсадида кредитдан фойдаланишнинг кенг тарқалган усулидир. Бу фондлар федерал резерв банкларида сақланаётган қолдиқларини акс эттиради омонатлар оқимининг тўсатдан кўпайиши ёки ссудаларнинг қисқариши натижасида тижорат банкларида “ортиқча резервлар” юзага келиши мумкин. Бу маблағларни эса банклар даромад олиш мақсадида бошқа банкларга қисқа муддатга берадилар: бу маблағларга эҳтиёжи бор банклар эса уларни сотиб оладилар. Федерал резерв фондларидан аввалларидан резервлани тартибга солишда кенг фойдаланилган. 50-йилларга келиб бу манбадан банк ликвидлигини таъминлаш учун фойдаланила бошланди.

Қайта сотиб олиш келишувлари (РЕПО) асосидаги АҚШ давлат қимматли қоғозлар бўйича диллерлар, бошқа инвесторлар билан банклар ўртасидаги шартномалар банклараро операцияларнинг кўшимча шаклидир. Бу битимларда активларни олдиндан келишилган баҳода, белгиланган кунда қайтиб сотиб олиш шартлари асосида сотишни амалга оширилади. Бу шаклдаги битимлар вақтинча бўш маблағларни жалб қилишни асосий каналига айланди. “РЕПО”нинг афзаллиги риск даражасининг пастлигидир, зеро улар давлат қимматли қоғозлари билан таъминланадилар. Улар бир кундан бир неча ой муддатга тузилиши мумкин, кўп ҳолларда қисқа муддатга тузилади.

Евро доллар бозорида қарз олиш АҚШ йирик тижорат банкларига мос бўлиб, пассивларни бошқариш воситаларидан биридир. Бу тижорат банклари чет элда филиаллари мавжуд бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин.

Евродоллар – АҚШ долларидан ифодаланган омонатлар бўлиб, АҚШдан ташқаридаги Америка банклари филиаллари ва бошқа тижорат банкларида сақланади. Евродоллар Америкалик ёки хорижлик омонатчи АҚШ банкидаги маблағларини хорижий банк ёки Америка банк филилига ўтказганда юзага келади. Бу операция натижасида АҚШдаги омонатга эгалик ҳукуки хориждаги молиявий муоссасага ўтади, долларда сундириладиган маъмурият юзага келади. Бундай ҳолларда АҚШдаги омонатлар ўзгаришсиз қолади, лекин чегарадан ташқарида USD депозит маблағлар-евродолларлар юзага келади.³⁷

³⁷ Давид С. Кидвелл, Ричард Л. Петерсон, Давид В. Бласквелл. Финансиал институтионс, маркетс, анд моней. New Жерсей : Жоҳн Вилей & Сонс, с.2003. 245-253.п.

Хенни ван Греунинг, Сониа Бражович Братанович. Тхе Аналісис оф банкинг рискс. ТХЕ ВОЛД БАНК Вашингтон, Д.С.2014.

Элиас Авард, Тхомас Баррел, Норман Бахтер унд отхер. Банкинг: Стратегис лидершип. Унитед Статес Агенсий фор Интернационал Девелопмент (УСАИД) 2017.

Тхе Бусинесс оф Банкинг.Америсан Банкерс Ассоциатион. Вашингтон, Д.С.2014.

Назорат учун саволлар

1. Банк мажбуриятларини ташкил қилувчи асосий элементнинг тавсифини тушунтириб беринг.

2. Банк капиталининг таркиби ва унинг тузилиши қандай?

3. Банк капитали ўрнатиш меъёри ҳажмининг ўлчанилиши ва унинг тартибга солиш усули қандай амалга оширилади?

4. Банк капитали, банкнинг молиявий ресурсларини ўзгариши ҳақида гапириб беринг.

5. Банк капиталини кўпайтиришнинг асосий манбалари нималардан иборат?

6. Тижорат банкларининг капиталини бошқаришнинг асосий йўналишлари ва усуллари нималарда ифодаланади?

5- боб.Тижорат банклари ресурсларини бошқаришда депозит сиёсати ва уни такомиллаштириш

- 5.1.Банкнинг депозит сиёсати, унинг элементлари ва мезонлари.
- 5.2. Банк депозит сиёсатининг воситалари.
- 5.3. Баҳони белгилаш моделлари
- 5.4.Депозит ресурсларининг тузилмавий таҳлили
- 5.5.Тижорат банклари депозит сиёсатининг такомиллаштириш йўллари.

Таянч иборалар: банк, депозит, депозит сиёсати, ресурс, пассив, омонат, фоиз ставкаси, депозит операция, фоиз сиёсати.

5.1.Банкнинг депозит сиёсати, унинг элементлари ва мезонлари

Депозит сиёсати умумий банк сиёсатининг асосий бир қисми ҳисобланиб, кредит ташкилотларининг депозит фаолиятини амалга ошириш стратегияси ва тактикасини белгилаб беради. Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, тижорат банкларининг депозит сиёсати умумий банк сиёсатининг асосий бир қисми ҳисобланиб, кредит ташкилотларининг депозит фаолиятини амалга ошириш стратегияси ва тактикасини ҳам белгилаб беради.

Депозит сиёсатининг инструменти бўлиб баҳонинг белгиланиш модули ҳисобланади.

Баҳоларни белгилашда биринчи модел – йирик банклар фойдаланиши учун мўлжалланган (харажат плюс фойда), ўрта ва кичик банклар учун бу модел харажат талаб ҳисобланади, улар баҳони белгилашда асосан бозор модели ёрдамидан фойдаланадилар.

Баҳони белгилаш моделлари. Банк томонидан жалб этилаётган депозит ресурсларига баҳони белгилаш модели банкнинг харажатларига асосланган бўлиб, рақобатбардошли эканлиги, депозит хизматларининг бозорда тизимлаштирувчи аҳамиятга эгаллиги ҳамда ушбу моделни қўллаш услубиятларининг сермашаққат эканлиги сабабли кўпроқ йирик банклар учун мосдир. Одатда айнан йирик банклар депозит фоизининг даражасини белгилаб беради.

Жалб этилган депозит ресурслари бўйича банк харажатлари фоиз харажатларидан ва депозит операциясининг таннархидан иборат. Таннархнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи омилларга банк структураси, депозит операциясининг технологияси, ресурсларни жалб этишда иштирок этувчи банк бўлинмаларининг бюджети, ҳар бир бўлинма бўйича вақт сарфи киради. Харажатларни ҳисоблаш учун икки услубдан фойдаланиш мумкин:

анъанавий усулда ҳисобланса, жараён технологиясида асосий бирлик сифатида банк бўлинмаси олинади ва функционал-қиймат таҳлили услуги, бунда алоҳида иш ўрни асосий технологик бирлик сифатида фаолият кўрсатади.

Бозор моделининг ҳар қайси тури асосида ўтган давр мобайнида шаклланган бозор депозит ставкалари ётади. Бозор фоизининг истиқболдаги қийматига депозит хизматларига оид талаб ва таклифнинг ўзгариши, инфляция бўйича кутилаётган суръатлар ва мажбурий захирага ажратмалар меъёри таъсир кўрсатади.

Депозит ресурслари бўйича ўртача бозор даражасининг ўзгаришига ва инфляциянинг кутилаётган ўсишига оид тахминлар асосида ҳисоблаб чиқарилган позитив фоиз ставкаси депозит ресурслари бўйича базавий фоиз учун асос қилиб олиниши мумкин. Шунингдек, бунда банкларнинг депозит фоизини позитив ставка даражасигача кўтаришга йўналтирилган ҳаракатларини чекловчи омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Биринчи омил ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, айти вақтда у банкнинг барқарорлигини сақлашга қаратилган манфаатларига ҳам тегишлидир. Ушбу омил ишлаб чиқариш рентабеллиги билан депозит қўйилмаларининг рентабеллиги нисбатида ифодаланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз маблағларини ишлаб чиқаришга нисбатан депозитларга жойлаши фойдалироқ бўлганда, тадбиркорларнинг бизнестан чиқиши содир бўла бошлайди. Юқори суръатлардаги инфляция дастлаб ишлаб чиқариш рентабеллиги юксалишини вужудга келтиради, бу эса айнан бир хил бошқа шароитлар ичида «депозит» рентабеллигининг ҳамда кредит қийматининг ўсишини келтириб чиқаради, шундан сўнг харажатларнинг ошиши орқали ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиши бошланади, ва оқибатда эса, банк иқтисодиётнинг реал секторига мансуб бўлган ўз мижозларини йўқота бошлайди.

Фоиз маржасининг етарлилиги, режалаштирилган ёки ҳисобот маълумотлари асосида аниқланади:

Умумий хараж. – Фоизли хараж. – Бошқа даром.

$$МД = \text{-----} \times 100 + \text{Рент}38.$$

Бу ерда, МД– фоиз маржасининг етарлилиги; Умумий хараж. – молиявий режа ёки унинг ижроси бўйича умумий банк харажатлари; Фоизли хараж. –режалаштирилган ёки аниқ фоизли харажатлар; Бошқа даром. – хизматлар ва мулкдан режалаштирилган ёки аниқ фоизсиз барқарор бўлган бошқа даромадлар; Рент. – зарурий рентабеллик даражаси; АФ –ҳисобот даврида ишлаётган активларнинг ўртача қолдиғи (фойда келтирувчи активлар).

Етарли миқдордаги фоиз маржаси инфляциянинг кутилаётган ўсиш суръатларини режалаштириш жараёнида мувофиқлаштирилади.

³⁸ Бобокулов Б.Б. “Тижорат банкларини ресурсларини бошқариш” фанидан маърузалар матни. ТМИ. 2013

Депозит ставкаларининг позитив ставка даражасигача оширилиши ҳақиқатда олинадиган фоиз маржасининг етарлилик даражаси камайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳақиқатда олинадиган фоиз маржасининг етарлилик даражаси нисбатан пасайиб кетишига бошқа бир ташқи омил – мажбурий захираларнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши таъсир кўрсатиши мумкин. Мажбурий захирага ажратмалар депозит ресурслари баҳосининг ошишига, спред ва маржанинг қисқаришига олиб келади.

Шундай қилиб, банк учун реал фоиз маржаси (спред) мажбурий захиралар меъёри бўйича мувофиқлаштирилган депозитлар позитив ставкаси билан ссуда операциялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб қолади. Бу тафовут етарли маржа даражасидан паст бўлиши мумкин эмас.

5.2. Банк депозит сиёсатининг воситалари

Депозит сиёсатининг инструментлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: банк томонидан таклиф қилинаётган депозитлар тури; депозит турлари бўйича фоиз ставкаларининг белгиланиши.

Маълумки, ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда 30 дан ортиқ турдаги хилма-хил депозитлар амалиётга жорий қилинган. Депозит сиёсатининг инструменти бўлиб *баҳонинг белгиланиш модули* ҳисобланади. Хорижий давлатларда кўрсатилаётган депозит хизматларига мувофиқ ҳолда баҳолар олти хил модель ёрдамида шакллантирилади:

- фоиз ставкасини харажатлар (депозит операциясининг таннархи) кўшилган фойда методи бўйича ўрнатиш;

- бозорга кириб бориш мақсадида депозит баҳосини ўрнатиш. Бу тушунчанинг маъноси кўпроқ миқдордаги янги мижозларни жалб этиш учун юқори фоиз ставкаларини (бозор даражасидан юқорироқ) ёки комиссиян йиғимлар тарифининг паст қилиб белгиланишини билдиради;

- бозор асосида фоиз ставкани ўрнатиш;

- депозитлар бўйича фоизларни депозит ҳисобварағидаги минимал қолдиққа боғлиқ тарзда белгилаш ёки шартли «баҳо белгилаш», яъни баҳони депозитнинг минимал даражасига риоя этилишига қараб белгилаш;

- VIP-мижозларни, яъни юқори даромадларга эга мижозларни жалб этишга мўлжалланган баҳони белгилаш. Чунки уларга хизмат кўрсатиш стратегияси уларнинг ҳар бирига хизмат кўрсатиш учун банкнинг алоҳида ходимини бириктириб қўйилишини ва хусусий хизматлар, шу жумладан, депозитлар бўйича ҳам тақдим этилишини кўзда тутаяди;

- мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг сони ва сифатига боғлиқ тарзда баҳо белгилаш (баҳо белгилашнинг кўп омилли усули), яъни бир неча хизматлардан фойдаланувчи мижозлар анча пастроқ тарифларни белгилаш орқали рағбатлантирилади, бу эса банкда энг яхши мижозларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишини таъминлайди.

Баҳоларни белгилашда биринчи модель – йирик банклар фойдаланиши

учун мўлжалланган (харажат плюс фойда), ўрта ва кичик банклар учун бу модель харажат талаб ҳисобланади, улар баҳони белгилашда асосан бозор модели ёрдамидан фойдаланадилар.

5.3. Баҳони белгилаш моделлари

Банк томонидан жалб этилаётган депозит ресурсларига баҳони белгилаш модели банкнинг харажатларига асосланган бўлиб, рақобатбардошли эканлиги, депозит хизматларининг бозорда тизимлаштирувчи аҳамиятга эгаллиги ҳамда ушбу моделни қўллаш услубиятларининг сермашаққат эканлиги сабабли кўпроқ йирик банклар учун мосдир. Одатда айнан йирик банклар депозит фоизининг даражасини белгилаб беради.

Бозор моделининг ҳар қайси тури асосида ўтган давр мобайнида шаклланган бозор депозит ставкалари ётади. Бозор фоизининг истиқболдаги қийматига депозит хизматларига оид талаб ва таклифнинг ўзгариши, инфляция бўйича кутилаётган суръатлар ва мажбурий захирага ажратмалар меъёри таъсир кўрсатади.

Инфляция суръатлари фоиз ставкаси даражасига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар қаторига киради. Маълумки, пулнинг тобора қадрсизланишидан кредиторлар зарар кўрса, қарз олувчилар эса ютади. Шу боис, инфляция пуллик капиталга бўлган талабни оширади, банклар эса ўз даромадлари қадрсизланишини муҳофаза этишга ҳаракат қилишади.

Депозит ресурслари бўйича ўртача бозор даражасининг ўзгаришига ва инфляциянинг кутилаётган ўсишига оид тахминлар асосида ҳисоблаб чиқарилган позитив фоиз ставкаси депозит ресурслари бўйича базавий фоиз учун асос қилиб олиниши мумкин. Шунингдек, бунда банкларнинг депозит фоизини позитив ставка даражасигача кўтаришга йўналтирилган ҳаракатларини чекловчи омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Биринчи омил ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, айтилиши вақтда у банкнинг барқарорлигини сақлашга қаратилган манфаатларига ҳам тегишлидир. Ушбу омил ишлаб чиқариш рентабеллиги билан депозит қўйилмаларининг рентабеллиги нисбатида ифодаланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз маблағларини ишлаб чиқаришга нисбатан депозитларга жойлаши фойдалироқ бўлганда, тадбиркорларнинг бизнестан чиқиши содир бўла бошлайди. Юқори суръатлардаги инфляция дастлаб ишлаб чиқариш рентабеллиги юксалишини вужудга келтиради, бу эса айнан бир хил бошқа шароитлар ичида «депозит» рентабеллигининг ҳамда кредит қийматининг ўсишини келтириб чиқаради, шундан сўнг харажатларнинг ошиши орқали ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиши бошланади, ва оқибатда эса, банк иқтисодиётнинг реал секторига мансуб бўлган ўз миқдорларини йўқота бошлайди.

Позитив ставканинг даражасига таъсир кўрсатувчи бошқа бир омил омонатчи ва банк турлича даромад манбаларига эга эканлиги билан

изоҳланади. Омонатчининг даромад манбаи депозит бўйича олинадиган фоиз бўлса, банк учун эса – фоиз маржаси ҳисобланади. Фоиз маржаси олинган ва тўлаб берилган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, у банкнинг фоизсиз турдаги умумий харажатларини қоплаш ва фойдани шакллантириш учун етарли бўлиши шарт.

Депозит ставкаларининг позитив ставка даражасигача оширилиши ҳақиқатда олинадиган фоиз маржасининг етарлилиқ даражаси камайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳақиқатда олинадиган фоиз маржасининг етарлилиқ даражаси нисбатан пасайиб кетишига бошқа бир ташқи омил – мажбурий захираларнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши таъсир кўрсатиши мумкин. Мажбурий захирага ажратмалар депозит ресурслари баҳосининг ошишига, спред ва маржанинг қисқаришига олиб келади.

Шундай қилиб, банк учун реал фоиз маржаси (спред) мажбурий захиралар меъёри бўйича мувофиқлаштирилган депозитлар позитив ставкаси билан ссуда операциялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб қолади. Бу тафовут етарли маржа даражасидан паст бўлиши мумкин эмас.

Депозит фоизнинг даражасига таъсир кўрсатувчи ички омиллар қаторига бозорни эгаллаб олиш стратегиясини киритиш мумкин. Бозорнинг тез суръатларда ўсиши шароитида банк баҳони белгилашнинг бозорга шахдам кириб боришга қаратилган стратегиясини танлаши мумкин. Бу стратегия депозитлар бўйича бозордагидан юқорироқ ставкани ва банк хизматлари бўйича пасайтирилган тарифларни таклиф этишдан иборат. Депозит ҳисобварақлар, одатда, мижозлар билан ўзаро муносабатларни янги хизматлар ҳисобига кенгайтириш ва даромадни юксалтириш имконини беради. Бу эса омонатлар бўйича белгиланган нисбатан юқори фоиз ставкалари қопланишининг имконини яратади. Бундан ташқари, мижозлар кейинчалиқ депозит бўйича ставкаларнинг пасайишига унчалиқ эътибор бермайдилар, чунки банкни танлашга таъсир кўрсатувчи 20 га яқин омил мавжуд бўлиб, омонатнинг кўчирилиши турли хусусиятга эга катта харажатларни келтириб чиқаради.

5.4.Депозит ресурларининг тузилмавий таҳлили

Депозит ресурларининг тузилмавий таҳлили депозит базасининг алоҳида таркиб топтирувчилари нисбатидаги ўзгаришларни миқдорий баҳолаш имконини берувчи статистик қаторлар ҳисобини ўрганишдан иборат.

А. Жалб қилинган маблағларнинг умумий қийматида депозит ресурслари ҳиссасининг ўзгариши.

Таъкидлаш жоизки, депозит ресурсларининг ўрни умумий тузилмавий силжишларга, молия бозорининг турли қатламлари ривожигагина боғлиқ бўлмасдан, балки мижозларнинг молиявий аҳволига ҳам боғлиқдир. Банк

мижозлари базасининг сифати унинг фаолиятида кўп жиҳатдан депозит базанинг ҳолатини ҳам белгилайди.

Б. Депозит ресурслари тузилмасининг воситалар, муддатлар ва контрагентлар бўйича ўзгариши, унинг жаҳон стандартларига мослиги.

В. Депозит ресурсларининг барқарор қисмини баҳолаш.

Ушбу барқарор қисмини баҳолаш учун турли услублардан фойдаланилади. Жумладан, уни қуйидагиларга кўра аниқлаш мумкин:

– мижозларнинг кўрсаткичлари ёки депозитларнинг турига кўра ҳисобварақлар туркуми бўйича;

– барқарор қисмнинг ҳисобини статистик услублар асосида юритиш ва улар асосида муайян давр мобайнидаги пасаймаётган қолдиқлар бўйича баҳолаш;

– ўтган давр мобайнидаги минимал барқарор қолдиқни ажратиб олишга асосланган эмпирик услубда баҳолаш;

– ҳисобварақлардаги қолдиқлар миқдорининг назарий тақсимланишини тузиб чиқиш асосида баҳолаш.

Иқтисодий тараққиёт инфляциянинг юқори суръатлари билан мос тарзда кечаётган нобарқарор вазият шароитида статистиканинг математик услубларидан фойдаланиши депозитларнинг ўрганилаётган туркумини фақат тажриба асосида тавсифлаши мумкин. Шу сабабли минимал қолдиқни келгуси даврда вазиятнинг ўзгаришига оид башорат қилинган ўзгаришларга боғлиқ тарзда мувофиқлаштириш орқали эмпирик услубни қўллаган мақбул.

Банк депозит базасини таҳлил қилиш учун коэффицентларнинг қуйидаги туркумларидан фойдаланиш мумкин:

– самарадорлик коэффиценти;

– риск коэффиценти;

– барқарорлик (стабиллик) коэффиценти;

– рақобатбардошлилик коэффиценти;

– мижозлар базасининг ўзгариш коэффиценти;

– диверсификация коэффиценти.

Юридик шахслар қатлами бўйича коэффицентлар трансформацияси таваккалчилигининг даражаси анча юқори: трансформациянинг ҳисобланган қиймати 150-200 фоизга яқинни ташкил этади. Таваккалчилик юридик шахслардан (ташкilotлардан) жалб этилган депозит ресурсларининг этишмовчилиги билан боғлиқ.

Рискнинг энг хавфли зонаси бўлиб – юридик шахсларни бир йилдан уч йилгача ва уч йилдан ортиқ муддатга кредитлаш ҳисобланади.

Риск факторлари эса қуйидагилар:

– қисқа муддатли депозит маблағларидан (талаб қилиб олингунча ва 30 кунгача бўлган) узоқ муддатли кредитлашда фойдаланиш;

– аҳолининг депозит маблағлари ҳисобидан юридик шахсларни кредитлашда фойдаланиш.

Юридик шахсларни кредитлаш мақсадида аҳоли депозитларидан фаол фойдаланиш таваккалчилиги қуйидагилар билан изоҳланади: жисмоний

шахсларнинг депозит ресурслари нисбатан қимматга тушади, фоиз ставкаларининг ўзгаришига анча таъсирчан бўлади ва чиқиб кетишнинг ўзига хос омилларига эга. Бундай таваккалчилик фақат жамғармаларни суғурталаш тизими ҳисобигагина минималлаштирилмасдан, балки ҳар бир тижорат банки томонидан омонатчининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг махсус чораларини кўриш (масалан, узоқ муддатли жамғармаларнинг ликвидлигини таъминлаш бўйича махсус захира яратиш), шунингдек, ишлаб чиқариш секторини кредитлаш учун депозит ресурсларидан фойдаланишнинг чегараларини аниқ белгилаш орқали ҳам камайтирилиши зарур. Ресурс базасини таҳлил қилиш орқали депозит сиёсатининг энг муҳим йўналишлари аниқланади.

5.5. Тижорат банклари депозит сиёсатининг такомиллаштириш йўллари

Депозит операцияларини тижорат банклари ўзларининг депозит сиёсатлари асосида олиб борадилар. Тижорат банкининг депозит сиёсати унинг кредит сиёсати, фоиз сиёсати ва бошқа фаолият турлари билан чамбарчарс боғлиқ бўлиб, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Шунингдек, тижорат банкларининг депозит сиёсати умумий банк сиёсатининг асосий бир қисми ҳисобланиб, кредит ташкилотларининг депозит фаолиятини амалга ошириш стратегияси ва тактикасини ҳам белгилаб беради.

Депозит сиёсатининг инструментлари сингари фоиз ставкалар ҳам ҳар хил турга бўлинади, қатъий белгилаб кўйилган ва сузиб юрувчи (барқарорлик даражасига боғлиқ ҳолда), реал ва номинал, ижобий ва салбий (ресурслар ва фоизларнинг қадрсизланишидан ҳимояланганлик даражасига боғлиқ ҳолда); шартномавий фоиз ставкалари ва банклараро бозордаги фоиз ставкаси (депозит бозоридаги секторга боғлиқ ҳолда).

Депозит сиёсатининг инструменти бўлиб баҳонинг белгиланиш модули ҳисобланади. Хорижий давлатларда кўрсатилаётган депозит хизматларига мувофиқ ҳолда баҳолар олти хил модел ёрдамида шакллантирилади:

– фоиз ставкасини харажатлар (депозит операциясининг таннархи) кўшилган фойда методи бўйича ўрнатиш;

– бозорга кириб бориш мақсадида депозит баҳосини ўрнатиш. Бу тушунчанинг маъноси кўпроқ миқдордаги янги мижозларни жалб этиш учун юқори фоиз ставкаларини (бозор даражасидан юқорироқ) ёки комиссия йиғимлар тарифининг паст қилиб белгиланишини билдиради;

– бозор асосида фоиз ставкани ўрнатиш;

– депозитлар бўйича фоизларни депозит ҳисобварағидаги минимал қолдиққа боғлиқ тарзда белгилаш ёки шартли «баҳо белгилаш», яъни баҳони депозитнинг минимал даражасига риоя этилишига қараб белгилаш;

–ВИП-мижозларни, яъни юқори даромадларга эга мижозларни жалб этишга мўлжалланган баҳони белгилаш. Чунки уларга хизмат кўрсатиш стратегияси уларнинг ҳар бирига хизмат кўрсатиш учун банкнинг алоҳида ходимини бириктириб қўйилишини ва хусусий хизматлар, шу жумладан, депозитлар бўйича ҳам тақдим этилишини кўзда тутуди;

– мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг сони ва сифатига боғлиқ тарзда баҳо белгилаш (баҳо белгилашнинг кўп омилли усули), яъни бир неча хизматлардан фойдаланувчи мижозлар анча пастроқ тарифларни белгилаш орқали рағбатлантирилади, бу эса банкда энг яхши мижозларнинг мустақкам ўрнашиб қолишини таъминлайди.

Баҳоларни белгилашда биринчи модел – йирик банклар фойдаланиши учун мўлжалланган (харажат плус фойда), ўрта ва кичик банклар учун бу модел харажат талаб ҳисобланади, улар баҳони белгилашда асосан бозор модели ёрдамидан фойдаланадилар.

Баҳони белгилаш моделлари. Банк томонидан жалб этилаётган депозит ресурсларига баҳони белгилаш модели банкнинг харажатларига асосланган бўлиб, рақобатбардошли эканлиги, депозит хизматларининг бозорда тизимлаштирувчи аҳамиятга эгаллиги ҳамда ушбу моделни қўллаш услубиятларининг сермашаққат эканлиги сабабли кўпроқ йирик банклар учун мосдир. Одатда айнан йирик банклар депозит фоизининг даражасини белгилаб беради.

Жалб этилган депозит ресурслари бўйича банк харажатлари фоиз харажатларидан ва депозит операциясининг таннархидан иборат. Таннархнинг миқдорига таъсир кўрсатувчи омилларга банк структураси, депозит операциясининг технологияси, ресурсларни жалб этишда иштирок этувчи банк бўлинмаларининг бюджети, ҳар бир бўлинма бўйича вақт сарфи киради. Харажатларни ҳисоблаш учун икки услубдан фойдаланиш мумкин: анъанавий усулда ҳисобланса, жараён технологиясида асосий бирлик сифатида банк бўлинмаси олинади ва функционал-қиймат таҳлили услуби, бунда алоҳида иш ўрни асосий технологик бирлик сифатида фаолият кўрсатади.

Бозор моделининг ҳар қайси тури асосида ўтган давр мобайнида шаклланган бозор депозит ставкалари ётади. Бозор фоизининг истикболдаги қийматига депозит хизматларига оид талаб ва таклифнинг ўзгариши, инфляция бўйича кутилаётган суръатлар ва мажбурий захирага ажратмалар меъёри таъсир кўрсатади.

Инфляция суръатлари фоиз ставкаси даражасига таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар қаторига киради. Маълумки, пулнинг тобора қадрсизланишидан кредиторлар зарар кўрса, қарз олучилар эса ютади. Шу боис, инфляция пуллик капиталга бўлган талабни оширади, банклар эса ўз даромадлари қадрсизланишини муҳофаза этишга ҳаракат қилишади.

Депозит ресурслари бўйича ўртача бозор даражасининг ўзгаришига ва инфляциянинг кутилаётган ўсишига оид тахминлар асосида ҳисоблаб чиқарилган позитив фоиз ставкаси депозит ресурслари бўйича базавий фоиз

учун асос қилиб олиниши мумкин. Шунингдек, бунда банкларнинг депозит фоизини позитив ставка даражасигача кўтаришга йўналтирилган ҳаракатларини чекловчи омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Биринчи омил ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, айти вақтда у банкнинг барқарорлигини сақлашга қаратилган манфаатларига ҳам тегишлидир. Ушбу омил ишлаб чиқариш рентабеллиги билан депозит қўйилмаларининг рентабеллиги нисбатида ифодаланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз маблағларини ишлаб чиқаришга нисбатан депозитларга жойлаши фойдалироқ бўлганда, тадбиркорларнинг бизнесдан чиқиши содир бўла бошлайди. Юқори суръатлардаги инфляция дастлаб ишлаб чиқариш рентабеллиги юксалишини вужудга келтиради, бу эса айнан бир хил бошқа шароитлар ичида «депозит» рентабеллигининг ҳамда кредит қийматининг ўсишини келтириб чиқаради, шундан сўнг харажатларнинг ошиши орқали ишлаб чиқариш рентабеллигининг пасайиши бошланади, ва оқибатда эса, банк иқтисодиётнинг реал секторига мансуб бўлган ўз мижозларини йўқота бошлайди.

Позитив ставканинг даражасига таъсир кўрсатувчи бошқа бир омил омонатчи ва банк турлича даромад манбаларига эга эканлиги билан изоҳланади. Омонатчининг даромад манбаи депозит бўйича олинadиган фоиз бўлса, банк учун эса – фоиз маржаси ҳисобланади. Фоиз маржаси олинган ва тўлаб берилган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб, у банкнинг фоизсиз турдаги умумий харажатларини қоплаш ва фойдани шакллантириш учун етарли бўлиши шарт.

Фоиз маржасининг етарлилиги, режалаштирилган ёки ҳисобот маълумотлари асосида аниқланади:

Умумий хараж. – Фоизли хараж. – Бошқа даром.

$$МД = \text{-----} \times 100 + \text{Рент}39.$$

Бу ерда, МД – фоиз маржасининг етарлилиги; Умумий хараж. – молиявий режа ёки унинг ижроси бўйича умумий банк харажатлари; Фоизли хараж. – режалаштирилган ёки аниқ фоизли харажатлар; Бошқа даром. – хизматлар ва мулкдан режалаштирилган ёки аниқ фоизсиз барқарор бўлган бошқа даромадлар; Рент. – зарурий рентабеллик даражаси; АФ – ҳисобот даврида ишлаётган активларнинг ўртача қолдиғи (фойда келтирувчи активлар).

Етарли миқдордаги фоиз маржаси инфляциянинг кутилаётган ўсиш суръатларини режалаштириш жараёнида мувофиқлаштирилади.

Депозит ставкаларининг позитив ставка даражасигача оширилиши ҳақиқатда олинadиган фоиз маржасининг етарлилик даражаси камайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳақиқатда олинadиган фоиз маржасининг етарлилик даражаси нисбатан пасайиб кетишига бошқа бир ташқи омил – мажбурий захираларнинг давлат томонидан мувофиқлаштирилиши таъсир кўрсатиши мумкин. Мажбурий захирага

³⁹ Бобоқулов Б.Б. “Тижорат банкларини ресурсларини бошқариш” фанидан маърузалар матни. ТМИ. 2013

ажратмалар депозит ресурслари баҳосининг ошишига, спред ва маржанинг қисқаришига олиб келади.

Шундай қилиб, банк учун реал фоиз маржаси (спред) мажбурий захиралар меъёри бўйича мувофиқлаштирилган депозитлар позитив ставкаси билан ссуда операциялари бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб қолади. Бу тафовут етарли маржа даражасидан паст бўлиши мумкин эмас.

Депозит фоизнинг даражасига таъсир кўрсатувчи ички омиллар қаторига бозорни эгаллаб олиш стратегиясини киритиш мумкин. Бозорнинг тез суръатларда ўсиши шароитида банк баҳони белгилашнинг бозорга шахдам кириб боришга қаратилган стратегиясини танлаши мумкин. Бу стратегия депозитлар бўйича бозордагидан юқорироқ ставкани ва банк хизматлари бўйича пасайтирилган тарифларни тақлиф этишдан иборат. Депозит ҳисобварақлар, одатда, мижозлар билан ўзаро муносабатларни янги хизматлар ҳисобига кенгайтириш ва даромадни юксалтириш имконини беради. Бу эса омонатлар бўйича белгиланган нисбатан юқори фоиз ставкалари қопланишининг имконини яратади. Бундан ташқари, мижозлар кейинчалик депозит бўйича ставкаларнинг пасайишига унчалик эътибор бермайдилар, чунки банкни танлашга таъсир кўрсатувчи 20 га яқин омил мавжуд бўлиб, омонатнинг кўчирилиши турли хусусиятга эга катта харажатларни келтириб чиқаради.

Фоиз даражасига мижозлар билан ишлаш сиёсати таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, юқори даромадга эга бўлган мижозларни жалб этиш учун банк яхши тузиб чиқилган реклама кампаниясидан фойдаланади. Ҳар бир юқори даромадли мижоз банкнинг алоҳида ходимига бириктириб қўйилади ва бу ходим унинг банкка оид барча ишларини олиб боради. Бундай мижоз учун барча баҳолар ўртачадан юқори даражада белгиланади.

Банкнинг депозит сиёсати бир қанча босқичларни ўз ичига олади: жорий ҳолатни таҳлил қилиш, ресурс базаси сифатини баҳолаш, уни ривожлантириш бўйича стратегик қарорларни қабул қилиш, мазкур асослар ёрдамида депозит базасини тартибга солиш методик тактикасини танлаб олиш.

Мазкур вазиятда таҳлил қилишнинг объекти бўлиб юридик ва жисмоний шахслар томонидан депозит хизматларига бўлган талаби; макроиқтисодий муҳитнинг ҳолати; банкка бўлган ишонч; депозит фаолияти билан боғлиқ банк рисклари; ҳар хил инструментларнинг фоиз рискига бўлган таъсирчанлиги; депозит портфели структурасини банк баланси ликвидлиги билан мустаҳкамланиши ҳисобланади.

Тижорат банклари депозит сиёсати сифати баҳосининг моҳияти бўлиб – баланс ликвидлигини ушлаб туриш, банк даромадларини максимал даражага оширишда депозит структурасига таъсир этиш, унинг харажатларини пасайтириш, рақобатбардошлилик даражасини мустаҳкамлаш.

Кредит ташкилотлари депозит базасини таҳлил қилиш методикаси сифатида структуравий таҳлил қилиш, молиявий коэффициентлар асосида таҳлил қилиш, актив ва пасивларни баланслаштириш асосида баҳолашлардан фойдаланишлари мумкин.

Депозит ресурсларининг тузилмавий таҳлили депозит базасининг алоҳида таркиб топтирувчилари нисбатидаги ўзгаришларни миқдорий баҳолаш имконини берувчи статистик қаторлар ҳисобини ўрганишдан иборат.

А. Жалб қилинган маблағларнинг умумий қийматида депозит ресурслари ҳиссасининг ўзгариши.

Таъкидлаш жоизки, депозит ресурсларининг ўрни умумий тузилмавий силжишларга, молия бозорининг турли қатламлари ривожигагина боғлиқ бўлмасдан, балки миждозларнинг молиявий аҳволига ҳам боғлиқдир. Банк миждозлари базасининг сифати унинг фаолиятида кўп жиҳатдан депозит базанинг ҳолатини ҳам белгилайди.

Б. Депозит ресурслари тузилмасининг воситалар, муддатлар ва контрагентлар бўйича ўзгариши, унинг жаҳон стандартларига мослиги.

В. Депозит ресурсларининг барқарор қисмини баҳолаш.

Ушбу барқарор қисмини баҳолаш учун турли услублардан фойдаланилади. Жумладан, уни қуйидагиларга кўра аниқлаш мумкин:

– миждозларнинг кўрсаткичлари ёки депозитларнинг турига кўра ҳисобварақлар туркуми бўйича;

– барқарор қисмининг ҳисобини статистик услублар асосида юритиш ва улар асосида муайян давр мобайнидаги пасаймаётган қолдиқлар бўйича баҳолаш;

– ўтган давр мобайнидаги минимал барқарор қолдиқни ажратиб олишга асосланган эмпирик услубда баҳолаш;

– ҳисобварақлардаги қолдиқлар миқдорининг назарий тақсимланишини тузиб чиқиш асосида баҳолаш.

Иқтисодий тараққиёт инфляциянинг юқори суръатлари билан мос тарзда кечаётган нобарқарор вазият шароитида статистиканинг математик услубларидан фойдаланиши депозитларнинг ўрганилаётган туркумини фақат тажриба асосида тавсифлаши мумкин. Шу сабабли минимал қолдиқни келгуси даврда вазиятнинг ўзгаришига оид башорат қилинган ўзгаришларга боғлиқ тарзда мувофиқлаштириш орқали эмпирик услубни қўллаган мақбул.

Банк депозит базасини таҳлил қилиш учун коэффициентларнинг қуйидаги туркумларидан фойдаланиш мумкин:

– самарадорлик коэффициенти;

– риск коэффисенти;

– барқарорлик (стабиллик) коэффициенти;

– рақобатбардошлилик коэффициенти;

– миждозлар базасининг ўзгариш коэффициенти;

– диверсификация коэффициенти.

Юридик шахслар қатлами бўйича коэффициентлар трансформацияси таваккалчилигининг даражаси анча юқори: трансформациянинг ҳисобланган қиймати 150-200 фоизга яқинни ташкил этади. Таваккалчилик юридик шахслардан (ташкilotлардан) жалб этилган депозит ресурсларининг этишмовчилиги билан боғлиқ.

Рискнинг энг хавфли зонаси бўлиб – юридик шахсларни бир йилдан уч йилгача ва уч йилдан ортиқ муддатга кредитлаш ҳисобланади.

Риск факторлари эса қуйидагилар:

– қисқа муддатли депозит маблағларидан (талаб қилиб олингунча ва 30 кунгача бўлган) узоқ муддатли кредитлашда фойдаланиш;

– аҳолининг депозит маблағлари ҳисобидан юридик шахсларни кредитлашда фойдаланиш.

Юридик шахсларни кредитлаш мақсадида аҳоли депозитларидан фаол фойдаланиш таваккалчилиги қуйидагилар билан изоҳланади: жисмоний шахсларнинг депозит ресурслари нисбатан қимматга тушади, фоиз ставкаларининг ўзгаришига анча таъсирчан бўлади ва чиқиб кэтишнинг ўзига хос омилларига эга. Бундай таваккалчилик фақат жамғармаларни суғурталаш тизими ҳисобигагина минималлаштирилмасдан, балки ҳар бир тижорат банки томонидан омонатчининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг махсус чораларини кўриш (масалан, узоқ муддатли жамғармаларнинг ликвидлигини таъминлаш бўйича махсус захира яратиш), шунингдек, ишлаб чиқариш секторини кредитлаш учун депозит ресурсларидан фойдаланишнинг чегараларини аниқ белгилаш орқали ҳам камайтирилиши зарур.

Ресурс базасини таҳлил қилиш орқали депозит сиёсатининг энг муҳим йўналишлари аниқланади.

Назорат учун саволлар

1.Банкнинг депозит сиёсати деганда нимани тушунаси?

2Депозит сиёсатининг элементлари ва мезонлари қандай аниқланади?

3 Аҳолига банк хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш стратегиясини қандай амалга ошириш лозим?

2.Тижорат банклари депозит сиёсатининг такомиллаштириш учун қандай чораларни кўриш керак?

3.Тижорат банкларининг депозит операциялари билан боғлиқ рисклар қандай бошқарилади?

6- боб. Банк активлари ва пасивларини бошқаришнинг дериватив куроллари

- 6.1. Ҳосилавий (дериватив) воситалар.
- 6.2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари
- 6.3. Опцион, унинг моҳияти ва турлари
- 6.4. Фьючерс, унинг хусусиятлари ва аҳамияти
- 6.5. Варрант, унинг моҳияти ва хусусиятлари

Таянч иборалар: банк, активлар, пасивлар, қимматли қоғозлар, ҳосилавий воситалар, опцион, фьючерс, варрант

6.1. Ҳосилавий (дериватив) воситалар.

Деривативлар бу молиявий воситаларидир. Улар бошқа бир активга асосланган. Деривативларнинг ўзлари - эмас, уларнинг қиймати асосий активнинг баҳоси - маҳсулот, таъминот, валюта, қарз - яъни улар келиб чиқадиган нарх билан белгиланади.

Банк томонидан форвард келишувлари, своплар, опционлар ва шунга ўхшаш ҳосилавий шартномалар амалга оширилганда, у битимлар тўлиқ номинал қийматида кредит таваккалчилигига учрамайди. Шартнома мажбуриятлари контрагент томонидан бажарилмаганлиги, банк учун пул оқимини алмаштиришнинг потенциал қиймати таваккалчилик ҳисобланади.

Ҳосилавий (дериватив) воситанинг баланс эквиваленти ҳисоблаш омилини ҳар бир воситанинг номинал қийматига кўпайтириш орқали кўйидаги жадвалга асосан аниқланади.

7-жадвал

Ҳосилавий (дериватив) воситанинг баланс эквиваленти ҳисоблаш омили

Тўлов муддатлари	Ҳосилавий воситалар	
	Ҳосил асосланган	Валюта алмашув курсларига асосланган
Бир йилгача	0,5%	2,0%
Бир йилдан икки йилгача	1,0%	5,0% (масалан 2%+3%)
Кейинги йил учун	1,0%	3,0%

Ҳисоблаш омили миқдори восита тавсифи ва барча воситалар бўйича қолган қоплаш муддатига боғлиқ, бошланғич қоплаш муддати қўлланиладиган валютавий шартномалар ва олтин бундан мустасно. Юқоридаги усул бўйича ҳисобланган эквивалентларга қарздор тури, кафолат табиати ва таъминотига қараб баланс воситалари сингари таваккалчилик қўлланилади.

6.2. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасининг аввал амал қилган “Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида”ги қонуннинг 80-моддасига асосан “қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир” деб белгиланган эди. Ушбу қонунга асосан, мамлакатимизда қимматли қоғозларнинг ҳосилалари таркибига опцион, фьючерс ва бошқа молиявий воситалар киритилган. Мамлакатимизда 2015 йил 3 июнда янги тахрирда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонуннинг 3 – моддасига асосан “Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан опционлар, қимматли қоғозларга доир фьючерслар, депозитар тилхатлар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар” ҳисобланади. **“Қимматли қоғозлар ҳосилалари” тушунчаси “ҳосилавий қимматли қоғозлар” тушунчасидан фарқ қилади. Ҳосилавий қимматли қоғозларнинг базавий активлари бўлиб нафақат қимматли қоғозлар, балки айрим турдаги товарлар ҳам бўлиши мумкин.** Амалдаги қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка асосан қимматли қоғозлар ҳосилаларининг қуйидаги турлари муомалада бўлиши мумкин:

1. Опцион;
2. Қимматли қоғозларга доир фьючерслар;
3. Депозитар тилхатлар;
4. Бошқа молиявий воситалари.

Ўзбекистон Республикасида муомалага қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд, яъни мамлакатимиз ҳудудида қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тартиб - қондасига кўра қимматли қоғозларнинг ҳосилалари фақатгина акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари (асосан акциялар) асосида муомалага чиқарилиши мумкин. Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси амалдаги қонунчиликка асосан тегишли давлат органида давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмитенти булиб, ушбу қимматли қоғозни ўз номидан ва бу бўйича келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олувчи юридик шахс ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни эмитентнинг (дилернинг) бу соҳага ваколати мавжуд органи томонидан қабул қилинади. Ушбу орган қабул қилинадиган қимматли қоғозларнинг ҳосилалари эмиссияси проспектини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан агарда қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини шартномаси фонд биржасининг жойлардаги филиалларида рўйхатдан ўтади. **Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари муомалага нақд ва нақд бўлмаган кўринишда чиқарилиши мумкин.** Нақд бўлмаган кўринишда чиқарилишда глобал сертификат, яъни қимматли қоғозларнинг

ҳосилалари шартномасига асосан базис активини сотиб олиш ёки сотишни тасдиқловчи қоғоз чиқарилади ва бу сертификат депозитарийда ўрнатилган тартиб-қоида асосида сақланади.

Қимматли қоғозлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қимматли қоғозларнинг ҳосилалари класс ва сериялар бўйича тасдиқланиши мумкин.

1. Класс бўйича – бу ҳолатда қимматли қоғозларнинг ҳосилалари шартномасининг базис активида бир турдаги қимматли қоғоз (кўп ҳолатда акция) ташкил этади.

2. Серия – бу ҳолатда бир классдаги ва бир ҳил нархдаги ҳамда бир ҳил муддатда тўлов муддати келган базис актив ташкил этади.

Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари шартномасида қимматли қоғозларнинг олди-сотди муддатини узайтириш, сотувчининг мулки бўлмаган қимматли қоғозларни сотиш ҳамда муддати ўтган қимматли қоғозларнинг ҳосилалари сотувга қўйиш амалга оширилмайди.

6.3.Опцион, унинг моҳияти ва турлари

Опцион – шартнома бўлиб, унинг эгасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонуннинг 3 моддасига асосан “**опцион** — эмиссиявий қимматли қоғоз бўлиб, у ўз эмитентининг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини унда назарда тутилган муддатда, қатъий белгиланган нарх бўйича сотиб олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди”. Амалдаги қонунчиликнинг 7-моддасида акцияларга доир опционни чиқариш шартлари белгилаб қўйилган. Мазкур моддага асосан акцияларга доир опционни чиқариш шартлари уларнинг муомаласига чекловларни назарда тутиши мумкин.

Агар акциядорлик жамиятининг эълон қилинган акциялари сони олиш ҳуқуқини опционлар берадиган акциялар сонидан кам бўлса, мазкур жамият акцияларга доир бундай опционларни жойлаштиришга ҳақли эмас.

Акциядорлик жамиятининг меҳнат жамоаси ва кузатув кенгаши аъзоларига мукофотни ёки рағбатлантириш тўловини акцияларга доир опционлар тарзида бериш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.


Олиш ҳуқуқини опционлар берадиган муайян турдаги акцияларнинг сони акцияларга доир опционлар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра жойлаштирилган ушбу турдаги акцияларнинг 5 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Акцияларга доир опционлар акциядорлик жамиятининг устав капитали уни таъсис этиш чоғида тўлиқ тўланганидан кейин жойлаштирилиши мумкин бўлади.

Даромад олиш учун опцион базис активининг тахминий курсини тўғри баҳолаш керак. Опционнинг реал сотилиш баҳоси ва олдин белгиланган баҳоси ўртасидаги фарқ ушбу даромадни ифодалайди.

Халқаро амалиётда опцион ўз моҳиятига асосан бир неча турларга ажратилган. Биз қуйида опционнинг таснифини келтирамиз.

7- расм



Опционнинг хусусияти шундаки, унинг эгаси қимматли қоғознинг ўзини эмас балки уни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини опцион мукофоти евазига сотиб олади. Шунини таъкидлаш лозимки, опцион эгаси вазиятга қараб опцион юзасидан сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқидан фойдаланиш ёки ундан воз кечиши мумкин.

Опцион шартномасида икки томон иштирок этади – биринчи томон опционни сотиб олувчи (сакловчи), яъни маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини харид этувчи ва иккинчи томон – опционни сотувчи, яъни шартномада кўрсатилган маълум миқдордаги қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини олувчи шахс иштирок этади.

Халқаро амалиётда барча опционлар икки турга бўлинади:

- сотиб олиш учун опцион (харидор опциони) “колл” опцион (call);
- сотиш учун опцион (сотувчи опциони) “пут” опцион (put).

Сотиб олиш учун опцион уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот евазига базис активини сотиб олиш ҳуқуқини беради.

Сотиш учун опцион эса уни эгасига келажакда келишилган шарт ва мукофот евазига базис активини сотиш ҳуқуқини беради.

Халқаро амалиётда шартномада тасдиқланган опцион шартномасини амалга ошириш муддати бўйича икки турга бўлинади:⁴⁰

1. “Европа опциони” – ушбу шартномада келишилган опцион шартлари фақатгина унда белгилаб қўйилган муддатда амалга оширилади.

2. “Америка опциони” – ушбу шартномада келишилган шартларни опцион эгаси истаган муддатда амалга ошириши мумкин.

⁴⁰ Фредерис Мишкин. Тхе Экономисс оф Монеи, Банкинг анд Финансиал Маркетс. Глобал эдисион 11тх Эдисион. Пеарсон, Унитед Кингдом, 2015.

Опцион бўйича мукофот – бу опционни харид этиб олаётган шахс томонидан уни сотаётган шахсга опцион сертификатини имзолагани учун бериладиган баходир.

Опционнинг ички қиймати – бу опцион эгасига опцион шартномаси амалга ошганда оладиган даромадидир. Унинг миқдори эса базис активининг жорий бахоси ва опцион амалга ошгандаги ижро бахоси ўртасидаги фарқдан иборат.

Опционнинг ташқи қиймати – опционнинг ички қиймати ва мукофот ўртасидаги фарқдан иборат бўлиб унинг миқдори шартноманинг муддатлилиги, курснинг барқарорлиги ва фоиз ставкаларининг динамикасига тўғридан-тўғри боғлиқ.

Опцион бўйича базис активи қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим:

- ✓ қимматли қоғознинг тури (тип, категория);
- ✓ қимматли қоғозларнинг номинали (қиймати);
- ✓ хар бир дона қимматли қоғоз учун баҳо;
- ✓ қимматли қоғозларнинг сони;
- ✓ қимматли қоғозларнинг эмитенти;
- ✓ умумий қиймати;
- ✓ қимматли қоғозларнинг турига қараб бошқа қўшимча маълумотлар талаб этилади.

Опцион шартномаси қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

1. “Сотиб олиш учун опцион” ёки “сотиш учун опцион” деб номланиши;
2. Давлат органидан рўйхатдан ўтганлиги санаси ва тартиб рақами;
3. Опцион имзоланган сана;
4. Опцион эмитентининг номланиши, юридик манзили ва банк реквизитлари;
5. Опцион шarti бўйича эмитентнинг базис активи сотиш (сотиб олиш опциониди) ёки сотиб олиш (сотиш опциониди) тўғрисидаги мажбурияти;
6. Опционнинг харакат этиш муддати ёки уни амалга ошириш куни;
7. Базис активининг хусусиятлари;
8. Эмитентнинг имзоси ва мухри.

Шуни таъкидлаш лозимки, опцион шартномалари асосида қимматли қоғозларнинг курсини кўтарилиши ёки унинг акси, пасайиши хисобига даромад олишлиги учун опцион бўйича “чайқовчилик” манфаати ётади.

Биз “сотиб олиш” учун опционни амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Ушбу шартномага асосан опцион эгаси унинг сотувчисидан маълум миқдордаги қимматли қоғозларни маълум муддатдан кейин келишилган баҳода сотиб олиш ҳуқуқини сотиб олади. Опционни сотувчиси эса шартномада кўрсатилган қимматли қоғозларни мукофот евазига опцион эгаси кўрсатмасига асосан келишилган баҳода сотиш мажбуриятини олади.

Масалан, АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акцияларининг опцион операциясидаги жорий курси 1000 сўм. Шунини таъкидлаш лозимки, бу акциялар опцион шартномаси иштирокчилари ихтиёрида бўлмаслиги мумкин, балки фонд биржасида бошқа брокер ёки дилерлар ихтиёрида бўлади. Опцион эгаси бундай акцияларининг 1 лотини (100 дона акция) сотиб олиш ҳуқуқини олди деб ҳисоблайлик. Опцион шартномасига асосан унинг эгаси маълум муддатдан кейин ушбу лотни, яъни ҳар бир акцияни 1100 сўмдан сотиб олади. Шартномага асосан унинг эгаси сотувчига ҳар бир акция учун 20 сўмдан мукофот тўлайди. Опцион контрагентлари АЖ “ЕЛЖИХОЗ”нинг акцияларининг курсига мутлақо тескари манфаатда бўлади. Опцион эгаси акция курси кўтарилиши тарафдори, унинг ҳисоби бўйича АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акциясининг курси келажакда 1200 сўмни ташкил этади, у ўз ҳуқуқини амалга оширади ва ҳар бир акциядан 80 сўм ($1200 - 1100 - 20$) даромад олади. Опцион эгасининг лот бўйича даромади ($80 \text{ сўм} * 100 \text{ дона акция}$) 8000 сўмни ташкил этади. Агар опцион эгаси янглишган бўлса, яъни АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акциялари курси фақатгина 1100 сўмгача кўтарилган бўлса, ҳамда опцион амалга оширилган тақдирда унинг эгаси ҳар бир акциядан олдин тўланган 20 сўмлик мукофот пули ва жами лотдан ($20 \text{ сўм} * 100 \text{ та акция}$) 2000 сўм зарар кўради. Шунинг учун бундай ҳолатларда опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланмайди ва опцион шартномасини бекор қилади. Иккинчи томондан опционни сотувчи АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акциялари курсининг ўзгармай қолиши ёки кўтарилганда ҳам пастроқ кўтарилишидан манфаатдор. Агар опцион муддати келганда АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акцияларининг курси 1100 сўмни ташкил еца, юқорида таъкидлангандек опцион эгаси ўз ҳуқуқидан фойдаланмайди, натижада опционни сотувчи ҳар бир акция учун 20 сўм мукофот ва жами 2000 сўм даромад олади, ундан ташқари базис активдаги қимматли қоғозлар унинг ўзида қолади. Агарда опцион муддатида акцияларини баҳоси 1200 сўмни ташкил еца, опционни сотувчи уни опцион эгасига ҳар бир акцияни бозор баҳоси бўйича эмас, балки шартномада белгилаб қўйилган 1100 сўмдан сотишга мажбур. Бу ҳолатда юқорида таъкидлаб ўтгандек опцион эгаси қўшимча даромадга эга бўлади.

Биз энди “сотиш учун” опционни амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Таъкидлаш лозимки, ушбу опционнинг амалга оширилиш механизми “сотиб олиш учун опцион” механизмининг тескарисидир. “Сотиш учун” опцион эгаси базис актив акцияларини курсининг пасайиши манфаатида, опционни сотувчи эса ушбу курснинг кўтарилиши манфаатида бўлади. Опцион сотувчиси опцион шартномасини имзолаганда унинг эгасидан АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акцияларини жорий нархи фонд биржасида 1000 сўм, опцион шarti бўйича келажакда АЖ “ЕЛЖИХОЗ” ҳар бир акциясини донасини 1000 сўмдан сотиб олиш мажбуриятини олади. Натижада ҳар бир акция учун (1 лот 100 дона акция) 20 сўмдан, яъни жами 2000 сўм мукофот пули олади. Бу ерда опцион сотувчиси курснинг сақланиб қолиши ёки ўсишидан манфаатдор, чунки бу ҳолатда опцион эгаси шартномадаги

хукуқидан воз кечади. Бу ҳолатда опцион сотувчиси ҳеч қандай харажақиз 2000 сўм мукофот пули олади. Агарда АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акциясининг бозор курси келажақда тушиб кеца, у ҳолда опцион эгаси ўз хукуқидан фойдаланади. Масалан, АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акцияларининг бозор курси пасайиб 900 сўмни ташкил етди. Бунда опцион эгаси ўз хукуқидан фойдаланади ва АЖ “ЕЛЖИХОЗ” акцияларини опцион сотувчисига шартномадаги келишилган баҳо 1000 сўмга сотади. Бу ҳолатда у ҳар бир акциядан 80 сўмдан яъни $(1000 - 900 - 20)$ жами $(80 \text{ сўм} * 100 \text{ та акция})$ 8000 даромад топади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан эмитентнинг опционининг базис активлари эмитентларининг аввал муомалага чиқарган ўзлик қимматли қоғозлари ва аввал муомалага чиқарган учинчи шахснинг қимматли қоғозлари ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан опционнинг базис активи бўлиб эмитентнинг ўзлик бирламчи муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари хизмат қилишга йўл қўйилмайди.

6.4.Фьючерс, унинг хусусиятлари ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қимматли қоғозларга доир фьючерс – қимматли қоғоз бўлиб, у ўзида назарда тутилган муддатда қимматли қоғозларнинг муайян сонини қатъий белгиланган нарҳда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқлайди.

Халқаро амалиётда фьючерс шартномаларини ўз моҳиятига асосан турли гуруҳларга ажралади. Биз қуйида фьючерс шартномаларини таснифини келтираамиз.



8- расм. Фьючерс шартномаларининг таснифи

Фьючерс шартномаси бўйича базис активининг эмитентнинг аввал муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ва аввал муомалага чиқарилган учинчи шахснинг қимматли қоғозлари ташкил этиши мумкин. Амалдаги қонунчиликка асосан фьючерснинг базис активи бўлиб эмитентнинг ўзлик бирламчи муомалага чиқарилган қимматли қоғозлари ташкил этишига йўл қўйилмайди.

Фьючерс шартномасининг асосий хусусияти шундаки, унда бахонинг аниқлиги ва шартнома бажарилишининг мажбурийлигидир. Фьючерсга асосан базис активдаги қимматли қоғозлар дархол қўлдан-қўлга берилмайди, балки қатъий белгиланган муддатда етказилиши зарур. Фьючерс шартномаси ёрдамида фонд қимматликларини келажакда олиш ёки етказиб бериш мажбурияти қонун асосида расмийлаштирилади. Фьючерснинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шартнома имзоланаётган вақтда шартномадаги базис активдаги қимматли қоғозлар унинг сотувчисида умуман бўлмаслиги ҳам мумкин.

Фьючерс шартномаси қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

1. “Фьючерс” деб номланиши;
2. Давлат органидан рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва тартиб рақами;
3. “Фьючерс” имзоланган сана;
4. “Фьючерс”нинг тури (сотиб олиш ёки сотиш учун);
5. “Фьючерс эмитентининг” номланиши, юридик манзили ва банки реквизитлари;
6. Эмитентнинг шартномадаги базис активни сотиб олиш ёки сотиш тўғрисидаги расмий мажбурияти;
7. Фьючерснинг амалга оширилиш санаси;
8. Базис активнинг хусусиятлари;
9. Фьючерс эмитентининг имзоси ва муҳри.

Фьючерснинг опцион билан ўхшашлик томони шундаки, иккала шартнома асосида келажакда фонд қийматларини харид этиш ёки сотиш имконияти мавжуд. Фьючерснинг опциондан фарқи қуйидагилардан иборат:

1. Фьючерс олди-сотди битими эмас, балки у фонд қийматларини етказиб бериш тўғрисидаги қатъий мажбуриятдир;
2. Фьючерс шартномадаги муддат келганда ҳисоб-китобларни қатъий тартибда амалга ошириш тўғрисидаги мажбуриятдир;
3. Фьючерс бўйича хавф хатар риск юкори даражададир, чунки опциондан фарқли равишда фьючерс эгаси салбий вазиятда нафақат муқофот суммасини, балки ундан кўпроқ суммани юқотиши мумкин.

Фьючерс шартномасидаги шартлар биржа аукционидagi қимматли қоғозларга талаб ва таклифни чуқур ўрганган ҳолда тузилади. Фьючерс битимидаги ҳисоб-китоблар эса фонд биржасидаги ҳисоб-клиринг палатаси орқали амалга оширилади. Бунинг учун ҳисоб-клиринг палатасида фьючерс

шартномаси иштирокчиларининг (сотувчи ва олувчи) махсус ҳисоб рақамлари очилади.

Халқаро амалиётдаги фьючерс шартномаси шартларини амалга ошириш механизмини кўриб чиқамиз. Фьючерс шартномасида базис активдаги акциялар курсининг пасайиши ҳисобига манфаат юзага келади. Одатда фьючерс шартномасида қимматли қоғозлар таъминланмаган ҳолда сотилади, яъни бу қимматли қоғозлар сотувчининг мулки бўлмаслиги ҳам мумкин. Фьючерс шартномасига асосан сотувчи брокердан маълум миқдордаги акцияларни сотиб олади. Лекин сотиб олинган пакет акциясининг фақат 60 фоизинигина тўлайди, қолган 40 фоизини эса брокердан жорий нархда қарзга олади. Инвестор сотиб олинган пакет акцияни тўлиқ сотади. Фьючерс шартномасига асосан инвестор брокерга белгиланган муддатда келишилган қимматли қоғозларни етказиб бериши лозим. Ушбу ҳолатда инвестор базис активдаги акциянинг нархини тушишидан манфаатдор, чунки муддат келганда у қарзга олинган акцияларни арзон нархда олади ва брокерга шарномада эски юқори нархда етказиб беради. Натижада инвестор қўшимча даромад олиши мумкин. Лекин олинган акцияларнинг нархи ошиб кеца, инвестор акцияларни юқори нархда харид этиб, уни брокерга шарномадаги белгиланган нархда етказиб беришга мажбур. Натижада инвестор катта зарар кўриши мумкин. Шунинг учун фьючерс шартномасини тузувчи шахслар фонд бозорини, унинг ҳозирги ва келажакдаги ҳолатини ҳамда нарх-наво қандай бўлишини чуқур ўрганиши ва унинг билиши лозим бўлади.

6.5.Варрант, унинг моҳияти ва хусусиятлари

Варрант (warrant) қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини ўзига хос тури бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда варрант – белгиланган муддат давомида (ёки аниқ белгиланган санада), аввалдан келишилган нархларда оддий акцияларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатдир. Варрантнинг имзоланиши ва амалга оширилиши уни базис активини ташкил этувчи қимматли қоғознинг муомалага чиқарилиши билан узвий боғлиқ. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, варрант активини ташкил этувчи қимматли қоғозни бир марталик эмиссияси натижасида варрант ҳам бир марталик ҳисобланади, ва у қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

1. “Варрант” деб номланиши;
2. Давлат органидан рўйхатдан ўтганлиги санаси ва тартиб рақами;
3. Варрант имзоланган сана;
4. Варрант эмитентининг номланиши, юридик манзили ва банкнинг реквизитлари;
5. Эмитентнинг базис активни сотиш тўғрисидаги расмий мажбурияти;
6. Варрант шартномаси амал қилиш муддати ёки амалга оширилиш санаси;

7. Варрантни харид қилувчисининг номланиши (эгаси ёзилган варрант учун);
8. Базис активнинг хусусиятлари;
9. Варрант эмитентининг имзоси ва муҳри.

Халқаро амалиётда варрант шартномасини тузишда қуйидагилар таъқиқланади:

➤ аввал муомалага чиқарилган, унинг шахс мулкида бўлган ва эмитентнинг ўзи сотиб олган қимматли қоғозлар базис активи ҳисобланмайди;

➤ базис активдаги қимматли қоғоз номиналидан варрант номинали паст бўлмаслиги шарт (облигация бундан мустасно).

Варрант эмитентлари унинг биринчи эгалари учун қимматли қоғозларини харид этишларида бир хил нарх шароитларини таъминлаши лозим, бу эса варрантнинг биринчи эгаларига бир хил нархда қимматли қоғозларни сотиб олиш ҳуқуқини беради. Варрантнинг эгалари учун қимматли қоғозларни жойлаштириш нархи бошка инвесторлар, яъни варрантнинг иштироқчилари бўлмаганлардан фарқ қилиши мумкин.

Назорат учун саволлар

Назорат учун саволлар

1. Молиявий фьючерс шартномаларини суғурталаш қандай амалга оширилади?

2. Кредит ва фоиз опционлари, фоизли своп шартномаларини тушунтириб беринг.

3. «ГЕП», «Флор», «Коридор» кўринишидаги фоизли шартномалар қандай шартномалар ҳисобланади? Бу шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш қандай амалга оширилади?

7- боб.Тижорат банклари ресурсларини стратегик бошқариш

7.1.Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришни стратегик режалаштириш.

7.2.Тижорат банки молиявий ресурсларини бошқаришда ички ва ташқи муҳитнинг таъсири.

7.3. Тижорат банклари ресурсларини ички ва ташқи муҳитлар ва омилларнинг таъсирини камайтириш орқали бошқариш.

Таянч иборалар: банк, ресурс, пассив, омонат, фоиз сиёсати, стратегия, молиявий маблағ, аҳоли, даромад.

7.1.Тижорат банклари фаолиятини ривожлантиришни стратегик режалаштириш

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банклари тармоқларини кенгайтириш улар ўртасида депозитлар, банклараро кредит ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш учун рақобатни юзага келтиради. Шундай экан, банклардан истиқболни олдиндан кўра билиш, кутиладиган ўзгаришлар ва ташқи таъсирларни ўз вақтида аниқлай олиш талаб этилади. Бунда банк фаолиятини стратегик режалаштириш катта аҳамиятга эга.

Стратегия деганда, туб маънода, олиб борилаётган фаолиятни мужассамлашган режалаштириш сиёсати тушунилади. Стратегик бошқариш инсон салоҳиятига таяниб, фаолиятни мижозлар талабларига мувофиқлаштиришни кўзда тутуди, рақобатда устунликни таъминлайдиган ўзгаришларни ўз вақтида амалга оширади. Банк фаолиятида эса, банкнинг аниқ мақсадларга эришишига имкон бериб, унинг узок муддат давомида фаолият кўрсатишини таъминлайди. *Тижорат банклари молиявий ресурсларини стратегик бошқариш* - бу омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб этиш ва мазкур банк учун маблағлар манбаларининг тегишли комбинацияларини белгилаш билан боғлиқ фаолият бўлиб ҳисобланади. Тижорат банклари фаолиятини ривожлантириш ҳамда молиявий ресурслар бошқарилишини стратегик режалаштириш, умуман олганда, қуйидагича босқичларда амалга оширилиши мумкин:

1. Банкнинг миссияси ҳамда узок муддатли мақсадларини белгилаш;
2. Муҳит ҳамда омиллар таҳлили;
3. Банкнинг кучли ва кучсиз томонлари ҳамда имконият ва хавф-хатарлар таҳлили;
4. Банкнинг қисқа муддатли мақсадларининг белгиланиши;
5. Муқобил стратегиялар ишлаб чиқиб, улар ичидан энг мақбулини танлаш;
6. Стратегияни амалга оширилиши;
7. Стратегияни бажарилишига баҳо бериш ва назорат олиб бориш.

Юқорида келтирилган босқичлар идеал кўриниш сифатида қабул қилинмаслиги лозим, чунки вазиятга қараб уларнинг таркиби ва кетма-кетлиги фарқли бўлиши табиийдир. Турли адабиётларда ҳам бу босқичлар турлича берилишини кузатишимиз мукин. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, мувоффақиятли стратегиянинг танланиши, авваламбор, муҳит ҳамда банк фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларнинг таҳлили сифатида боғлиқ.

7.2.Тижорат банки молиявий ресурсларини бошқаришда ички ва ташқи муҳитнинг таъсири, уларнинг таъсирини камайтириш орқали молиявий ресурсларни бошқариш

Тижорат банклари ўз фаолиятини самарали асосда ташкил қилиши учун муҳит, ички ва ташқи омил таҳлилини амалга ошириб бориши ва унинг салбий таъсирини камайтириш чораларини кўриши лозим. Банк фаолиятида шаклланган муҳит унинг молиявий ресурсларини бошқариш даражасига ҳам катта таъсир кўрсатади. Банк томонидан бошқарилиши ёки таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган омилларга ички омил, банкка боғлиқ бўлмаганларга эса ташқи омиллар дейилади. Молиявий ресурс манбаларини бошқаришда муҳим аҳамият касб этадиган омилларга қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

8-жадвал.

Тижорат банки молиявий ресурсларини бошқаришга таъсир ўтказувчи баъзи ички ва ташқи омиллар

Ички омиллар	Ташқи омиллар
<ul style="list-style-type: none"> • Янги ахборот технологиялардан фойдаланиш даражаси; • Бошқарувчилар ва ходимлар малакаси, уларнинг ишга муносабати; • Бошқарув тизими, ташкилий тузилиши; • Банк ҳолати (банк обрўси, капитал ҳажми, активлар сифати ва б.к.); <p>Бошқалар.</p>	<ul style="list-style-type: none"> •Иқтисодий вазият; •Сиёсий жараёнлар; •Қонунчилик; •Аҳолининг банкка ишончи; •Аҳоли даромадлари, минтақанинг ривожланганлик даражаси; •Инфраструктуранинг шаклланганлик даражаси; •Марказий банк сиёсати; •МБ томонидан тижорат банклари фаолиятига қўйиладиган талаблар; •Инфляция, фоиз ставкасидаги кутилмаган ўзгаришлар ёки нобарқарорлик; <p>Бошқалар.</p>

Бунда тижорат банклари операцияларининг автоматлаштириши молиявий ресурсларни бошқаришга кўп томонлама таъсир кўрсатади. *Биринчидан*, молиявий ресурслар ҳолати тўғрисидаги ахборотни бошқарувчилар ёки бошқа алоқадор шахслар томонидан исталган пайтда олиш имконияти туғилади. Бу эса самарали қарорлар чиқариш имкониятини яратади. *Иккинчидан*, молиявий ресурсларни жалб қилиш бўйича янги имкониятлар пайдо бўлади. Бунга турли хил ҳақларни автоматик равишда ўтказилиши, аҳолига интернет орқали хизматлар кўрсатиш кабиларни келтириб ўтишимиз мумкин. *Учинчидан*, узоқ муддатли даврда банкнинг операцион харажатлари камайтирилишига еришилади.

Самарадорликни ошириш учун ходимлар иш ҳақи кўринишида рағбатлантириб борилиши, ловозим даражалари ҳам оширилиб борилиши ва бошқа чоралар кўрилиши талаб этилади. Бунда индивидуал мақсадларнинг ҳам амалга ошиши таъминланиши лозим.

Банкнинг ташкилий структураси ва бошқарув тизими шундай тузилиши керакки, унда барча жараёнларнинг ўзаро мувофиқлиги таъминланиши лозим. Бошқача айтганда, барча таркибий бўлимлар умумий мақсадга эришиш йўлида хизмат қилиши лозим.

Актив ва пассив операцияларини бошқариш ўртасидаги ўзаро алоқалар банкнинг фойда кўриши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир

Қисқа муддатли даврда пассивларни бошқариш қуйидаги қоидаларга риоя этишни назарда тутати:

- активлар ва пассивларни камайтириш муддатларидаги узилишлар ёки турли вақт оралиқларидаги фоизларга сезгир активлар ва пассивларнинг ҳажмлари ўртасидаги номувофиқликларни синчковлик билан кузатиб бориш. Фоиз ставкалари динимикаси ҳисоб-китоб ставкасидан фарқли бўлса, ликвидликнинг сусайиши хавфи ошади;

- фондлаштириш манбалари бўйича таваккалчиликларни диверсификациялаш ва ресурсларни тўлдиришнинг муқобил тарздаги хилма-хил манбаларини топиш.

Кейинги йилларда банклар ўз ликвидликларини таъминлаш учун кенг миқёсида қарз олишдан фойдаланмоқдалар. Қарз маблағларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш кейинги йилларда банк кредитларига талаб ошганлиги ва талаб қилингунча омонатлар нисбатан секин кўпаяётганлиги билан белгила-нади. Иқтисодий фаоллик кучайиши ва инфляция суръати ошиши хўжалик фирмаларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларни ошишини англатади. Бундан ташқари, фирмалар ҳам, яқка шахслар ҳам фоиз ставкаларга нисбатан сезгирроқ бўлиб қолганларини кузатиш мумкин. Бунинг натижасида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, “талаб қилингунча” омонат турининг кўпайиши секинлашади. Бунинг оқибатида банкларнинг маблағларга эҳтиёжи вақти-вақти билан ошади. Банклар ушбу вақтинчалик эҳтиёжни халқаро амалиётда банклараро кредитлар, захира фондлари, РЕПО битимлари ёки евродолларлар бозоридан қарз олиш ёрдамида қондирилади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг асосий концепцияларидан бири ва жуда кенг тарқалган банклараро кредитлар назарияси ҳисобланади.

Банклараро кредитлар назарияси

Марказий банк ёки вакил банкдан қарз олиш захираларнинг (бинобарин, ликвидликнинг ҳам) ҳолатини тузатиш учун маблағларини сафарбар этишнинг “ҳисоб ойнаси” (diskount window) деб номланадиган бир усулидир. Захираларни бараварлаштириб боришнинг ушбу усули кенг тарқалмаган бўлсада, бундай қарзлар Марказий банк томонидан назорат қилинади.

Кредит ресурсларининг ўрнини қоплаш муддатлари турлича. Ҳалқаро амалиётда 1,3 ва 6 ой муддатдаги депозитлар, бир кундан токи бир неча йилгача энг юқори муддатлилари кўпроқ тарқалган. Банклараро кредит жалб этиш иккита усулда: мустақил равишда, тўғридан тўғри музокаралар йўли билан ёки молиявий воситачилар орқали амалга оширилади. Банкларнинг ўзлари банклараро кредит тўғрисида келишилган тақдирда уларнинг муносабатларнинг махсус шартнома билан расмийлаштиради.

Бўш ресурсларни жалб этиш тўғридан-тўғри сотувчи-харидор ўртасида эмас, балки воситачи иштирокида кечади. Банкларнинг ўзлари, брокерлик идоралари, фонд биржалари, молия уйлари, кредит дўконлари йўсинида қатнашишлари мумкин.

Евродолларлар бозоридан қарз олиш назарияси

Евродолларлар бозоридаги қарз олиш йирик тижорат банклари учун иложи бўлган пасивларини бошқариш инструменти дир. Ундан чет элда филиаллари бўлган банклар ҳам, бундай филиаллари бўлмаган банклар ҳам фойдаланадилар. Евродолларлар- АҚШ долларларида ифодаланган ва АҚШдан ташқаридаги тижорат банкларида, шу жумладан, Америка банкларининг филиалларида сақланадиган қўйилмлар.

Евродолларлар АҚШ банкнинг америкалик ёки чет эллик омонатчиси чет элдаги банкка ёки Америка банкининг филиалига маблағ ўтказганида юзага келади. Ушбу операция ўтказилиши натижасида АҚШ долларларидаги янги депозит мажбурияти юзага келади. Мазкур ҳолда АҚШ долларларидаги қопланиши шарт бўлган банк қўйилмалари ўзгармасдан қолади. Лекин чет элда АҚШ долларларидаги янги депозит мажбурияти-евродолларлар пайдо бўлади.

Банклар ресурсларини бошқаришнинг концепцияларидан яна бири-захира фондларини олиш назарияси ҳисобланади.

Захира фондларини олиш назарияси.

Захира фондларини олиш – ликвидликни таъминлаш мақадида кредитдан фойдаланишнинг кенг тарқалган усуллари дан биридир. Ушбу фондлар Марказий банкдаги ҳисобварақларда сақланадиган депозит қолдиқларидир. Кутилмаганда қўйилмалар оқими кела бошлаган ёки ссудалар қисқарган тақдирда тижорат банкларида ортиқча захиралар юзага

келиши мумкин. Бу маблағлар даромад келтирмаслиги сабабли, банклар уларни қисқа фурсатга бошқа банкларга фойдаланиш учун бериб қўядилар. Захиралар мажбурий ҳажмини тиклаш ёки активлар сотиб олиш учун маблағга муҳтож бўлган банклар ушбу ортикча маблағларини бажонидил сотиб оладилар. Захира фондларига оид бир кунлик операциялар ўз моҳиятига кўра, ссудалар билан таъминланмаган бўлади. Баъзан банкларнинг бири бошқасига давлатнинг қимматли қоғозларини сотадиган бўлса, битим қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битим шаклини касб этади. Бундай битимлар, одатда бир кунлик муддатга мўлжалланади. Лекин, айрим битимлар, одатда бир кунлик муддати бир ҳафта ёки ҳатто, бир неча ҳафтани ташкил этиши мумкин.

Қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар назарияси

Захира фондларига оид банклараро операцияларга, қўшимча равишда банклар билан давлат қимматли қоғозлари бўйича диллерлар ҳамда бошқа инвесторлар ўртасида шуларга ўхшаш битимлар амалга оширилади. Бу битимлар қайтариб сотиб олиш тўғрисидаги битимлар (repurchase agreements) деб номланади.

Пассивларни бошқаришда банк хизматлари бозорини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай таҳлил ушбу минтақадаги бошқа банкларнинг қўйилмаларини жалб этиш шарт-шароитлари тўғрисида ахборот беради. Банк қўйидагиларни:

- қўйилмаларга оид манфаатлироқ шарт-шароитларни
- Янги молиявий маҳсулотларни
- қўшимча хизматларни (масалан, бозор тўғрисидаги ахборотни ва бошқа кредит муассасалари фоиз ставкаларининг таққосланиши).
- Хизмат кўрсатишнинг юқорироқ даражасини таклиф еца, рақобатбардошлиги ошади.

Бугунги кунда республикамиз тижорат банклари ресурс базасининг заиф томонлари кредитлаш салоҳиятини оширишга тўсқинлик қилаётганлиги кузатилмоқда.

7.3. Тижорат банклари ресурсларини ички ва ташқи муҳитлар ва омилларнинг таъсирини камайтириш орқали бошқариш

Банк тизими барқарорлигининг асосий мезонларидан бири, бу банкларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси, яъни уларнинг капиталлашув даражасининг юқорилиги ҳисобланади. Тижорат банклари капиталининг юқорилиги миллий иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенгроқ қондириш ҳамда аҳоли ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини кенгроқ ҳимоялаш имконини беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш макроиқтисодий барқарорликни

янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарурий шартларидан бири сифатида қайд этилган⁴¹.

9-жадвал.

Банк тизимининг иқтисодиётдаги ўрни⁴²

№	Кўрсаткичлар номи	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.
	1	2	3
1	ЯИМ	302 536,8	407 514,5
2	Банк активлари	166 631,8	214 419,6
3	Активларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	55,1	52,6
4	Кредит қўйилмалари	110 572,1	167 390,6
5	Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати, фоизда	36,5	41,1
6	Депозитлар	59 578,7	70 001,4
7	Депозитларнинг ЯИМга нисбати, фоизда	19,7	17,2
8	Капитал	20 676,1	26 678,9
9	Капиталнинг ЯИМга нисбати, фоизда	6,8	6,5

Мазкур 9-жадвалда банк тизими кўрсаткичлари, хусусан банк активлари, кредит қўйилмалари, депозитлар ва капиталнинг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмига нисбати келтирилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги вазифалар ва талаблар ўз аксини топган:

- 2017 йил 1 октябрдан бошлаб устав капиталининг энг кам миқдорига нисбатан талаб тижорат банклари учун 100 млрд. сўм қилиб белгиланди;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Асака банкнинг валютада шакллантирилган устав капиталини ушбу хорижий валюталарни сотиш йўли билан миллий валютада шакллантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди;

- тижорат банкларини уларга хос бўлмаган функциялардан озод қилиш мақсадида, тижорат банкларининг:

- * хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорлиги шаклланиши устидан назорат қилиш;

- * хўжалик юритувчи субъектлар томонидан олинган нақд пулларни мақсадли ишлатилиши устидан назорат қилиш вазифалари бекор қилинди;

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ёналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тоъплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б

⁴² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил натижалари бўйича статистик Бюллетени 47- бет

* тижорат банклари фаолиятига умумэтироф этилган замонавий меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий қилиш, банк-молия тизимини халқаро рейтинг ташкилотлари баҳолаши асосида баҳолаш кўрсаткичларини янада такомиллаштириш;

* Банк назоратининг халқаро принциплари асосида тижорат банклари капиталининг етарлилиги, ликвидлилиги ва барқарорлиги бўйича талабларни бажарилишини таъминлаш


* Базел қўмитасининг талабларини ҳисобга олган ҳолда банк рискларини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юкланди⁴³.

10-жадвал

Тижорат банкларининг жами капитали таркиби ва динамикаси⁴⁴ (млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		01.01.2019 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
Жами капитал	8981,3	100,0	20676,1	100,0	26678,9	100,0
Устав капитали	5805,1	64,6	16306,7	78,9	19673,2	73,7
Кўшимча капитал	40,7	0,5	68,4	0,3	89,4	0,3
Захира капитали	1467,7	16,3	1792,8	8,7	2937,6	11,0
Тақсимланмаган фойда	1667,9	18,6	2508,3	12,1	3978,8	14,9

10-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, банклар капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2017-2019 йиллар давомида 3,0 баробарга кўпайиб, 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига 26,7 трлн. сўм ни, устав капитали умумий миқдори эса 3,4 баробарга ошиб, 19,7 трлн. сўмни ташкил етди.



9-расм. Тижорат банкларининг жами капитали динамикаси,

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга доир чора-тадбирлар тоъғрисида”ги қарори. www.lex.uz.

⁴⁴ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари асосида тайёрланди.

млрд.сўм⁴⁵.

9-расм маълумотларидан тижорат банкларининг умумий капитали 2019 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 2018 йилнинг 1 январига нисбатан 29,0 фоизга ошиб, қарийб 26, 7 трлн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда 19 та тижорат банки акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингга киритилган бўлиб, ушбу қимматли қоғозларнинг котировкаси биржада мунтазам равишда амалга оширилиб, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниб борилмоқда⁴⁶.

11-жадвал.

Банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичи динамикаси⁴⁷

	I даража- ли капитал	Асосий капитал	Қўшим ча капитал	II даража- ли капитал	Жами регулятив капитал	Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда	II даражали капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда
01.01.2017йил							
млрд сўм	7 179,4	7 133,7	45,6	1280,7	8 460,1	14,7	12,5
улуши, фоизда	84,9	84,3	0,5	15,1	100,0		
01.01.2018 й.							
млрд сўм	17 627,1	17 580,3	46,8 2	365,7	992,8	18,8	16,5
улуши, фоизда	88,2	87,9	0,2	11,8	100,0		
01.01.2019 й.							
млрд. сўм	22 146,3	22 060,6	85,6	2 084,9	24231,1	15,6	14,3
улуши, фоизда	91,4	91,0	0,4	8,6	100,0		

Мазкур 11-жадвалда банк тизими бўйича капитал етарлилиги кўрсаткичлари динамикаси келтирилган. Банклар капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июл) билан тартибга солинади.

Назорат учун саволлар

1. Молиявий фьючерс шартномаларини суғурталаш қандай амалга оширилади?

⁴⁵ Расм Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида шакллантирилган

⁴⁶ www.uzse.uz- Тошкент Фонд биржаси расмий интернет сайти

⁴⁷ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил натижалари бўйича статистик Бюллетени асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

2.Кредит ва фоиз опционлари, фоизли своп шартномаларини тушунтириб беринг.

3.«ГЕП», «Флор», «Коридор» кўринишидаги фоизли шартномалар қандай шартномалар ҳисобланади? Бу шартномаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш қандай амалга оширилади?

4.Тижорат банкларининг актив ва пассивлари тушунчаси ва уларни бошқаришнинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг?

5.Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқаришнинг усуллари қандай?

6. Тижорат банкларининг актив ва пассивларини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари?

7. Тижорат банкларида актив ва пассивларни бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари?

8- боб. Банк ишида балансдан ташқари молиялаштириш

8.1. Банкларда балансдан ташқари молиялаштириш тушунчаси.

8.2.. Банк активлари ва қарзларни секюритизациялаш

8.3. Банк ресурсларини тўлдириш мақсадида қарзларни сотиш

Таянч иборалар: банк, баланс, қимматли қоғоз, кредит, секюритизация, аккредетив, муддатли битимлар.

8.1. Банкларда балансдан ташқари молиялаштириш тушунчаси

Кўпчилик ривожланган давлатлар тижорат банклари яқин йилларда комиссия даромад олишга қаратилган балансдан ташқари фаолиятни сезиларли даражада кенгайтirdилар. Мазкур фаолият кенгайиши анъанавий кредитлаш соҳасидаги қисқаришлар билан боғлиқ.

Корпорацияларнинг қарз маблағларини жалб қилиш имкониятларининг ортиши, яъни қимматли қоғоз эмиссия қилиш орқали қарз жалб қилиш, қолаверса нобанк секторининг ривожланиши банкларнинг кредитлаш соҳасидаги қисқаришларга олиб келди.

Балансдан ташқари фаолиятнинг жадал ўсишга иқтисодий асос бўлиб бугунги кунда корпорациялар юз тутаётган молиявий рискларнинг ортиши ҳисобланади. Ҳосилавий қимматли қоғозлар (деривативлар) молиявий рискларни хеджирлаш инструменти бўлиш билан бирга, балансдан ташқари моддалар қаторига киради.

Балансдан ташқари моддалар активлари ва пасивларига алоқаси бўлмаган бойликлар, ҳужжатлар, топшириқномаларни ҳисобга олиш мақсадида қўлланилади. Балансдан ташқари моддалар қуйидаги бўлимлардан иборат:

- захира фондларидаги пул билетлари ва тангалар;
- қарздорларнинг муддатли мажбуриятлари ва ссудалар;
- банк томонидан инкассо учун ва йўлдаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида кредитлар билан таъминлаш учун қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари;
- қатъий ҳисоботда турувчи бланкалар;
- пул белгиларини муомалага чиқаришга рухсатномалар;
- тўлов учун аккредитивлар ва бошқалар;

Балансдан ташқари моддалар банклар балансида яқуний баланс ҳисобварақаларидан кейин жойлаштирилади.

Балансдан ташқари моддалар бўйича операциялар банкнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларга киритилмаса ҳам, банк учун хатарлидир. Бу хатр айниқса мижознинг учинчи шахсдан олган кредитини банк томонидан кафолатланишида ўз аксини топган. Агар банк мижози, учинчи шахсдан олган кредитини қайтариш имконига эга бўлмаса, унга кафилик бергани учун, банк бу кредитни тўлайди.

Халқаро банк амалиёти шуни кўрсатадики, 100 йиллар давомида банклар аҳолидан ўзларининг маблағларини кўпайтириш мақсадида маблағлар жалб этилган ва қарзларга асосий даромад манбаи сифатида таяниб қолишган. Охирги йилларда эса банклар олдида жиддий муаммолар пайдо бўлиб қолди, яъни омонатчилар жамғармалари ва қарз олувчилардан қарз маблағларига бўлган талаблар орасидаги фарқдан ошиши ва одатий қарз олувчилар банклардан ташқари яна бошқа фойдали капитал қуйиш манбаларини топишди. Нобанк молиявий институтлар (брокерлик, дилерлик, суғурта компаниялари) банклардан фарқли равишда нақд пулни бошқаришнинг янги хизматларини таклиф қилишди. Бунинг оқибатида депозитларнинг ҳажми кутилгандан кўра пасайди ва банклар янги маблағ жалб этиш йўллари қидиришга мажбур бўлинмоқда.

Бир қанча молиявий янгиликлар охирги вақтларда оммавийлашмоқда ва улар фондлар ўртасидаги фарқни тўлдиришда кенг ёрдам бермоқда. Буларга активлар секюритизацияси, қарзлар савдоси, кредит кафолатларини чиқариш, кредитда мижозларнинг истъемолини химоялашни киритиш мумкин.

Банк ташкилотлари ва қарз олувчилар ўртасидаги муносабатларни асосий тамойилларидан бири бу банк берадиган қарзларнинг таъминланганлигидир. Кредитни сўндира олмаслик рискдан қочиш учун қарздор таъминотга эга бўлиши лозим (ишонч кредитидан ташқари). Белгиланган қонун-қоидаларга кўра банк томонидан бериладиган кредитлар учун таъминот бўлиб мол-мулк, қимматли-қоғозлар, учинчи шахс кафолати, кредит сўндирилмаслиги суғуртаси ҳисобланади.

Шу туфайли охирги йилларда молиявий кафолатлар бозори ривожланмоқда. Кафолатлар қарз берувчининг кредиторлар олган қарзни суғурталаш орқали рискдан қочиш ва молиявий харажатларни камайитиришга ёрдам беради. Молиявий кафолатлар қарздор банкрот ҳисобланиб шартномани бажариб бера олмаган тақдирда ҳам асосий қарзни ва фоизларни вақтинчалик тўлаш учун мўлжалланган. Балансдан ташқари фаолиятга асосан **кредит кафолат хати**, резерв аккредитив, тижорат аккредитив ва деривативлар киради. Молиявий кафолатларининг бир неча хили амалда бўлса ҳам АҚШ банклари доирасида кредит хати (ККХ) кенг тарқалган ККХ банкнинг балансдан ташқари мажбурияти ҳисобланади. Бундай банк ёки нобанк ташкилоти кредитни ўзининг жамғармалари ҳисобидан депозит шаклида ёпади ва уларнинг жойлаштирилиши банк кредити орқали қисартирилади.


Секюритизация босқичи турли хил даражалардан иборат. Биринчидан рискдан ҳоли даромадли ликвидли инвестицион компанияларнинг қимматли қоғозлари жамғарилиши кўпаяди. Иккинчидан яхши фаолият юритиш акция, облигация шаклидаги қимматли қоғозларнинг жамғарилишига олиб келади. Бу эса реал активларга нисбатан молиявий активларнинг ошиши ва умумий молиявий активлар таркибида қимматли қоғозлар салмоғини оширади.

Ўзбекистон молия бозорида банклар етакчи ўринни эгаллаши қимматли қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги, хўжалик юритувчи субъектларининг фаолмаслиги банк активларининг секюритизациялашнинг қўлланмаслигига олиб келди.

Секюритизациялаш тамойили 1970 йилларда пайдо бўлган ва бу орқали банк қарзлари фонд бозорида эркин айланувчи қимматли қоғозлар сифатида айланади.

Секюритизацияда банк даромадли активларнинг бир қисмини ипотека ва истеъмол ссудаларига жойлаштиради ва улар остида қимматли қоғозлар эмиссия қилиб сотади. Тўлаш чоғида даромадни акция эгалари томонга қайтаради ва янги даромадидан фойдаланилади

Банк қарзларини секюритизациялаш қарзларни сотишдан тушган маблағлар



Алоҳида қарз ёки контрактларни сотишдан
Сотишдан тушган маблағлар.

Банк кафолатларининг таснифи

Кредит кафолати хати учта асосий элементни ўз ичига олади:

- Ташкилий мажбурияти (банк ёки суғурта компанияси);
- Тўловчи томонидан ККХ ни берувчи;

Бенефициар одатда бу банк ёки бирор инвестор дебиторга берилган маблағнинг кафолати тўғрисида қайғуради.

ККХнинг асосий хусусияти шуки, у балансдан ташқари мажбурият ҳисобланади. Бенефициар кафолатчидан маблағни камдан кам ҳолда сўрайди.

Банк ККХ икки турга бўлинади: тўғри ва эгри.

Тўғри ККХ –қарз олувчи банкка унчалик маълум бўлмаса қўлланилади. Агар банк қарз олувчининг қарзни тўлаб боришига ишонмаса, ундан кафолат хати талаб қилади. Одатда бундай кафолат, шу иш билан шуғулланувчи корхоналар томонидан ККХ орқали амалга оширилади.

Эгри ККХ- одатда инвесторлар гуруҳи ўзининг асосий ва қарз капиталини рискли ташкилотга киритганда қўлланилади. Бундай лойиҳани молиялаштиришда ҳар бир инвестор ККХ билан мустаҳкамланган шахсий мажбуриятларни жамлайди. Агар инвесторлар банкка кредит учун мурожаат қилишга банкнинг кредитнинг бўйича мутахассиси уларнинг ҳар биридан

кафолат талаб қилади ва бенифициар ҳуқуқлари кафолатланган ККХ имзоланади, буэгрыйўл ҳисобланади.

Кредитлашнинг кўп йиллик тажрибаси шуни кўрсатадики, кредитга кафолат сифатида учинчи томоннинг кафолати ҳам қабул қилинади.

Банк бенифициар кафолатчидан банк кафолатини сўраши мумкин. Банк кафолати сифатида банк ёки кредит ташкилоти учинчи шахсдан мажбуриятини тўлаб беришни талаб қилади. Учинчи шахс ёзма ҳолда банк бенифициарига унинг мажбуриятини тўлаб бериш тўғрисида кафолат хатини беради. Бу кафолат бенифициар олдида қарздорни оқлайди ва охирида кафолатчи мукофатланади.

ККХ ссуда мажбуриятлари –бу миқдорнинг олдиндан белгиланган қарз миқдорини шартнома муддати давомида олиш ҳуқуқини таъминловчи битимдир. Мазкур битим қуйидагиларни ўз ичига олади: қарзнинг максимал миқдори, битим муддати узунлиги ва тўланадиган фоиз ставкалари .

ККХ ссуда мажбуриятлари банкка қарзга берилган маблағлар учун фоизлардан ташқари қўшимча комиссия даромад келтиради.

Мазкур битим қарздор томонидан кредит линияси миқдоридан келиб чиқиб белгиланадиган компенсацион қолдиқни ҳисобрақамда сақлашни тақозо этади.

Резерв аккредитив - бу учинчи томон кафолати бўлиб, бунда кредитга лаёқатликка масъул бўлиб миқдор ўрнига банк майдонга чиқади.

Резерв аккредитив асосан тижорат қоғозини эмиссиясини тақсимлаш мақсадида фойдаланади. Тижорат қоғози 270 кундан кам сўндириш муддатига эга бўлиб таъминланмаган қарз мажбурияти ҳисобланади. Тижорат қоғози таъминланмаган бўлганлиги сабабли у асосан юқори рейтингга эга бўлган корпорациялар қисқа бўлганлигидан уни тўлаш мақсади фирмалар янги тижорат қоғозларини чиқарадилар. Бозор ҳолатининг ўзгариш ёки фирма рейтингининг тушиб кетиши туфайли фирма янги тижорат қоғозларини сота олмаса, тижорат қоғозлари бўйича мажбуриятларни бажара олмайди. Маскур рискни юмшатиш мақсадида эмиссия қилувчи фирма тўловни кафолат резерв аккредитив тузишга киришади.

Резерв аккредитив фирма учун жуда фойдали бўлади, чунки банкларнинг рейтинги фирманикига нисбатан анча юқори бўлади.

Тижорат аккредитивдан фойдаланиш импорт экспорт фаолиятлари билан боғлиқ. Маскур аккредитив сотувчи харидорнинг кредитга лаёқатлигига шубҳа билдиганда фойдаланилади.

Аккредитивни тутиб турувчи(экспортчи) уни импортчи банкка акцептлаш тақдим қилиши мумкин. Акцептланди деган штамп қўйилиш билан, банк акцептанти деб номланган янги инструмент вужудга келади ва у иккиламчи бозорда эркин момилада бўлиши мумкин. Ҳозирда ҳосилавий қимматли қоғозларнинг форвард, фьючерс, опцион, своп турлари молиявий рискларнинг хеджирлаш мақсадида банк томонидан кенг фойдаланилмоқда.

8.2.Банк активлари ва қарзларни секюритизациялаш

Кўплаб ривожланган малакатлар молиявий тизимлари секюритизация босқичида ҳисобланишади, бунда асосий ўринни пул бозори ва қимматли қоғозлар бозори ўйнайди. Ташкилот маблағни, яъни банк мижоз ва уч томон ўртасидаги шартномани бажариш лозим. ККХ нинг асосий хусусиятлари куйидагилар:

-кредит хати банкка коммиссион хизмати учун даромад келтиради (одатда 0,5 кредит суммасидан)

-бу мижозга банкнинг чегараланган қарздан арзонроқ қарз олиш имконини яратади.

Бу ҳолатларда эса секюритизациялаш билан солиштирилиб кўрилади. Банк активларини қимматли қоғозларга жойлаштиришдан яна пакетларга хизмат кўрсатгани учун ҳам ҳақ олади. Одатда секюритизациялаш қарзлар остида шаклланган активларидан олишган даромадни ўз эгаси қўлига тушишини назорати ҳисобланади. Бу қўйилган активлари билан ҳар бир операцияни ўтказиш чоғида уларни ўз балансидан чиқаришга ҳаракат қилади,бу эса риск туғилганда ёки фоиз ставкаси номинал ҳолга келганда зараркуришниг олдини олади.Банк активларнинг секюритизацияси ва акциядорларга тўлаш чоғидаги фоиз ставкалари фарқидан ҳам даромад олиши мумкин.

Маблағни шакллантириш учун секюритизациялаш ҳамма банк учун ҳам уринли эмас. АҚШ да қимматли қоғозлар чиқариш учун минимал харажат 50 млн \$ ни ташкил этади ва кичик банклар бу харажатни қоплаш учун инвесторларни жалб қилади ёки ўзларининг қарзларидан пакет шакллантириб улар орқали таъминланган қимматли қоғозларни чиқаради.

Қарз билан таъминланган қимматли қоғозлар инвесторларни ҳам рисклилиги билан жалб қилади. Бундай кредитни таъминлаш маблағларига масаласи бошқа молиявий ташкилотлардан олинган кредит хатлари мисол бўлади. Бундан ташқари қарзлар билан таъминланган қимматли қоғозлар риск даражасига қараб ҳам гуруҳланган бўлади ва инвестор у ёки бу риск гуруҳини танлайди. Банк кредитини таъминлашнинг бошқа усуллари пул маблағларидан фойдаланиш ҳисобланади. Улар қарзлардан даромаднинг олинганлиги қимматли қоғозларга қуйилмалар, фоизлар ва бошқа операциялардан ҳосил бўлади.

Қарз билан таъминланган қимматли қоғозлар инвестор учун сотиб олувчи уни ҳам молиявий ташкилот учун ҳам (уни чиқарган) қулай лекин бунда малум бир риск катнашади. Қарзларнинг салмоғининг ошиб кетиши уларни тўлашда муаммо келтириб чиқаради ва кутилаётган даромадни камайтиради ўз навбатида эса асосий капиталнинг даромадлилиги ва инвесторнинг кутилаётган даромадини ҳам тушиб кетишига олиб келади.

Қимматли қоғозларни сотиб олувчи қимматли қоғозларни ҳар доим ҳам таҳлил қилишгаериша олмайди, шу туфайли инвесторлар банк фаолиятида ишлаб чиқарилган қимматли қоғозлар ва тезда тўловни амалга ошира олишга этибор бериш керак. Агар пакетланган қарзларнинг бир қисми тезда тўланса

бу инвестор учун муаммо келтириб чиқаради, яъни тўловлар фоиз ставкасининг тушиб кетиши оқибатида юз берадиган ҳолат бунда инвестор яна кам даромадли маблағ жалб этишга мажбур бўлади.

Секюритизация риси билан боғлиқ яна бир ҳолат шуки, фоиз ставкалари ўйнаш натижасида бугун сотиб олинган қимматли қоғозлар кейинроқ катта даромад келтириши мумкин. Банкдан қимматли қоғозлар сотиб олган инвестор уни сотишини хоҳласа у кейинчалик бор даромаддан маҳрум бўлади. Агар фоиз ставкалари ошса кам миқдордаги қарздорлар ўз қарзларини тулайдилар шунинг учун қарзлар билан таъминланган инвестицияланган активлар ўзини тезда қоплаб бера олиши мумкин эмас.

Ҳар хил серюритизация банклар ўртасида депозит жалб қилишда ҳам рақобатни шакиллантиради. Тажрибали депозиторлар улар қимматли қоғозларни сотиб олиш орқали банк депозитларини сотиб олишдан кўра кўпроқ даромад олишларини сезиб қолишади. Секюритизация кўпгина корпорацияларга ўз банклари учун кредитларни очик бозори жалб қилишда ҳам қўл келади. Банклар кафолат хати беради ва қимматли қоғозларни очик бозорда сотиш орқали тўғридан тўғри ва комисион даромадлар олишади.

8.3. Банк ресурсларини тўлдириш мақсадида қарзларни сотиш

Банклар қарзлардан нафақат қимматли қоғозлар чиқаришда балки янги маблағлар шакллантиришда ҳам ва уларни янги эгаларига сотиш учун ҳам фойдаланишади. АҚШ банкларининг сотадиган қарзлари одатда 90 кунлик бўлади. Бу қарзлар янги ёки сотувчининг қарзлари балансидан ташқаридан бир қанча вақт ётган ҳам бўлиши мумкин.

Қоидага кўра банк-сотувчи йиғилган қарзларга хизмат кўрсатиш ва қарздорлар манфатига қараб кам иш ҳақи учун (3-8%) ишлайди. Бундай қарзларни сотиб олувчилар асосан хорижий ва маҳаллий банклар, суғурта, пенсия компаниялари. Нобанк қарз олувчилардан эса вақтинчалик крайнрейн фондлари ҳисобланади.

Қарзларни қайта сотилиши кучсизлари «учинчи дунё мамлакатлари» ҳисобланади. Аргентина, Бразилия, Мексика, Перу, Римнинг эски қарзлари ўз нархидан паст нархларда сотилади. Асосан бундай қарзларни ўша давлатда фаолият юритаётган банклар, инвестицион хорижий компаниялар сотиб олади. Бир қанча «учинчи дунё» га берилган кредитлар ўша давлатлар томонидан қайта сотиб олинганда яхши даромад келтирган.

Кўпгина қарзлар ҳозирда қарзлар қатнашиши ёки қарзларни бўлиш йўли билан сотилади. Қарзда қатнашиш шартномасига кўра банк қарзнинг бир қисмини кредиторлар гуруҳига, бу қарзни сўндириш муддатига тенг муддатга сотади, бундай пайтда савдо ўтказилади кейн қарз сўндирилади. Одатда қарзда қатнашувчи банкни қидирмайди. Қарзларни бўлиш – узок муддатли қарзнинг қисқа муддатли қарз кўриниши ҳисобланади. Қарзни бўлиш чоғида банк сотувчи қарз бўйича тўланмаслик рисини ўз бўйнига олади ва маблағининг маълум қисмини шу қарзни тўлаш учун сақлаб қуйиши

лозим. Банкларнинг қарзларини кўпайиб кетишига бир неча сабаблар мавжуд. Бунда кам даромадли активлар ўз ўрнини фоиз ставкалари ошаётган вақтда катта даромадли активларга ўз ўрнини фоиз ставкалари ошаётган вақтда катта даромадли активларга бўшатиб беради. Бундан олинган фойда банкнинг бошида даромад маблағларини молиялаштиришга ишлатилади ёки конвертация қилинади. Бундан ташқари қарзни сотиш банк активини секинлаштиради ва банк бошқарувчиси учун кредитлаш билан боғлиқ риск камайган капитал ошган балансни шакллантиришга имкон беради. Бу қарзларни сотиб олиб, банклар ссуда портфелини диверсификацияда ёрдам оладилар.

Қарзни сотиш банкларга инвестицион фаолияти ҳам ҳисобланади, яъни банкир ўзининг қарздорнинг била олиш қобилиятини инвесторга сотади. Инвесторлар банк қарзларини сотиб олишини хошлашади, чунки улар биринчи даражали қарздор билан ишлатилаётганини билишади. Масалан, бозорда айнан биринчи даражали қарзларга юқори талаб бор, агар бу ҳолатда менежер нотўғри харажат қилиб ўз қарзларини сотиб кам ликвидли активларни олиб қолса, банк даромади камайишига олиб келади.

Алоҳида ҳолларда банк-сотувчи қарзни тўланмаган қисми бўйича изланиш имкони берилади. Амалда харидор «сотувчи опционини» қабул қилади, бу эса унга банкка ишончли қарз сотиш имконини беради. Бу шартнома тўланмаслик рискини қарз сотиш имконини беради. Бу шартнома тўланмаслик рискини қарз бўйича бўлишга мажбур қилади. Замоनावий қарзлар бозорида бундай шартномалар умумий қабул қилинмаган. Федерал тизим қонунларига кўра изланиш имкониятини олувчи банк етарли қарзни қоплаш учун маблағга эга бўлиши шарт ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Банкларда балансдан ташқари молиялаштириш тушунчаси ҳақида гапириб беринг.

2. Банк кафолатларининг таснифи қандай?

3. Банк заёмлари ва бошқа активларнинг секретизацияси деганда нимани тушунасиз?

4. Банк ресурсларини тўлдириш манбаси сифатида заёмларни сотиш қандай амалга оширилади?

9- МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

9.1.Тижорат банклари ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари. Тижорат банклари ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбалари.

9.2.Тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари.

9.3.Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банклари ресурсларини оптимал бошқариш.

Таянч иборалар: банк, баланс, қимматли қоғоз, кредит, секюритизация, аккредитив, муддатли битимлар.

9.1.Тижорат банклари ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари. Тижорат банклари ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбалари

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади банклар фаолиятини такомиллаштириш орқали уларни ликвидилиги ва даромадлигига эришиш, тижорат банкларининг депозитлари ҳажмини ошириш орқали банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш, республика аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишини таъминлаш мақсадида жозибдор депозит турларини ишлаб чиқиш орқали маблағлар жалб қилиш ҳамда уларни бозор қонуниятлари асосида тақсимлаш самарадорлигини ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини уларнинг капиталлашув даражаси ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш банклар олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Банк тизимини янада ислох қилиниши ва халқаро меъёрларга мос ҳолда уларнинг фаолиятини ташкил этилиши, банклар фаолиятига тегишли қарорларда халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ, шу жумладан депозит ва кредит сиёсати соҳасида республика банкларига нисбатан қўйилаётган меъёрий талабларни янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонат ва депозитларнинг янги жозибдор турларини жорий қилиш йўли билан аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг кўламда жалб этиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича алоҳида тўхталиб ўтилган⁴⁸.

Ҳозирги шароитда тижорат банклари тармоқларининг кенгайиши туфайли, улар орасида депозитларга, банклараро кредитларга ва бошқа банк ресурсларига рақобатнинг кучайиши вужудга келади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”дабанк тизимини ислох

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тоғрисида”ги ПҚ-2344-сон Қарори//lex.uz.

қилишни чуқурлаштириш, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш вазифалари белгиланган⁴⁹.

Тижорат банкларининг депозит операциялари банкларнинг ресурс базасида муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банкларининг депозит базаси ҳажми қанчалик кўп ва мустаҳкам бўлса, банкларнинг актив операцияларини амалга ошириш кўлами шунчалик кенгайди. Республикамиз тижорат банклари депозитлари ҳажмини йилдан йилга ошиб бориши ижобий ҳисобланади.

Шу ўринда тижорат банклари томонидан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2018 йилнинг 1 январ ҳолатига 58668.5 млн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Бу, албатта, ижобий ҳолат ҳисобланади. Яъни, тижорат банклари депозитлари ҳажмини ошиши ўз навбатида банкларни ресурс базасини ошишига олиб келади ва бу эсабанкларнинг даромадлилигига ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Мамлакатимиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш орқали уларнинг пассив операциялари ҳажмини кўпайтиришга ўз ҳиссасини кўшмоқда. Бунда банкларароқобат шароитида тижорат банклари ўзига аҳоли ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини тобора кўпроқ жалб қилиш йўллари излаб топишга ҳаракат қилади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун трансакцион депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан ошмаслиги халқаро экспертлар томонидан таъкидланган. Ҳозирги кунда тижорат банкларини барқарор ресурс манбаси сифатида депозит сертификатларини мисол қилишимиз мумкин.

Тижорат банклари томонидан чиқарилган депозит ва жамғарма сертификатлари 2010 йил бошига 205,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2017 йил бошига тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит ва жамғарма сертификатлари 1054,1млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ижобий ҳолат бўлиб, улар аниқ муддатга чиқарилади ва ушбу муддат давомида тижорат банклари учун барқарор ресурс сифатида хизмат қилади.

Яқин кунгача Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира меъёрини юқорилиги банкларнинг депозитлари ҳажмига ўз таъсирини кўрсатиб келди. Яъни, 2018 йил 1июнгача юридик шахсларнинг депозитларига нисбатан мажбурий захира меъёри ўртача 12,5%ни ташкил этган бўлса, 2018 йил 1 июнидан бошлаб, эса, юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари муддати ва валюта тури бўйича табақалашган ҳолда мажбурий захирага тортиладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан пул-кредит сиёсати соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йилнинг 1 октябридан бошлаб мажбурий захира меъёри юридик ва жисмоний шахсларнинг

⁴⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини йанада ривожлантириш боъйича Ҳаракатлар стратегийаси тоъғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони//www.lex.uz.

депозитлари бўйича бир хиллаштирилиши, депозитларнинг валюта турига қараб табақалашган тартиби жорий этилиши белгиланди⁵⁰.

Бунга асосан, юридик ва жисмоний шахслардан 2 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган миллий ва чет элвалютадаги депозитлари мажбурий захирага тортилмайди. 1 йилдан 2 йилгача миллий валютадаги депозитларга 2%, 1 йилдан кам депозитларга 4% ва 1 йилдан 2 йилгача хорижий валютадаги депозитларга 7%, 1 йилдан кам депозитларга 14% қилиб белгиланган.

Бу эса, ўз навбатида тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базасини ошишига ва молиявий барқарорлигини таъминлашга, миллий валютадаги депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг жозибадорлигини оширишига хизмат қилади.

Банклараро рақобат шароитида тижорат банкларининг кредит операциялари самарадорлигини ошириш уларнинг жалб қилинган маблағларининг барқарорлигини таъминлаш орқали юзага келади. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг узок муддатли кредитлаш жараёнидаги иштирокини кучайтириш уларнинг узок муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашни тақозо этади. Ўз навбатида, банклар ресурс базасининг мустаҳкамлиги юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари миқдорининг ўсиб боришига, уларнинг миқдор ва муддат жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга боғлиқ.

Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик субъектлари талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги турларини мунтазам равишда жорий қилиш, шу жумладан, узок муддатли облигациялар ва депозит сертификатларни чиқариш, субординар қарзларни фаол жалб қилиш банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тижорат банклари депозит стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга қўллашда тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан бўш турган пул маблағларини депозит операцияларига жалб қилиш ва банкларнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

– юридик ва жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдорини сезиларли даражада ошириб бориш;

– акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилган барча тижорат банкларининг устав капиталда хорижий инвесторлар иштирокини таъминлаш чораларини кўриш;

– аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узок муддатли депозитларга жалб қилиш ҳамда инновацион депозит дастурларини ишлаб чиқиш;

– жалб қилинган ва жойлаштириладиган маблағларни муддатлари ва банк активларининг рентабеллиги ўртасидаги ўзаро мувофиқликни

⁵⁰ www.cbu.uz- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий интернет сайти

таъминлаш ҳамда уларнинг ўз вақтида қайтарилишини кафолатлаш;

– депозит операциялари бўйича хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва ижобий томонларини мамлакатимиз банк тизимида қўллаш;

– қарз қимматли қоғозларини, жумладан, депозит сертификатларини чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда субординар қарзлар жалб қилиш орқали банкларни ресурс базасини мустаҳкамлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ресурсларини такомиллаштириш борасида бир қатор долзарб муаммолар мавжуд:

1. Республикамиз тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

– республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг ҳажмида нобарқарор ресурс манбаси бўлган девалвация захирасининг юқори салмоққа эга эканлиги;

– мамлакатимиз тижорат банкларида жорий йил фойдаси ва тақсимланмаган фойданинг умумий капитал ҳажмидаги салмоғининг кичиклиги;

– тижорат банкларида иккинчи даражали капитални шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммо.

Халқаро Базел қўмитасининг тижорат банклари капитали таркибини шакллантириш борасидаги меъёрий-услубий ишланмаларига мувофиқ, девалвация захирасини тижорат банклари капиталининг таркибида ҳисобга олиш таъқиқланади.

Девалвация захираси тижорат банкларининг устав капиталига қўйилган хорижий валютадаги маблағларни қайта баҳолаш натижасида юзага келганлиги сабабли барқарор молиялаштириш манбаи ҳисобланмайди. Чунки миллий валюта хорижий валютага нисбатан қадрсизланса девалвация захираси пайдо бўлади. Демак, девалвация захирасининг миқдори бевосита миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қадрсизланиш даражасига боғлиқ.

Девалвация захирасини шакллантиришнинг тижорат банклари фаолиятига салбий таъсирининг муҳим жиҳатларидан бири уни яратиш учун зарур бўлган молиявий манбанинг этишмаслиги муаммосининг мавжудлиги ҳисобланади. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг халқаро андозаларига мувофиқ, девалвация захираси тақсимланмаган фойда ҳисобидан шакллантирилиши зарур. Лекин бир қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг тақсимланмаган фойдаси девалвация захирасини шакллантиришга етмайди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг йирик миқдорда эканлиги улардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Республикамизнинг йирик тижорат банклари умумий капиталининг 90 фоизга яқин қисми биринчи даражали капиталдан иборатдир. Бу эса, тижорат

банкларида иккинчи даражали капитални етарли даражада шакланмаганлигидан далолат беради.

2. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозитли ресурс манбаларининг ҳажми ва барқарорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

– республикамиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитлар салмоғининг халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткичларга нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги;

– республикамизнинг йирик тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғининг жуда кичиклиги;

– мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларида талаб қилиб олинadиган депозитлардан ресурс сифатида фойдаланилаётганлиги, аммо талаб қилиб олинаётган депозитлар реал фоиз ставкасининг жуда паст эканлиги уларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш жараёнига салбий таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларнинг салмоғи 60 фоиздан юқори. Ҳолбуки, бу кўрсаткичнинг халқаро банк амалиётида қабул қилинган ва Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан тавсия этилган энг юқори даражаси 30 фоизни ташкил этади.

Талаб қилиб олинadиган депозитларнинг тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмидаги салмоғининг юқори бўлиши нафақат банкларнинг ресурс базасининг заифлашуви, балки уларнинг жорий ликвидлилик даражасининг пасайишига ҳам олиб келади. Бунинг сабаби шундаки, талаб қилиб олинadиган депозитларнинг нобарқарорлик даражаси юқоридир. Шунинг учун ҳам Марказий банклар тижорат банкларининг жорий ликвидлигига нисбатан чекловлар ўрнатишда албатта талаб қилиб олинadиган депозитлар суммасини ҳисобга олади.

Шунингдек, таҳлил жараёнида республикамизнинг йирик тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида жамғарма депозитлари салмоғининг жуда паст эканлиги намоён бўлди. Бу эса, уларнинг жамғарма депозит ҳисобрақамларига маблағлар жалб этиш борасидаги фаолиятининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

Ривожланган давлатларда аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини тижорат банкларининг жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш тижорат банклари депозит сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, аҳолининг жамғарма депозитлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан арзон ресурс манбаи ҳисобланади. Лекин, аҳолининг бўш пул маблағларини жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб қилиш кўп омилли жараён бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир неча омилларнинг таъсирини ҳисобга олишни тақозо этади. Жумладан, миллий валютанинг хорижий валюталарга нисбатан номинал алмашув курсининг ўзгариши омили. Агар миллий валютанинг хорижий валюталарга

нисбатан номинал алмашув курси пасайиш тенденциясига эга бўлса, бу ҳолат миллий валютанинг қадрсизланиш жараёнининг давомийлигидан далолат беради ва аҳолининг пул маблағларини кенг кўламда жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этишга тўсқинлик қилади. Чунки бундай шароитда миллий валютадаги жамғарма депозитларининг реал қиймати пасаяди.

Жамғарма депозитларининг ҳажмига таъсир қилувчи муҳим омиллардан яна бири инфляция даражаси ҳисобланади. Агар инфляция даражаси юқори ва нобарқарор бўлса, бу ҳолат миллий валютадаги депозитларнинг ҳажмига салбий таъсир қилади. Чунки инфляция жамғарма депозитлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг реал қийматини пасайишига олиб келувчи омил ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида инфляциянинг йилига 3 фоиздан ошмайдиган даражаси мўътадил даража ҳисобланади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамиз йирик тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш билан боғлиқ бўлган фоизли харажатларининг умумий ҳажмида талаб қилиб олинadиган депозитларга тўланган фоизларнинг салмоғини сезиларли даражада пастлиги кузатилди. Аммо мамлакатимиз тижорат банклари ушбу депозитларни ресурс сифатида ишлатмоқдалар. Натижада, тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларига маблағлар жалб этишдан бўлган манфаатдорлигига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда.

Республикамиз тижорат банклари талаб қилиб олинadиган депозитлардан ресурс манбаи сифатида фойдаланмоқдалар. Лекин, мазкур депозитларга жуда паст ставкаларда (йиллик 0,5-1,0 %) фоизлар тўланмоқда. Бундай шароитда тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини муддатли ва жамғарма депозитлари ҳисобидан мустаҳкамлашдан манфаатдор бўлмайдилар. Бунинг устига, талаб қилиб олинadиган депозитлар ҳисобидан кредитлар бериш тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит rischi муаммосини чуқурлаштиришга хизмат қилади. Чунки талаб қилиб олинadиган депозитлар миқдорлар томонидан исталган пайтда талаб қилиб олинishi мумкин. Шу сабабли, ривожланган саноат мамлакатларининг банк амалиётида талаб қилиб олинadиган депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни миқдор билан муддатли ёки жамғарма депозит шартномаси тузмасдан туриб ресурс сифатида фойдаланиш тижорат банкларига ман қилинади.

Ривожланган мамлакатларда Марказий банкнинг мажбурий захира ставкасини белгилашда тижорат банкларининг депозит базасининг ҳолати ҳисобга олинади. Шу сабабли, нисбатан паст захира ставкалари тижорат банкларининг муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозларни эмиссия қилиш орқали ресурслар жалб қилиш амалиётининг ривожланмаганлиги.

Республикамиз тижорат банклари қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг уларнинг пассивлари ҳажмидаги салмоғи жуда кичик. Бу эса, уларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган эмиссион операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради.

9.2.Тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Тижорат банклари ўз ресурс базасини ошириш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқлари ривожига йўналтирилган ислоҳотларда фаол иштирок этиш мақсадида аҳоли учун қулай даромад манбаи бўлган омонатлар турини тобора кенгайтириб бораётганликлари ҳеч кимга сир эмас.

Маълумки, аҳоли омонатлари банкнинг бошқа ресурс манбалари ичида нисбатан энг арзон ресурс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда ривожланган хорижий мамлакатларда аҳолининг муддатли омонатларини жалб қилиш тижорат банклари депозит сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланди.

Тижорат банкларининг жамғарма операцияларини ривожлантиришда депозит сиёсатининг умумий ва хусусий мезонларини ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тижорат банки депозит сиёсатининг хусусий мезонларига қуйидагилар киради;

- мижозларнинг алоҳида гуруҳидан депозитлар жалб қилишни кучайтириш;
- банкнинг депозит сиёсатини алоҳида олинган ҳудудларда фаоллаштириш;
- омонатларнинг аниқ турлари бўйича маблағлар жалб қилишни кучайтириш.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини ишлаб чиқишда бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарурий ҳолат ҳисобланади. Ана шундай асосий омиллардан бири тижорат банклари томонидан муддатли ва жамғарма депозитларига тўланадиган фоиз ставкаларини шакллантириш ҳисобланади. Тижорат банклари депозитларга уларнинг бозор фоиз ставкаси даражасида ва ундан сезиларли даражада фарқ қилмайдиган ставкаларда фоизлар тўлаши лозим. Аммо бунинг учун депозитларни тўланаётган ставкадан юқори ставкада жойлаштириш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ссуда капиталлари бозорида иқтисодий конъюктуранинг ўзгариши тижорат банкларини фоиз маржасини ўзгартиришга мажбур қилиши мумкин. Айрим ҳолларда тижорат банкларининг маржасини депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш йўли билан қисқартиришга мажбур бўладилар.

Тижорат банкларининг депозит сиёсати таъсир қилувчи иккинчи омил Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати ҳисобланади. Мажбурий захира ставкаларининг оширилиши тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини пасайтиради. Бундан ташқари, мажбурий захира ставкаларининг оширилиши банк реурсларининг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ривожланган

индустриал мамлакатларда, хусусан, АҚШ, Германия ва Австрияда мажбурий захира ставкалари депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг суммаси қанчалик катта ва муддати қанчалик қисқа бўлса, унга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаси ҳам шунчалик юқори бўлади. Масалан, АҚШда энг юқори мажбурий захира ставкаси 36,7 млн. АҚШ долларигача бўлган суммадаги трансакцион депозитларга нисбатан белгиланган бўлиб, 12 фоизни ташкил қилади. Энг паст ставка эса, узоқ муддатли аҳолининг омонатларига нисбатан ўрнатилган бўлиб, 1 фоизни ташкил қилади.⁵¹¹

Тижорат банкларининг депозит сиёсатини шакллантиришда ҳисобга олинган учинчи омил тижорат банкининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигининг ўзгариши ҳисобланади. Тижорат банки балансининг жорий ликвидлик даражасини пасайиши банкнинг депозитлар ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш имкониятини пасайтиради.

Банкларнинг балансини умумий ликвидлигининг ёмонлашуви муддатли ва жамғарма депозитларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ қайтарилмаслик ҳолатларини юзага келишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам банк балансининг жорий ва умумий ликвидлигини таъминлаш тижорат банклари депозит сиёсатининг самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит сиёсатига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг ўзгариши ҳисобланади. Агар Марказий банк очиқ бозор операцияларида кўпроқ қимматли қоғозларни сотувчи бўлиб иштирок еса, бу ҳолат тижорат банкларининг ликвидлигини пасайишига олиб келади. Бу эса, банкларнинг депозит сиёсатига тегишли ўзгаришларни киритилишига сабаб бўлади.

Муддатли депозитлар салмоғининг таҳлил қилинган даврларда ўсмаётганлиги тижорат банкларини ўзларининг ресурс базасини мустақамлиги борасидаги сиёсатининг самарасизлигидан далолат беради.

Жамғарма депозитларининг депозитлар умумий ҳажмида кичик салмоққа эга эканлиги аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банк муассасаларига жалб қилиш борасида сезирларли муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Депозит операциялари тижорат банкларининг депозит сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади, яъни:

- депозит операциялари банк даромадининг ошишга ёки келажакда даромад олишга шароит яратиши керак;

- банк балансининг ликвидлигини сақлаш мақсадида депозит сиёсатини амалга ошириш керак;

- депозит операцияларини амалга оширишда муддатли қўйилмаларга эътибор қаратиш лозим;

- депозитларни жалб қилиш ва уларни вақтида қайтариб бериш билан

¹ Эд. Долан и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер.-СПб, 2008 с 11.

боғлиқ банк хизматларини ривожлантириш чораларини кўриш зарур ва бошқалар.

Аҳолининг муддатли омонатларини банкларга жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларга қўйидагиларни келтириш мумкин:

-аҳолининг талабларига мос келадиган фоиз ставкаларини жамғарма депозитлари бўйича тўланмаётганлиги. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг ва корхоналарнинг банкларга маблағларини муддатли ва жамғарма депозитлари шаклида қўйишдан манфаатдорлигини юзага келтирадиган бирламчи омил депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларининг даражаси ҳисобланади.

-аҳолининг қўйилган жамғарма депозитлари ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида банклардан нақд пул шаклида олишларига тўлиқ ишончни ҳосил қилмаётганлари.

Ҳозирги вақтда бу муҳим омил ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг пуллик ҳисоб-китобларининг асосий қисми нақд пулларда амалга оширилади. Улар маълум бир тадбирларни келгусида молиялаштириш мақсадида жамғарадилар. Кейинги иккинчи муаммо тижорат банкларининг капитал базасининг заифлигидир.

2016 йилда тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишни янада фаоллаштириш ҳисобига уларнинг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмининг камида 30 фоизга ошишини таъминлаш режалаштирилган.

Банклардаги депозитлар ҳажмини ошириш бўйича прогноз кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича ижроси мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Бунда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган ҳолда депозит ва омонатларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш ҳамда узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш борасидаги ишларни давом эттириш кўзда тутилган.

9.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари ресурсларини оптимал бошқариш

Аҳолининг банк тизимида ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этиш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, банкларда аҳоли

омонатларининг янги турларини жорий этиш, банклар фаолиятини жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш ва пировард натижада рақобатбардошликнинг юқори даражасига эришиш банк тизимини асосий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Депозитлар тратта, чеклар, пул топшириқномалари, давлат хазина кафолатлари ва бошқа шаклларда келиб тушса, улар умумий олиш шарти билан қабул қилинади. Бироқ бундай суммалар банкнинг ҳисобварағига келиб тушмагунча ушбу депозитга киритилган ҳисобланмайди.

Банкларнинг депозитлар ва жамғарма операциялари билан боғлиқ фоизлар (фоиз ставкалари) банклар томонидан депозитлар билан келишувига мувофиқ белгиланади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, банкларнинг депозитларга тўлайдиган фоизлари Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасига ҳамда банкнинг нарх сиёсатини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Мамлакатимизда ҳукуматимиз томонидан тижорат банклари ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб этишни янада фаоллаштириш ҳисобига уларнинг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмининг ошириш мақсадида қуйидаги ишларни олиб бориш керак:

1. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган ҳолда омонатларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш, тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш ҳамда узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш борасидаги ишларни давом эттириш, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш борасида амалга ошириб келинаётган чора-тадбирларни кучайтириш лозим.

2. Қишлоқ жойларида банк инфратузилмалари тармоғини кенгайтириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб хизматлар кўрсатиш, жумладан, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш хизматлари («банк-мижоз», «интернет-банкнинг», «мобил-банкнинг», «СМС-банкнинг») кўрсатиш кўламларини янада кенгайтириш билан боғлиқ амалий ишларни йиқилга қўйиш керак.

3. Банк пластик карточкаларини муомалага чиқариш ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш лозим.

4. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар кўламларини кенгайтириб боришда хавфсизлик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу ўз навбатида, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг ортиши ва банк хизматлари сифатининг ривожланишига сабаб бўлади.

5. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган

холда депозит ва омонатларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш даркор.

6. Тижорат банкларида аҳолидан жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

7. Тижорат банклари томонидан узоқ муддатли облигациялар, депозит ва жамғарма сертификатлари чиқариш амалиётини кенгайтириш лозим.

8. Банк фоиз сиёсатида асосий эътиборни банк депозитлари жозибадорлигини таъминлашга, жумладан, аҳоли омонатлари бўйича реал фоиз ставкаларининг ижобийлигини сақлаб қолиш ҳамда тижорат банклари депозитлар портфелидаги узоқ муддатли депозитлар улушини оширишга, шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал секторига ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг мақбуллигини таъминлашга эришиш чораларини ишлаб чиқиш керак деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, маълумки, банклар томонидан нисбатан пастроқ фоиздаги ресурсларни излашга ундайди, агар ушбу ресурсларга талабни қондириш имконияти бўлмаган тақдирда жалб қилинган депозитлар бўйича фоиз ставкаларни пасайтиришга мажбур бўлади, бу эса ўз навбатида жалб қилинган маблағларни сақлаб қолиш имкониятини пасайтиради.

Жалб қилинган ресурсларни доимий таҳлил қилиб борилишидан ташқари ушбу ресурс эгаларини ҳам доимо таҳлил қилиб борилишини тақозо этади.

Назорат учун саволлар

1. Тижорат банклари ресурсларининг самарадорлик кўрсаткичлари нималарда ифодаланади?

2. Тижорат банклари ресурсларини кўпайтиришнинг асосий манбаларига қандай маблағлар киради?

2. Тижорат банклари ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қандай тадбирлар амалга оширилтиши лозим?

3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари ресурсларини қандай қилиб оптимал бошқариш мумкин.

10-МАВЗУ.ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ

10.1.Банк фаолиятида унинг ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари.

10.2. Молиявий ресурсларни жойлашиши билан боғлиқ рисклар.

10.3. Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш

Таянч иборалар: банк, кредит, риск, операцион риск, ташқи ва ички омиллар, валюта рисқи, кредитга лаёқатлилиқ, диверсификация.


10.1.Банк фаолиятида унинг ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ рисклар ва уларнинг турлари

Риск – бу иқтисодий категория бўлиб, у жамият ривожланишидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда аниқ бир ечимга эга бўлмаган ҳолатнинг миқдор ва сифат жиҳатидан қўшимча даромад кўриш ёки маълум зарар кўриш еҳтимолига айланиши билан боғлиқ бўлган воқелиқдир.

Иқтисодиётда бозор муносабатларининг энг муҳим бўғини – бу иқтисодий жиҳатдан эркинлик ҳисобланади. Мамлакат юридик ва жисмоний шахслари ўзларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини қўшимча даромад олиш мақсадида уларни тижорат банклари депозитларига ёки капиталга сарфлашни ихтиёрий танлайдилар. Бу фаолият эса микро ва макро мезон даражада турли хил рискларга боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган сиёсий-иқтисодиёт сиёсатни таҳлил ецак, яъни:

- иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилиши;
- иқтисодий ислохотларни олиб боришда давлат бош ислохотчи эканлиги;
- давлат томонидан ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолган ҳолда дунё бозорида рақобатбардош соҳаларни жадал ривожлантириши;
- иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб қувватлаши;
- кам таъминланган аҳоли гуруҳини ижтимоий химоя қилиниши;
- аҳоли даромадларини оқилона тақсимлаш каби йўналишларни ҳисобга олсак, у ҳолда республикамизда олиб борилаётган сиёсий-иқтисодий сиёсат асосида бир қанча риск гуруҳлари юзага келади. Улар қуйидагилар: ижтимоий – сиёсий рисклар; иқтисодий рисклар; фискал-монетар рисклардан ташкил топган.

Агарда биз рискларнинг келиб чиқишининг сабабларини таҳлил екан, бу соҳада барча сабаблар ҳам ўзига хос мавқеини эгаллашининг гувоҳи бўламиз. Биз қуйидаги рискларнинг аниқ тури ҳисобланган, яъни капитал савдоси билан боғлиқ рискларнинг турлари, уларнинг моҳияти ва хусусиятларини таҳлил етамиз.

Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий рискларнинг манбалари⁵²

Юқорида келтирилган омиллар асосида рискларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлашимиз мумкин.

Агарда биз рискларнинг келиб чиқишининг сабабларини таҳлил ецак, бу соҳада барча сабаблар ҳам ўзига хос мавқеини эгаллашининг гувоҳи бўламиз. Биз қуйидаги рискларнинг аниқ тури хисобланган, яъни капитал савдоси билан боғлиқ рискларнинг турлари, уларнинг моҳияти ва хусусиятларини таҳлил етамиз.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш пул маблағларини қўшимча даромад олиш учун капиталга йўналтирилиши доимо турли хил рискларларга учраши билан боғлиқдир. Бўлажак сармоядорлар учун улар сарфлайдиган сармояни даромад келтирилишига ёки уни йўқотилишига олиб келадиган рискларларнинг турларини қуйидаги расмда кўришимиз мумкин.

Биз юқоридаги расмда кўрсатиб ўтилган рискларнинг ҳар бир турини таҳлил етамиз:

1. Қонунчилик ўзгариши билан боғлиқ рисклар маълум мамлакатда давлат тўнтарилиши ёки ҳукумат таркибининг ўзгариши натижасида амалдаги қонунга киритиладиган ўзгартиришларнинг натижасида юзага келади, яъни ҳукумат таркиби қимматли қоғозлар бўйича янги вазифаларни амалга ошириши мумкин, аввал муомалага чиқарилган капитални тўлаб беришдан воз кечиши, тўлов муддатини «мўзлатиб» кўйиши, капитал курсини ўзгартириши, капитал бозоридаги савдонинг тартиб қоидаларини ўзгартириши ва шунга ўхшаш ўзгаришлар киритиши натижасида юзага келадиган рисклар бўлиши мумкин.

2. Ҳарбий конфликтлар rischi. Ушбу риск маълум бир мамлакатда ёки у жойлашган минтақада ҳарбий конфликтлар ва уруш ҳаракатларининг бошланиши билан амал қилаётган фонд бозори фаолиятининг бўзилиши ва бунинг натижасида инвесторлар зарар кўриб қолиши билан боғлиқ рискнинг туридир.

⁵² Алимов И.И., Хусанбоев А.Ф., Икромов А.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. -Т.: ТДИУ. 2010.

Капитал бозоридаги рисклар⁵³

3. Мамлакат rischi. Ушбу риск алоҳида олинган мамлакатдаги капитал бозоридаги нобарқарор ҳолатининг натижасида юзага чиқадиган рискдир. Масалан, 1998 йилда Россия Федерациясидаги дефолтнинг таъсири туфайли капиталнинг бозори инқирозга учраган.

4. Иқтисодиёт тармоғининг rischi. Капитал билан боғлиқ бу риск тури мамлакатларнинг иқтисодиётида алоҳида олинган тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари (ишлаб чиқариш, тармоқнинг эгаллаган ўрни ва уни келажакда ривожлантириш истиқболлари ва бошқалар) билан боғлиқ рискдир. Ҳар бир мамлакатда иқтисодиётнинг бирон бир тармоғи ўзига хос хусусиятга эга бўлади, масалан: туризм, озик-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги ва х.к.

Қайси тармоқнинг ривожланиши ҳамда инқирози натижасида зарар кўриш rischi мавжуд бўлади. Бунга Индонезияда туризм бизнесига қилинган

⁵³ Алимов И.И., Хусанбоев А.Ф., Икромов А.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. -Т.: ТДИУ. 2010.

капиталлар бўйича 2004 йил декабр ойидаги табиий офат туфайли инвесторлар миллиард-миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрдилар.

5. Саноат rischi. Бу риск иқтисодийнинг турли тармоқлар фаолият кўрсатаётган эмитент субъектлар ўртасида улар ишлаб чиқараётган бир хил товарларни сотиш бўйича янги бозорларни топиш соҳасида юзага келадиган рискдир. Ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун эмитент субъектлар янги бозорларни ўзлаштириш учун қўшимча молиявий маблағлар сарф қиладилар ёки маҳсулотнинг баҳосини пасайтирадилар. Ушбу ҳолатлар эса эмитент субъектларининг даромадини камайитиришга ва уларга сармоя қилган инвесторлар оладиган фойда миқдорини камайишига олиб келади.

6. Инфляция rischi. Ушбу риск сармоядорлар капиталга қилинган капиталларни мамлакатдаги инфляция даражасининг юқори бўлиб кетиши натижасида улар оладиган фойда миқдорининг камайиб кетиши ҳамда қилинган сармойани йўқотиб қўйиш билан боғлиқ рискнинг туридир.

7. Молиявий риск. Ушбу риск муомалага қимматли қоғозни чиқарган эмитент субъектнинг молиявий аҳолининг ёмонлашуви, яъни эмитент субъект томонидан жалб этилган маблағлардан самарадорсиз фойдаланиши натажасида юзага келадиган рискнинг туридир.

8. Фоиз rischi. Капиталнинг ушбу rischi мамлакатдаги кредит ресурсларига ва хорижий валюталарга (Евро, АҚШ доллари, Швейцария франки, Буюк-Британия фунт-стерлинги) бўлган фоиз ставкалари ва фоиз курсларининг кескин ўзгариши натижасида юзага келадиган рискдир. Масалан, мамлакат марказий банки тижорат банклари учун қайта молиялаштириш бўйича фоиз ставкасини ўзгартириши натижасида капиталнинг даромадлилик даражаси пасайиб кетиши мумкин.

9. Капитал бозорида «айиқлар» ва «буқалар»нинг фаолияти билан боғлиқ риск. Маълумки капитал бозорида дилер ёки брокерлар капитал баҳосининг пасайиши ҳисобига даромад топувчилар гуруҳи амалиётда «айиқлар» деб, ҳамда улардан фарқли ўлароқ капитал баҳосининг кўтарилиши ҳисобига даромад топувчилар «буқалар» деб аталади. Капитал бозорида «айиқлар» ва «буқалар» капиталнинг баҳосини кўтарилиши ёки пасайиши бўйича турли услубларни қўллаш натижасида (сохта маълумот, миш-миш таркатиш ва бошқалар) қимматли қоғознинг ҳаққоний нарҳини сохталаштириб қўйишлари натижасида инвестор капиталга бўлган баҳоларнинг пасайиши натижасида зарар кўриши мумкин.

10. Капитал қилинадиган қимматли қоғоз объектининг rischi. Ушбу риск капитални муомалага чиқарган эмитентнинг молиявий ва қимматли қоғоз бўйича тўланадиган даромаднинг даражаси ҳамда ҳисобланган даромадларни ўз вақтида тўлаб бериш қобилиятига боғлиқ рискдир. Эмитент молиявий ҳолатининг ёмонлиги, капитал бўйича даромадлилик фоизи ва уни тўлаб бериш қобилияти ушбу рискни тўғридан-тўғри юзага келтириб чиқариши мумкин.

11. Конвертация қилиш rischi. Ушбу риск бирон-бир мамлакатга хорижий сармоядорлар томонидан қилинган сармояларнинг (одатда эркин

алмаштириладиган валютада) ўз вақтида конвертация қилиниб берилиши ва уларнинг бу мамлакатдан ҳеч қандай тўсикларсиз олиб чиқиб кэтилиши билан боғлиқ рискдир. Капиталга капитал қиладиган хорижий сармоядорлар ушбу мамлакатларнинг Халқаро Валюта Фонди уставининг VIII моддасини, яъни:

- миллий валютанинг эркин конвертация қилинишлик мажбурияти;
- капиталларни мамлакатлараро эркин олиб ўтилишининг кафолатланиши, ратификация қилган ёки қилмаган давлатлар тоифасига қаттиқ эътибор қиладилар. Бунинг асосий сабаби Халқаро Валюта Фонди уставининг VIII моддасини ратификация қилмаган давлатларга капитал қилган хорижий сармоядорлар капиталга қилган сармояларининг эркин конвертация қилиниши ва ўз капиталларини қайта олиб чиқиб кетиши жараёнида турли хил тўсикларга тўғри келишлари мумкин.

12. Корпоратив бошқарув rischi. Муомалага капитални чиқарувчи эмитент субъектнинг бошқаруви, корпоратив бошқарувнинг таркибига кирувчи шахсларнинг малакаси даражаси, тажрибаси ва келажакни аниқ хисобга олиш савиясига боғлиқ. Эмитент субъектнинг корпоратив бошқарувининг фаолият юритишида оқилона бўлмаган йўналишларнинг олиб борилиши натижасида субъект эмитент зарар кўриб қолиш ехтимоли юқори бўлади.

13. Дивидендларни тўламаслик rischi. Бу эмитентининг акциялар юзасидан эълон қилинган дивидендларнинг ўз муддатида тўлаб бермаслик ҳолати билан боғлиқ рискдир. Ушбу ҳолатларда субъект эмитент акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни ўз муддатида тўлаб бера олмаслик туфайли бу акцияларни кумулятив акция деб эълон қилиши мумкин.

14. Кредит rischi. Капитални муомалага чиқарган эмитент субъектнинг молиявий ахволининг ёмонлашуви натижасида капитал бўйича мажбуриятларни бажара олмаслик туфайли юзага чиқадиган рискдир.

15. Капитал ликвидлигининг rischi. Ушбу риск муомалага капитални чиқарган эмитент субъектнинг хўжалик молиявий ахволи туфайли қимматли қоғознинг сифати ҳамда унга бўлган талаб ва таклиф орасидаги баҳоларнинг ўзгаришлари асосида юзага келадиган рискнинг туридир.

16. Валюта rischi. Капитал бўйича ушбу риск уларга қилинган сармоянинг қайси валютадалиги ва бу валютанинг миллий валютага нисбатан расмий курсининг тебраниши билан боғлиқ юзага чиқадиган рискдир. Бу риск капиталга қилинган хорижий валюта расмий курсинининг пасайиши натижасида зарар кўриб қолиниши ехтимоли билан боғлиқ рискдир.

10.2.Молиявий ресурсларни жойлашиши билан боғлиқ рисклар

Хорижий халқаро амалиётда капиталнинг ҳар бир тури бўйича рискларнинг даражаси бўйича турли хил рейтинглар орқали белгиланади. Фонд бозорларида фаолият кўрсатаётган рейтинг ахборот агентликлари

капиталнинг турлари бўйича, риск даражалари бўйича рейтинг даражаларини расмий эълон қиладилар. Улар эълон қиладиган маълумотларда ҳар бир қимматли қоғознинг эмитенти молиявий ҳолати тўғрисида, бу қимматли қоғоз бўйича риск тури ва унинг даражаси, даромадлилик даражаси бўйича керакли маълумотлар берилади.

Бироқ, тижорат банклари ўз капитал фаолиятини юрита бориб, энг аввало рискни ҳисобга олишлари керак. Бу эса капитал фаолияти ўзининг барча шакл ва турларида рискга дуч келишида, бу рискнинг даражаси иқтисодийда бозор муносабатларининг чуқурлашуви билан кучайишида акс этади. Ҳозирги шароитда риск даражасининг кучайиши умуман мамлакатда ва хусусан, капитал бозорида ноаниқлик кучайиб бораётганлиги билан; иқтисодий вазият тез ўзгариб бораётганлиги билан; капитал объектлари кўплаб таклиф этилаётганлиги билан; капитал учун янги-янги молиявий воситалар пайдо бўлаётганлиги ва бошқа омиллар билан боғлиқдир.

Йўқотишларни кутиш, бу йўқотишлар эҳтимолини мўлжалланаётган фойда билан таққослаш мамлакат бозорида капитал фаолиятини амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорларни танлаш учун асос бўлиб, уни ташкил этиш шаклини танлайди.

Иқтисодга оид асарларда капитал rischi деганда капитал фаолияти шартларининг ноаниқлиги вазиятида кўзда тутилмаган молиявий йўқотишлар (фойда, даромаднинг пасайиб кетиши, сармоияни йўқотиш ва ҳ.к.) вужудга келиши эҳтимоли англанади.

Чет элда эса капитал rischi тушунчаси кенг маънода талқин этилади. Шунинг учун ҳам хорижий адабиётда капитал rischi деганда капитал фаолиятига муайян даражада таъсир этиши мумкин бўлган айрим воқеалар содир бўлиши эҳтимолини тушуниш керак, деб таъкидланади.

Мунтазам риск капиталнинг барча қатнашчилари ва шакллари учун вужудга келади. У мамлакат тараққиётининг иқтисодий цикли босқичлари ўзгариши ёки капитал бозорини ривожлантириш конъюктура босқичига, шунингдек инвестор томонидан капитал воситаларини танлашига таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа шу каби омилларга боғлиқ.

Ўзига хос риск – бу умумлашма тушунча бўлиб, муайян объект, капитал шакли ёки муайян инвестор билан боғлиқ бўлган барча турдаги рискларни ўзида мужассамлаштиради. Ўзига хос риск бошқариладиган риск бўлиб, капитал жараёнлари бошқаруви самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Намоён бўлиш соҳаларига кўра, рисклар макроиқтисодий ва микроиқтисодий гуруҳларга ажратилади.

Макроиқтисодий рискларга қуйидагилар киради:

- иқтисодий омиллар ўзгариши билан боғлиқ бўлган иқтисодий риск. Рискнинг мазкур тури капитал фаолияти шакли билан вужудга келади;

- сиёсий риск капитал фаолиятининг турли хилдаги маъмурий чекловлари билан вужудга келади;

- ижтимоий риск мамлакатдаги ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ (мамлакатда режалаштирилмаган ижтимоий тадбирлар);

- экологик риск – булар экологик фалокат ва офатлар бўлиб, улар капиталланаётган объектлар фаолиятига салбий таъсир ўтказиши мумкин;

- тармоқ rischi айрим тармоқларнинг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ. Тармоқ riskлари тармоқнинг у ёки бу турга таалуқлилигига ва капитал фаолиятини амалга ошираётган тижорат банклари томонидан ана шу омилга тўғри баҳо берилишига қараб инвесторни йўқотишда намоён бўлади;

- ҳудудий riskлар ҳудуднинг капиталларни жалб этишига нообъектив баҳо берилиши туфайли вужудга келадиган йўқотишлар билан боғлиқдир;

- қонунлар ўзгариши rischi, мавжуд Қонунлар, Фармонлар, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ўзгариши билан вужудга келадиган йўқотишлар riskида ифодаланади;

- инфляция rischi инвестор даромадлари ўсишидан кўра тезроқ кадрсизланишида, бунинг оқибатида инвестор реал талофат кўришида намоён бўлади;

- валюта rischi – хорижий валюта курси ўзгариши ёки мамлакатда капитал фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган махсус равишда валютани тартибга солиш тадбирларининг амалга оширилиши туфайли содир бўлади;

- ҳоказо riskлар турларига рекет, мулкни талон-тарож қилиш, шериклар томонидан алдаш ва бошқалар киради.

Қуйидагиларни микроиқтисодий riskлар жумласига киритиш мумкин:

- динамик риск, нотўғри бошқарувчилик қарорлари қабул қилиниши натижасида асосий капитал қийматининг кўзда тутилмаган ўзгаришлари riskи билан боғлиқ;

- статик риск – бу мулкка зарар етказиш натижасида реал активларни йўқотиш, шунингдек ташкилотнинг ноқобиллиги туфайли даромадни йўқотиш riskи.

Капитал шаклига кўра реал капитал riskлари ва портфел капитал riskларини ажратиш мумкин.

Реал капитал riskлари жумласига қуйидагилар киради:

- селектив риск – реал капитал объектини ёки реал капиталлар портфелини шакллантиришда бошқа капитал лойиҳаларига нисбатан капитал лойиҳасини нотўғри танлаш туфайли молиявий талофатлар кўриш мумкинлиги демакдир;

- муваққат риск – дастлабки капитал қўйилмаларни амалга оширишда нобоп вақтни танлаш riskидир;

- таркибий риск – капиталларнинг ноқилона таркибини танлаш билан боғлиқ бўлган йўқотишлар riskидир;

- лойиҳа ривожланмаслиги riskи - лойиҳадан кўзда тутилган даромадлар ҳаражатларни қоплаш, қарзларни тўлаш ва ҳар қандай капитал қўйилмаларнинг ўрнини қоплаш учун етарли бўлмаслиги туфайли вужудга келади;

- солиқ riskи – солиқ тўғрисидаги қонунларнинг ўзгаришига боғлиқ;

- қарзлар тўланмаслиги riskи – ҳатто муваффақиятли лойиҳаларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талабнинг қисқа вақт мобайнида пасайиб

кетиши, ёхуд бозорда товарнинг қайта ишлаб чиқарилиши оқибатида нархлар тушиб кетиши туфайли даромадларнинг вақтинча пасайиб кетиши ҳолатига дуч келиши мумкинлиги билан боғлиқдир;

- қурилиш тугатилмаслиги rischi – қурилиш жараёни ўз вақтида ниҳоясига етказилмаслиги ёки умуман тугатилмаслиги эҳтимоли билан боғлиқ, бундай риск янги технология жараёнларидан фойдаланиладиган капитал лойиҳалари учун ниҳоятда каттадир, чунки бундай лойиҳалар даставвал кўзда тутилганидан анча қимматга тушиши мумкин.

Портфель капитали rischi жумласига қуйидагилар киради:

- селектив риск – портфелни шакллантириш чоғида капитал учун капитал бошқа турларига нисбатан капитални нотўғри танлаш rischi;

- муваққат риск – нобоп вақтда капитал эмиссияси, хариди ёки савдоси riskли бўлиб, у талофатларни келтириб чиқариши мумкин;

- сармоя rischi – капитал портфели сифатининг ёмонлашуви демакдир, бу эса талофатларни кенг қўламда ҳисобдан чиқариш заруратини келтириб чиқаради. Бу портфель эгасининг сармоясига, масалан тижорат банки сармоясига даҳл қилиши мумкин;

- қайтариб олиш rischi – агар эмитент қайтариб олинадиган облигациялар бўйича фоиз тўловлари белгиланган даражаси жорий бозор фоизидан ошириб юборилиши муносабати билан уларни қайтариб олган тақдирда инвестор учун талофат rischi демакдир;

- кредит rischi – қарзни қопловчи капитални чиқарган эмитент қарз бўйича фоизларни ёки қарзнинг асосий суммасини тўлашга ноқобил бўлиб қолиши rischi демак;

- ликвидлилик rischi – қимматли қоғоз сифати баҳоси ўзгариши туфайли уни сотиш чоғида эҳтимол тутилган йўқотишлар билан боғлиқ бўлган рискдир;

- фоиз rischi – бозорда фоиз ставкалари ўзгариши муносабати билан инвесторлар ва эмитентлар кўриши мумкин бўлган талофат rischi. Белгиланган даражага нисбатан ўртача бозор фоизи кундалик ўсишида фоизлари белгилаб қўйилган ўрта ва ўзоқ муддатли капиталга ўз маблағларини сарфлаган инвестор фоиз riskига дуч келади.

Санаб ўтилган riskларнинг барча турлари тижорат банкларининг капитал фаолиятига бевосита таъсир этиши мумкин. Шунинг учун капиталнинг у ёки бу воситасини танлаш чоғида энг аввало талофатларнинг эҳтимол тутилган riskини белгилаб олиш ва ана шуни ҳисобга олган ҳолда ўз маблағларини капиталга сарфлаш маъқул бўлур эди.

10.3. Тижорат банклари фаолиятида riskларни бошқариш

Банклар фаолиятида riskларни бошқариш riskларни минималлаштириш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Банк riskларини бошқаришдан асосий мақсад банкнинг актив ва пассивларини бошқаришда банкнинг фойдаси ва унинг ликвидлилик ҳамда хавфсизлиги

ўртасидаги энг муқобил нисбатни таъминлаш, яъни рисклар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштиришдан иборат. Рискларни самарали бошқариш банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган кўп муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Риск даражаси турли сабаб ва омилларга қараб ўзгариб туради. Шу сабаб банклар ҳам бозор муносабатлари, мижозларнинг сифати, талаби ва бошқалардан келиб чиқиб ўз активлари ва пассивларининг ҳолати, банк хизматларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб рискларни ҳам ҳисоб-китоб қилиб фаолиятини олиб бориши керак.

Рискларни бошқариш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: рискларни олдиндан кўра билиш, уларнинг тахминий ҳажми ва таъсирини аниқлаш, рискларнинг олдини олиш ёки уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, улар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш в.б. Бу борада ҳар бир банк рискларни бошқариш соҳасида ўзининг стратегиясига эга бўлиши лозим. Агарда банк рискли операцияни амалга оширишга қарор қилса, у олдиндан мазкур операцияда қанақа рисклар бўлиши мумкинлигини ва уларни қайси усуллар билан, қандай қилиб бошқариши мумкинлигини ҳам билиши лозим. Бизининг республикада тижорат банклари фаолиятида учрайдиган рискларни бошқариш бўйича Марказий банкнинг 2011-йил 25 майда тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчилигини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талаблари асосида олиб борилади. Бу ҳужжат Марказий банк томонидан тижорат банкларининг банк рискларини бошқаришига қўйиладиган минимал талаблар баён этилган ва банк рискларини бошқариш деганда, банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилиши белгилаб берилган. Республикада тижорат банклари томонидан улар фаолиятида юзага келадиган рискларни бошқаришдан асосий мақсад - банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш, банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Рискларни бошқаришнинг қуйидаги елеменлари мавжуд:

1. Банк рискларини бошқариш бўйича махсус бўлим ёки бошқармалар ташкил қилиш.
2. Рискларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш.
3. Рискларни минималлаштиришга таъсир қилувчи дастагларни топиш.
4. Рискларни таҳлил қилиш асосида қарорлар қабул қилиш в.б.

Ушбу элементр Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар фаолиятида ҳам ўз аксини топган.


Банк рискларини бошқариш соҳасида тижорат банклари қуйидаги талабларни амалга оширишлари зарур:

банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

банк таваккалчилигини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқа ўрнатишда, инвестициялар киритишда, чет элвалютасидаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда ва бошқа банк таваккалчилиги юзага келиши мумкин бўлган банк операциялари таваккалчилигининг юзага келиши ва уни бартараф этиш, олдини олиш, камайтириш нуқтайи назаридан банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш в.б.




12-расм. Кредитни бошқаришнинг биринчи қўмитаси вазифалари

Банкларда кредит рискларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон банк амалиётида йирик тижорат банкларида кредит ва у билан боғлиқ рискларни бошқаришни уларнинг махсус иккита қўмитаси амалга оширади. Уларнинг биринчиси ва унинг асосий вазифалари қуйидаги расмда кўрсатилган.

Банк рискларини бошқаришда банклар фаолиятини чуқур билиш, улар бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай олиш,

банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолият турлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятларини билиш муғим ағҳамиятга эга. Банк рискларини бошқаришда банклар диверсификациялаш, суғурталаш, таъминот базасини мустаҳкамлаш, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш каби усуллардан кенг фойдаланиши лозим. Шунингдек, тижорат банклари рискларнинг олдини олиш учун:

- ўз капиталидан ортиқ суммага риск қилмаслик;
- кам даромад олиш имкониятида катта риск ёки умуман риск қилмаслик;



13-расм. Кредитни бошқаришнинг иккинчи қўмитаси вазифалари

• ҳар қандай бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорларга берилган кредитлар суммаси 1-босқичли банк регулятив капиталининг 10 фоиздан оширмаслик;

• бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорларга тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси 1 даражали банк капиталининг 25 фоиздан ошишига йўл қўймаслик. Ҳаттоки, ишончли кредитлар бўйича ҳам рискнинг энг юқори даражаси 1-босқичли банк капиталининг 5 фоиздан, банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-босқичли банк капиталидан 8 мартадан оширмасликка эришиши лозим.

Йирик тижорат банкларида кредит рискларини бошқаришдаги асосий қийинчиликлар кредитланадиган соҳани чуқур таҳлил қилинмаслиги, мижозлар билан алоқани тўғри йўлга қўйилмаганлиги, назоратнинг тўғри ташкил қилинмаслиги, кредит жараёнларини назорат ва аудит ўтказишдаги муаммоларининг тўғри ҳал қилинмаслигида кўрилади.

Кредитнинг рискларини бошқаришни вазифаларини амалга оширишда банк бошқарувчиси, кредит бўлими, операцион бўлим бошлиқлари, бош иқтисодчи, бухгалтерларнинг фаолияти аҳамиятлидир. Чунки улар кредитни бошқаришнинг биринчи қўмитаси аъзолари бўлиб, кредитни бошқариш вазифаларини амалга оширадилар.

Тижорат банкларида кредитни бошқаришнинг иккинчи қўмитасининг фаолияти ва унинг йўналишлари, вазифалари қуйидаги расмда кўрсатилган: Биринчи ва иккинчи қўмиталар биргаликда ўзига бириктирилган вазифаларни бажариб бориш натижасида рискларнинг камайишига эришиш мумкин.

Банк фаолиятининг ишончлилиги унинг фаолиятида юзага келган рискларни моҳирона бошқариши билан белгиланади.

Рискларни бошқариш – бу рискни минималлаштириш бўйича қўлланиладиган усул ва воситаларнинг мажмуасидир. Банк рискларини бошқаришнинг элементлари сифатида:

- рискни бошқариш субъектларини;
- рискни аниқлашни;
- риск даражасини баҳолашни;

рискни мониторинг қилишни олиш мумкин.

Рискни бошқариш субъектлари - булар банк раҳбарияти, рискни бошқариш бошқармаси ёки бўлими, кредитни берган бошқарма ёки бўлим, назорат, мониторинг бўлинмалари ва юридик бўлим ҳисобланади.

Рискни аниқлаш – мавжуд ва қўшимча маълумотларни олиш орқали риск юзага келган жой-муҳит, рискнинг салбий таъсир зоналари аниқланади.


Риск даражасини баҳолаш – бунда риск сон ва сифат жиҳатдан баҳоланади.

Рискни сифат жиҳатдан баҳолашда рискнинг манбалари, унга таъсир қилувчи омиллар аниқланади. Ва рискни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганда айнан шу омилларга эътибор қаратилади. Рискни сифат жиҳатдан таҳлил қилиш қуйидаги йўналишларда олиб борилади. Булар:

- риск даражасини баҳолаш мезонларини аниқлаш;
- банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган баъзи рискларнинг даражасини аниқлаш;
- ҳақиқатда юзага келган рискларнинг турлари ва уларнинг қўламини турли усулларни қўллаган ҳолда аниқлаш;
- келажакда рисклар камайиши ёки ошиши имкониятларини баҳолаш.

Рискларни бошқариш усулларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин. Булар:

1. Рискларнинг олдини олиш усуллари.
2. Рискларни ўтказиб юбориш ёки йўналишини ўзгартириш усуллари.
3. Рискларни тақсимлаш усуллари.
4. Рискларни қабул қилиш ва ундан келадиган йўқотишларни минималлаштириш.



14-расм.Рискни бошқариш стратегиси йўналишлари

Рискни бошқаришни амалга оширишдаги усуллар рискнинг олдини олиш ва ундан келадиган йўқотишларни камайтиришга қаратилган бўлиб, у қуйидаги йўналишларга асосланади:

- Рискни ўз капитали ҳисобидан қоплаш чораларини кўриш,
- Рискга асосланган маржа (фоиз, таъминот в.б.) даражасини аниқлаш.
- Кредит портфели сифатини назоратга олиш ва унинг диверсификациясига эътибор қаратиш.
- Рискнинг турлари бўйича уларнинг хавфлилик даражасини аниқлаш.
- Банк операцияларини риск омилининг таъсири даражасидан келиб чиқиб диверсификациялаш.
- Банкнинг рискли операциялари бўйича лимитлар ўрнатиш.
- Зарур ҳолларда активларни сотиш.
- Алоҳида рискларни хеджирлаш.
- Рискларни суғурталаш.⁵⁴

Шунингдек, яна рискдан қочиш, рискни чеклаш, ушлаб туриш, рискни тақсимлаш, қайта суғурталаш, ўз-ўзини суғурталаш каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Банк фаолиятида унинг ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ қандай рискларни биласиз?
- 2.Банк рисклари ва уларнинг турлари ҳақида гапириб беринг.
- 3.Молиявий ресурсларни жойлашиши билан боғлиқ қандай рисклар мавжуд?
- 4.Рискларни мониторинг орқали бошқариш.

⁵⁴Тхе Бусинесс оф Банкинг. Америсан Банкерс Ассоциатион. Вашингтон, Д.С.2014.

Хеннй ван Греунинг, Сониа Бражович Братанович. Тхе Аналісис оф банкинг рискс. ТХЕ ВОЛД БАНК Вашингтон, Д.С.

Виллиам Гоулд, Мичаел Ҳиггинс: Банкинг: Стратегис лидершип. Унитед Статес Агенсй фор интернационал Деволопмент (УСАИД) 2012. 23-46 п.

Пҳилип Котлер. Маркетинг Эссентиалс. Прентисе- Ҳалл, Инс., 2010. 525-529 п.

11-МАВЗУ:КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ (АККУМУЛЯЦИЯ) МЕХАНИЗМИ

1. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат қилиш шакллари
2. Кредит тўғрисидаги назариялар
3. Тижорат банкларининг кредит операцияларининг банк фаолиятидаги ўрни

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

11.1. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат қилиш шакллари

Ссуда капитали- бу фаолият курсатувчи капитал айланишига хизмат қилувчи ва фоиз келтирувчи ссудага (қарзга) бериладиган пул капиталидир.

Ссуда капиталининг манбалари- бу саноат ва савдо капиталлари айланиши жараёнида буш қоладиган пул капиталидир. Пул капиталининг бушаши қуйидаги омилларга асосан юзага келади:

- асосий капитал оборотининг (айланишининг) ҳарактеридан. Товарларни сотгандан сунг асосий капиталнинг эскирган қисми амортизация захираси сифатида асосий капиталнинг янгилашиш муддати келгунга қадар йигилиб туради;

- оборот (айланма) капиталнинг доимий қисми айланиш ҳарактеридан. Тайёр товарларни сотиш ва хом ашё ва материалларни янги товарлар ишлаб чиқариш мақсадида харид қилиш оралигида маълум бир муддат утади. Шунинг учун тайёр товарларни сотишдан тушган пул тушуми вақтинчалик буш пул капитали сифатида буш бўлиб қолади;

- товарларни сотиш даври (вақти) билан шу ҳақини тулаш даври орасидаги вақтинчалик узилишнинг мавжудлиги;

- ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш талаблири даражасида зарур булган пул шаклидаги қушимча қийматни жамғариш (йигиш) зарурати ва бошқа ҳолатлар.

Шундай қилиб вақтинчалик пул капиталининг бушаши объектив заруриятдир. Бирок бундай ҳолда бекор турадиган пуллар доимий ҳаракатда бўладиган капитал қиймати талабига қарши иштирок этади. Бундай қарама-қаршилиқ кредитларни бериш орқали ҳал қилинади, яъни вақтинчалик булмайдиган пул капиталини қарзга берилади.

11.2. Кредит тўғрисидаги назариялар

Турли даврлардаги яшаб ижод қилган иқтисодчилар кредитни иқтисодиётда, ҳамда такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги урнига турлича баҳо бериб келганлар, уларнинг айримлари кредитга юксак баҳо берганлар, иккинчи гуруҳ иқтисодчилари уни урнини кейинги даражага қуйиб келганлар.

Кредит тўғрисидаги назарияларни икки гуруҳга булинади. Уларнинг биринчиси кредитнинг натуралистик назарияси деб номланади. Бу назариянинг асосчилари бўлиб А.Смит ва Д.Рикардолар ҳисобланадилар.

Бу назарияга асосан кредитнинг аҳамияти пасайтирилади, яъни кредит фақат жамиятда таксимланган капитални алоҳида ишлаб чиқарувчилар ўртасида қайта таксимлаш шакли бўлади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш омили була олмайди.

Бу назариянинг асосий йуналишлари қуйидагилардан иборат:

- кредит моддий қийматликларни бир кулдан иккинчисига ўтказишда техник восита (курол) бўлиб ҳисобланади.

- кредит объекти бўлиб натурал (ишончсиз) ашёвий бойликлар ҳисобланади;

- ссуда капитал хақиқий капиталга тенглаштирилади ва уни ҳаракати ишлаб чиқариш капитал ҳаракатига мос келади;

- банклар моддий қийматликларни бир мулк эгасидан иккинчи мулкдорга ўтказиб берувчи воситачи сифатида иштирок этади.

Юқорида куриб утилган кредит назарияси йуналиш намоёндалари томонидан кредит тугрисида ва уни такрор ишлаб чиқариш жараёнида нотугри хулосага келганликларини билдиради. Чунки улар кредитни (ссуда капиталини) ҳаракатини, ишлаб чиқариш капитали, товар капиталини ҳаракатини нотугри курсатиб берадилар. Хаттоки кредитни қайта таксимлаш функциясини ҳам охиригача олиб бера олмайдилар. Бу назария тарафдорларининг камчилиги шунки улар кредитни ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ, лекин ишлаб чиқариш у ҳеч қандай ижобий таъсирини курсатиб бера олмаганлар. Ҳақиқатда эса кредит ссуда капиталининг ҳаракатини натижаси бўлиб, икки хусусиятга эга, яъни кредит кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга таъсир курсатиши, ёки унда карама- каршилиқларни ҳам вужудга келтириши мумкин.

Аммо натуралистик назариётчиларнинг камчиликларига карамай уларнинг қарашларида ҳам нозитив фикрлар (мулоҳазалар) бор. Масалан, бу назария тарафдорлари фикрига кура кредит хақиқий капитални яратмаслиги, балки фақат ишлаб чиқариш жараёнига таъсир курсатиши, яъни кредитни бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ эканлигини билиб бера олганлар.

Кредитни ролини (урнини) бурттириб курсатадиган назария бу- кредитни капиталини яратиш назариясидир. Бу назария асосчилари- инглиз иқтисодчилари Дж. Ло (XVIII) ва Г. Маклеод (XIX) ҳисобланадилар. Бу назариянинг негизи шуки-кредит ҳеч қандай ишлаб чиқариш жараёнига боғлиқ эмас ва у иқтисодиётда ҳал қилувчи уринни эгаллайди. Улар кредитни пул ва бойликлар билан бир қаторга қуядилар. Капитални яратиш назариясининг асл маъноси буйича банклар кредитни бериш орқали капитал яратадилар, кредит ҳажми банкларнинг узлари ишлаб чиқарадиган кредит сийёсатига боғлиқ. Шунинг учун банклар қанчалик чегараланмаган микдорда кредитни кенгайтиришлари ва бу йул билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга асос яратишлари мумкин.

Банклар «кредит фабрикаси» деган тушунча шу назария тарафдорлари томонидан вужудга келтирилгандир.

Кредитнинг капиталини яратиш назарияси тарафдорлари банклар томонидан берилаётган кредит хажми банк хохишига эмас балки, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг объектив заруриятдан (хохишидан) келиб чиқиши, ҳамда кредитни хақикий капитал билан алмаштириб юборадилар.

Кредитнинг бу назариясининг давомчилари бўлиб, австралия профессори И. Шуметер, немис банкири А. Тан ва инглиз иқтисодчилари Дж. М.Кейнс ва Р. Хоутри ҳисобланадилар.

Шуметер ва Танлар банкларнинг куч- кудратини ошириб юборадилар, ва ҳеч қандай чегарасиз бериладиган кредитлар такрор ишлаб чиқариш жараёнини ҳамда иқтисодий усишнинг асосий капитали бўлиб ҳисобланадилар деб қарайдилар. Шунга кура бу қарашлар кредитнинг «экспансион кредит назарияси» номи билан оламга машхурдир. Ушбу назария орқали иқтисодчилар мамлакатдаги инфляцияни оқламокчи бўладилар.

Бирок кредитнинг бу назария буйича давомчиси булган Дж. Кейнс узида керакли булган қарашлардан яхши (ижобий) томонларини олган ҳолда кредитни иқтисодиётни тартибга солиш воситаси деб қарайди ва исботлаб беради. Чунки банклар томонидан кредитлаш иқтисодиёт талабига асосан берилиши, талаб ошса таклиф ҳам ошиши мумкинлигини эътироф этади. Бунга тарихий мисоллар етарли. Масалан, мамлакатда иқтисодий ривожланиш ўзгариши натижасида кредитга булган талаб ҳам ошади ва аксинчадир. Кредитнинг ортикча бериб юборилиши бозор иқтисодиёти шароитида қушимча кредитларнинг инфляциянинг вужудга келишига сабабчи бўлиб келиши мумкиндир.

11.3.Тижорат банкларининг кредит операцияларининг банк фаолиятидаги ўрни

Тижорат банкларининг кредит операциялари банк фаолиятида асосий ўрин тутган операциялардан биридир. Ўзбекистон Республикаси “Банк ва банклар тўғрисидаги қонуни” да банк терминида тушунтириш берилганда бу ташкилот учта операцияни албатта амалга ошириши кераклигига урғу берилган булардан бири кредит бериш операциясидир. Жаҳон банк фаолиятида банк терминида молиявий универмаг деган тушунча берилганига қарамай кредит операциялари барча банклар фаолиятида муҳим урин эгаллаган. Бир томондан банк кредити иқтисодий субъектлар учун зарурий ҳолларда вақтинча юзага келган молиявий қийинчиликларни ечишда ёрдам берувчи муҳим манбаа ҳисобланади. Иккинчи томондан эса банклар олиб бораётган фаолият ичида энг кўп фойда берувчи жараёндир.

Банкларнинг кредит жараёнлари ўз навбатида муддат бўйича иккига бўлинади:

- қисқа муддатли 1 йил муддатгача бўлган;

- узоқ муддатли 1 йилдан ортик.

Қисқа муддатли кредитларга қуйидагилар киради:

1. Ломбард.
2. Контакоррент.
3. Овердрафт.

Ломбард - кредити асосий фаолияти таъллуқли товар моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар хақини тулаш учун қимматли қозғаларни гаровга олиб алоҳида ҳисоб варагидан бериладиган қарзлар. Банкнинг акциялари гаров сифатида қабул қилинмайди.

Контакоррент - банк контакоррент кредитни молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Бундай ҳисоб варақ кредитни шартномасига мувофиқ очилади ва миқдорнинг банк барча турдаги операцияларини бажаради. Мазкур ҳисоб варақ актив ва пассив ҳисобланади, яъни унда актив қолдиқ ҳам, пассив қолдиқ ҳам бўлиши мумкин.

Овердрафт - контакоррентнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Унинг ўзига хос томони шундаки, банк миқдорга қисқа вақт давомида дебит сальдоси бўлишига руҳсат этади. Овердрафдан фойдаланиш ҳуқуқи қанда тарихида энг ишончли миқдорларга берилади. Кредит қобилиятининг мажбурий зарур курсаткичлари қуйидагилар:

- қоплаш коэффициентлари;
- ликвидлик ва ўз маблағлари билан таъминланганлик;
- ўз оборот маблағлари мавжудлиги;
- оборот маблағлари фойда келтириши ва айланиши коэффициентлари.

Кредит қобилиятини баҳолашда баланс ҳамда хўжалик юритувчи субъект қўрган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот таҳлили асос бўлади.

Бундан ташқари зарур ҳолларда банкнинг ўзидаги статистика ҳамда таҳлил материалларидан ҳамда бошқа маълумотлардан фойдаланилади.

Кредит операцияларини амалга ошириш фойдалилик жиҳатидан юқори даражада бўлганлиги билан ўз навбатида унинг рисклилиқ даражаси, яъни қайтарилмаслиги мумкин бўлган маблағ ҳажми ҳалигача дунё банклари нотинч қилиб келмоқда.

Кредит операцияларини амалга оширишда бу операциянинг рискларини ва уларни пайдо қилувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни биз қуйидаги тартибда курсатишимиз мумкин:

- кредит рискларини юзага келтирувчи омиллар энг аввало банк томонидан аниқ кредит сиёсатининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- кредит сиёсатининг қарагидан ортиқ агрессив ташкил қилинганлиги (кредитларнинг активлардаги улуши 65 % дан ортиқ бўлганда);
- тармоқлар ва операциялар бўйича диверсификациянинг тўғри ташкил қилинмаганлиги;
- ишонч асосидаги кредитларнинг кредит портфелидаги улушининг кўплиги;
- инсайдерлар билан шартномалар ҳажмининг кўплиги;

-банк мутахассисларининг юридик жихатдан етарли тажрибага эга бўлмаганликлари. Тўғри барча банклар ўз фаолиятларида юристлар хизматларидан фойдаланадилар, лекин кредит бериш жараёнида юристлар деярли катнашмайдилар. Ўз-ўзидан маълумки, кредит операцияларида бир қанча ҳужжатлар тулдирилади ва бу ҳужжатларнинг юридик жихатдан тўғри тулдирилмаслиги охир оқибатда кредитларни қайтариш вақтида жуда кўп қийинчиликлар тугдириши мумкин. Масалан, бизнинг банкларимизда тўзилаётган кредит шартномалари бўйича юрист ҳулосасини аниқлаш тажрибаси йўқ;

- олинаётган гаровларнинг тўғри танланмаслиги. Бу бўйича ҳам юрист ҳулосасини олиш ўта муҳимдир. Бугунги кунда кредит фақат гаров ёки кафолат хати асосида бериш мумкин, лекин гаровни реализация қилиш бўйича етарли механизм йўқлиги бу нарсанинг янада рискни оширади;

- кредит талаби билан келган мижозлар ҳақида маълумотларнинг йўқлигига ёки уларни йиғишнинг қийинчиликлари ҳам мавжуддир. Иқтисодий шарт-шароит ўзгарганлиги бундай маълумотларни йиғишни талаб этади. Масалан, биз бугунги шароитда ўзимизнинг банк амалиётимизда 3-5 йиллик давр бўйича таҳлил олиб бориш ўзига яраша муаммоларга эга. Чунки бизнинг мижозларимиз ичида бир томондан янги ташкил этилган фирмалар мавжуд бўлган ҳолда уларга кредит бериш жараёни янада riskли ва мушкул бўлмоқда, иккинчи томондан эса, эски корхоналарда мавжуд ҳисоботларни тўғрилигига кафолат берувчи шахс илгари йўқ эди;

- кредит олган мижоз корхоналарда (айниқса илгаридан фаолият кўрсатиб келувчи корхоналарда) раҳбарларнинг тез - тез алмашиб туриши ҳам ўзига яраша riskли ҳолатларни юзага келтирмоқда;

- бундан ташқари кредит портфелининг катта қисмини бир тармоққа тегишли мижозлар томонидан эгаллаб олиши ҳолатлари. Масалан, Агро банк бўйича кредит портфелини таҳлил қилсак, бу банкнинг кредит операцияларининг 88 фоизи фақат қишлоқ ҳужалигига таалуқли корхоналарга берилган. Қишлоқ ҳўжалигида юз берадиган хар қандай ўзгариш тўғридан - тўғри банк молиявий натижаларига таъсир кўрсатади. Бундан ташқари қишлоқ ҳўжалиги фаолиятининг даврийлиги ҳам мавжуд;

- молиявий ҳужжатлар таҳлилига юзаки ёндашиш;

- мижоз талаб қилган маблағнинг тулик асосланганлигини аниқлашда кўйилган хатоликлар;

- кредит ҳужжатлари билан шугулланувчи мутахассиснинг етарли малакага эга бўлмай қолиши (ҳозирги шароитда коида ва талабларнинг тез ўзгариб туришида булиши мумкин);

- илгаридан тажрибаси бўлмаган фаолиятни бошлаган мижозларга кредит бериш;

- янги ташкил этилган мижозларнинг кредит портфелидаги улуши;

- кредит инспекторининг қарз сураётган мижоз фаолиятидаги специфик ҳолатларни яхши билмаслиги натижасида талабларни нотўғри куйиши;

- таъминотларнинг етарли булмаслиги (гаров баҳосининг асоссиз равишда юқори булиши);

- хужжатларни тайёрлашда йул куйилган хатоликлар (банк манфаатларини етарли химоя килинмаслиги);

- берилган кредит бўйича муддат аниқлашда хатоликларга йул куйиш;

- қарзнинг сундирилиш даврида етарли назоратнинг булмаслиги.

Юқорида айтиб утилган банк ходимлари фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадида ходимларга айтилмаган ҳолда кредит аудити утказилади. Бу аудит алоҳида нейтрал кредит бўлими билан боғлиқ булмаган мутахассислар томонидан утказилади ва ҳисоботлар банк бошқарувига тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хар қандай фаолият ўз навбатида ташқи иқтисодий мухит қуршовида ҳамда унда юз бериб турувчи ўзгаришлар таъсирида бўлганлиги сабабли банк кредитининг қайтиши ҳам ўз навбатида бу нарсалар таъсиридадир. Чунки иқтисодий ўзгаришлар, масалан, мижоз ишлаб чиқараётган махсулотнинг альтернативларининг пайдо булиши ўз навбатида унинг пул окимига таъсир кўрсатади. Иқтисодий мухит таъсирини ҳисобга олган ҳолда биз юқоридаги кредитларнинг қайтмаслик рискини қуйидаги қуринишда ёзишимиз мумкин:

- ташқи иқтисодий мухит таъсири.

Ташқи иқтисодий мухитга иқтисодий узиш ва пасайиш цикллари, ишсизлик, нархлар даражаси, конкуренция, технологик ўзгаришлар кабиларни олиш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат килиш шакллари қандай?
2. Кредит тўғрисидаги назарияларнинг мохияти ва хусусиятлари
3. Тижорат банкларининг кредит операцияларининг банк фаолиятидаги ўрни қандай?

12-МАВЗУ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

12.1.Кредитнинг моҳияти ва унинг кўриниши, яъни унинг юзага чиқиши.

12.2.Тижорат банкларида кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.

12.3.Кредитлаш муносабатларини амалга ошириш босқичлари.

12.4.Кредитлаш муносабатларини амалга ошириш босқичлари

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.


12.1.Кредитнинг моҳияти ва унинг кўриниши, яъни унинг юзага чиқиши

Кредит-бу вақтинча буш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тулаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йигиндиси.

Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белигларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, унинг иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида курсатувчи асосларни билиш демакдир.

Иқтисодий категория сифатида кредитнинг моҳияти купгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилиб чиқилган ва улар томонидан кредитнинг моҳияти буйича фикрлар билдирилган.



16-расм. Кредитлаш тизими таркиби ⁵⁵.

⁵⁵ Ш.З. Абдуллаева. “Пул кредит банклар”. Тош.: “Молия” -2000 й. 121 бет.

Кредитнинг мохиятини тушуниш учун аввалом бор, унинг таркиби нимадан иборат эканлигини тушуниб олиш зарур. Кредит муносабат бўлиши учун унинг зарур муносабатлари - кредитнинг объекти ва субъектини билиш зарур.

Тижорат банкларида кредитлаш жараёнини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосан банкнинг кредит сиёсатига қуйидагича таъриф берилади: “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт”.

12.2.Кредитни ўзига ҳос хусиятлари

Кредит иқтисодий категория сифатида юзага келиш сабаблари, унинг бошқа иқтисодий категориялардан ажралиб турувчи хусусиятли белгилари, жумладан; унинг товарлилиги, фоиз асосида бошқа субъектга берилиши, маблағни вақтинчалик ўз эгасидан бошқа эгасига ўтишлилик ва бошқалари очиб берилган.

Ундан ташқари, қисқа муддатли кредитларни юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган яқка тадбиркорлар ҳам олишлари мумкин. Юқоридаги субъектлар кредит олувчи сифатида фаолият кўрсаца, тижорат банклари ёки бошқа кредит муассасалари кредит берувчи субъект сифатида намоён бўлади. Лекин шуни таъкидлаш керакки, банклар банклараро кредитларда қарз олувчи субъект сифатида ҳам фаолият кўрсатадилар.

Тор маънода кредитлаш объекти, кредит (ссуда) айнан қайси мақсад учун берилса, шу кредит объекти ҳисобланади ва кредит битими шу объект устида тузилади. Амалиётда қисқа муддатли кредитлар ишлаб чиқариш захираларининг турли элементлари учун берилади. Саноатда, масалан, банклар хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, таралар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва бошқаларни кредитлашади. Савдода кредитлашнинг объекти бўлиб, товароборотдаги товарлар ҳисобланади.

12.3.Кредит иқтисодий категориясининг иқтисодий категориялар тизимидаги ўрни

Кредитни иқтисодий категориялар тизимидаги асосий ўрни, унинг ахамияти ва бошқа томонлари кенг очиб берилган. Ишлаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш билан маблағлар тушиши жараёни бир - бирига мос келмаганда, тугалланмаган ишлаб чиқариш салмоғи ошиб кэтганда келгуси давр харажатларига, баъзи корхоналарга янги турдаги маҳсулотни

ишлаб чиқариш ва корхонани қайта таъмирлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни амалга оширишда кредитларга мурожаат этилади.

Айланма маблағларга одатда дебиторлик қарзлари ёки товар - моддий бойликлар билан таъминланади.

Қурилиш учун "оралиқ" кредитлари бино ва иншоотлар, оффислар, савдо марказлари ва шу кабиларни қуриш учун берилади. Аниқроғи кредит, бино ва иншоотларни қуришда керак бўладиган қурилиш материаллари, қуриш жиҳозларини сотиб олишга, қурувчи ишчиларни ёллашга берилади. Бу каби кредитлар кредит олувчининг бошқа бир узоқ муддатли таъминоти остида берилади.

Қимматли қоғозлар дилерларига кредитлар, давлат қимматли қоғозлари ва хусусий қимматли қоғозлар дилерлари баъзи вақтларда қисқа муддатларда янги қимматли қоғозлар сотиб олиш учун маблағга эҳтиёж сезадилар. Бу каби кредитларни кўпгина банклар "жон" деб тақдим этадилар. Сабаби, бу кредитлар давлат қимматли қоғозлари билан таъминланган бўлади. Бундан ташқари, бу кредитлар жуда қисқа муддатларга берилади. (бир кундан бир неча кунгача).

12.4.Кредитлаш муносабатларини амалга ошириш босқичлари

Республикамизнинг кузга кўринган олималаридан бири Ш. Абдуллаева узининг "Пул, кредит ва банклар"⁵⁶ номли китобидан кредит муносабатларида субъектлари икки хил бўлишини курсатиб утади:

кредит (қарз берувчи)

қарздор

Бундан ташқари, кредит кредит муносабатлари таркибининг элементи сифатида кредитнинг объекти юзага келади.

Бунда қарзга берилган маблағ уз кийматини саклаб қолиши кредитнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредитнинг ҳаракат босқичлари ҳам уни муҳим белгиси ҳисобланади. Қарзга берилувчи киймат ҳаракатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$B_k - O_{kз} - I_k - B_p - +_k - \Phi_{кс}$$

B_k - кредитнинг берилиши;

$O_{kз}$ - кредитни қарз олувчи томонидан унинг вақтинчалик эҳтиёжини кондириш учун олиниши;

I_k - кредитни ишлатилиши қарз олувчининг кредитни нима мақсадда олинганлиги билан узвий боғлиқ бўлади;

B_p - қарз олувчининг хужалигида қарзга олинган кийматнинг айланиши тугалланишини ресурсларнинг айланишдан чиқарилишини ифодалайди;

⁵⁶ Ш.З. Абдуллаева. "Пул кредит банклар". Тош.: "Молия" -2000 й. 121 бет.

K_k - кредитни кайтариш;

Φ_{kc} - вақтинчалик берилган кийматни кредитор кулига кайтиб келиши (фоиз билан).

Кредит мохиятининг тахлили узлуксиз жараён. Бунда тахлил жараёнида янгидан янги белигилар, хусусиятлар юзага чиқиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Ссуда капитали манбаси ва ҳаракат килиш шакллари ҳақида гапириб беринг.

2. Кредит тўғрисидаги назарияларни тушунтириб беринг

3. Тижорат банкларининг кредит операцияларининг банк фаолиятидаги ўрни қандай?

13-МАВЗУ КРЕДИТ МЕХАНИЗМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

13.1. Кредит механизми тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.

13.2. Кредит механизмининг таркибий қисмлари ва уларнинг кетма-кетлиги.

13.3. Кредитга лаёқатлилик, кредитлаш тамойиллари, кредитнинг таъминланганлиги, кредит шартномаси, кредит риски, кредитларни таснифлаш.

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

13.1.Кредит механизми тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари

Кредит механизми- хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқаришни олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади.

Кредит муносабатларининг намоён бўлиш шакллари, яъни амалиётда кредитдан фойдаланиш усуллари, барча ҳолларда ҳам кредитнинг моҳиятига асосланади. Ўз навбатида, ҳар бир иқтисодий категориянинг моҳияти унинг функциялари орқали намоён бўлади. Демак, айтиш мумкинки, кредит механизми кредитнинг қайта тақсимлаш ва ҳақиқий пулларни кредит пуллари ва кредит операциялари билан алмаштириш функцияларини такрор ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширишга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, кредит механизмини икки таркибий бўлакка – кредитнинг қайта тақсимлаш функциясини намоён бўлиш шакллари ва ҳақиқий пулларни алмаштириш функцияси намоён бўлиш шаклларига ажратиш мумкин. Бу шакллар ҳар хил савияда ва ҳар хил даражада намоён бўлиш имконига эга.

Кредит механизмини таркибий қисмлари; кредит турлари, мақсадлари, муддатлари, функциялари, тамойиллари, унинг шаклланишидаги кетма кетлиги, юзага келиш сабаблари баён этилган. Кредит механизми тизими кўйидаги асосий тизимлардан иборат :

- кредитлаш методлари мажмуаси;
- ричак ва стимуллар, нормативлар, лимитлар комплекси;
- қонуний меъёрий ҳужжатларда шакллантирилган кредитлаш қоидалари ва қонунлар тўплами;
- кредитлаш субъектининг ички меъёрий таъминоти;
- информацион таъминот, шунингдек, кредитлаш бўйича қарорларни қабул қилиш учун информацион база.

Агар кредит муносабатлари субъектлари иқтисодий алоқалари билан биргаликда таҳлил қилинаётган бўлса, «кредит-ҳисоб-китоб механизми» тушунчасидан фойдаланиш ҳам мумкин ва бу бирмунча мақсадга мувофиқ

бўлади. Айрим ҳолларда «кредит механизми» тушунчаси билан биргаликда «кредитлаштириш механизми» атамаси ҳам қўлланилади. Бу терминнинг қўлланилишига «кредит механизми» тушунчасининг айрим амалий фаолият соҳаларини ўрганишда кенг маънони англантиши асос ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда бизнинг фикримизча банк назоратида иқтисодий чора ва таъсирларнинг доираси кенгайиши ва улар маъмурий ташкилий чораларга қараганда кўпроқ қўлланилиши лозим. Бу жиҳатидан миждозларни кредитга лаёқатлигини баҳолашни такомиллаштириш ва чет элтажрибасидан фойдаланиш муҳим ўрин тутаети.

Кредит механизми элементларига қуйидагилар кираети:

- кредит муносабатларининг объекти ва субъектлари;
- кредитлаш усуллари, кредит бериш ва қоплаш шартлари (шунингдек кредит учун фоиз);
- кредит режими ва кредит ричаклари;
- кредит механизмини амал қилишини ташкилий технологик таъминоти;
- кредит механизми амал қилишни ҳуқуқий меъёрий ва информацион таъминоти.

13.2.Кредит механизмининг таркибий қисмлари ва уларнинг кетма-кетлиги

Кредит механизми асосида иккита элемент ётади: 1-кредит ташкилотлари иқтисодиётдаги бўш ресурсларни амалий фаолият натижасида йиғади ва фойда олиш мақсадида жалб қилинган ресурсларни жойлаштиради. 2-потенциал қарз олувчида қўшимча ресурсларга эҳтиёжни юзага келиши. Бундай ҳолда қарз олувчи тижорат банкга ёки бошқа кредиторларга маълум муддатга пул ресурслар беришни илтимос қилиб мурожат ётади. Бу эса кредит жараёнини бошланиши ҳисобланади. Сўнг кредитор кредитлаш объектини баҳолайди, қарз олувчини кредитга лаёқатлилигини, гаров ҳолатини ва кафолат ишончилигини таҳлил қилади, кредит бериш ҳақида қарор қабул қилади.

«Кредит ташкилотини кредит бериш» элементни жуда кўп ҳаракатни ссуда шаклини танлаш, кредитлашни аниқ, маъқул услубини ва ссуда счёти турини танлаш, кредит ставкасини миқдорини, кредитни бериш ва сўндириш ишларини бажариш тартибини аниқлашни ўз ичига олади. Шу ерда кредит шартномаси тузилади, кредит битимини ҳужжатларини расмийлаштириш, ресурслар қайтарилмаганда гаровга эгалик қилиш ҳуқуқини олиш ва қарз олувчига кредитор ресурсларни етказиб бериш мажбуриятини олиш бўйича ишлар олиб борилади.

Кредитлаш жараёнида кредит ташкилоти ссудани доимий маъмурий бошқариш ссуда ҳисоб-варақлари ҳолати устидан назорат, қарзларни уз вақтида сўндириш, кредит шартномасидан фойдаланиш йўли билан амалга оширади. Бир вақтнинг ўзида кредит ташкилоти банк мониторингини, қарз

олувчини молиявий ҳолатини, унинг бозордаги ҳолати, банк кредитлаш тамойилларига амал қилишини таҳлил қилиш орқали амалга оширади.

Кредит ташкилоти банк мониторинги жараёнида ресурсларни қайтиш имкониятини аниқлайди. Бундай имконият мавжуд бўлмаса кредитор қарзларни таъминот ҳисобидан сўндиради ёки иккиламчи кредит бозорига реализация қилади. Кредитни қайтариллиши қарз олувчига ижобий кредит тарихини олиш учун мустақил имкон беради. Кредит операциялари ўтказиш натижалари, шунингдек кредит ташкилотининг бўш пул ресурсларга вақтинча қўйилмалари кредит сиёсатини характериға таъсир кўрсатади. Барча тасвирланган кредит механизми элементлари ўзаро боғлиқ ва макро доирадаги ташқи омиллар таъсирида амал қилади.

Кредит механизми фаолияти натижасига баҳо бериш кредит механизмининг назариясини ишлаб чиқариш ва тажриба тўплаш имкониятини беради, бу орқали кейинчалик давлат кредит сиёсати характериға таъсир ўтказиш, шунингдек кредит механизмининг микродаражада тартиблаш усули ва мақсадларига таъсир этиш мумкин.

13.3. Кредитга лаёқатлилиқ, кредитлаш тамойиллари, кредитнинг таъминланганлиги, кредит шартномаси, кредит риси, кредитларни таснифлаш

Республикамизда тижорат банкларининг кредит сиёсатида кредитга лаёқатлилигини аниқлаш муаммоси умумлашган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг хусусиятлари, қайси тармоққа тегишли эканлиги ҳисобга олинмаган. Кредит бериш жараёнида кредитга лаёқатлилиқни белгилашда хўжалиқ юритувчи субъектлар тармоқлар бўйича таснифланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Қўйидаги коэффициентлар кредит қобилиятининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Қоплаш, ликвидлик, мухторият коэффициенти ва ўз маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичлари.

Қоплаш коэффициенти қисқа муддатли ликвид маблағлар билан қисқа муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида ҳисобланади.

Хўжалиқ юритувчи субъектнинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан камида икки баравар ортиқ бўлганда унинг молиявий аҳволи яхши ҳисобланади. Бу юқори мезон чегарасидир. Хўжалиқ юритувчи субъектнинг ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятлари хажмига тенг бўлган ҳоллардаги кўрсаткич қуйи чегара сифатида олинади.

Айни пайтда ишлаб чиқариш характери, хўжалиқ юритувчи субъект активлари таркиби каби омиллар унинг балансининг ликвидлигини бирмунча ўзгартириб кўрсатиши мумкин.

Хўжалиқ юритувчи субъектнинг асосий воситалар ва оборотдан ташқари активлари (баланс активининг 1-бўлими) унинг ўз маблағларидан

ортиқ бўлган ҳолларда ноликвид баланс вужудга келади. Ноликвид хўжалик юритувчи субъектлар банк кредитларидан фойдаланишга ҳақли эмаслар.

12-жадвал.

Мижознинг кредит лаёқатлилигига талаб этиладиган синфлар бўйича кўрсаткичлар

Коэффициент номи	I синф	II синф	III синф
Қоплаш коэффициенти	ортиқ > 2	2 < оралиғида > 1	1 < оралиғида > 0,5
Ликвидлик коэффициенти	1,5 дан ортиқ	1,0 дан 1,5 гача	1,0 дан кам
Айланма маблағларнинг айланиши коэффициенти	КО >= 8	8 > КО >= 4	4 > КО > 3
Мухторият коэффициенти	ортиқ > 60%	60% > оралиғида > 30%	30% дан кам

Юқоридаги кўрсатилган коэффициентлар ҳисоблаб чиқилгандан сўнг миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги қобилияти даражаси аниқланади.

Ишлаб чиқариш таҳлили ва коэффициентлар ҳажми асосида хўжалик органлари кредит қобилиятининг 3 та синф бўйича таснифланади ва қайси синфга мансублигига қараб, банк билан корхона ўртасидаги кредит муносабатлари шакллантирилади.

Биринчи синфга киритилган корхоналар умумий асосларда (шартларда) кредитланади. Улар учун имтиёзли кредитлаш тартиби ҳам кўзда тутилиши, яъни ишонч асосидаги кредит берилиши ва бошқа имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Иккинчи синфга киритилган корхоналар умумий асосларда кредитланади ва агар қўшимча ижобий кўрсаткичлар бўлса, имтиёзлар ҳам берилиши мумкин.

Агар, иккинчи синфга киритилган хўжалик органида уни барқарор эмас деб ҳисоблашга асос бўладиган қўшимча салбий кўрсаткичлар бўлса, бундай хўжалик органлари билан шартномалар тузилаётганда унинг фаолиятини ва кредит қайтарилишини назорат қилиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланади.

Хусусан, гаров ҳуқуқини қатъийлаштириш, фоиз ставкаларини ошириш, кафолатлар бериш ва қарзлардан фойдаланиш ҳажми ва муддатларини чеклаш каби шарҳлар шулар жумласидандир.

Учинчи синфга киритилган корхоналар кредитни қайтара олмайдиган субъектлар ҳисобланади ва фақат истисноли ҳолларда, юқори ташкилот кафолати билан ёки мулкни гаровга олиб, оширилган фоиз ставкаси ундириш шarti билан кредитланади.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини

(ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффицентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирлари батафсил ёритилиши лозим. Банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олинади.

Бундан ташқари, кредит сиёсати қарздорлар томонидан бизнес режага буюртмалар портфелининг тузилиши ва банк кредитидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар, ишлаб чиқариладиган товарларни сотиш бозорининг мавжудлигини киритиш бўйича талабни ўз ичига олади. Кредит сиёсати муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаши лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тўлаш манбаси (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (хазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилади.

Кредит сиёсати гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуйига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши керак. Мазкур бандда гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлиги аниқ ёритилади.

Ҳужжатда гаров мавзуи мустақил баҳоловчи ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилиши керак. Турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари батафсил акс еттирилиши лозим. Сиёсат кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан бўнак тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олади.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланади. Кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар берилади. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича "тўловсизлик" тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олади. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади.

Кредит сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқилади.

Кредит сиёсати турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи

фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган омилларни ўз ичига олиши керак. Бунда ҳеч бўлмаганда ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳоланиши зарур.

Кредит сиёсати банк билан боғлиқ шахсларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк талабларига мувофиқ келувчи лимитларни ўз ичига олади.

Кредит сиёсатида банк билан боғлиқ шахслар билан битимларни қисқартириш ёки уларни тузишнинг ҳар қандай имкониятларини бартараф этиш мақсадида боғлиқ шахсларга бериладиган кредитларни тасдиқлаш ва қайта тиклаш тартиби ва тадбирлари белгилаб қўйилиши керак.

Кредит сиёсатида кафолатлар ва аккредитивларнинг мақсади ва ишлатилиши, мансабдор шахсларнинг бундай мажбуриятларни чиқаришга доир ваколатлари ва бундай воситалар чиқарилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек уларга доир ҳужжатлар ва ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиши лозим.

Балансдан ташқари мажбуриятларни беришда молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)ни тақдим этишга оид талаблар кредитнинг исталган бошқа турларини беришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан бир хил бўлиши зарур. Тижорат аккредитивлари бўйича тўловларни ўтказиш, тўлов ва юк ортиш ҳужжатлари (юк хатлари), суғурта полислари ҳамда халқаро андозалар ва тадбирларга мувофиқ талаб қилинадиган бошқа ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар қайд этилиши керак.

Сиёсат банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсати мувофиқлигини таъминлаш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тадбири, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилинади.

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича топшириладиган ҳамда кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгиланади.

Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб таваккалчиликларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

Назорат учун саволлар

1. Кредит механизми тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичларини тушунтириб ўтинг.
2. Кредит механизмининг таркибий қисмлари ва уларнинг кетма-кетлиги қандай ифодаланади?
3. Кредитга лаёқатлилиқ қандай аниқланади?
4. Кредитлаш тамойиллари, кредитнинг таъминланганлиги, кредит шартномаси, кредит риси, кредитларни таснифлаш ҳақида амалий мисоллар асосида конспект тайёрланг.

14-МАВЗУ:ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ КРЕДИТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

14.1.Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни.

14.2. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти.

14.3. Кредит турлари

14.4. Тижорат банкларининг кредит сиёсати мезонлари ва уни таркибий элементлари

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

14.1.Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни

Кредитлаш банк ишининг ўзаги бўлиб, унинг сифатига қараб банкнинг фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бунда, асосан, кредитларни бошқариш жараёнининг асосий аҳамият касб этишига сабаб шуки, унинг сифати банк ишининг самрадорлигига боғлиқдир. Иқтисодчилар томонидан жаҳон банкларининг синиши (банкротликка учраши) сабабларини тадқиқ қилиш шуни кўрсатаптики, асосан, банкларнинг синишига сабаб – банк активлари сифатининг (энг аввало кредитларнинг) пастлигидир. Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб қуйидаги асосий элементрдан ташкил топади:

- тижорат банкида мукамал ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредитлаштириш жараёнининг мавжудлиги;

- кредит портфелини оптимал бошқаришнинг йўлга қўйилганлиги;

- кредитларни мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;

- банк тизимида ишлайдиган ходимларнинг тайёргарлик даражаси.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги “Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низомга асосан банкнинг кредит сиёсатига қуйидагича таъриф берилади: “Банкнинг кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимлари кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт”.

14.2.Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти

Кредит сиёсатида мақсад ва стратегияси, ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш, шунингдек, кредит турлари, концентрацияси, қарздорларга доир молиявий ахборотлар тўплами, гаров таъминоти ва кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар, кредитлар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш, банк билан боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар, балансдан ташқари моддалар, кредит портфелини аудит қилиш ва корпоратив ҳисоботлар ёритилиши лозим.

Кредит сиёсатининг йўналишларида эса, стратегик масалалар, яъни берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат ва ҳамда процедураларга оид молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс еттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг асосий мақсади акциядорларга актив амаллардан юқори даромад олишни таъминлаш, банкнинг ликвидлигини етарли даражада сақлаб туриш, рискни диверсификациялаш, амаллар бирлигини ўрнатиш ва кафолатлаш, қонун ва меъёрларга риоя қилинишини таъминлашдан иборат.

“Кредит сиёсати” ҳужжатли кредитларни бошқариш жараёнининг пойдеворини ташкил этади. Тижорат банки томонидан ишлаб чиқилган ва ёзма равишда қайд этилган “Кредит сиёсати” кредитларни оқилона бошқаришнинг самарали йўлларида ҳисобланади. Ушбу ҳужжат банкнинг кредитлаштириш фаолиятининг андозалари ва параметрларини белгилаб беради. Ушбу белгиланган стандартлар ва параметрлардан кредит бериш, қарзларни ҳужжатлаштириш ва бошқариш бўйича маъсулиятли бўлган банк хизматчилари қўлланма сифатида фойдаланишлари лозим. Кредит сиёсати банк бошқаруви аъзолари, қонун чиқарувчи, стратегик қарор қабул қилувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради ҳамда ички ва ташқи аудиторларга банкда кредитларни бошқариш даражасининг ўтиш даврида, молиявий бозорларга давлатнинг таъсири камайган шароитда, тижорат банклари ички сиёсатини ўзлари ишлаб чиқишни кескин фаоллаштиришлари лозим.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашидан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларнинг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма-кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари – кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари

белгиланган шароитда муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари банк мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мумкинлигини яққол билиши лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, кимга, қайси шароитлар билан берилишини ҳал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини есдан чиқармаслик лозим. Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақазо қилади. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларнинг сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлари, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўзичига олмоғи лозим.

Банк кредит сиёсатининг мазмуни куйидагилардан иборат:

- банк кредит портфелини аниқлаш ва шакллантириш (кредит турлари, коплаш муддатлари, миқдори ва сифати) билан боғлиқ масалалар;
- банк раисининг кредит фаолияти учун жавоб берадиган ўринбосари, кредит кўмитаси раиси ва кредит инспекторига юкланган ваколатлар рўйхати (энг кўп кредит суммаси ва турлари);
- банкнинг кредит бериш соҳасидаги ҳуқуқлари ва ахборот тақдим этиш бўйича жами мажбуриятлари;
- кредит аризалари бўйича текшириш ва қарор чиқариш тизими баёни;
- кредит аризасига илова қилинадиган зарурий ҳужжатлар ва кредит ишида албатта сақланадиган ҳужжатлар рўйхати (қарздорнинг молиявий ҳисоботи, кредит шартномаси, гаров, кафолат ҳақида шартнома ва ҳоказолар);
- кредит ишлари сақланиши ва текширилиши учун ким жавобгарлиги, ким ва қандай ҳолатда уларни олиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида батафсил маълумотлар;
- кредитнинг таъминланганлиги ва уни қабул қилиш, баҳолаш ва амалга оширишнинг асосий қоидалари;
- барча кредитлар сифатини белгилайдиган меъёрлар баёни;
- энг юқори кредит имтиёзларини белгилаш ва кўрсатиш (яъни кредит суммалари ва банк ялпи активларининг энг юқори нисбати);
- банк хизмат кўрсатадиган минтақа, кредит кўйилмаларининг асосий қисми жорий этиладиган тармоқ, иқтисодиёт соҳаси ёки сектори;
- муаммоли кредитлар таркиби ва таҳлили, бунда муаммоларни қандай ҳал этилиши эҳтимоллари кўрсатилади;
- қолган ҳужжатларда таъқиқланадиган ёки номақбул кредит турлари тавсифланади (тўловга қодирлиги ўубҳали бўлган ёки ҳужжатлар тўлиқ

рўйхатни тақдим етмаган) қарз олувчилар ва ҳоказолар).

Кредит сиёсати малакали тузилиб, банк раҳбаридан тортиб операторгача барча даражаларда меъёрида амалга оширилса, бу банк раҳбариятига тўғри қарорлар чиқариш, ортиқча рисклардан холос бўлиш, банк кредитларини тўғри баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга бир вақтда кредит сиёсати сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартларни ҳисобга олган ҳолда анча юмшоқ бўлиши даркор.

Республикамизда банк кредит фаолиятида мавжуд рискларни аниқлаш, кредит портфелини бошқариш ва рискларнинг банк кредит портфелига салбий таъсирини камайтириш борасида аниқ услубиёт ёки услубий манбалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Шу сабабдан, Ўзбекистон банк иши амалиётида кредит рискларини комплекс ўрганиш, таҳлил этиш ва уларнинг кредит портфелига салбий таъсирини камайтириш масалаларини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада, аниқ ишлаб чиқилган ва энг қуйи бўғиндаги ходимларгача тушунарли қилиб яратилган кредит сиёсатининг мавжудлиги банк тизими барқарорлигини ва пировардида иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш орқали юқори суръатларда ўсишини таъминлашда асосий, стратегик вазифалардан биридир. Банк фаолиятида рақобатнинг характери бозор характери билан белгиланади. Кучли рақобат шароитида банкларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун кучли кредит сиёсатига зарурат туғилади. Бугун иқтисодий жараёнлар республикамиз тижорат банкларида етарли ресурс маблағлар бўлишини, мавжуд маблағларни энг минимал риск асосида жойлаштириб, юқори даромад олиш имкониятига эга бўлишни кўзда туттади. Юқори даромад олиш эса, ўз навбатида, банклар олиб борадиган операцияларнинг рисклилиқ даражасини оширади.

Тижорат банклари томонидан кредит операцияларини тўла-тўқис олиб бориш улар томонидан кредит сиёсатининг қай даражада ташкил этилганига боғлиқ. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлашининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Оқилона кредит сиёсати банк активлари сифатига таъсир килувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Шу боис, тижорат банклар кредит сиёсатини ишлаб чиқишда минтақавий бўлимларнинг мавқеъи, мавжуд филиаллар сони ва минтақадаги иқтисодий фаолияти жойлашуви, кредит маблағлари манбаларининг юқорилиги, банкнинг жойлардаги рискининг даражаси, муддатлар бўйича мажбуриятлар ва активлар тузилмасини ҳисобга олиши керак. Шунингдек, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган асосий тамойилларга алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Кредит сиёсатининг мазмунини чуқурроқ ўрганиш учун унинг нималардан ташкил топганини билишимиз лозим.

Банкларнинг кредит сиёсати қуйидаги элементрни ўз ичига олади:

- мақсадни аниқлаш ва натижада банк кредит портфелини шакллантириш (тури, муддати, ҳажми ва таъминот сифати);

- кредитларни бериш, юритиш, қоплаш жараёнларида банк бўлимлари ваколатлари;

- керакли ҳужжатлар рўйхати;

- кредит таъминотини қабул қилиш, баҳолаш ва сотишнинг асосий қоидалари;

- кредит операциялари чегаралари (лимити);

- кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатиш сиёсати;

- кредит аризаларини баҳолаш услублари;

- муаммоли (қийин) кредитларни истиқболини белгилаш (диагностика) ва қийин ҳолатдан чиқиш йўллари таҳлил қилиш.

Банк маблағларини мавжудлиги ва уларнинг ташкилий тузилиши банк кредит сиёсатини олиб борилишини белгилайди. Кредит сиёсати банк ликвидлигига бевосита боғлиқдир.

Банк кредит сиёсати банк хизматчиларининг кредитларни расмийлаштириш, бериш ва бошқариш борасидаги ўз фаолиятларида амал қиладиган стандартлари, миқдори (параметрлари) ва жараёнларини аниқлаб беради.

Кредит сиёсати тегишли самарали амалларни ва назорат воситаларини амалга ошириш йўли билан кредит рискларини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиши ва энг камида ўз ичига қуйидаги масалаларни камраб олиши керак бўлади:

- 1.Кредит бериш жараёни, шу жумладан кредит билан боғлиқ амаллар ва назорат ричаглари;

- 2.Кредит рискларини бошқариш ва баҳолаш, кредит ҳужжатлари, техникаси, кредит рейтинги ва молиялаштириладиган битимлар бўйича амаллар;

- 3.Кредит рейтингини аниқлашнинг самарали тизими;

- 4.Доимий кредит мониторинги, унинг жорий ҳолатини баҳолаб бориш ва заҳираларни оптималлаштириб боришнинг самарали жараёни;

- 5.Муаммоли ссудаларни бошқариш билан боғлиқ бўлган тегишли самарали амаллар;

- 6.Кредитлар ва портфеллар бўйича мажбуриятларни бажариш сифати тўғрисидаги ҳисоботлар ва мониторинг учун бошқарув ахборотининг самарали тизими;

- 7.Мустақил кредит таҳлили.

Тижорат банклари иқтисодий фаолиятини ривожлантириши шароитида, кредит сиёсати ва кредит рискларини самарали бошқаришга бўлган зарурияти, бошқа тижорат банклари билан рақобат мезонини ҳисобга олишлари керак. Мазкур сиёсат ва кредит бериш жараёнлари ссуда капитали конъюктурасида талаб ва таклифларининг ўзгаришларига барқарорлигини кафолатлаш мақсадида кредит сиёсатини амалга оширилишини банк Кенгаши доимий назорат ўрнатиши зарур.

Кредит сиёсати мавжуд рискларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, банкларнинг барча асосий фаолият йўналишлари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига қамраб олиши керак.

Шу боис, кредит сиёсатига ўзгартиришлар киритиб, такомиллаштириб боришлари зарур.

14.3. Кредит турлари

Банк кредит операцияларини турли хил мезонлар ва ўлчовларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштириш мумкин.

1. Банк кредитларини қарз олувчиларнинг гуруҳлари бўйича таснифланиши мумкин: Банк кредитларини олувчилари бўлиб ҳукумат, бошқа банклар, хўжалик субъектлари, турли молия ташкилотлари, аҳоли ҳисобланади.

2. Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши бўйича: саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқа кредитларга бўлинади.

Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича 2 хил бўлиши мумкин: асосий капитални молиялаштириш учун ёки айланма капитални молиялаштириш учун ссудалар берилади. Булар ўз навбатида ишлаб чиқариш ёки муомала(савдо) соҳасига йўналтириладиган кредитларга бўлинади. Инфляция шароитида тижорат банклари амалиётида савдо ва спекулятив (чайқовчилик) операцияларини молиялаштиришга йўналтирилган ссудалар аксарият қисми ташкил этади.

3. Ҳажми бўйича кредитлар катта (йирик), ўрта ва кичикларга бўлинади. Лекин халқаро амалиётда бу кредитларни белги бўйича ягона ўлчов (мезон)и йўқ. ХВФ, ЕТТБнинг нуқтаи назаридан 10000 АҚШ долларигача бўлган суммадаги кредитлар кичик кредитларга киради.

4. Қайтариш муддати бўйича кредитлар талаб килингунча ва муддатли бўлади. Муддатли кредитлар қисқа, ўрта ва узоқ муддатлиларга бўлинади. Ссудаларни бу мезон бўйича турли мамлакатларда фарқланади. Аксарият банклар асосан қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредит бериш билан шуғулланади.

5. Таъминланганлиги бўйича кредитлар таъминланмаган ва таъминланган кредитларга бўлинади. Таъминланган кредитлар таъминланганлик характериға қараб гаровли, кафолатланган, суғурталанган ва ҳоказоларға бўлинади.

Таъминланмаган кредитлар ишончли (бланкали) деб ҳам аталади ва одатда фақат соло - вексел (қарз олувчининг ссудани қайтариш мажбурияти) орқали тақдим этилади. Таъминланмаган кредитлар қарз олувчининг обрўсини ҳисобга олган ҳолда ва унинг даромадлари даражасини баҳолашдан сўнгина берилади. Кредитнинг сифати паст бўлганда ҳам у таъминланмаган кредит деб юритилади ва бунда кредитлар бўйича кредитнинг қайтмаслик rischi юқори бўлади.

6. Берилиш усуллари бўйича кредитлар, қоплаш учун ва тўлов кредитларга бўлинади. Биринчи ҳолатда кредит қарз олувчининг ҳисоб варағига харажатларни қоплаш учун ўтказилади. Бунда яна аванс характеридаги ссуда маблағларини ўтказилиши ҳам назарда тутилади. Иккинчи ҳолатда банк ссудаси бевосита нақд пулсиз ҳисоб - китобларда ҳисоб ҳужжатларини тўлаш учун берилади.

Шу билан бирга, бир марталик кредитлар ҳам бўлади, яъни шартномада белгиланган муддат ва суммада тақдим этилади. Бироқ кўпчилик мамлакатларда кредит линиялари кенг қўлланилади.

7. Банк кредитларини қайтарилиш тартиби бўйича 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга бир вақтда қайтариладиган кредитлар, иккинчи гуруҳга бир неча муддатда бўлиб - бўлиб тўланадиган кредитлар киради.

Одатда юридик шахслар ва аҳолига жорий эҳтиёжларни қоплаш учун нақд пул маблағлари керак бўлганда бериладиган қисқа муддатли кредитлар, бир вақтда қайтариладиган кредитлар ҳисобланади. Бу ерда асосий қарз ва фоизларни ягона суммада кредит муддати тугаши билан қайтарилади.

Бир неча муддатда қайтариладиган кредитлар бу икки ёки ундан ортиқ тўловлар билан амалга ошириладиган ссудалар ҳисобланади. (одатда ҳар ой, ҳар квартал ёки ҳар ярим йилда). Бу гуруҳга турли хил кредитлар: тижорат, очиқ счёт бўйича, вексел, лизинг, факторинг, форфейтинг ва бошқалар киради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бир кеча муддатда қайтариладиган кредитлар юридик ва жисмоний шахсларга товарлар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш учун бериладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитлашда кенг қўлланилади.

Жаҳон молия бозорларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бир неча муддатларда қайтариш шarti билан берилади.

8. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича банк кредитларини 2 гуруҳга бўлиш мумкин: қатъий фоизлардаги кредитлар ва сузувчи фоиз ставкаларидаги кредитлар.

Ссудалар кредитлашнинг бутун муддатига бериладиган ва қайта кўриб чиқилмайдиган қатъий фоиз ставкалари шартларида берилиши мумкин.

Қарз олувчи бу ҳолатда фоиз ставкалари бозорларида конъюктура ўзгаришига қарамасдан кредитдан фойдаланганлиги учун ўзгармас келишилган ставкада фоиз тўлайди. Бу ҳам кредиторга, ҳам қарз олувчига қулай, чунки иккала томон ҳам берилган кредитдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ўз даромад ва харажатларини тўғри ҳисоблаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Қатъий фоиз ставкалари одатда қисқа муддатли кредитлашда қўлланилади.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда кредитларни беришда қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкаларининг ҳар иккаласи ҳам кенг қўлланилмоқда.

Сузиб юрүвчи фоиз ставкалари - бу кредит бозорларида вужудга келадиган ҳолатларга боғлиқ бўлган доимий ўзгарадиган фоиз ставкаларидир.

9. Кредит қайси валютада берилишига қараб ҳам гуруҳларга бўлинади. Одатда тижорат банклари кредитларни миллий валютада ёки чет элвалютасида бериши мумкин. Ўзбекистонда миллий валюта ва чет элвалютасидаги кредитлар кўп қўлланилмоқда.

10. Кредитлар сони бўйича кредитлар куйидаги гуруҳларга бўлиниши мумкин:

- ягона банк берадиган кредитлар;
- синдикатлашган кредитлар;
- параллел кредитлар.

Амалиётда бир банк томонидан берилладиган ссудалар кенг тарқалган. Бироқ айрим мамлакатлар ва интеграцион гуруҳлар иқтисодийнинг ривожланиш имкониятига қараб ягона банк имконияти етмайдиган йирик кредитларга эҳтиёж сезилмоқда. Бу эса банкларнинг гуруҳларга кўшилиб синдикатлашган кредит беришга ундамоқда.

Синдикатлашган кредит - бу (консорциум) бирлашган 2 ёки ундан ортиқ кредиторлар бир қарздорга кредит тақдим этади. Бир гуруҳ банк - кредиторлар маълум муддатга бўш турган молиявий ресурсларини маълум бир объект ёки қарздорни кредитлаш мақсадида бирлаштиради

1. Банк кредитларини қарз олувчиларнинг гуруҳлари бўйича
2. Кредитлар мақсади ёки қайси соҳага йўналтирилиши бўйича:
3. Банк кредитлари ишлатилиши соҳаси бўйича
4. Ҳажми бўйича
5. Қайтариш муддати бўйича
6. Таъминланганлиги бўйича
7. Таъминланмаган кредитлар
8. Берилиш усуллари
9. Банк кредитларини қайтарилиш тартиби
10. Фоиз ставкаларининг турлари бўйича
11. Сузиб юрүвчи фоиз ставкалари -
12. Кредит қайси валютада берилишига
13. Кредитлар сони бўйича
14. *Синдикатлашган кредит ва бошқалар ни кенгроқ очиб берилган*

14.3. Тижорат банкларининг кредит сиёсати мезонлари ва уни таркибий элементлари

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда куйидагилардан иборат бўлади:

1. Юқори сифатли активларни ташкил этиш ва даромадлиликнинг доимий мақсадли даражасини тахминлаш имконини берадиган таваккалчиликнинг фақат шундай характериға йўл қўйиш

2. Юқори сифатли кредит портфелини таъминловчи кредит ходимларининг юқори малакали жамоасини ташкил этиш

3. Банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ келадиган иқтисодий жихатдан истиқболга эга, рентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун ссудалар бериш

4. Кредит ресурсларини жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлашни амалга ошириш

5. Банк мижозлари билан узоқ муддатли, даромад келтирувчи муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш

6. Юқори даражада рақобатбардош, бироқ кредитлашнинг асоссиз, шунингдек, банк амалиётида вақтинчалик истиқболи бўлмаган усуллардан фойдаланишдан чекиниш.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос “кредит тили”ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаравонлигини оширади.

Аниқ бир тижорат банкининг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагиларни белгилаб олинади:

- кредит рисклари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;

- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий ахволини аниқлаш кредит рискинни башорат қилиш;

- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;

- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш;

- кредит олган мижоз билан доимо алоқада бўлиб туриш;


- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб қувватлашдан иборат.

Банк кредит сиёсати – бу тижорат банкининг кредит бериш маданиятини англатади. Банк кредит сиёсатини турли босқичларга ва омилларга боғлиқ томонлари мавжуд.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини харажатларни қоплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда келтирувчи оқилона чоратадбирлар аниқ белгилаб қўйилган ички меъерий ҳужжат сифатида

тавсифлаш мумкин. Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки, кредит - банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди ва даромадларнинг асосий қисмини банк кредитидан келадиган фоиз даромадлари ташкил этади.

Қуйидаги расмда банк кредит сиёсати тамойиллари келтирилган.



17-расм. Банк кредит сиёсати асосий тамойиллари

Банк кредит сиёсатини тўғри ташкил этиш, кредит рискинни камайтиришга хизмат қилади. Ўз навбатида эса, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади.

Тижорат банклари ишлаб чиқаётган кредит сиёсатларида қуйидагиларга алоҳида аҳамият беришлари лозим:

- кредитларнинг қайтмаслиги хатарини минималлаштириш учун етарлича ликвидли гаров билан таъминланишига ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича талаблар ишлаб чиқиши;

- хавфсиз ва ишончли фаолият андозаларига мувофиқ кредитлар бўйича таъминотга олинган манбалар банк томонидан кредитни қоплашнинг асосий манбаи деб ҳисобланмаслиги керак. Таъминот манбаси кредит тўлашнинг иккиламчи манбаи сифатида қаралиши;

- кредит бўйича тақдим этилаётган таъминотни таҳлил қилишда таъминотнинг ликвидлигини эътиборга олиши керак. Шунга мувофиқ равишда кредитнинг асосий қарз суммалари ва фоизларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда таъминотни келажакда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, сиёсий ва молиявий омилларнинг қўйилаётган таъминот суммасига ўтказиши мумкин бўлган таъсирини эътиборга олган ҳолда унинг реал қийматини баҳолашлари;

- кредит сиёсатида қўйилган талабларни тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш, уни доимий равишда мувофиқлаштириб бориши;

- кредит маблағлари кредит гаров билан етарлича таъминланмагунча берилмаслиги керак. Кредитни таъминлаш учун қўйиладиган гаров мураккаб бўлган ҳоллар қўшимча эътибор ва банк юридик хизмати томонидан тасдиқланишини талаб этиши;

- ҳар бир банк ўз кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб бориши ва вазият тақозо этганда, кредит портфели сифатини яхшилаш борасида маълум чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

- банк ўз кредит портфелини мунтазам диверсификация қилиб боришилари лозим.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичга олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

13-жадвал⁵⁷

Банк кредит сиёсатини аниқловчи (белгиловчи) омиллар

Макроиқтисодий омиллар	Мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолати; Марказий банк пул-кредит сиёсати; Хукуматнинг молиявий сиёсати.
Регионал (шўъба) ва тармоқ омили	Ҳудуд ва тармоқдаги иқтисодий ҳолати (банк бўлимига тегишли); Мижозлар тузилмаси, уларнинг кредитга бўлган талаби; Рақобатчи банкларнинг мавжудлиги.
Банк ичидаги омиллар	Банкнинг ўз маблағлари (капитали) ҳажми (миқдори); Пассивлар тузилиши; Банк персонали (хизматчилари) тажрибаси ва қобилияти

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкининг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

⁵⁷ И.Р.Тоймухамедов. “Банк иши”. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.2005

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлигини таъминлаш;

- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида мижозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк кредит сиёсатини асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

- кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалари бўйича жавобгарликни тақсимлаш;

- банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;

- махсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

- банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо)нинг узвий боғлиқлигидир.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодийнинг тармоқлари ўртасида жой лаштирилганлик ҳолати.

Ушбу йўналишнинг аҳамияти шундаки, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан бири кредитларни мижозларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштирилганлиги ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу йўналиш кредит сиёсатининг самарадорлигини белгилашда ҳисобга олинadиган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2. Тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати.

Тижорат банклари фаолиятининг мазмунига кўра, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Улар хўжалик субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги тижорат банкларининг кредит

портфелида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғининг янада ошишига сабаб бўлади.

Инфляция даражаси нисбатан юқори бўлмаган ва барқарор бўлган шароитда узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш тижорат банки даромад базасини мустаҳкамлашнинг синалган усулларидан бири ҳисобланади.

3. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

4. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи омилларидан бири кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун банклар ялпи даромадининг асосий қисмини кредитлаш фаолиятидан олишлари лозим.

5. Кредитлаш шаклларида фойдаланиш даражаси.

Кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредитлаш шакллари банкнинг кредитлаш имкониятини оширишга бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги вақтда, республикада банк амалиётида кредитлашнинг асосан икки шаклидан фойдаланилмоқда. Булар миждозни алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредит линияси очмасдан туриб кредитлаш шакли ва факторинг шаклидир.

Республикада тижорат банклари томонидан кредитлашнинг овердрафт, контокоррент, кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, форфейтинг шаклларида фойдаланилмаётганлиги уларнинг кредит сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

6. Фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.

Фоиз ҳисоблаш тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақамидан чегириб ташланиши лозим. Бунда тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақами дебетланади, 16309-“Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар” ҳисобрақами кредитланади.

7. Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Республикада тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш евазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

8. Тижорат банкларининг етарли даражада барқарор ресурс манбаларига эга эканлиги.

Тижорат банкларининг самарали кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти бевосита уларни етарли даражада кредит ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини турли ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақазо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан қўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегияси ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни ҳақида гапириб беринг.

2. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти қандай?

3. Кредитнинг қандай турларини биласиз?

4. Тижорат банкларининг кредит сиёсати мезонлари ва уни таркибий элементлари нималардан иборат?

15- боб. Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит ресурсларини бошқаришнинг асоси сифатида

15.1. Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни.

15.2. Тижорат банкларини кредит сиёсатининг мазмуни ва унинг тузилиши.

15.3. Банк кредит сиёсатининг элементлари.

15.4. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти.

15.5. Банкнинг кредит сиёсатини оқилона олиб бориш йўллари.

15.1. Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсиши, риск юқори бўлган операцияларнинг оқилона диверсификацияси, қисқа ва узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини кескин қўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилиши. Шунингдек, кредит сиёсати инвеститсион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «кредит тили»ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган кредит банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари, яъни фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса, ўз навбатида, унинг мижозлари ва акциядорлари фойдасини қўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Тижорат банкининг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагилар белгилаб олиниши мумкин:

-кредит рисклари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;

-қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш, кредит рискинни башорат қилиш;

-муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;

-кредит қўйилмаларни диверсификация қилиш, уларнинг ликвидлиги ва даромадлигини таъминлаш;

-кредит олган мижоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;

-кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёрдан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қоти-риб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳолининг доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қарз ёки гаров аҳвол ёмонлашишини олдиндан аниқлаш, эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк бошқаруви ва кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиш, Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк кенгаши ва бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда, тижорат банкнинг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

-банк ўрни ва обрўсини молиявий барқарор банклар сингари яхшилаш;

-Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меъёрларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлигини таъминлаш;

-банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда, унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

-стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар ва туманларда банклар тармоғини кенгайтириш.

Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда, халқаро стандартлар миқёсида, мижозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк-кредит сиёсатининг асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

-кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалар бўйича жавобгарликни тақсимлаш;

-банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;

-махсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

-банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пассивларни бошқариш бўйича ва ҳ.к.)нинг узвий боғлиқлиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлашда, авваломбор, банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қилади.

15.2.Тижорат банкларини кредит сиёсатининг мазмуни ва унинг тузилиши

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишлари ва қоидаларини ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларини камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир.

Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равишда банкнинг кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморандум асосида олиб боришлари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб боришни ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг, асосан, яъни кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга

олиш, бериладиган кредитларнинг рисклилиқ даражасини ҳисобга олиш, кредит беришнинг охириги чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади.

Ҳужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.

Бунинг учун қуйидагилар аниқланади:

- банк учун масъул бўлган кредит турлари;
- қандай кредитлар беришдан банк ўзини тутиши;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорликнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;
- кредит рискинни бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банкнинг сиёсати.

Масалан, Америка банкларининг меморандуми схэмаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмиталарини ўз ичига олади.

Кредит сиёсати бўйича меморандум умумий тавсия ва йўлланмаларни ўз ичига олади ва у банк ходимларининг амалий ишбилармонлигини чеклаб қўймасликни таъминлайди.

15.3. Банк кредит сиёсатининг элементлари

Тижорат банкининг кредит сиёсати, кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган бозорларни аниқлаш, маблағларни депозитга жалб қилиш, кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш, банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш, муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш, банкнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориш, кредит портфелининг самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичида банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослилиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак.⁵⁸

⁵⁸The Business of Banking. American Bankers Association. Washington, D.C.2014.

Henny van Greuning, Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WOLD BANK Washington, D.C.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги 3 омилни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси.

2. Кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) баҳоси, муддати ва манбалари.

3. Кредитлаш ва қарздорлар турлари ва йўналишлари.

Жалб қилинган кредит ресурсларини бошқа тижорат банклари ҳамда марказлаштирилган фондларидан сотиб олинган ҳолда кредитлардан фойдаланиш учун фоизлар жалб қилинган ресурслар суммасига банк (даромади) маржаси қўшиш орқали аниқланади. Бу 3% дан 7% миқдоргача бўлиши лозим.

Гаров таъминоти бўйича талаблар аниқ ва сифатли таснифга эга бўлиши керак, яъни гаровнинг ликвидлиги, узоқ муддат сақлашнинг мумкинлиги; нархларнинг нисбатан барқарорлиги, гаровга қўйиладиган мулк, мулкнинг бозор талабларига мос келиши в.б.

Фавқулодда ҳолатлар юз берадиган бўлса, гаров эгаси гаров мулкини ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматини суғурта қилиши керак.

Гаровга олинган мулк қиймати кредит суммасига нисбатан 20% юқорироқ бўлиши мақсадга мувофиқ.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси – омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тузилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришни аниқ белгилаб олиши шарт.

Банк фаолияти доимо турли рисклар билан боғлиқ. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар билан ўз маблағлари ўртасида мақбул мувозанатни сақлаш банкнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфелини сифат жиҳатдан тартибга солиш кўламини, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели манбалари ва муддатлари бўйича мутаносиблигини, банк мажбуриятлари ва активлари тузилмасининг мослигини ҳисобга олиши керак.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос «Кредит тили» ни яратади. Бу сиёсат банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Кредит сиёсатидаги ҳар қандай чеклаш тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, асосланиши ва истиснолар кўрсатилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банкининг кредит сиёсати банкнинг кредитлашни амалга оширишдаги мақсади ва стратегиясини, кредит бериш жараёнида банк ходимларининг ваколат даражаси ва масъулиятини, тижорат банки томонидан бериладиган кредитларнинг турлари ва тоифаси, банк кредити йўналтириладиган иқтисодиёт соҳаларини белгилаб олиш, кредитлаш усуллари, кредитлаш кўрсаткичлари, кредитларни қайтариб тўлаш шартлари ва қоидалари, кредитнинг муддати, қарздорликни ундириб олиш бўйича чора-тадбирлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар, миқдорнинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифода қилувчи қарздорларнинг фаолиятига оид молиявий ахборотлар, гаров таъминоти ва кредит мониторингига қўйиладиган талаблар, фоиз ставкалари бўйича бажариладиган операциялар, кўзда тутилмаган ҳолатлар, кредит портфелини аудит қилиш бўйича талаблар банк бошқаруви ва кенгашига тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўйича талабларни ўзида ифодалаш лозим.

15.4. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими – барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаравонлигини оширади.

Аниқ бир тижорат банкининг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагиларни белгилаб олинади:

- кредит рисклари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;
- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий ахволини аниқлаш кредит рискни башорат қилиш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлигини таъминлаш;
- кредит олган миқдор билан доимо алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб қувватлашдан иборат.

Банк кредит сиёсати – бу тижорат банкининг кредит бериш маданиятини англатади. Банк кредит сиёсатини турли босқичларга ва омилларга боғлиқ томонлари мавжуд.

Тижорат банкининг оптимал кредит сиёсатини харажатларни қоплашга имкон берувчи ва маълум даражада фойда келтирувчи оқилона чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган ички меъёрий ҳужжат сифатида тавсифлаш мумкин. Тижорат банклари томонидан кредит сиёсатини тўғри

ташқил этиш муҳим аҳамият касб этади, чунки, кредит - банк операциялари ичида асосий ўринни эгаллайди ва даромадларнинг асосий қисмини банк кредитидан келадиган фоиз даромадлари ташқил этади.

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда куйидагилардан иборат бўлади:

1. Юқори сифатли активларни ташқил этиш ва даромадлиликнинг доимий мақсадли даражасини тахминлаш имконини берадиган таваккалчиликнинг фақат шундай характерига йўл қўйиш

2. Юқори сифатли кредит портфелини таъминловчи кредит ходимларининг юқори малакали жамоасини ташқил этиш

3. Банкнинг стратегик мақсадларига мувофиқ келадиган иқтисодий жиҳатдан истиқболга эга, рентабелли лойиҳаларни молиялаштириш учун ссудалар бериш

4. Кредит ресурсларини жалб этиш муддатларидан келиб чиққан ҳолда кредитлашни амалга ошириш

5. Банк мижозлари билан узоқ муддатли, даромад келтирувчи муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш

6. Юқори даражада рақобатбардош, бироқ кредитлашнинг асоссиз, шунингдек, банк амалиётида вақтинчалик истиқболи бўлмаган усуллардан фойдаланишдан чекиниш.

15.5. Банкнинг кредит сиёсатини оқилона олиб бориш йўллари

Банк кредит сиёсатини тўғри ташқил этиш, кредит рискинни камайитиришга хизмат қилади. Ўз навбатида эса, банк кредит портфелини бошқариш тартиби банк кредит сиёсати орқали белгиланади.

Тижорат банклари ишлаб чиқаётган кредит сиёсатларида куйидагиларга алоҳида аҳамият беришлари лозим:

- кредитларнинг қайтмаслиги хатарини минималлаштириш учун етарлича ликвидли гаров билан таъминланишига ва мақсадли ишлатилишини назорат қилиш бўйича талаблар ишлаб чиқиши;

- хавфсиз ва ишончли фаолият андозаларига мувофиқ кредитлар бўйича таъминотга олинган манбалар банк томонидан кредитни қоплашнинг асосий манбаи деб ҳисобланмаслиги керак. Таъминот манбаси кредит тўлашнинг иккиламчи манбаи сифатида қаралиши;

- кредит бўйича тақдим этилаётган таъминотни таҳлил қилишда таъминотнинг ликвидлигини эътиборга олиши керак. Шунга мувофиқ равишда кредитнинг асосий қарз суммалари ва фоизларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда таъминотни келажакда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, сиёсий ва молиявий омилларнинг қўйилаётган таъминот суммасига ўтказиши мумкин бўлган таъсирини эътиборга олган ҳолда унинг реал қийматини баҳолашлари;

- кредит сиёсатида қўйилган талабларни тўғри ва ўз вақтида амалга ошириш, уни доимий равишда мувофиқлаштириб бориши;

- кредит маблағлари кредит гаров билан етарлича таъминланмагунча берилмаслиги керак. Кредитни таъминлаш учун қўйиладиган гаров мураккаб бўлган ҳоллар қўшимча эътибор ва банк юридик хизмати томонидан тасдиқланишини талаб этиши;

- ҳар бир банк ўз кредит портфели сифатини мунтазам таҳлил қилиб бориши ва вазият тақозо этганда, кредит портфели сифатини яхшилаш борасида маълум чора-тадбирлар ишлаб чиқиши;

- банк ўз кредит портфелини мунтазам диверсификация қилиб боришилари лозим.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича “тўловсизлик” тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичга олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкининг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий-барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;

- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб-қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;

- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд янги мижозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида мижозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк кредит сиёсатини асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

- кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалари бўйича жавобгарликни тақсимлаш;

- банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун

аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;

- махсус кредитлаш тамойиллари – муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;

- банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо)нинг узвий боғлиқлигидир.

Ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, тижорат банкларининг кредит сиёсатини амалга ошириш амалиётининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Банк томонидан берилган кредитларнинг иқтисодийнинг тармоқлари ўртасида жой лаштирилганлик ҳолати.

Ушбу йўналишнинг аҳамияти шундаки, тижорат банклари кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезонларидан бири кредитларни миқдорларнинг тармоқ хусусиятига кўра жойлаштирилганлиги ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, ушбу йўналиш кредит сиёсатининг самарадорлигини белгилашда ҳисобга олинган асосий омиллардан бири ҳисобланади.

2. Тижорат банки томонидан берилаётган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўзаро нисбати.

Тижорат банклари фаолиятининг мазмунига кўра, аввало, қисқа муддатли кредитлаш институтлари ҳисобланади. Улар хўжалик субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Кўпчилик ривожланаётган давлатларда инфляция даражасининг нисбатан юқори ва нобарқарор эканлиги тижорат банкларининг кредит портфелида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғининг янада ошишига сабаб бўлади.

Инфляция даражаси нисбатан юқори бўлмаган ва барқарор бўлган шароитда узоқ муддатли кредитлар ҳажмини ошириш тижорат банки даромад базасини мустаҳкамлашнинг синалган усулларида бири ҳисобланади.

3. Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

Тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши кредит сиёсатининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк амалиётида, хусусан, Ғарбий Европа давлатларининг банк амалиётида муддати ўтган кредитлар жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий миқдори 5 фоизни ташкил қилади.

4. Кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи омилларидан бири кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг жами фоизли даромадлар ҳажмидаги юқори ва барқарор даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шунинг учун банклар ялпи даромадининг асосий қисмини кредитлаш фаолиятидан олишлари лозим.

5. Кредитлаш шаклларида фойдаланиш даражаси.

Кредитлаш шаклларида тўлақонли тарзда фойдаланиш кредит сиёсатининг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредитлаш шакллари банкнинг кредитлаш имкониятини оширишга бевосита таъсир қилади.

Ҳозирги вақтда, республикамиз банк амалиётида кредитлашнинг асосан икки шаклидан фойдаланилмоқда. Булар миқдорли алоҳида ссуда ҳисобрақамидан кредит линияси очмасдан туриб кредитлаш шакли ва факторинг шаклидир.

Республикамиз тижорат банклари томонидан кредитлашнинг овердрафт, контокоррент, кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, форфейтинг шаклларида фойдаланилмаётганлиги уларнинг кредит сиёсатининг самарадорлигига салбий таъсир қилади.

6. Фоизларни ўстирмаслик мақомига эга бўлган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар миқдорининг ўзгариши.

Фоиз ҳисоблаш тўхтатилган кундан бошлаб ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақамидан чегириб ташланиши лозим. Бунда тегишли фоизли даромадлар ҳисобрақами дебетланади, 16309-“Ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар” ҳисобрақами кредитланади.

7. Банкларнинг кредитлаш фаолиятида гаров объектларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Республикамиз тижорат банкларининг фаолиятида кредитларни гаров асосида бериш кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, гаров объектларидан унумли фойдаланиш масаласини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий эътибор гаров объектларини сотиш евазига кредитларнинг асосий қарз суммаси ва уларга ҳисобланган фоизларни ундиришга қаратилади.

8. Тижорат банкларининг етарли даражада барқарор ресурс манбаларига эга эканлиги.

Тижорат банкларининг самарали кредит сиёсатини амалга ошириш имконияти бевосита уларни етарли даражада кредит ресурслари билан таъминланганлигига боғлиқ.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга

бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини турли ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатини оқилона танлаш ва ўтказишни тақазо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегияси ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Банкнинг кредит сиёсати унинг банк ресурсларини жойлаштиришдаги ўрни ҳақида гапириб беринг.

2. Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар ва унинг банк кредит ресурсларини бошқаришдаги аҳамияти қандай?

3. Кредитнинг қандай турларини биласиз?

4. Тижорат банкларининг кредит сиёсати мезонлари ва уни таркибий элементлари нималардан иборат?

16- боб. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги ва кредитлаш тартиби

16.1. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти.

16.2. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари.

16.3. Кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичлари

16.3. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида мижозларни кредитга лаёқатлилигини баҳолашни такомиллаштириш йўллари.

16.4. Кредит шартномасини тайёрлаш ва уни расмийлаштириш.

16.5. Берилган кредитлар устидан мониторинг ўтказиш тартиби.

Таянч иборалар: айланма активлар (маблағлар), айланма активларларнинг манбалари, ўз маблағлари, банк кредити, кредиторлар, ишлаб чиқариш захиралари, кредитга лаёқатлилиқ, тўловга лаёқатлилиқ, ликвид маблағлар, гуруҳ ликвид активлари, ўз айланма маблағлари, қисқа муддатли мажбуриятлар, қоплаш коэффициенти, ликвидлилиқ коэффициенти, мухторийлиқ коэффициенти, Айланма маблағларнинг айланиш коэффициенти, айланма маблағлар рентабеллиги

16.1. Мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти

Кредитга лаёқатлилиқ – бу мижознинг молиявий фаолиятига ҳар томонлама берилган баҳо бўлиб, у қарз олувчининг сўралаётган кредитни (асосий қарз суммаси ва у бўйича фоизларни) ўз вақтида қайтариш ва бошқа қарз мажбуриятларини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалиқ субъектларининг, банклар фаолиятининг тижоратлашуви юзага келади. Кейинги йилларда турли хил мулкчилиқ шаклига асосланган корхоналар ташкил топмоқда. Бозор муносабатлари шароитида корхоналар қайси мулкчилиқ шаклига асосланган бўлишига қатъи назар иқтисодий жиҳатдан тўлиқ мустақил бўлиб, ўз харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан қоплашлари лозим. Хўжалиқ субъектлари ўз фаолиятларини ташкил қилиш ва олиб боришда иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлсаларда улар фаолиятини кенгайтириш, янгилаш ва бошқа ривожланиш жиҳатлари уларда қўшимча пул маблағларига эҳтиёжни юзага келтиради ва бу эҳтиёж зарур бўлганда банк кредитлари ҳисобидан қопланиши мумкин. Шу сабабли, бозор иқтисодиёти шароитида кредит ва унинг муҳим элементларидан бири кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Чунки банклар ҳам бозор муносабатларининг мустақил субъектларидан бўлиб, иқтисодий жиҳатдан фаолият натижалари учун ўзлари жавобгар ҳисобланадилар. Биз олдинги параграфларда таъкидлаганимиздек, банкларнинг мақсади ҳам корхоналарникига ўхшаш бўлиб, улар ўз харажатларни ўз даромадлари

ҳисобидан қоплаб юқори фойда олишга интиладилар. Банкларнинг фойда билан ишлаши уларнинг янада кенг тармоқли фаолият олиб боришига, миждозларга кўрсатадиган хизмат турлари ва сифатини кенгайтиришга, устав капиталини оширишга, банк ходимларини моддий рағбатлантиришга, кўпроқ маблағ ажратишга, ўз акционерларига кўпроқ дивидендлар тўлашга ва буларнинг барчаси банкка бўлган ишончининг янада ошишига имконият яратади. Тижорат банклари фаолиятида қўйган мақсадга эришиш ва берган кредитларининг самара билан банкка қайтиб келишини таъминлаши учун миждознинг молиявий ҳолатини унинг кредитни ўз вақтида қайтара олиш имкониятларини текшириб кўриши лозим.

Корхона ва банклар учун кредитга лаёқатлилик кўрсаткичининг аҳамияти муҳимлигини ҳисобга олиб биз кредитга лаёқатлилик кўрсаткичининг иқтисодий моҳияти тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткичининг моҳияти тўғрисида турли таърифларни учратиш мумкин. Кўпгина муаллифлар томонидан кредитга лаёқатлиликка, корхоналарнинг қарз мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш имконияти сифатида таъриф берилади. Бизнинг фикримизча, бу таъриф кўпроқ корхонанинг тўловга лаёқатлилигига берилган таърифдир. Амалиётда кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кўпроқ банкдан қарз олувчи корхона фаолиятини ифода қилади. Кредитга лаёқатлилик кўрсаткичларини икки томонлама кўриб чиқиш мумкин:

- **қарз олувчи нуқтайи назаридан кредитга лаёқатлилик**- бунда кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилиятини ифодаласа;

- **банк нуқтайи назаридан** – бу кўрсаткич корхонага бериладиган кредитнинг ҳажмини тўғри аниқлай олиш масъулиятини билдиради.

Баъзи иқтисодчилар қарз олувчининг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичини баҳолашда биринчи ўринга корхонанинг даромад олиш имкониятини қўйишади. Бизнинг фикримизча, даромад олиш - корхонанинг ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолият турининг натижаси ҳисобланиб, шу натижага эришиш мақсадида корхона кредитга муҳтожлик сезади.

Агар қарзларни тўлаш миқёсида қарайдиган бўлсак, кредитга лаёқатлиликка нисбатан тўловга лаёқатлилик тушунчаси кенгроқдир. Чунки тўловга лаёқатлилик жисмоний ва юридик шахсларнинг барча қарз ва мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олиш имкониятини ифодалайди. Кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан фарқ қилиб, ссуда бўйича қарзларни ўз вақтида тўлаш имкониятини кўрсатади. Ундан ташқари кредитга лаёқатлилик тўловга лаёқатлиликдан тўлаш манбалари билан ҳам фарқ қилади.

Корхона, ташкилотлар ўз қарз, мажбуриятларини сотишдан тушган тушум ёки бошқа ҳар хил тушумлар ҳисобидан амалга оширса, кредит бўйича қарзларни тўлаш, биринчи навбатда, маҳсулотни сотиш ҳисобидан тушган тушумдан амалга оширилиши белгиланади. Банк кредитини тўлаш

бўйича муаммолар юзага келганда, ссудани тўлашнинг кафолатлик манбалари кўл келиши мумкин. Булар:

- ссуда бўйича гаров сифатида олинган мулк;
- бошқа банк ёки корхоналарнинг кафолати;
- суғурталаш ҳисобидан қоплаш в.б.

Юқоридагилардан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, тўғри кредит берган банк, корхона тўловга лаёқатли бўлмаган ҳолда ҳам берган кредитни, тўлиқ ёки қисман қайтиб олишни мўлжаллаши мумкин.

Ўзининг барча аҳамиятига қарамасдан бу кўрсаткичлар айрим маънода чегараланган аҳамиятга эга. Биринчидан, кўпгина кўрсаткичлар, шу жумладан, молиявий аҳволни, капиталнинг борлиги ва бошқаларни характерловчи кўрсаткичлар асосан ўтмиш билан боғлиқ бўлиб, улар ўтган давр кўрсаткичлари асосида ҳисобланади, келажакдаги кредитга лаёқатлиликини режалаштириш эса келажакда ссудаларнинг қайтарилиш имкониятларига баҳо беради. Иккинчидан, одатда, бундай кўрсаткичлар ҳисобот муддатида қолган қолдиқ асосида ҳисобланади, ваҳоланки, маълум даврдаги оборотлар ҳақидаги маълумотлар ссудаларни қайтариш имкониятларини тўлароқ тасвирлайди.

Умуман банклар фаолияти, айниқса, банкларнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти турли хилдаги рисклар билан боғлиқ. Мижозга кредит беришдан олдин унинг молиявий аҳволи, кредитга лаёқатлилики кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш кредит рискинни камайтириб банк кредитларининг шартномада белгиланган муддатларда банкка қайтарилишини таъминлайди. Шунинг учун банк ссуда бераётганда кредитга лаёқатлиликини ўрганиши, яъни қарз олувчининг молиявий ҳолатини ҳамда унинг кредитни ўз вақтида тўлиқ қайтариб бериш имкониятини баҳолашни ўзига шарт деб билади. Шу боис банк ўзига олишга тайёр бўлган риск даражаси у тақдим етаётган кредит ҳажми ва кредит бериш шартларининг қай даражада бажарилишига боғлиқ.

Банк нафақат мижознинг маълум кунлардаги тўлов қобилиятини баҳолаши, шу билан бирга, унинг келажакдаги молиявий барқарорлигини ҳам прогнозлаши зарур. Молиявий барқарорликни ва кредит операцияларидаги риск ҳисобини обектив баҳолаш, банкка кредит ресурсларини самарали бошқариш ҳамда фойда олиш имконини беради.

Бозор муносабатларининг ривожланиши корхоналарнинг тўлов қобилияти ва барқарорлигини аниқлашда халқаро стандартларга мос бухгалтерия ҳисобини юритиш заруратини туғдиради ва балансдаги актив ва пасивларни қабул қилинган моддалар бўйича гуруҳлаштирилиши, тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлиликини етарли даражада чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради.

Банк рискларини камайтириш ва унинг даромадини оширишда кредит жараёнини тўғри ташкил қилиш, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Мижозга берилган кредит ўз вақтида қайтиб келишини хоҳлайдиган банк, авваламбор, мижознинг кредит буюртмаси ва

унинг кредит тарихини мукаммал ўрганиб чиқиши лозим. Бу жараён банк рискинни олдини олишнинг илк босқичи ҳисобланади.

Қарз олувчининг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш ва кредит берилгандан кейин кредит мониторингини мунтазам олиб бориш банк рискинни камайтириш ва унинг даромадини оширишнинг навбатдаги босқичларидан бири ҳисобланади.

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, у ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқариш тамойилларини олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади.

Кредитлаш жараёнини ташкил қилиш кредит буюртмасини кўриб чиқишдан бошланади. Биз амалиётда кредит буюртмаларини кўриб чиқишда нималарга эътибор бериш зарурлигини таъкидламоқчимиз.

Ҳар бир мижоз фаолиятига чуқур диққат билан муносабатда бўлиш, ҳар бир банк ходимининг фаолият кўрсатиш қоидаларининг ажралмас қисми бўлиши керак. Одатда, ўз мижозларига диққат билан муомала қилмайдиган ходимлари бўлган банкнинг келажаги бўлмайди. Бизнинг банкларимиз билан мижозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг аксарият жиҳатлари бизга маълум бўлганлиги боис биз амалиётимизда банк билан мижоз ўртасида мавжуд кредит муносабатларга тўхталмасдан, жаҳон амалиётида кредит жараёнининг ташкил қилиниш асосларига қисқача тўхталамиз. Жаҳон амалиётида кредитлаш жараёнини ташкил қилишда банк ходими мижозларга кредитлаш шартлари ҳақида маълумот беради ва банкнинг анкета саволларига жавоб беришни таклиф қилади. Чет элбанкларида мижозлар билан бўлган биринчи ва ундан кейинги учрашувлар натижаси ҳисоботларда умумлаштирилади. Бу ҳисоботлар маълум миқдорда саволларнинг стандарт йиғимини ўз ичига олади. Бундай ҳисоботга мижознинг банкка ҳар ташрифидан сўнг ўзгартириш киритилади ва янги маълумот билан тўлдирилади. Бу ҳисоботлар кредит инспекторига келгусида мижоз тўғрисида учрашувлари олдидан керакли маълумотларни беради. Келгусида мижоз кредит инспектори билан бўладиган учрашувга олинадиган кредит, унинг ишлатилиш мақсади, суммаси, қайтарилиш муддати ва тақдим қилинган таъминотини ўз ичига олган кредит буюртма билан келади.

Кўпгина давлатларда нуфузли банклар кредит буюртмаси билан бирга бир неча ҳужжатларни кўриб чиқади, буларга:

1) Қарз олувчи компания (корхона) таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси.

2) Молиявий ҳисобот, корхона баланси ва охириги уч йил учун фойда ва зарар ҳисоботини ўз ичига олади. Баланс йил охиригача тузилиб, унда активлар, мажбуриятлар ва капитал тузилмаси кўрсатилади. Фойда ва зарарлар суммаси, компания даромади ва харажатлари, соф даромади, унинг резервга тақсимланиши ва чегирмалар, дивиденд тўловлари ва ҳ.к.лар тўғрисида батафсил маълумот берилади.

3) Касса тушумлари ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот. У икки ҳисобот муддатида тузилган балансларнинг солиштирилишига асослангандир ва у ҳар хил бўлимлар ва фондлар ҳаракатида бўладиган ўзгаришларни кўришга ёрдам беради. Ресурслар ҳолати, етарлилиги, ишлатилиши, фоизлар учун маблағлар бўшаш вақти ва касса тушумларининг юзага келиши ва ҳ.к.нинг умумий ҳолати кўриб чиқилади.

4) Ички молия ҳисоботи. Бу ҳисобот компания молиявий ҳолати, 1 йил, квартал ёки ой давомида ресурсларга бўлган эҳтиёжининг ўзгаришларини акс эттиради.

5) Ички оператив ҳисоб бўйича маълумотлар. Баланс тузиш учун кўп вақтни талаб қилади. Лекин кредитор банкка қарз олувчи компания тўғрисида баъзи бир оператив ҳисобот маълумотлари керак бўлиб қолиши мумкин.

6) Молиялаштиришнинг прогнози. Бу ҳисобот келгуси сотувни баҳолаш, харажат, товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар, дебитор қарздорлик, захиралар қайтарилиши, нақд пулга эҳтиёж, капитал кўйилма ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади.

7) Солиқ декларацияси энг керакли кўшимча ахборот сифатида. Унда қарз олувчи солиқ тўловчи сифатида бошқа ҳужжатларга киргизилмаган ахборотлар бўлиши мумкин.

8) Бизнес-режа. Кўпгина кредит буюртмалари ҳали молия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларга эга бўлмаган ишни энди бошлаётган корхоналарни молиялаштириш билан боғлиқ. Бундай пайтда қарз олувчи компания банкка кредитланадиган лойиҳа мақсади ва уни амалга ошириш усуллари ҳақида маълумотларни ўз ичига олувчи батафсил бизнес-режани тақдим этиши керак.

Кредит инспектори мижознинг кредит буюртмаси ва унга киритилган ҳужжатларни яхшилаб ўрганиб чиқади. Бундан сўнг у қарз олувчи билан яна бир бор суҳбатлашади. Суҳбат давомида кредит инспектори қарз олувчи компания ишларини ҳар томонлама ўрганиши, у банкни қизиқтирадиган саволларга керакли даражада аҳамият бериши ва жавоб олиши керак.

Кўзга кўринган чет элбанкларининг амалиёти шуни кўрсатадики, келгуси мижоз билан суҳбат аниқ бир тартибда берилган қуйидаги саволларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Банк кредитлашнинг биринчи босқичида қуйидагиларни аниқлаши керак:

А. Қарз олувчининг ишончилиги ва кредитга лаёқатлилиги, унинг ҳамкор сифатидаги фаолияти доимийлиги ва самараси.

Б. Кредит буюртмасининг асосланганлиги ва кредит қайтарилишининг таъминланганлик даражаси. Банк керак бўлса кредит таклифи бўйича ўз талабларини ишлаб чиқиши ва мижозни у билан таништириши мумкин.

Д. Кредит таклифининг банк кредит сиёсати ва кредит портфели тузилмасига тўғри келиши. Янги кредит бериш ва кредит портфели

диверсификацияси кредит рискининг пасайишига олиб келадими ёки йўқми деган саволга жавоб топиши лозим.

Банкнинг кредит бериш билан шуғулланувчи ходимлар яхши билмайдиган иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналарига ссуда беришларидан олдин бу соҳанинг хусусиятларини чуқур ўрганишлари лозим. Бундай ҳолларда кредит таклифини баҳолаш учун нуфузли экспертларни жалб қилишлари мумкин. Аммо бу банкни қўшимча харажат қилишга олиб келса-да, кредитлаш билан боғлиқ рискларнинг олдини олиши мумкин.

Ҳар қандай ариза ва қўшимча ҳужжатлар ҳамда суҳбат натижаларини аниқлашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб, қарз характери ва кредитга лаёқатлилигини аниқлаш ҳисобланади. Кредит инспектори қарз олувчига аризани тайёрлаш давомида миқдорнинг кредитни қоплашга лойиқ қимматли активларини ва даромад миқдорини, унинг кредит тарихини ҳам ўрганиши лозим. Кредит инспектори қарз олувчи даромадининг фақатгина миқдорига эмас, балки барқарорлигига ҳам эътибор бериш керак. Даромаднинг миқдори ва доимийлиги унинг фаолияти турғунлигининг билвосита кўрсаткичи бўлиб, миқдорнинг депозит ҳисобларидаги ўртача бир кунлик қолдиқ тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Банк депозит ҳисобларидаги салмоқли қолдиқларни бўлиши миқдор молиявий аҳволининг ишонччилигидан, унинг молиявий интизомчилигидан ва олинган кредитларни қайтариш борасидаги интилишлари жиддийлигидан далолат беради.

Тажрибали кредит инспектори аҳамият берадиган омиллардан яна бири миқдорнинг бир жойда узоқ ва доимий фаолият кўрсатиши, яшаши ҳамда машғул бўлишидир.

Кредит инспекторлари “қарзлар пирамидаси” деб аталувчи ҳолатнинг пайдо бўлишидан еҳтиёт бўлиши лозим. “Пирамида” ҳолати бу қарздор 1 та банк ёки фирмадан олган қарзини тўлаш учун бошқа кредитордан қарз олиши тушунилади. Миқдорнинг кредит карточкалари бўйича қарзининг катталиги, кўплиги ўзининг ҳисобидан ёзиб берилган чекларнинг тез-тез қайтиб келишига инспекторлар катта эътибор беради. Бундай далиллар асосида миқдорнинг ҳақиқий молиявий аҳволи ва унинг пул маблағларини бошқариш қобилияти ҳақида хулоса қилинади.⁵⁹

Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири бўлган - кредитга лаёқатлилиқдир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вақтида қайтаришнинг муҳим шартидир. Давлат мулкчилигига асосланган жамиятда кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичи кредит механизмда муҳим ўринни эгаллай олмайди. Банклар фаолиятига давлат яқка ҳукмронлиги уларнинг мустақил субект сифатида фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилади ва кредит ресурслари марказлашган тарзда, режа асосида тасдиқланади ҳамда тақсимланади. Энг хусусиятли томони шундаки, банклар берадиган кредитлари бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилай олмаганлар.

⁵⁹ Хенни ван Греунинг, Сониа Бражович Братанович. Тхе Аналісис оф банкинг рискс. ТХЕ ВОЛД БАНК Вашингтон, Д.С.

Бозор иқтисодиёти шароитида эса кредитга лаёқатлилик кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан ҳисобланали. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоизни тижорат банклари ўз фаолиятидан келиб чиқиб ўзлари белгилайди ҳамда у банкларнинг асосий даромад манбайи бўлиб қолади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш мумкинлигини аниқлашга, унинг миқдорини, фоиз ставкасининг даражасини белгилашга имкон беради. Бундан ташқари, кредитга лаёқатлилигини аниқлаш кредитни ўз вақтида қайтариш эҳтимоллини, энг асосийси банк рискинни камайтиришга имкон беради.

Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш корхонанинг ўзи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг таҳлилига асосланиб, улар мол етказиб берувчилар, харидорлар ва бошқа банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин.

Ижобий кредитга лаёқатлилик кўрсаткичга эга бўлган корхоналар ҳеч қандай тўсиқларсиз кредит олишлари ва унинг ҳисобидан товар моддий бойликларни сотиб олиши, салмоқли маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, олдиндан олинган кредитлар бўйича турли тўловларни амалга ошириши мумкин. Салбий кредитга лаёқатлилик кўрсаткичига эга бўлган корхоналар банкдан кредит ололмасида, ўз молиявий аҳволини яхшилаш, ишлаб чиқариш, сотув ҳажмини, ўз маблағлари миқдорини, рентабеллилик кўрсаткичларини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш лозимлиги тўғрисидаги ахборотга эга бўлиши шарт.

Кредитга лаёқатлиликни таҳлил қилишда маълумотларнинг ҳар хил манбаларидан фойдаланилади:

- а) бевосита мижозлардан олинган материаллар;
- б) мижоз ҳақидаги банк архивида мавжуд бўлган материаллар, унинг кредит тарихи;
- д) мижоз билан иш юзасидан алоқада бўлган шахслар (унинг мол етказиб берувчилари, кредиторлари, унинг мижозлари, банклари ва бошқалар) томонидан берилган маълумотлар;
- е) хусусий ва давлат агентликлари ва ташкилотларининг ҳисоботлари ва материаллари (кредитга лаёқатлилик ҳақидаги ҳисоботлари, инвестиция бўйича маълумотномалар в.б.).

Кредит бериш бўйича сифат таҳлили ҳам бир неча босқичларда амалга оширилади:

- а) қарз олувчи обрўсини ўрганиб чиқиш;
- б) кредит мақсадини аниқлаш;
- д) асосий қарз ва фоизларнинг қайси манбалар ҳисобидан қопланишини аниқлаш;
- е) қарз олувчи томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган рисклар даражасини баҳолаш ва бошқалар. Қарз олувчининг мавқеи, кредит тарихи

ўрганилиши билан бир қаторда корхона раҳбарининг шахсий ва иш билан боғлиқ бўлган хислатларига ҳам катта эътибор берилади.

16.2.Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда банклар турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Кўрсаткичлар сони чегараланмаган, яъни қарз олувчининг фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир тижорат банки ўз кредит сиёсатида уни ўзи мустақил белгилайди. Республикамизнинг аксарият тижорат банклари томонидан мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда кенг қўлланиладиган баъзи бир асосий кўрсаткичлар, яъни **молиявий коэффицентларни** кўриб чиқамиз. Булар:

- **ликвидлилиқ коэффицент;**
- **қоплаш коэффицент;**
- **мустақиллик(мухторийлик) коэффицент,** яъни ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффицент киради.

Мазкур коэффицентларни ҳисоблашдан олдин корхонанинг баланс ликвидлилигига эътибор бериш лозим. Ликвидлилиқ мижознинг мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини (қопланишини) билдиради. Ликвидлилиқ ва қоплаш коэффицентлари қарз олувчининг баланс ликвидлилигини, яъни пассивдаги мажбуриятларни қоплаш учун активдаги пул маблағларининг етарлилиқ имкониятларини тасвирлайди. Мижознинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашни унинг балансини ҳолати таҳлил қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

14-жадвал

Корхона баланси ликвидлиги таҳлили (млн сўм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	01.01.18-й.	01.01.19-й.	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ликвид маблағлар, шу жумладан	109627	164977	55350
а) пул маблағлари	2474	19389	16915
б) тез сотиладиган талаблар	25606	70043	44437
в) тез сотиладиган захиралар	81547	75545	-6002
2. Мажбуриятлар	236136	260465	24329
Баланс ликвидлиги	0,46	0,63	0,17
- (1к :2к)			

Фаолияти таҳлил қилинаётган корхонанинг 2018-йил бошида баланс ликвидлилиги 0,46 га тенг бўлган, яъни ликвид маблағлар ҳисобидан мажбуриятларни қоплаш даражаси 46,0 фоизга тенг бўлган бўлса, 2019-йилнинг бошига келиб корхонанинг молиявий аҳволи яхшиланиб, бу кўрсаткич 0,55 ни, яъни ликвидлилиқ даражаси 0,09 га ошиб мажбуриятларнинг 55 фоизидан ортиғини ликвид маблағлар ҳисобидан қоплаш имконияти юзага келган.

Бунда корхона баланси ликвидлилигини ижобий баҳолаш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ликвид маблағлари, қисқа муддатли мажбуриятлардан камида икки баробар ортиқ бўлганда, унинг молиявий аҳволи яхши ҳисобланади. Бу юқори мезон чегарасидир. Хўжалик субъектларининг ликвид маблағлари унинг қисқа муддатли мажбуриятлари хажмига тенг бўлган ҳоллардаги кўрсаткич қуйи чегара сифатида олинади.

Қоплаш ва ликвидлилик коэффицентлари балансинг актив ва пасивларини солиштириш йўли билан ҳисобланади. Ликвид маблағлар ўзининг тез пулга айланиши даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ ликвид маблағларга:

- 1) пул маблағлари, жумладан ҳисоб-китоб варағи;
- 2) валюта ҳисоб варағидаги маблағлари;
- 3) бошқа ҳисоб варақлардаги ва кассадаги пул маблағлари киради.

Иккинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез пулга айланадиган талаблар (бу талабларнинг муддати, одатда, 3 ойдан ошмаслиги лозим):

- ишончли дебиторлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар;

- муддати 3 ойгача бўлган аванс тўловлар;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар;
- корхоналар билан қисқа муддатли характерга эга бўлган бошқа операциялар;
- ишчи-хизматчилар билан ҳисоблашишлар;
- таъсисчилар ҳамда бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар.

Иккинчи гуруҳ ликвид маблағларнинг аксарият қисмини яқин 3 ой ичида тўланиш лозим бўлган дебиторлар ташкил қилади. Шунинг учун кредит беришда бу ликвид активларнинг ҳақиқатда 3 ой ичида пулга айланиш эҳтимолини чуқур таҳлил қилиш лозим.

- 3 ой да тўланиши лозим бўлган векселлар;
- хорижий корхоналар билан ҳисоб-китоблар.

Учинчи гуруҳ ликвид маблағларига тез сотиладиган товар моддий қимматликларининг захиралари бўйича талаблари киради:

- ишлаб-чиқариш захиралари ва келгуси давр харажатлари;
- тугалланмаган ишлаб-чиқариш;
- тайёр маҳсулот;
- товарлар;
- бошқа захиралар ва харажатлар киради.

Қисқа муддатли мажбуриятларни аниқлашда:

а) ўзгартиришлар киритмасдан қуйидаги кўрсаткичлар олинади:

- қисқа муддатли қарзлар;
- қисқа муддатли кредитлар;
- бююртмачилардан тушган аванслар.

Кредиторлар:

- мол етказиб берувчилар олдидаги қарзлар;
- бюджетга қарзлар;
- ишҳақи бўйича қарзлар;
- ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарз;

- мулк ва шахсий суғурталаш бўйича қарз;
- бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарз;
- шубҳа корхоналар бўйича қарзлар;
- уюшма корхоналар бўйича қарзлар;
- бошқа кредиторлар.

б) Ўзгартиришлар киритилиб қуйидаги кўрсаткичлар олинади (яқин уч ой муддатга):

- узоқ муддатли қарзлар;
- узоқ муддатли кредитлар олинади.

Учинчи гуруҳ ликвид маблағларини таҳлил қилганда, товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда ишлаб чиқариш учун зарурлигига эътибор бериш лозим. Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини ҳисобга олганда айланма активлар таркибига:

-корхона омборида туриб қолган, ишлаб чиқариш учун зарур бўлмаган товар моддий бойликлар;

-ишлаб чиқаришдан олиб ташланган товарлар;

-талаб бўлмаган, сифациз товар-бойликлар;

-қийин сотиладиган товарлар ва бошқалар инobatга олинмаслиги керак.

Агар миждознинг биринчи ва иккинчи гуруҳ ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлиқ қопласа, миждоз молиявий жиҳатдан ликвидлилиқка эга деб баҳоланади.

Миждоз баланси ва бошқа молиявий ҳужжатларга асосан кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари аниқланади.

Ликвидлилиқ коэффициент (Кл) қуйидагича ҳисобланади:

$$Кл = \frac{1 - \text{ва} 2 - \text{гуруҳ ликвид маблағлар}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Ликвидлилиқ коэффициент 1дан кам бўлмаслиги лозим. Ликвидлилиқ коэффициентининг 1 га тенглиги ликвид актив кредитлар ва бошқа қисқа муддатли мажбуриятларни корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан тўлаш имконига эга эканлигини кўрсатади. Қачонки қоплаш коэффициент 1дан кичик бўлса, хўжалиқ субектининг молиявий аҳволида муаммолар борлиги, унинг фаолияти барқарор эмаслиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин, чунки корхона ўз мажбуриятларини қоплай ололмайди.

Қоплаш коэффициент (Қк)ни ҳисоблашда барча ликвид маблағларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати олинади. Қоплаш коэффициент ликвидли активлар қанчалиқ даражада қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиши мумкинлигини ифодалайди. Агар корхонанинг барча ликвид активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларини 2 ва ундан ортиқ баробар қопласа, субектнинг молиявий аҳволи шунчалиқ барқарор ҳисобланади. Баъзи ҳолларда хўжалиқ субектлари фаолиятида эҳтиёждан ортиқча товар моддий бойликлар (айниқса, мавсумий корхоналарда) захираларининг юзага келиши яхши ишлайдиган

корхоналарда ҳам қоплаш коэффициентнинг паст бўлишига олиб келиши мумкин.

$$K_{\text{к}} = \frac{1 - 2 - \text{ва } 3\text{-гуруҳ ликвид маблағлари}}{\text{қисқа муддатли қарз мажбуриятлари}}$$

Қоплаш коэффициент мижознинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш учун барча турдаги айланма маблағларнинг етарли даражасини аниқлашга имкон беради. Кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари бўлмиш қоплаш коэффициент корхонанинг барча ликвид маблағларини қисқа муддатли мажбуриятлар нисбати сифатида аниқланади.

Қоплаш коэффициент барча қисқа муддатли мажбуриятларга қанча ликвид маблағлар тўғри келишини кўрсатади ёки барча ликвид маблағлар қай даражада қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олиши мумкинлигини акс эттиради.

Ликвидлилиқ коэффициент қарз олувчи ўз маблағлари ҳисобидан қарзнинг қанча қисмини тўлай олиш қобилиятини кўрсатади, яъни бу коэффициентдан мижознинг яқин келажакда оператив равишда банкка қарз тўлаб бериш қобилиятини прогнозлаш учун фойдаланилади. Ликвидлилиқ ва қоплаш коэффициентлари қанча юқори бўлса, мижознинг кредитга лаёқатлилиги шунча юқори бўлади.

Мижознинг ликвидлилиқ коэффициент пул маблағлари ва осон сотиладиган талаблар билан қисқа муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида белгиланади, яъни бунда товар моддий бойликлар захиралари ҳисоб-китобга кўшилмайди, балки фақат реал ликвид активлар ҳисобга олинади.

15-жадвал

Савдо корхонасини қоплаш ва ликвидлик коэффициентларининг таҳлили(млнсўм)

Кўрсаткичлар	01.01.2018-й.	01.01.2019-й.	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ликвид маблағлар, шу жумладан	109627	138991	29364
а) пул маблағлари	2474	11313	8839
б) тез реализация бўладиган талаблар	25606	62286	38680
д) тез реализация бўладиган захиралар	81547	65392	-16155
2. Қисқа муддатли мажбуриятлар	51107	61179	10072
3. Қоплаш коэффициент $\frac{1(a+b+c)}{2} = 3$	2,2	2,3	0,1
4. Ликвидлик коэффициент $\frac{1(a+b)}{2} = 4$	0,55	1,2	0,65

Ликвидлилик коэффициент жорий мажбуриятларнинг қанчаси нақд пулнинг ўзи билангина эмас, жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан тушиши кутилаётган маблағлар ҳисобидан ҳам қопланиши мумкинлигини кўрсатади.

Савдо корхонасининг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари бўлган қоплаш ва ликвидлик коэффициентларини жадвал кўринишида таҳлил етамиз.

Савдо корхонасинининг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилганда қоплаш коэффициент 2018-йил бошида 2,2 ни ва бир йилдан кейин – 2019-йилнинг бошида 2,3 ни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича мижоз биринчи синфга тааллуқли ҳисобланади. Ликвидлик коэффициент кўрсаткичи 2018-йил бошида 0,55 бўлиб, учинчи синф тоифасига кирган, 2019-йилга келиб бу кўрсаткич 1,2 ни ташкил этиб ликвидлилик даражаси бўйича корхонанинг иккинчи синфга тааллуқли бўлганини кўрсатмоқда. Хўжалик субъектлари фаолиятини таҳлил қилишда молиявий кўрсаткичлар бўйича улар турли синфларга тааллуқли бўлиб чиқса, у ҳолда банк ходими корхона фаолиятининг бошқа, қўшимча кўрсаткичларини ҳам таҳлил қилиб чиққанидан кейин ушбу хўжалик субъектининг молиявий ҳолатига қараб кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида хулосасини шакллантириши лозим бўлади.

Корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлиги, яъни мухторийлик (мустақиллик) коэффициент корхона баланси пассивининг қанча қисми корхонанинг ўз маблағларидан ташкил топганлигини кўрсатади ва корхонанинг молиявий жиҳатдан мустақиллигини акс эттиради.

Молиявий мустақиллик ёки **мухторийлик коэффициент (Км)** мижоз ўз маблағларининг барча маблағлар манбалари ичида тутган салмоғини, яъни корхона фаолиятининг қанча қисми ўз капитали ҳисобидан молиялаштирилишини кўрсатади ва қуйидаги формула орқали аниқланади

$$Км = \frac{\text{Ўз маблағлари манбалари}}{\text{баланс суммаси}} * 100\%$$

Хўжалик субъектларининг ўз маблағлари манбаларига устав фонди, резерв фонди, бошқа ташкил қилинган фондлар, ўтган ва ҳисобот йилларидаги тақсимланмаган фойда, мақсадли тушумлар ва фоизлар, келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар ва келгуси давр даромадлари киради.

Ўз маблағлари манбалари ва унинг ҳажми қанчалик катта бўлса, мижознинг ўз вақтида қарз мажбуриятларини тўлаш қобилияти шунча юқори бўлади. Банк учун кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари кредит шартномаси тузилаётганда риск даражасини аниқлаш нуқтайи назаридан муҳимдир. Корхонани кредитлаш учун унинг ўз маблағлари манбалари билан таъминланганлиги 30 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Агар бу кўрсаткич 60% дан юқори бўлса, кредит бўйича рискни минимал деб қараш мумкин.

16-жадвал

Савдо корхонасининг мухторийлик коэффицентни таҳлили (млн сўм)

Кўрсаткичлар	01.01.2018-й.	01.01.2019-й.	Ўзгариши (+; -)
A	1	2	3
1. Ўз маблағларининг манбалари	185029	189285	4256
а) устав капитали	169181	169181	-
б) резерв капитали	503	503	-
д) тақсимланмаган фойда	15345	19601	4256
2. Мажбуриятлар	236136	250464	14328
3. Мухторийлик коэффицент (1:2x100)	78,3	75,5	-2,8

Мухторийлик коэффицент қанча юқори бўлса, корхона молиявий жихатдан барқарор ҳисобланади ва банк кредитини ўз вақтида қайтариш даражаси ҳам юқори бўлади.

Юқоридаги кўрсаткичларнинг натижаси меъерий талаблар билан таққосланади ва корхонанинг молиявий аҳволи аниқланиб, кредит бериш мезонлари белгиланади. Кредит бериш бўйича синфларга ажратишда қатор талаблар ҳисобга олинади.

Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига қараб миқозлар 3 синфга ажратилади ва уларнинг синфига, яъни молиявий ҳолатига қараб кредит беришда турли ёндашувлар қўлланилиши мумкин.

17-жадвал

Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичларига қараб миқозларни синфларга ажратиш бўйича талаблар

№	Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1.	Қоплаш коэффицент (Кк)	$K_k \geq 2,0$	$2,0 > K_k \geq 1,0$	$1,0 > K_k$
2.	Ликвидлилиқ коэффицент (Кл)	$K_l \geq 1,5$	$1,5 > K_l \geq 1,0$	$1,0 > K_l$
3.	Мухторийлик коэффицент (Км)	$K_m \geq 60\%$	$60\% > K_m \geq 30\%$	$30\% > K_m$

Кредитга лаёқатлилиқнинг ҳар бир синфдаги корхоналарга банклар ҳар хил кредит муносабатлари туза оладилар. 1-синфга мансуб қарз олувчиларга банк кредит линияси очиши, контокоррент ҳисоб рақами бўйича кредит бериши, бошқа қарз олувчиларга нисбатан паст фоизларда ишончли кредитлар бериши, кредитлар бўйича таъминланганлик талаб қилинмаслиги мумкин.

2-синфга мансуб қарз олувчиларга эса умумий асосларда ва одатдаги тартибда, яъни мажбуриятни мувофиқ шаклда таъминланиши (кафолат, гаров, кафиллик) шартлари асосида кредит берилади, агар унинг қўшимча кўрсаткичлари ижобий ҳолда бўлса, унда унга имтиёзлар берилиши мумкин, аммо ишончли кредитлар берилмайди. Агар қўшимча кўрсаткичлар бўйича

камчиликлар бўлса, унинг молиявий аҳволи нобарқарор деб топилиши ва уни яхшилаш учун чоралар кўришнинг талаб қилиниши, кредит бўйича гаровни мустаҳкамлаш, фоиз ставкаларини ошириши, ссуданинг суммасини ва муддатини чеклаш чораларини кўриш мумкин.

Банк учун 3-синфга мансуб корхоналарни кредитлаш жиддий рисклар билан боғлиқдир. Шунинг учун улар камдан-кам ҳолатларда ва юқори турадиган корхоналар кафолати ҳамда мулкни гаровга қўйган ҳолатда энг юқори фоизларда кредитланадилар.

Агарда таҳлил бўйича мижознинг молиявий ҳолатида қоплаш коэффициент 0,5дан ($k_k < 0,5$) кичик бўлса, ликвид маблағлари жуда кам бўлса ёки умуман мавжуд бўлмаса ва унинг ўз маблағлари миқдори ҳам кам бўлса, у ноликвид балансга эга бўлган, молиявий ҳолати ночор корхона деб қаралади ва уни 4-синфга киритиш мумкин ва бундай корхонларга, одатда, умуман кредит ажратилмайди.

Мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг муҳим бир хусусияти шундаки, юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар корхонанинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг якуний кўрсаткичлари ҳисобланмайди. Мижозлар фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволини янада чуқурроқ кўриб чиқишда ҳамда кредитга лаёқатлилигининг асосий кўрсаткичлари бўйича мижоз турли хил синфларга тааллуқли бўлиб чиқса, у ҳолда молиявий аҳволи ҳақида тўғри хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

16.3. Кредитга лаёқатлилиқни баҳолашнинг қўшимча кўрсаткичлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, мижознинг молиявий ҳолатини баҳолашда аниқ бир хулосага келиш учун кредитга лаёқатлилиқнинг асосий кўрсаткичларига қўшимча сифатида кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Корхонанинг кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари асосан мижознинг айланма активлари ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилишни кўзда тутаяди. Маълумки, қисқа муддатли кредитлар хўжалик субъектларининг айланма активларига берилади. Шунинг учун мижознинг кредитни ўз вақтида банкка қайтара олиш қобилияти ҳам унинг айланма активларидан фойдаланишидаги самарадорлик даражасига қараб белгиланади. Хўжалик субъектлари айланма активлардан қанчалик самарали фойдаланаётган бўлса ва айланма активларнинг айланиш тезлиги қанчалик юқори бўлса, кредитдан фойдаланиш самараси ва уни ўз вақтида банкка тўлаш имконияти ҳам шунчалик юқори бўлиши мумкин. Биз айланма маблағларнинг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисида олдинги параграфларимизда кенгроқ тўхталган эдик. Шу боис биз қисқача бўлсада кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичларни келтириб ўтмоқчимиз.

Бу кўрсаткичлардан бири айланма активларнинг айланиш коэффициент хисобланади.

Айланма маблағларнинг **айланиши коэффициент** (K_a) жорий активларнинг айланиш тезлиги ва активларга қўйилган маблағларнинг пул маблағларига айланиш тезлигини характерлаб, у маълум давр(ой, квартал, йил) ичида айланма маблағлари неча марта айланганлигини ифодалайди:

$$K_a = \frac{\text{Реализация қилинган маҳсулот ҳажми}}{\text{айланма маблағларнинг ўртача хронологик қолдиғи}} \cdot$$

K_a ни ҳисоблаш айланишни прогнозлаш ва кредитлаш муддатини аниқлашга имкон яратади. Айланма активларнинг айланиши коэффициент айланма активларнинг ҳаракати тезлигини ифодалайди ва таҳлил қилинаётган даврда маҳсулотни сотишдан тушумларнинг чекланиши ҳамда айланма активларнинг ўртача қийматини ҳисоблаб боришга имкон яратади.

Шунингдек, айланма **активларнинг кунларда айланишини** ҳам ҳисоблаш мумкин. Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг бир марта айланиши (П-Т-И/Ч-Т-П) учун неча кун кетишини кўрсатади.

$$A_k = \frac{\text{Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи} \times 360 \text{ кун)}}{\text{Реализация ҳажми}}$$

Айланма активлар айланишига қанча кам кун кеца, корхонанинг фойда олиши, бинобарин кредитни банкка тўлаши шунча тез амалга оширилади. Бу ерда айланма активларнинг ўртача қолдиғи, ўртача хронологик усулда аниқланади. Енди айланма маблағларининг айланиш суръатларини таҳлил қилиб, ўрганиб чиқамиз.

Айланма маблағларининг айланиш коэффициент айланма маблағларнинг ҳаракатланиш тезлигини тавсифлайди ва у таҳлил этилаётган даврда маҳсулот сотишдан олинадиган тушумнинг айланма маблағлари ўртача қолдиғига нисбати сифатида хисобланади. Бунда таҳлил қилинаётган даврдаги кунлар (чорак - 90 кун, ярим йиллик - 180 кун, 9 ойлик - 270 кун, йиллик - 360 кун) олинади.

18-жадвал

Кичик корхона айланма маблағларнинг айланиши таҳлили (млн сўмда)

Кўрсаткичлар	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	Ўзгариши (+; -)
1. Маҳсулот сотиш ҳажми	234949	291256	56307
2. Айланма маблағларининг ўртача қолдиғи	54813	69496	14683
3. Айланиш коэффициент ($\frac{P}{CO}$)	4,3	4,2	-0,1

4. Таҳлил қилинаётган кунлар	360	360	x
5. Кунларда айланиши	84	86	+2
СоҳК			

P			

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонада айланма маблағларининг айланиш коэффициент бирмунча камайган, яъни 2018-йил бошида айланма маблағлари 4,3 марта айланган бўлса, 2019-йил бошига келиб улар 4,2 марта айланган ва орадаги фарқ - 0,1 мартани ташкил этган, яъни айланма маблағларнинг айланиши секинлашган. Буни биз айланма маблағларнинг кунларда айланишида ҳам кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, айланма маблағларини кунларда айланиши 2017-йилнинг бошида 84 кунни ташкил этган бўлса, 2019-йил бошига келиб бу кўрсаткич 86 кунни ташкил этиб, орадаги фарқ 2 кунга кўпайган. Айланма маблағларининг айланиш кўрсаткичлари барча айланма маблағлари бўйича ҳамда товар моддий бойликлари ва дебиторлар билан ҳисоблашишлар ҳам ҳисобланади.

Дебиторлар билан ҳисоблашишларни тавсифлайдиган бўлсак, у маҳсулот сотиш ҳажми ва бошқа дебиторлар ҳамда сотиб олувчилар билан ҳисоблашишлар ҳолатини намоён қилади.

Айланма маблағларининг айланишини баҳолаш бир нечта даврлар учун аниқланади. Айланма маблағларининг айланиши тезлашса, шунчалик айланма маблағлари иқтисод қилинади, улар тезроқ хўжалик оборотидан бўшайди. Шу сабабли айланма маблағларини кунларда айланиши таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга.

Кейинги босқичда корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари ўтган даврлардан кўрсаткичлар билан таққосланади. Бу корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тенденциялари ўзгаришини аниқлаш имконини беради. Шундан сўнг таҳлил натижасидан келиб чиққан кўрсаткичлари битта ягона жадвалга умумлаштириб, корхонани кредитга лаёқатлилиқка кўрсаткичларига баҳо беришимиз мумкин.

Мижознинг молиявий аҳволини характерловчи яна бир муҳим кўрсаткич – бу уларнинг ўз айланма маблағларининг ҳақиқий мавжудлигини тасдиқловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги кўрсаткичи (ЎАММ) куйидагича аниқланади:

ЎАММ= Ўз маблағлари манбалари - Узоқ муддатли активлар (110-330 баланс қаторлари) - қопланмаган зарарлар;

Таҳлил шуни кўрсатадики, корхонанинг 2014-йил бошида ўз айланма маблағлари 58520 млн сўмни ташкил этиб, 2015-йил бошида бу кўрсаткич 77812 млн сўм бўлган ва корхона ликвид балансга эга. Ундан ташқари ўз айланма маблағлари ўсиш тенденциясига эга бўлиб, бир йил давомида бу кўрсаткич 19092 млн сўмга ортган. Аммо узоқ муддатли активлар бир йил давомида - 15036 млн сўмга камайган. Агарда асосий воситалар ўз

маблағлари манбайидан ортиқ бўлса, бу ҳолда мижоз ноликвид балансга эга бўлади. Ноликвид балансли корхоналарга кредит берилиши мумкин эмас.

19-жадвал

Кичик корхона бўйича ўз айланма маблағларининг мавжудлиги таҳлили (млн сўм)

Кўрсаткичлар	01.01.2018 й.	01.01.2019 й.	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ўз маблағларининг манбалари	185029	189285	4256
2. Узоқ муддатли активлар	126509	111473	-15036
3. Ўз айланма маблағларининг мавжудлиги (1-3)	58520	77812	19292

20-жадвал

Кичик корхона ўз айланма маблағларини умумий айланма маблағларда салмоғи таҳлили

Кўрсаткичлар	01.01.2018й.	01.01. 2019 й.	Ўзгариши (+; -)
А	1	2	3
1. Ўз айланма маблағлари	58520	77812	19292
2. Айланма маблағларининг жами	109627	138991	29364
3. Ўз айланма маблағларининг умумий айланма маблағларда тутган салмоғи (1:2x100)	53,4	56,0	2,6

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхона ўз айланма маблағларининг умумий айланма маблағларида тутган салмоғи 2018-йил бошида 53,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2019-йил бошида эса бу кўрсаткич 56,0 фоизни ташкил этган, яъни йил давомида ўз айланма маблағларининг салмоғи 2,6 фоизга ортган. Айланма маблағларида ўз айланма маблағлари салмоғининг кўпайиши ижобий ҳолат ҳисобланади.

Мижознинг молиявий ҳолатини янада чуқурроқ таҳлил қилиш учун куйидаги кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Мижознинг қарз маблағлари салмоғи.

$$\text{Қарз маблағлари коэффицент} = \frac{\text{Қарз маблағлар}}{\text{Барча маблағлар}}$$

$$\text{Мижознинг ўз маблағлари салмоғи} = \frac{\text{Ўз маблағлари}}{\text{Барча маблағлар}}$$

Ўз маблағларининг айланувчанлиги коэффицент.

$$\text{Ўзлик маблағлар айланувчанлик коэффициенти} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Ўз маблағлари}}$$

Қарз маблағлар айланувчанлиги кўрсаткичи.

$$\text{Қарз маблағлар айланувчанлик коэффициенти} = \frac{\text{Реализациядан тушум}}{\text{Қарз маблағлар}}$$

Фирманинг ўз қарздорлари (дебитор) ҳисоб рақамлари ҳисобидан қанчалик тез тўловларини амалга оширишини кўрсатувчи коэффициент.

$$\frac{\text{Дебиторлик қарзлари тушум айланувчанлик коэффициенти қарзлари}}{\text{Реализациядан тушум}} = \text{Дебиторлик қарзлари}$$

Фирманинг қанчалик кредиторлар олдида ўз мажбуриятларини қоплай олишини кўрсатувчи кўрсаткич:

$$\frac{\text{Кредиторлик қарзлари айланувчанлик коэффициенти}}{\text{Реализациядан тушум}} = \text{Кредиторлик қарзлари}$$

Асосий воситалар айланишини ифодаловчи кўрсаткич:

$$\frac{\text{Асосий активлар айланувчанлик коэффициенти}}{\text{Реализациядан тушум}} = \text{Асосий активлар}$$

Ҳар бир сўм ўзлик маблағлари гатўғрикелувчи фойда миқдорини кўрсатувчи кўрсаткич:

$$\frac{\text{Ўзлик маблағлар рентабеллигининг коэффициенти}}{\text{Фойда}} = \text{Ўзлик маблағлар}$$

16.4. Берилган кредитлар устидан мониторинг ўтказиш тартиби

Тижорат банки ўзи хизмат кўрсатаётган мижозлар фаолияти тўғрисида доимий ахборотга эга бўлиши, унинг кредит қобилиятини, тўлов интизоми аҳолини таҳлил қилиб бориши, яъни «маълумотлар банки»ни барпо этиши лозим. Кредитлаш жараёнида кредит шартномаси шартларини бажаришга

қарз олувчи олинган кредитдан самарали фойдаланишига, уни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришига, кредитдан фойдаланиладиган бутун давр мобайнида қарз олувчи билан яқин алоқа сақлаб туришга қаратилиши лозим. Шу мақсадда мижознинг хўжалик молиявий ҳолати, унинг тузилган шартномаларга номувофиқ маҳсулот етказиб бериши борасидаги ўз мажбуриятларини, ишлаб чиқариш ҳажмларини қандай бажараётгани, йўл қўяётган беҳуда харажатлар ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, олаётган фойдаси, ўз айланма маблағлари кўпайиши динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари ҳамда айланма маблағлари айланишининг аҳволи таҳлил қилиб турилади.

Банк ҳар чоракда мижознинг кредит қобилиятини ҳисоблаб чиқиб, қарз олувчи бўйича тутилган махсус йиғма жилдда бу маълумотларни тўплаб боради.

Жойнинг ўзида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ишларининг аҳволи, баланс маълумотларининг тўғрилиги ва дебиторлик-кредиторлик қарзларининг ҳолати, шунингдек, банкка берилган гаров ҳолати текшириб турилади. Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашган, у банк назоратидан бўйин товлаган, ҳисобот маълумотлари нотўғри олиб борилган, бухгалтерия ҳисоби ўз ҳолига ташлаб қўйилган ҳоллар аниқланганда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ банк бундан буён кредит беришни тўхтатишга ҳамда илгари берилган кредитларни таъминот сифатида қабул қилинган ва кредит шартномаси шартларида кўзда тутилган мажбуриятлар орқали, қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан, муддатидан олдин ундириб олишга ҳақли.

Гаров тўғрисидаги шартнома бўйича, банк гаровга қўйилган мулкни мустақил равишда сотиши мумкин. Гаров предмети аукцион орқали сотилади. Айни пайтда қарз олувчи банкка гаровга қўйилган мулк олдиндан маълум паст нархларда сотилиши учун жавобгарлик тўғрисида талаб қўйишга ҳақли. Агар аукцион бўлиб ўтмагани эълон қилинса, банк гаровга қўйилган мулкни дастлабки нархда ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли. Бунда банк қонунга мувофиқ унинг талаблари олдида устунликка эга бўладиган даъволарни қолдиришга мажбур.

Бундай ҳолларда банк мажбурияти шу мулкнинг аукцион учун дастлаб белгиланган нархи суммасидан ошмаслиги зарур.

Гаров предметини сотишдан олдин сумма кредитини қоплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда, банк, агар шартномада бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, этишмаётган суммани қарздорнинг бошқа мулки ҳисобидан қонунда кўзда тутилган навбатдаги тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Гаров предметини сотишдан тушган сумма қайтарилмаган кредит ҳажмидан ортиқ бўлса, банк ўртадаги бу тафовутни бир ой ичида қарз олувчига тўлаши шарт.

Агар қарз олувчи тўлов муддати келгандан сўнг 90 кун ичида кредит шартномасига мувофиқ қарзни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаса, банк «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига

мувофиқ тўловга лаёқатсизлик тўғрисида иш қўзғаш учун хўжалик судига мурожаат қилиши керак.

Тижорат банклари амалдаги низомга мувофиқ кредит портфели сифатини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришлари, ҳар бир кредит билан боғлиқ риск даражасини таснифлашлари ҳамда уни қуйидаги 5 та гуруҳдан бирига киритишлари лозим:

- а) стандарт
- б) субстандарт
- д) қониқарсиз
- е) шубҳали
- ф) умидсиз

Тижорат банки қарз бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв барпо этиши шарт. Бу резервга маблағлар амалдаги тартибга мувофиқ киритилади. Қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резерв хўжалик органларга берилган кредитлар таҳлили ҳамда банк фаолиятининг риск даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни белгилаш асосида ташкил қилинади. Резерв ҳажми амалдаги қарздорлик риск ҳужжати ёки гуруҳига боғлиқ бўлади. Тижорат банклари резерв ҳажмини ҳисобот ойининг ҳар биринчи куни учун амалдаги тартибга асосан ҳисоблаб чиқадилар. Берилган қарзлар киритилган «риск гуруҳи» ёмонлашган тақдирда қарзлар бўйича эҳтимол тутилган йўқотишлар учун резервга ажратмалар ҳар ойда ўтказиб борилади. Банк олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган қарз олувчига нисбатан банк кредит шартномаси шартларига кўра қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- агар у келишилган муддатларда банк тавсияларини бажармаса, кредитлаш тўхтатилиб, уни қайтариб олиш тўғрисида огоҳлантирилган даъво хати юбориш;

- кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ўз вақтида тўланмаган, шунингдек, кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилиши эҳтимолдан узоқ бўлган ҳолларда, қарз олувчига банкротлик тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган жазо чоралари қўлланиши ҳақида огоҳлантириш берилган даъво хати юборилиб, кредит бўйича қарз қолдиғини муддатдан олдин ундириб олиш;

- қарз олувчи ҳисоб юритиш ва бухгалтерия ҳисоби қоидаларининг бузганлиги аниқланса, кредитлашни тўхтатиш ва бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар бериш, шунингдек, ундан ҳисоб ва ҳисобот қоидалари бузилиш сабаблари тўғрисида изоҳ берилиши, уларни тугатиш юзасидан қандай чоралар кўрилаётгани билдирилишини талаб қилиш.

Кредитни ўз вақтида қайтариш борасидаги мажбуриятларни бажараётган қарз олувчи ўзининг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида матбуотда эълон бериши, банк эса бу ҳақда солиқ инспекциясига хабар қилиши керак. Банк хўжалик судига мурожаат қилиб, бундан буён қарз олувчи банкрот деб танилишини сўрашга ҳақлидир.

Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда, унга янги қарзлар бериш тўхтатилади, илгари берилган кредитлар эса муддатидан

олдин ундириб олинади. Тўловлар навбати «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга мувофиқ белгиланади. Қарз олувчи банкрот деб эълон қилинган вақтдан бошлаб уни қуйидагилар билан боғлиқ операциялари тўхтатилади:

- Мулкни бегоналаштириш ва бериш;
- Мажбуриятларни қоплаш;
- Ҳисоб-китобдаги харажатлар;
- Дивидендлар, солиқлар, тўловлар тўлаш.

Тўловга лаёқатсиз қарз олувчининг барча қарз мажбуриятлари тугаган ҳисобланади ва унга янги талаблар билдирилишига йўл қўйилмайди. Бундай қарз олувчининг барча турдаги қарзларига пеня ва фоизлар қўйиш тўхтатилади. Унинг мулкани сотиб, пул ундириш борасидаги барча чеклашлар бекор қилинади. Мулкий ёки молиявий тUSDаги ҳамма талаблар фақат тугатиш жараёни доирасида ҳал қилинади. Бунда банк талаблари иккинчи навбатда қаноатлантирилади.

Мулк етарли бўлмагани туфайли қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган ҳисобланади ва белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади. Кредитдан кўзланмаган мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчи банкка кредит шартномасида белгиланган ҳажмда жарима тўлайди.

Банк эса, ўз навбатида, тузилган шартномага мувофиқ қарз олувчини кредит ресурслари билан таъминлаши шарт.

Банк ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда қарз олувчига шартномада кўзда тутилган миқдорда жарима тўлайди.

Назоратдан фарқли кредит мониторинги кредитлар ҳолатини доимий кузатиб боришини кўзда тутади.

Умуман, кредитлаш операциялари тижорат банкларининг ўз кредит сиёсатлари асосида, Марказий банкнинг кредит сиёсатига қўйилган талабларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Кредит мониторинги кредит сиёсатининг ажралмас таркибий қисми бўлиб миждозларга берилган кредитларнинг қайтарилишини, қолаверса, банкларнинг асосий даромад манбаларидан бири ҳамда энг рискли операцияси бўлган кредитлаш банкнинг рақобатбардошлилигини, рентабеллигини, қисқача ифодалганда, банкнинг келажагини таъминлайди.

Кредит мониторинги берилган кредитларнинг қайтарилиши ва уни таъминлаш борасида қабул қилинадиган ишловлар ва чора-тадбирлар тизимидир. Кредитлар кредит қўмитасининг қарори асосида, белгиланган меъёрий шартлар асосида, алоҳида ссуда ҳисоб рақамини очиб ва ушбу ҳисоб рақамдан қарз олувчининг тўлов топшириқномаси асосида моддий товар бойликлар учун нақд пулсиз ўтказиб йўли билан қарз берилади. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишининг бутун муддати давомида доимий мониторинг амалга оширилади ва у қарз олувчи томонидан унинг лойиҳаси ва кредит шартномаси шартларининг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашишига қаратилган бўлиши лозим.

Мониторинг жараёнида кредит олган миждознинг хўжалик молиявий фаолияти, унинг тузилган шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бе-

риш мажбуриятларини бажариши, ишлаб чиқариш ҳажмлари, ношлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишлар, муомала чиқимлари, фойда ва даромад мутаносиблиги, ўз айланма маблағлари мавжудлигининг динамикаси, товар-моддий бойликлар захиралари аҳволи, айланма маблағларнинг айланиши таҳлил қилинади. Банк қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги бўйича доимий мониторингни амалга оширади ва унинг кўрсаткичларини қарздорнинг кредит пакетига тикиб боради.

Булардан ташқари банкка тақдим этилган гаровнинг ҳолати ва кредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланиши кредит шартномасида келишилган шартларга мувофиқ гаров объекти фаолият жойининг ўзида ўрганилади.

Қурилишни молиялаштириши учун берилган кредитлар бўйича банк мониторинг жараёнида кредитланган объектда кредит шартномасида қайд этилган муддатлар ва шартлар асосида бажарилган ишлар ҳажмининг назорат ўлчовини амалга оширади.

Берилган кредитлардан бошқа мақсадларда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан муддатдан олдин ундириб олиш ҳуқуқига эга⁶⁰. Қарз олувчи томонидан асосий қарзни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида келишилган муддатда қайтарилмаса, банк Фуқаролик кодексининг 280-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ мустақил равишда судга мурожаат етмасдан, гаров предметини тасарруф қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000-йил 22-февралда тасдиқланган, 432-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан кредит мониторинги фаолиятида қўлланиладиган ҳужжатлар келтирилган. Унга кўра, тижорат банклари ҳар бир берилаётган ёки олинаётган кредитлар бўйича кредит пакетида қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим:

- қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириши имкониятларини текшириш мақсадида тегишли шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муаммоларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

- кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

- қарздор кафилининг молиявий аҳволини акс еттирган барча ҳужжатлар;

-кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминловчи ҳужжатлар;

⁶⁰William Gould, Michael Higgins: Banking:Strategic leadership. United States Agency for international Development (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc.,2010. 525-529 p.

- қарздор тўловларни амалга оширмаган ҳолда банк томонидан кўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредитга доир хизмат кўрсатувчи банк ўтказиш тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини акс эттирувчи ҳужжатларни кредит пакетида юритиши шарт.

Кредит мониторингига қўйиладиган талаблар қуйидагиларни ташкил этади:

- кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим;

- кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак;

- қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича «тўловсизлик» тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк бошқаруви ва кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади. Сиёсат қарзларини қайтаришга доир изчил, босқичма-босқич чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит мониторинги фаолиятининг асосий тамойили қуйидагиларга асосланиши керак:

-Турли хил кўринишдаги кредитларнинг даврий назорати. Бу назорат асосан кичик ҳажмдаги кредитлар юзасидан бўлиб, 30 кунлик, 60 кунлик, 90 кунлик назоратлар шаклида бўлади.

Кредит назорати босқичларининг диққат билан қайта кўришни, яъни:

1. Мавжуд кредит бўйича тўловлар ҳисоби маълумотларининг ишончилиги.

2. Кредит таъминотининг ҳолати ва сифати.

3. Ҳуқуқий жиҳатдан кредит қайтарилишининг ишончли маълумот ҳуж-жатларининг тўлиқ бўлиши лозим.

4. Мижознинг банк кредити бўйича молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва натижада кредит миқдорининг ортиши ёки қисқартирилиш даражаси.

5. Берилган кредитнинг банк кредит сиёсатига ва стандартларига мос бўлиши.

6. Муаммоли ссудаларнинг тез-тез текширилиши.

7. Иқтисодий нобарқарорлик даврида кредитларни тез-тез назорат қилиш в.б.

Ҳозирги кунда кредитлаш соҳасида энг асосий муаммолардан бири кредитнинг тўлиқ қайтарилишидир. Бу ўринда кредит мониторинги жуда катта аҳамиятга эга. Кредитларнинг тўлиқ қайтиб келмаслигига асосий сабаб, «кредит танлови»нинг иқтисодий тамойилга мос тушмай қолишидир. Бу

йўқотишлар, хатолар бевосита кредит олувчи субъект ҳақида маълумотларнинг етарли эмаслиги ёки обектив эмаслигидан юзага келади. Бунинг учун хориж амалиётида кенг қўлланиладиган ва ҳозирда Ўзбекистонда ҳам амалиётга татбиқ қилиниб борилаётган кредит бюроси фаолиятини такомиллаштириш, унда марказлашган ҳолда, мижозлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бера оладиган ахборотлар базасини яратиш ва унинг ишончли ва обектив ишлашини шакллантириш банклар учун, иқтисодиёт учун, бир банк инфраструктураси учун катта фойда келтиради. Тезкор маълумотлар асосида банклар ҳамда мижозлар вақтдан ютадилар. Бу тезкор маълумотлар кредит харажатларини учинчидан, банк фаолияти оперативлигини, барқарорлигини, салоҳиятини оширади ва, албатта, кредит мониторинги ишлари ҳам қисман энгиллашади, хусусан, муаммоли кредитларнинг камайиши ҳисобига.

Кредит мониторинги ишларини энгиллаштирадиган яна бирор хусусий ечим кредитларни беришда мижознинг бизнес лойиҳасидан келиб чиққан ҳолда, лойиҳанинг маркетинг тадқиқотининг ҳаққонийлиги, ҳаётга яқинлиги бўлиши керак, чунки янги ишлаб чиқариладиган товарга талаб қанчалик юқори бўлса, лойиҳанинг молиявий натижаси ҳам самарали бўлади. Бу эса кредитларнинг тўлиқ қайтарилишини таъминлайди. Зотан, кредит мониторингининг асосий вазифаси мижозга кредитни қайтаришига кўмаклашишдир.

Назорат учун саволлар

- 1.Кредитга лаёқатлилиқ деганда нимани тушунасиш?
- 2.Тўловга лаёқатлилиқ деганда нимани тушунасиш ва унинг кредитга лаёқатлилиқдан фарқи нимада?
- 3.Кредитга лаёқатлилиқнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичларини келтиринг.
- 4.Қоплаш, ликвидлилиқ коэффициентлари қандай аниқланади?
- 5.Мухторийлик коэффициенти нимани англатади, унинг юқори ва паст чегараларини изоҳланг.
- 5.Кредитга лаёқатлилиқнинг қўшимча кўрсаткичлари нима учун зарур?
- 6.Хорижий давлатларда мижознинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг қандай усулларини биласиз?
- 7.Мижознинг молиявий ҳужжатлари асосида унинг кредитга лаёқатлилиқ-гини баҳоланг.
- 8.Кредит олиш учун бизнес-режа тузинг ва кредит олишни асослаб ессе ёзинг.

17- боб. Кредитлаш жараёнида таъминотнинг ўрни ва унинг турлари

17.1.Кредитнинг таъминланганлик тушунчаси ва унинг аҳамияти.

17.2.Кредит қайтарилишида гаровнинг тутган ўрни.

17.3.. Кафиллик, кафолат ва таъминотнинг бошқа шакллари

17.4. Банк кафолати ва унинг кредитлашдаги ўрни

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

17.1.Кредитнинг таъминланганлик тушунчаси ва унинг аҳамияти

Кредит муносабатлари иқтисодиётда мавжуд аниқ услубий асосларга таянади. Унинг асосий элементлари бўлган ссуда капитали бозори операциялари маълум тамойиллар асосида олиб борилади. Бу тамойиллар кредит муносабатлари ривожланишининг биринчи босқичида кўзга ташланган эди, кейинчалик эса улар умумдавлат ва халқаро кредит қонунчилигида яққол ўз аксини топди. Иқтисодий категория сифатида кредит қайтиб беришлик, кредитнинг муддатлилиги, кредитнинг таъминланганлиги, мақсадлилиги ва тўловлилиги каби бир неча тамойилларга эга.

Биз кўриб ўтмоқчи бўлган тамойил - кредитнинг таъминланганлигидир. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролик кодекси”, “Ипотека тўғрисида”ги ва “Гаров тўғрисида”ги қонунлари кредит таъминланганлигининг ҳуқуқий асослари ҳисобланади. Бу тамойил ёрдамида кредитнинг иқтисодиётни ривожланишида қиймат ва моддий ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқлик таъминланади. Бу тамойилнинг асосий моҳияти шундаки, бунда хўжалик айланишида иштирок этувчи банк маблағларининг ҳар бир сўмига муайян миқдорда моддий бойликлар қарама-қарши туриши керак. Банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларига берилган ҳар қандай кредитлар тўлиқ товар-моддий бойликлари билан ёки маълум харажатлар, хизматлар билан таъминланган бўлиши керак. Тармоқларга таъминланмаган кредитларнинг берилиши банк кредитларининг банкка қайтиб келмаслигига асос бўлади. Бу ўз навбатида банкнинг ликвидлигига ва пул муомаласига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти шароитида банклар томонидан бериладиган кредитларнинг товар моддий-бойликлари ва харажатлар, хизматлар билан таъминланган бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида, банклар фаолиятидаги энг асосий муаммолардан бири, берилган ссудаларнинг қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни мижоз томонидан кредитни қайтара

олмаслик рискени камайтириш йўлларида бири миждо мулкининг маълум қисмини берилган кредит учун гаров сифатида талаб қилишдир.

Таъминланганлик тамойилининг асосий мақсади кредитнинг қайтиб келишини таъминлашга қаратилган. Шу боис бу тамойил кредит риски ва у билан боғлиқ йўқотишларнинг олдини олиб, кредитнинг ўз вақтида банкка қайтиб келишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг банк қонунчилиги тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар турли шаклдаги таъминланганликка эга бўлиши лозимлигини кўзда тутди. Кредитнинг таъминланганлиги сифатида қуйидагилар қабул қилиниши мумкин:

Гаров.

Кафиллик.

Кафолат.

Суғурталаш.

Ўтказиш (сессия).

Кредитнинг таъминоти сифатида бир ёки бир неча таъминот шакли қабул қилиниши мумкин. Таъминотнинг ҳажми ва турлари қарз олувчининг молиявий аҳволига, ссуданинг ҳажмига, қарз олувчининг мажбуриятлари ва масъулиятига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 259-моддасига асосан қарздорнинг мажбуриятлари гаров, қарздорнинг мулкени ушлаб қолиш, кафолат, ва қонун бўйича ёки шартномада кўрсатилган бошқа усул билан таъминланган бўлиши мумкин. Бу таъминотнинг қайси бирини танлаш мажбурият турига боғлиқ Аксарият ҳолларда кредит ва қарз шартномасини бажариш бўйича гаров, кафолат қулай ҳисобланади. Қарз олувчи кредитнинг таъминланганлиги сифатида бир ёки бир неча турдаги таъминланганликни қўйиши ва уни кредит шартномасида кўрсатиши мумкин. Кредитнинг таъминланганлиги бўйича гаров кредит шартнома билан биргаликда расмийлаштирилади ва унга, албатта, илова қилиниши лозим. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 738-моддасида қарз олувчи қарз суммасининг қайтариб берилишини таъминлаш юзасидан қарз шартномасида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаса, шунингдек, қарзнинг таъминоти қарз берувчи жавобгар бўлмаган вазиятларда йўқотилса ёки унинг шартлари ёмонлашса, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Жаҳон амалиётида банк ссудаларини таъминлашнинг ўта кенг тарқалган турлари-ер, уй-жой, қимматли қоғозлар, дебиторлик қарзлари йиғиндилари, тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар, суғурта полислари ва бошқалар ҳисобланади.

Ер, уй-жой ва бошқа кўчмас мулк таъминотнинг ишончли ва муҳим объекти ҳисобланади, улар ҳеч қачон ўз қийматини тўла йўқотмайди. Қимматли қоғозлар банк учун маъқулроқ таъминлаш тури ҳисобланади.

Чунки қимматли қоғозларни фонд бозорида осонгина сотиш мумкин, банкда сақлаш учун харажатлар талаб қилинмайди. Шулар билан бир қаторда, уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмиятчиликнинг йўқлиги қимматли қоғозларнинг таъминланганлик объекти сифатида аҳамиятини оширади. Айни вақтда шуни есда тутиш лозимки, агар таъминланганлик сифатида акция олинаётган бўлса, унинг курси кескин тебраниши мумкинлигини, курс пасайганда зарар кўриш мумкинлигини, албатта, инобатга олиш лозим.

Дебитор қарздорлик йиғиндиси деганда, бу ерда очиқ ҳисоб варақлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндиси тушунилади. Бу пул банкнинг мижози жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш объекти жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.

Хомашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан, республикамиздаги кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминланиш объекти бўлиб хизмат қилади.

Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан маблағ тўлаган шахсга қайтарилиши мумкин. Банк суғурта полисини йиғилган бадаллар йиғиндиси миқдорида таъминланганлик учун қабул қилади.

Ишончли кредитлар ва уларнинг қайтарилишини таъминловчи бирдан-бир гаров шакли кредит шартномаси ҳисобланади. Кредит шартномаси шартларининг бажарилишини кредит таъминланганлигининг шarti сифатида қабул қилиш, хорижий банклар томонидан чекланган ҳажмда, ишончга сазовор бўлган доимий мижозларни қисқа муддатда кредитлаш жараёнида қўлланилади. Ўрта ва узок муддатли кредит беришда ҳам берилган кредитларни суғурта қилиш шarti билан истисно тариқасида қўлланилиши мумкин. Одатда, суғурта қилиш, қарз олувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Яхши таъминланган кредитлар. Бундай кредитлар замонавий банк кредитининг асосий тури сифатида таъминланган ссудалар ҳисобланади. Таъминланганлик сифатида қарз олувчининг ҳар хил шаклдаги мулки, кўпроқ кўчмас мулки ва унинг ихтиёридаги қимматли қоғозлар, бошқа мулк шакллари бўлиши мумкин, қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолларда, таъминланганлик асоси бўлган мулк банк ихтиёрига ўтади ва банк уни сотиб етказилган зарарларни қоплаш ҳуқуқига эга бўлади. Банк томонидан берилаётган кредит миқдори таклиф этилаётган таъминланганликнинг ўртача бозор нархидан паст бўлади ва мулк баҳоси томонларнинг келишувчи натижасида аниқланади.

Кредитлар сифатли активлар билан, айтайлик, ер ёки ҳукуматнинг қимматли қоғозлари, яъни давлат заёмлари билан таъминланган бўлса, у ҳолда уларнинг фоиз ставкаси таъминланмаган кредитларникига нисбатан паст бўлиши мумкин. Чунки бунда кредитни қайтармаслик rischi

минималлаштирилган бўлади. Халқаро кредитлар олтин, олмос, платина каби нодир металлар билан таъминланган бўлса, уларнинг фоиз ставкаси сезиларли даражада паст бўлади.

Кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилинадиган мулк ликвидлиги юқори, тез сотиладиган, олдин бирор мажбурият бўйича гаровга қўйилмаган, корхонага тегишли бўлган мулк бўлиши лозим.

Банк ссудаларининг товар-моддий бойликлар билан тўлиқ таъминланганлиги пул муомаласининг барқарорлигини таъминлайди, чунки банк маблағларининг айланиши, яъни пуллари нақд пулга ва, аксинча, трансформатсияланиб туради.

17.2. Кредит қайтарилишида гаровнинг тутган ўрни

Мулк гарови– бу кредит таъминотининг энг кўп тарқалган шаклларида хисобланади. Мулк гарови гаров шартномаси орқали расмийлаштирилади. Тўлов мажбурияти бажарилмаганда, банк ушбу гаровни сотиш орқали кредитни қоплаши мумкин.

Ўз-ўзидан мулкни гаровга қўйиш (қўчмас мулк в.б.) кредитор – мулкни ушлаб турувчи шахс, агар гаров билан таъминланган мажбуриятлар бажарилмаса, ушбу мулкдан ўз хоҳишига биноан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллигини билдиради. Ўзбекистон Республикасида гаров муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 264 -, 289-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг "Гаров ҳақида" ги қонуни асосида бошқарилади. Гаров асосида кредитор, агар қарздор - гаров қўювчи шахс гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаса, қўйилган мулк асосида ўз манфаатлари йўлида ундан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги ва, шу билан бирга, бошқа кредиторлар олдида нисбатан афзалликларга эгаллигини таъминлайди. Гаровга қўйилган мулк нафақат қарз маблағларининг қайтарилишини, балки унинг фоизларини ва бошқа қўрилган зарарларнинг қопланишини таъминлаши шарт. Бундан ташқари гаровга қўйилган мулкнинг бозор нархлари тушиб кетишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Юқоридагилардан келиб чиқиб, гаровга қўйилган мулк берилаётган кредит баҳосидан юқори бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган “Тижорат банклари кредит сиёсатида нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомнинг 27-бандида гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар белгилаб берилган.

Гаров асосида юридик шахсларнинг ҳам, жисмоний шахсларнинг ҳам мажбуриятлари таъминланиши мумкин. Гаров шартнома ёки қонун асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунда гаров шартномаси кенг тарқалган бўлиб, қарздор ўз хоҳишига биноан, ўз мулкни кредитор билан шартнома тузган ҳолда гаровга қўяди. Гаров асосида ҳақиқий талаб этилаётган маблағ таъминланиши мумкин. Яъни ушбу гаров шартномаси орқали бошқа мақсадларда, бошқа шартномаларда фойдаланиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан гаров предмети бўлиб, гаровга қўювчи шахснинг ҳар қандай мулкни, шу билан бирга, қимматли қоғозлари ва мулкка эгалик ҳуқуқлари бўлиши мумкин. Қонунга асосан гаров предметининг эгаси гаповга қўювчи шахс бўлиши мумкин. Шунингдек, гаровга қўювчи шахс нафақат қарздор, балки учинчи шахс ҳам бўлиши мумкин. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, унинг ҳақиқий эгаси сингари, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш каби ҳуқуқларни, агар қонун ва шартномаларда кўрсатилган бўлмаса, қарз берувчи шахсга берилади.

Амалиётда гаровдан фойдаланиш уни қўллашнинг махсус механизми бўлишини кўзда тутди. Гаров механизми бу гаров тўғрисидаги шартномани тайёрлаш, тузиш ва ижро этиш жараёнидир.

Гаров механизмини амалга ошириш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- гаров предметларини ва турларини танлаш;
- гаров предметларини баҳолаш;
- гаров тўғрисида шартномани тузиш ва амалга ошириш;
- гаров ундиришга мурожаат қилиш тартиби.

Гаров предметининг миқдор ва сифат жиҳатларига умумий ва махсус талаблар мавжуд бўлиб, сифат жиҳатига бўлган умумий талаблар қуйидагилардан иборат:

- гаров предмети қарз олувчига тегишли бўлиши керак;
- гаров предметлари пул қийматига эга бўлишлари шарт;
- гаров предметлари ликвид бўлиши, яъни реализатсия қилиниш хусусиятига эга бўлишлари керак.

Гаровнинг миқдорига бўлган умумий талаб, бу гаровга қўйилган мулк қийматининг берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар суммасидан кўп бўлишидан иборат.

Гаровнинг сифат ва миқдор жиҳатларига бўлган махсус талаблари гаров шаклига ва рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади.

Товар-моддий бойликларнинг гаров предмети бўлишга мақбуллиги 2 омил орқали аниқланади:

- бойликларнинг сифати;
- кредиторни уларнинг сақланиши устидан назорат қила олиш имкониятига боғлиқ.

Товар-моддий бойликларининг сифат мезони қуйидагилар ҳисобланади: тез реализатсия қилиниши, нархларнинг нисбатан барқарорлиги, суғурталаш имконияти, сақланиш муддатининг узокчилиги. Шунинг учун тез эскирадиган товарлар гаровга қабул қилинмайди.

Ушбу мезонларни аниқлаш ва уларга мос келадиган бойликларни гаровга қабул қилиш эмас, балки уларнинг сақланишини таъминлаш ҳам муҳимдир. Фақат шундагина қўйилган гаров кредитнинг қайтарилишига кафолат бўлиши мумкин.

Гаров предметига корхона ва ташкилотлар; асосий фондлар (бино, иншоотлар, ускуналар), товар-материал буюмлари, товар-транспорт хужжатлари (варрант, коносамент, омбор хужжатлари, шартнома в.б.), валюта маблағлари, қимматбаҳо буюмлар ва қимматли қоғозларини киритиш мумкин.

Гаров икки шаклга бўлинади:

- гаров предмети ўз эгасида қолиши ёки гаров предмети гаровга олувчига берилиши мумкин.

- гаров обекти ўз эгасида қолган ҳолда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- гаровга қўйилган мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш;

- гаров билан таъминланган, мажбуриятлар бўйича қарз эгасига ўтказиш в.б.

Бу ҳолатда гаров берувчи шахс ўз ҳисобидан гаров предметининг умумий қийматини суғурталашни, унинг яхши сақланиши таъминланиши ва мулкнинг ижарага берилиши ҳақида гаровга олувчини огоҳлантириши лозим.

Гаров предметининг ўз эгасида қолиши қуйидаги ҳолларда юз беради:

- оборотдаги товарлар гаровга қўйилганда;

- кўчмас мулк гаровга қўйилганда.

Оборотдаги товарларни гаровга қўйиш гаров вақти келганда, гаров берувчи ўз оборотидаги товарларининг ҳаммасини ёки қисман сотиб, ўз қарзининг суммасини ёки ундан кўпиникайтириши тушунилади. Бунда гаровга қўювчи шахс ўз товар маҳсулотларининг ҳисоб-китобини ва тўғри сақланишини таъминлаши шарт. Оборотдаги товарларни гаровга қўйишдан асосан савдо ва таъминот ташкилотларида кўпроқ фойдаланилади. Кўчмас мулк гарови (ипотека)- корхона, ташкилот, бино, иншоот ва қурилмаларни, ердан фойдаланиш ҳуқуқларини гаровга қўйиш тушунилади.

Ўз кредитларини бино, иншоот ва қурилма ускуналарни гаровга олган асосда беришларида, банклар нафақат уларнинг қанчалик тез сотилишини, балки кредит олувчининг фойда олиш даражасини, уларнинг кредитни қайтариш шароити ва муҳитини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Банк, гаров предметини ушлаб турувчи субъект сифатида, гаровга қўйилган мулкнинг хужжатлари асосида унинг ҳақиқийлигини, ҳолатини ва уни сақланаётган муҳитини текширишга ҳақлидир.

Агар гаров предмети гаров берувчи томонидан сарфланган ёки ишлатилган бўлса, унда гаровга берувчи шахс ушбу мулкни қайта тиклаши ёки бошқа мулк билан қоплаши лозим, акс ҳолда банк-гаров мулкни ушлаб турувчи субъект сифатида берилган кредитни ўз муддатидан олдин талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Гаровга қўйишнинг иккинчи шакли- гаровга қўйилган мулкни ўз эгасида эмас, балки уни ушлаб турувчи шахсда қолиши ҳисобланади. Бу тур бошқачасига «заклад» деб ҳам юритилади ва банк амалиётида қулай гаров тури бўлиб, унда кўчмас мулк бўлмаган мулк гаровга қўйилади. Бунинг сабаби шундаки, пул гаров олувчи (банк)га берилиши лозим.

Ушбу шакл банк фаолиятида кенг қўлланилиб, асосан гаровга қўйилган мулк кўчмас мулк бўлиб ҳисобланмаса гаров банкда бўлиши кредитнинг

таъминланиши тайинлигини кўрсатиши мумкин. Бундай гаров шакли куйидаги турларда бўлиши мумкин:

- мустаҳкам (ишонарли) гаров;
- ҳуқуқий гаров.

Мустаҳкам (ишонарли) гаров классик жиҳатдан, товар ва бошқа мулкни кредит ташкилоти омборида ёки қарз олувчи омборида банк назорати остида сақланиши тушунилади. Закладга олинган қимматбаҳо буюмлар ўз навбатида куйидаги талабларга жавоб бериши лозим: тез сотиладиган, суғурталаш осон бўлган, банк назорати остида узоқ муддат сақланиши мумкин бўлиши лозим.

Албатта, ушбу мулкларни банк томонидан назорати турли хил қийинчиликларга ва харажатларга олиб келади. Ғарб мамлакатларида ушбу хизматларни омбор ташкилотлари банклар учун (хизмат) кўрсатади. У мулк ва унинг сақланиш бўйича тўлақонли назоратолиб бориши, ундан ташқари берган кредитнинг қайтиши имкониятларига тўлароқ ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу гаров тури 2 хил шаклда, яъни қаттиқ гаров ва ҳуқуқ гарови шаклида бўлиши мумкин.

Қаттиқ гаров гаровнинг классик тури бўлиб, у товар ёки бошқа мулкни банкка беришни ва банк омборхонасида ёки қарз олувчининг омборида, лекин банк қулфи ва қоровули билан қўриқлаб сақланиши лозим. Гаров ёки заклад сифатида қабул қилинадиган қийматлик талабларга жавоб берадиган-тез сотиладиган, узоқ сақланадиган, ўз сифатини йўқотмайдиган, суғурталанадиган бўлиши ва банк назорати остида бўлиши лозим. Заклад қабул қилиш ва уни сақлаш банк учун харажат талаб қилувчи, унинг фаолиятига тўғри келмайдиган ҳолат бўлганлиги учун у қийинчиликлар туғдириши мумкин. Баъзи хорижий давлатда банк учун бу функцияни махсус ташкилотлар – омборчи компаниялар бажаради.

Бунда фақатгина омбор ҳужжатларининг бўлиши талаб этилади ва омборчи компаниялар томонидан ёзиб берилган бу ҳужжат кредитнинг таъминланганлиги ҳисобланади.

Бу ҳужжат асосида банк ўз кредитларининг таъминланганлигини назорат қилади ва ссудалар қайтарилмаганда ушбу ҳужжат орқали банк мулкни омборхонадан олиб, сотиб, ўз кредитларини қоплаши мумкин.

Банк учун қулай бўлган мустаҳкам (ишончли) гаров бўлиб товар ва турли транспорт ҳужжатлари ҳисобланади, шу билан бир қаторда, қиммат-баҳо буюмлар ва қимматли қоғозлар ҳам мустаҳкам гаров сифатида қабул қилиниши мумкин. Биринчидан, улар гаров берувчи томонидан кредитни таъминлаш мақсадида банкка берилади, чунки улар ҳеч қандай ортиқча харажатларни талаб етмайди. Иккинчидан, улар юқори ликвидлиги, тез сотилувчанлиги билан ажралиб туради. Бу эса банкка катта аҳамият касб этади. Ҳуқуқ гарови ҳозирда Ўзбекистон учун янги бўлган гаров шакли ҳисобланади. Гаров сифатида турли мулкка ҳуқуқий жиҳатдан эгалик қилиш (муаллифлик ҳуқуқлари, товар белгилари, ноу-хау, патент) ҳужжатлари бўлиши мумкин.

Бунда фақатгина гаровга қўйилаётган мулкка эгалик қилувчи шахсгина гаров берувчи шахс бўлиши мумкин. Ижарага олинган ёки эгаси бошқа бўлган мулклар ўз эгасининг рухсатисиз гаров объекти бўлиши мумкин эмас.

Гаров предметининг банкда сақланишини таъминлаш билан бир қаторда банклар яна бошқа мажбуриятларни ҳам бажаришларига тўғри келади. Масалан, гаров мулкни ушлаб турувчи субъект (банк) шартномада кўрсатилган бўлса, гаров берувчи манфаатларига мос келган ҳолда мулкнинг ҳисоб-китобини олиб бориши, мажбуриятлар бажарилгандан сўнг гаров берувчига мулкнинг қайтарилишини таъминлаши лозим.

Гаров предмети кимда бўлишидан қатъи, назар, гаров мулкни берувчи ёки уни олувчи субъект мулкни турли хил табиий офатлардан суғурталаши лозим. Нафақат табиий офатлардан, балки мулкнинг ўғирланиши ёки давлат органлари томонидан гаров мулкни берувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятини тўхтатиб қўйилишидан ҳам суғурталаниши лозим. Мулкка зарар етказганда, банк гаров мулкни ушлаб турувчи субъект сифатида суғурта коплмасини ўз кредити ҳисобига олишга ҳақлидир.

Гаров предмети ҳар қандай ҳолларда ҳам суғурта қилиш мулкни берувчи шахс томонидан амалга оширилади.

Гаров шартномаси ёзма ҳужжат тарзида амалга оширилиши лозим. Бу ҳужжатда гаров предметининг шаклини, мажбурият шартларини, мажбурият муддатини, мулкнинг ҳажми ва қийматини, гаров субъектларининг мажбуриятларини ва гаров шартлари бажарилмаганда низоларни ҳал этиш масалалари акс еттирилиши лозим.

Гаров шартномасида, шулар билан бирга, иккала тарафнинг номлари ва манзиллари гаровга қўйилган мулкнинг қаерда жойлашгани кўрсатилиши лозим. Агар юқоридаги кўрсатмалар, кўрсатилмаса гаров шартномаси ҳақиқий ҳужжат ҳисобланмайди. Гаров шартномаси тузилган вақтдан бошлаб гаров ҳуқуқи пайдо бўлади ва гаров мулкига нисбатан гаров ҳуқуқи ушбу мулк гаровга берилган вақтдан бошланади. (Ўз.Рес. Ф.К. 270-с.).

Мулкнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, давлатнинг гаров мулки рўйхатдан ўтиши мажбурий белгиланган. Яъни гаров шартномаси тузилиб, унга қўл қўйилгандан ва нотариал тасдиқлагандан сўнг, гаровга қўйилган мулк давлат гаров органида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Қарз олувчи кредитор қўйган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, кредитор қўйилган муддатда судга мурожаат этиб, ўз кредитини ундиришни талаб қилишга ҳақли. Гаров предмети қонунда кўрсатилган асосида оммавий савдо йўли билан сотилади: мулкнинг бошланғич нархи суд қарори билан белгиланади. Энг юқори баҳони тўлаган шахсга ушбу мулк сотилади. Мулк сотилмаган вақтда, банк ва қарз олувчи келишиб, банк ўз ҳисобига олишига талабларини қондириши мумкин. Мулк қайта сотувга чиқарилиб сотилмай қолса, кредитор мулкни 10% га арзон қилиб кейинги сотувга чиқариши мумкин. Агар гаров олувчи гаровни сотиш тўғрисидаги билдиришдан кейин мулк 1 ой давомида сотилмаса, гаров олувчи уни ўз ихтиёрида қолдириш ҳуқуқидан фойдаланса, шартноматугатилади.

Агар мулкнинг сотувидан тушган тушум кредитор талаб қилаётган суммасидан юқори бўлса, фарқ гаров қўйган шахсга қайтарилади ва агар тушум кредитор талаб қилаётган суммасидан кам бўлса, унда қолган суммани қарздорнинг бошқа мулкидан ундириб олиниши мумкин.

Гаров ҳуқуқи гаров мажбуриятлари бажарилганда қўйидаги ҳолларда тўхтайтиди:

- гаров мулкнинг бузилиши, йўқолиши ёки йўқ бўлиши;
- гаров предметининг эркин сотувда сотилиши;
- гаров мулкига эгалик қилиш банкка ўтиши билан.

Гаров ҳуқуқини тўхташининг энг содда нормал ҳоли, гаров мулки орқали мажбуриятларнинг бажарилиши керакли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим. Мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаса гаров шартномаси ўз кучида қолади.

Масалан, кредит таъминотини текширишнинг қўйидаги жадвалини келтириш мумкин (млн сўм.):

21- жадвал

Кредит таъминотини текшириш

Берилган ссуда бўйича қарздор мажбурияти.	520
2. Шусанадагаровга қўйилган бойликлар қиймати.	700
3. Реализациядаги йўқотишлар рискин хисобга олиб ўрнатилган банк маржаси.	30 %
4. Гаровнинг реал қиймати	700-(30%, 700 дан)-490
5. Таъминотнинг ортиқчалиги (+), камомади (-).	490-520--30

Кредит таъминотини текшириш натижаларига кўра банк ўрнатган маржа туфайли гаровдаги бойликларнинг реал ҳажми ссуда қийматидан 30 млн сўмга камомад билан чиқмоқда. Бунда банк қарздордан гаровдаги бойликлар қийматини белгиланган суммага тўлдириб қўйишни талаб қилади.

Талаблар ва мулкий ҳуқуқларни ўтказиш (сессия). Баъзи мамлакатлар амалиётида кредит таъминоти сифатида талаб ва мулкий ҳуқуқларни ўтказиш (сессия) қўлланилади. Сессия – бу қарздор ҳужжати бўлиб, унга асосан қарздор ўзининг талаблари ёки мулкий ҳуқуқларини кредит таъминоти сифатида банкка ўтказиши.

Амалиётда сессиянинг 2 та тури ишлатилади: Очик ва яширин сессия.

Очик сессияда талабнинг ўтказилганлиги тўловчига маълум қилинади. Яширин сессияда учинчи шахс огоҳлантирилмайди, мажбуриятларини қарз олувчига, қарз олувчи эса уни банкка тўлаб беради. Шунинг учун мижозларга ўз обрўсини сақлаб қолишда яширин сессия афзалроқ хисобланади. Лекин банклар бу сессияни риски юқорилиги учун унча қўллашмайдилар.

Талаблар ва мулкый ҳуқуқларни ўтказиш таъминоти бўйича кредит берилганда, рисклилик даражасини ҳисобга олиб, кредит таъминотининг 40 % игача берилиши мумкин.

Халқаро амалиётда ҳам кафолат ва кафилликлар кредит таъминотининг шаклларида ҳисобланади. Булар ҳам гаров каби кредитор манфаатларини юридик ва иқтисодий томондан ҳимоя қилади. Буларнинг гаровдан фарқли томони шуки, бунда жавобгарлик қарздорнинг эмас, балки учинчи шахс – кафилнинг зиммасига тушади.

Кафолатланаётган мажбуриятларнинг субъекти – гарант сифатида молиявий жиҳатидан барқарор корхоналар, маблағга эга бўлган махсус муассасалар, банклар иштирок этиши мумкин.

22- жадвал

Гаров предмети сифатини баҳолаш мезони

Ишончлик рейтинг	Гаровдаги мулк ва ссуда қийматининг нисбати	Гаров предмети ликвидлилиги	Гаровпредмети назорат қилиш шимконияти	Мисоллар
А (юқори)	100 % ёки ундан юқори	Тез сотилади	Бутунлай банк назоратида	Банкдаги депозит
В	100 % дан кам	Нархлар тебраниши ва реализацияда қийинчиликлар бўлиши мумкин		Банкка сақлаш учун берилган, котировка қилинадиган қимматли қоғозлар
С	100 % дан кам		Назорат қилишда муаммолар бор	1. Котировка каланмайдиган қимматли қоғозлар. 2. Товармоддий бойликлар.
Д	100 % дан кам	Нарх тушади, сотишда муаммолар бор	Назорат қилишда муаммолар бор	Товар-моддий бойликлар
Е	100 % дан кам	Нарх тушади	Назорат йўқ	Товар-моддий бойликлар

АҚШда узоқ муддат давомида “10*10” принципи қўлланилган. Бунда қарз олувчи кредитни олишдан олдин 10% ва олгандан кейин яна 10 %, жами 20 % миқдорида пулни банкка депозитга қўйиши керак бўлади. Лекин бу ҳолатда кафолат кредитор манфаатларини қисман ҳимоя қилишга хизмат қилади холос.

Кафолатнинг бошқа бир тури бу қарздор билан яқин алоқаларда бўлган барқарор молиявий корхона бўлиши мумкин. Бунда гарант корхона ҳақида маълумотлар керак бўлади. Агар корхона ҳам шу банкнинг мижози бўлса, унинг кредитга лаёқатлилигини ҳисоблаш осон бўлиши мумкин, лекин

у бошқа банкда ҳисоб варақ очган бўлса, уни кредитга лаёқатлилигини ҳисоблашда қийинчиликлар бўлади. Кафолат ёки кафилликнинг самарадорлиги бир қатор омиллар билан боғлиқ:

Кафолат берувчининг молиявий ҳолатини банк томонидан реал баҳолаш.

-Кредит беришдан олдин банк кафил билан учрашиб, уни ушбу мажбуриятни тўлашга тайёрлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

-Кафиллар ўзларининг имкониятлари етмайдиган суммага кафолат бермаслиги лозим.

Бу борада Германия тажрибаси мақсадга мувофиқдир. Бу ерда банклар таъминот самарадорлигини баҳолашнинг 3 балли тизимидан фойдаланадилар ва унга мос равишда кредитнинг юқори чегарасини белгилайдилар. Мисол тариқасида қуйидаги жадвални келтириш мумкин.

23-жадвал

Таъминот иккиламчи шаклларининг сифатини баҳолаш

Кредит таъминоти шакли	Ютуқлар	Камчиликлар	Сифат рейтинг баллда	Кредитнинг максимал суммаси, таъминотга нисбатан
Ипотека.	нархнинг барқарорлиги; кўп марта фойдаланиш мумкинлиги; сақланишини назорат қилиш осонлиги; гаровберувчи томонидан ишлатилиши имконияти	нотариал тасдиқ учун қилинадиган юқори харажатлар. баҳолашнинг қийинлиги	3	60-80%
Кредит берган банкда мавжуд бўлган қўйилмаларнинг гарови	кам харажатлар; юқори ликвид таъминоти	Солиқ ҳуқуқи билан боғлиқ муаммолар бўлиши мумкин	3	100%
Кафиллик (кафолат)	кафиллик ҳақида ёзма битим кам харажатлар жавобгарликда 2-шахснинг иштироки	Кафилнинг кредитга лаёқатлилигини текширишда муаммо бўлиши мумкин	2	Кафилнинг кредитгалаёқатлилигига қўра 100% гача
Кредит таъминоти шакли	Ютуқлар	Камчиликлар	Сифат рейтинг и баллда	Кредитнинг максимал суммаси, таъминотга нисбатан, %
Қимматли қоғозлар гарови	кам харажатлар. нархлар ўзгаришини назорат қилишнинг қулайлиги. реализациянинг осонлиги	Бозор нархи тўсатдан тушиб кетиши мумкин	2	Акциялар 50-60% ишончли фойзалтирадиган қимматли қоғозлар 70-80%
Мол етказиш	кам харажатлар	назорат-нинг	1	20-40%

ёки хизматлар кўрсатиш бўйича талабларни ўтказиш	очик тсессияда тез фойдаланиш	интенсивлиги солиқ билан боғлиқ муаммолар		
Мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини ўтказиш	кам харажатлар ликвидлиги юқори бўлганда – тез сотилиши мумкинлиги	баҳолаш муаммолари назорат қилиш муаммолари. судга мурожаат қилишдан фойланиш	1	20-50%

Гаров механизми, кафолат, кафиллик ва бошқалардан фойдаланишда ҳозирги амалиётда қуйидаги асосий камчиликлар мавжуд:

- кредит таъминотининг иккиламчи шакллари қайта баҳолаш ва миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда, пул оқимини таҳлил қилишдаги камчиликлар;

- гаров обектининг сифати, уни сақлаш ва ишлатилиши, тартиби;

- кафилнинг молиявий ҳолати устидан дастлабки ва кейинги назорат қилиш механизмининг йўқлиги;

- гаров шартномаси шартларининг ҳақиқатдаги риск билан мос келмаслиги;

- гаров шартномалари ва кафиллик хатларини расмийлаштиришдаги, уларни ҳақиқий эмаслигига олиб келадиган камчиликлар.

Юқори самарадорликни аниқлашдаги энг юқори баллга эга бўлган таъминот шакллари ипотека ва депозит қўйилмаларининг гарови ҳисобланади. Бу ҳолатларда кредитнинг максимал чегараси ҳам юқори. Шу билан бирга, ипотекани баҳолашнинг қийинлиги кредит максимал суммасининг бироз тушишига сабаб бўлади.

Кафиллик (кафолат) ва қимматли қоғозлар гаровига нисбатан паст балл олинган. Кафилнинг кредитга лаёқатлилиги юқори бўлганда кредит суммаси 100%, шубҳали бўлганда эса кафиллик шартномаси ёки кафолат хатидаги суммага нисбатан камроқ белгиланиши мумкин.

Таъминлашнинг асосий турлари мол-мулкни ва қимматли қоғозларни гаровга қўйиш ҳамда кафолатлардан иборатдир. Кредит бўйича олинган таъминланганлик (гаров, мол-мулк в.б.) кредит суммаси ва у бўйича фоиз ставкаларини тўлашга етарли бўлгандагина, кредит таъминланган деб баҳоланиши мумкин. Олинган кредит маблағлари корхонада ишлаб чиқариш захираси, тугалланмаган ишлаб чиқариш ёки тайёр маҳсулот ҳамда мавжуд моддий бойликларни таъминлаш учун берилди. Гаров шarti билан бериладиган кредитни расмийлаштирадиган вақтида тижорат банки қарз олувчи билан ёзма шартнома тузади. Шартномада гаров тури ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати ҳамда мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги кўрсатилиши шарт. Агар кредит олувчи кредитни ўз вақтида қайтара олмаса,

у ҳолда гаровни сотиш чоралари кўрилади.Кредит, одатда, гаровга кўйиладиган мулк қийматининг 50 %идан 80 фоизигача миқдорида берилади.

Шу ўринда таъминотининг асосий турларини қайд этиш лозимдир. Яъни улар:

- қимматли қоғозлар ва мол-мулк гарови;
- учинчи шахснинг кафиллиги;

17.3.Кафиллик, кафолат ва таъминотнинг бошқа шакллари

Кафиллик ёки кафолат деганда, учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудаларни тушуниш мумкин. Бунда кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафиллик берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу туфайли банк кўрган зарарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳақиқатда шундай аҳвол рўй берса,ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида ҳуқуқий шахслар, шунингдек, турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари, жисмоний шахслар иштирок қилишлари мумкин. Кафил банк – кредитор ўртасида кафиллик бўйича муносабатларни расмийлаштириш учун **кафиллик шартномаси** имзоланади. Амалиётда кафиллик шартномасини тузишнинг қуйидаги ҳолатлари учрайди:

- банк-кредитор ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси имзолангандан кейин;

- кредит шартномаси имзоланишидан олдин.

Бу тез-тез учраб турадиган ҳолат, бунда банк кредитни беришни расмийлаштиришни фақатгина қарз олувчи учун кафилликни олгандан кейингина амалга оширади;

биргаликда, яъни кредит шартномаси билан бирга уч томонлама кафиллик шартномасини имзолаш. Бу ҳужжатни банк-кредитор, қарз олувчи ва кафил расмийлаштиради.

Кафиллик шартномаси **ёзма шаклда** тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик шартномани қонуний кучга кирмаслигидан далолат беради.

Кафиллик шартномасида қайси мажбуриятни бажариш учун кафиллик берилганлигини аниқлашга имкон берувчи шартлар кўрсатилиши керак. Кафиллик тўлиқ (кредитнинг суммаси ва фоизларини ўз ичига олувчи) ёки қисман (масалан, фақат фоизлар бўйича) бўлиши мумкин. Шартномада кафилнинг ўз мажбуриятларини бажариш бўйича тартиб ва шарт-шароитлари кўрсатилиши керак. Кафилнинг жавобгарлиги қонун билан белгиланади.

Кафиллик билан таъминланган қарздорнинг мажбуриятларини бажариш пайтида кафил ва қарздор, агар қонун ёки кафиллик шартномаси бўйича кафилнинг субсидиар жавобгарлиги кўзда тутилмаган бўлса, кредитор олдида биргаликда жавобгар ҳисобланадилар.

Биргаликдаги жавобгарликда кредитор кредитни тўлиқ ёки қисман қарз олувчи ва кафилдан биргаликда қоплашни талаб қилиши ёки уларнинг биридан алоҳида ҳолда талаб қилиши мумкин. Кредитор ҳамкорликдаги қарздорликнинг (қарз олувчи ёки кафил) биридан тўлиқ қониқмаганда, бошқа ҳамкор қарздордан қопланмаган қисмини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Кафил кредитор олдида қарз олувчи каби худди шундай ҳажмда жавобгар бўлади, яъни фоизларни тўлаш, қарзни ундириш бўйича суд харажатларини қоплаш ва кредиторнинг бошқа зарарларини қоплаш бўйича жавобгарликка эга. Аммо шартномада кафилнинг чекланган жавобгарлиги кафиллик суммасини аниқлаш ёки кафил тўловни кафолатга олган зарарнинг бир қисмини аниқлаш орқали ўрнатилиши мумкин.

Банк кафил билан ўз муносабатларини ўрнатишда, кафиллик шартномасида қарз олувчи билан ўзаро жавобгарлик тўғрисида кўрсатма берилмаган бўлса, кафил субсидиар жавобгарликни ўзига олади. Бундай ҳолда кредитор, биринчи навбатда, қарз олувчига қарзни ундириш бўйича мурожаат қилади, ва кафилнинг жавобгарлиги фақатгина кредит шартномаси бўйича қарз қопланмаганда юз беради.

Агар асосий қарздор кредиторнинг мажбуриятларини тўлиқ бажаришни рад етса ёки кредитор белгиланган муддатда тақдим этилган талабнома бўйича жавоб олмаса, бунда талабнома субсидиар жавобгарликни ўзига олувчи шахсга тақдим этилиши мумкин.

Субсидиар жавобгарликни олган шахс (кафил) кредитор томонидан тақдим этилган талабномани бажаришдан олдин асосий қарз олувчини бу ҳақда огоҳлантириши лозим. Агар субсидиар жавобгарликни олган шахсга даъво қўзғатилган бўлса, бундай ҳолда у (кафил) асосий қарз олувчини бу ишда қатнашишга жалб этади

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кафил ва қарз олувчи ўртасида муносабат кафил ва кредитор ўртасидаги муносабатга таъсир қилмайди.

Баъзи пайтларда, қарз олувчи ва кредитор ўртасидаги муносабат тугайди ҳамда улар ўртасида тузилган шартнома бекор қилинади. Аммо шу шартномага мувофиқ кафил банк-кредитор билан кафиллик шартномасини тузган бўлади. Қарз олувчи қарзини тўламаган ҳолда кредитор кафилдан солидар мажбуриятни бажаришни талаб этади. Амалиётда баъзан кафил қарз олувчи билан муносабати тугаганлиги тўғрисида ахборот бергани ҳолда мажбуриятни бажаришни рад этади. Бу далиллар суд томонидан қабул қилинмайди, суд фақат кафиллик кредитор ва кафил ўртасидаги шартнома сифатида кўриб чиқиши ва унинг бажарилиши юзасидан қарор қабул қилиши мумкин.

Қонун бўйича кафил нафақат жавобгарликни олади, балки аниқ бир ҳуқуқлардан фойдаланади. Кафил кредиторга тўланган суммадаги қарзларни қарз олувчидан талаб қилиши ҳуқуқига эга.

Мажбуриятларнинг кафил томонидан бажарилиши учун кредитор қарз олувчига бўлган талабини тасдиқловчи ҳужжатларни унга топшириши ва шу

талабни таъминловчи ҳуқуқларни ўтказиши зарур. Қонунчилик бўйича кафил томонидан таъминланган мажбуриятни бажарган қарз олувчи бу ҳақда кафилга тезда хабар бериши лозим. Агарда банк кафилнинг маблағини асоссиз оборотга олган бўлса, кафил кредитордан асоссиз олган маблағини ундириш бўйича талаб қўйиши ёки қарз олувчига бўлган регрессив талабини қўйиш ҳуқуқига эга.

Кафиллик аниқ ҳолларда, яъни кафил томонидан таъминланган мажбуриятни тўхталганда, кафил учун жавобгарликни оширадиган ёки бошқа номақбул ҳолларга олиб келадиган мажбуриятлар бўйича ўзгаришлар бўлганда, кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарзни бошқа шахсга ўтказиши билан, агар кафил кредиторга янги қарз олувчи жавоб беришга розилик бермаган бўлса, кредитор қарз олувчи ёки кафил томонидан таклиф этилган тегишли ижрони бажаришдан бош тортса, кафиллик шартномасида кўрсатилган муддат ўтиши билан ва бошқа ҳолларда кафиллик тўхталиши мумкин.

Шундай қилиб, кредитни тўлашининг кафили сифатида турли хилдаги юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

Тижорат банклари кредитлари бўйича кафил сифатида ўз зиммасига масъулиятни олувчи субект маълум талабларга жавоб бериши лозим. Унинг солиқ ва мажбурий тўловлардан йирик миқдорда қарзи бўлмаслиги, доимий пул оқимига ҳамда ижобий аудиторлик хулосасига эга бўлган молиявий барқарор, мижозга берилаётган кредит суммасининг 200 фоизи миқдорида кўчмас мулк ёки жиҳозлар (мини сех, завод, автомобил ҳамда бошқа транспорт воситалари)га эга бўлган ва бу мулклар кафил юридик шахснинг номига расмийлаштирилган ҳамда унинг балансида расман акс еттирилган юридик шахслар кафил бўлишлари мумкин. Юридик шахс талаб қилинган даражада мулкка эга бўлмаган ҳолларда юридик шахс банкдаги жамғарма ва депозит ҳисоб варақларида ёки қимматли қоғозлар шаклида (банкнинг ўз акциялари бундан мустасно) кафилликни таъминлаш мумкин бўлган пул маблағига эга бўлса ҳамда бу маблағни банкка ундирув қаратиш ҳуқуқини берган бўлса, сотилган товар (бажарилган иш, хизмат)лар, омборхонадаги сотиш учун олиб келинаётган импорт маҳсулотлар бўйича маблағлар келиб тушиши аниқ бўлган ва бунга, банкда шубҳа бўлмаганда ҳамда банкда уни ундириб олиш услуби мавжуд бўлганда, вақтинча маблағга эга бўлсада, камида уч йил давомида банкда хизмат кўрсатилган ва банк олдидаги ўз мажбуриятларини доимо бажариб келган, келгусида кутилаётган ёки сотилган ҳосилдан (маҳсулот, иш, хизмат) маблағ манбаларига эга бўладиган бўлса, улар кафил сифатида кредит муносабатларда қатнашиши мумкин.

Банк бир пайтнинг ўзида кредит таъминоти учун **бир нечта юридик ва жисмоний шахснинг кафиллигини** олиши мумкин. Бундай ҳолларда, шартнома тузишда банк мажбуриятни кафиллар ўртасида тенг тақсимлаш шарти билан ёки кафилларнинг бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳар бирига бутун кредит мажбуриятларини юклайдиган шартлар билан шартнома

тузиши мумкин. Бу кредит берилаётган мижознинг ишончилигидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

Мижоз томонидан учинчи шахс кафиллиги тақдим қилинганда, кафиллик ёки кафолат хати берувчи юридик шахснинг, раҳбар ходимларининг шартнома имзолаш ваколатларини ўрганиш (бунда, зарур ҳолда имзолар намунаси ва раҳбарнинг лавозимга тайинланганлиги тўғрисидаги буйруқдан (қарордан) кўчирма олинади), кафиллик берувчи корхонанинг учинчи шахс мажбурияти юзасидан кафиллик беришга мулкдорлар (таъсисчиларнинг) розилигини тасдиқловчи ҳужжат (уставда ва бошқа меъёрий ҳужжатда шундай ҳужжатни ижрочи раҳбарга имзолашга тўғридан тўғри ваколат берилган бўлмаса, корхона мулкдорлари ёки улар ваколат берган орган (вакиллар) томонидан ёзма шаклда алоҳида розилик олинади), кафил (кафолатчи)нинг молиявий фаолиятини ифодаловчи асосий иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, кафилнинг солиқ ва мажбурий тўловлар олдидаги ҳамда бошқа учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларига доир маълумотлар ўрганилиши лозим. Ушбу маълумотлар кафил (кафолатчи)га берилган аудиторлик хулосаси, унинг молиявий баланси, кафилнинг кейинги даврдаги ҳисобварағи ҳолати, кафилга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилган маълумотномалар орқали ва мумкин бўлган бошқа воситалар орқали олинади. Агарда банк кредитлаш учун олиши керак бўлган маълумотлар аудиторлик хулосасида етарлича баён қилинмаган бўлса, унда банк аудиторлик ҳисоботини талаб қилиши ёки мижоз ва кафилдан музокаралар йўли билан қўшимча маълумот олиши мумкин. Банк кафиллик шартномасининг амал қилиш даврида кафил корхонани барча йўналишларда мониторинг қилиб бориши лозим. Бундай мониторинг корхона раҳбари ўзгариши, корхонанинг қайта ташкил қилиниши, мулкдорларнинг ўзгариши, унинг янги қабул қилаётган мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар, унга нисбатан қўлланилаётган иқтисодий санкциялар, кафил томонидан тузилган йирик битимлар ва бошқа шунга ўхшашлар бўйича амалга оширилиши лозим. Масъулияти чекланган ва акциядорлик жамиятлари билан шартнома тузишда қонунда, бу жамиятларга йирик ва дахлдор шахслар билан битим тузишда белгиланган талабларга риоя қилиниши лозим. Кафиллик шартномаси қарздор, кафил ва кафилликни қабул қилувчи банк иштирокида, ёзма шаклда тузилиши керак. Кафиллик берувчига бошқа банк хизмат кўрсатаётган бўлса, имкони борича унга хизмат кўрсатувчи банк иштирокида тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кафиллик шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби Фуқаролик кодекси асосида тартибга солинади.

Фуқаролик кодексида белгиланган норма талабларидан келиб чиқиб, банк томонидан кафилга қўйиладиган талаб унинг солидар жавобгарлигини кўзда тутаяди, яъни кафил банк олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан, фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли банк кўрган бошқа зарарларни

тўлайди.«Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунда кафил бўлиб тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар чиқиши мумкинлиги кўзда тутилган. Кредитлаш бўйича амалдаги тартибда юридик шахслардан аудиторлик хулосаси талаб қилинган ҳолда, яқка тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг тўловга қобилиятлилиги банк томонидан умум қабул қилинган қоидалар асосида ўрганилади. Жумладан, тадбиркорга хизмат кўрсатувчи банкдан ҳисобварағидаги маблағлари тўғрисидаги маълумотлар, жисмоний шахсдан эса унинг омонати (унинг таклифи билан) ёки иш ҳақи, бошқа даромадлари тўғрисидаги зарур ҳолларда, давлат солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган жисмоний шахснинг даромадлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим қилиш сўралади. Жисмоний шахсларнинг кафиллиги фақат жисмоний шахсларга кредит беришда асосий таъминот сифатида олиниши мумкин, бошқа кредитлар бўйича жисмоний шахснинг кафиллиги қўшимча ёки навбатдаги таъминот сифатида қабул қилинади.

Банк ёки бошқа молия муассасалари томонидан бериладиган кафолатлар ушбу ташкилотларнинг бевосита биринчи раҳбари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳамда бош ҳисобчиси томонидан имзоланган ва муҳрланган бўлиши талаб этилади, кафолат бериш ҳуқуқи банк филиаллар ваколатига берилган бўлса, у ҳолда бундай ваколатни берувчи юридик шахснинг ваколатли бошқарув органининг шартнома тузишга рухсати тақдим қилиниши лозим. Кафолат хатида кафолат берувчининг кредит ва унга ҳисобланган фоизларини маълум бир сабабларга кўра қарздор томонидан тўланмай қолиши содир бўлганда, банкнинг биринчи талабига мувофиқ тўлаб берилиши аниқ акс еттирилиши талаб этилади.

17.4.Банк кафолати ва унинг кредитлашдаги ўрни

Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 299-310 моддалари талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012-йил 24-мартдаги 10/1-сон қарори билан тасдиқланган 761-сонли низом талаблари асосида олиб борилади.

Кафолат –кафолат берувчи томонидан қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаган тақдирда, муддати келганда унинг мажбуриятларини тўлаб бериш мажбурияти тушунилади. Қонунчилик ҳужжатларига асосан банк, бошқа кредит муассасалари ёки суғурта ташкилотлари (кафил) бошқа шахс (принсипал)нинг буюртмасига кўра кафолат бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 299-моддаси ва Марказий банкнинг ушбу соҳага оид меъёрий ҳужжатларига асосан **банк кафолати** – банк (кафил) бошқа шахс (принсипал)нинг буюртмасига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принсипалнинг кредитори (бенефитсиар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим етса, пулни унга тўлаш ҳақида принсипалга берадиган ёзма мажбуриятдир.

Қонунчилик ҳужжатларига асосан банк кафолатида келтирилган кафил, принципал, бенефитсиар сўзларининг моҳиятига эътиборимизни қаратамиз. Банк кафолатида **кафил** – ўз миқдори, яъни (принципал)нинг ёзма аризасига кўра, принципал бенефитсиар олдидаги мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафолатга мувофиқ ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини ўз зиммасига олувчи банк, **принципал** эса банкка ўзининг учинчи шахс (бенефитсиар) олдидаги мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида кафолат бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилган шахс, **бенефитсиар** принципалнинг мажбурияти бўйича кафолатни қабул қилувчи кредитор ҳисобланади.

Кафолатга биноан банк (кафил) миқдорнинг (принципал) илтимосига кўра, банк ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефитсиар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим етса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. Кафолат принципалнинг (миқдорнинг) бенефитсиар олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди. Кафолат берилгани учун принципалдан банк тариф ставкаларида ёки кредит комиссияси қарорида белгиланган миқдорда ҳақ тўланади. Кафолат берилишида банк ва принципал ўртасида алоҳида ёзма шартнома тузилади. Бунда, банк кафолат беришдан олдин унинг учун ундириладиган ҳақ тўғрисида миқдорга тушунтириш бериб, у билан келишиб олиниши ва бу шартномада кўрсатиб ўтилиши керак.

Кафолат асосий қарз бўйича ҳисоб-китоблардан ёки кредитор ва асосий қарз олувчи ўртасидаги шартномадан ажралган ҳолдаги мустақил мажбурият ҳисобланади. Амалиётда кредит ташкилотлари томонидан бериладиган банк кафолатларининг турли хилдаги кўринишлари мавжуд. Банк кафолати (худди кафиллик каби) кредит мажбуриятларини қоплаш воситаси ҳисобланади ва у анча қулай восита бўлиб, молиявий йўқотишлардан қочиш мақсадида кредиторлар томонидан кенг фойдаланилади.

Банк кафолатини олиш учун миқдор (принципал) банкка ёзма равишда ариза (кафолат буюртмаси) билан мурожаат қилиши керак. Аризада сўралган кафолат тури, суммаси ва муддатлари ҳамда кафолат учун қарама-қарши таъминот тури таклиф қилинади. Миқдор ўз аризаси билан бирга кафолатдан фойдаланишнинг бутун даврини ўз ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режасини, давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) органи тасдиқлаганохирги ҳисобот санаси бўйича бухгалтерия баланси молиявий натижалари ҳақида ҳисобот, муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома, шунингдек, 90 кундан зиёд қарзларга доир солиштириш далолатномаларива охирги уч молиявий йил натижалари бўйича аудиторлик хулосаси, кафолат таъминотида доир ҳужжатлар, шартномаларни имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар, миқдорнинг (принципалнинг) кредитори (бенефитсиар) томонидан талабномасига доир ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Банк ҳам ўз навбатида у берган кафолат бўйича мажбуриятни ўз вақтида бажаришнинг

таъминотига эътибор қаратади. Мижоз банкка ликвидли мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиши, кафолат бўйича мажбуриятни бажармаслик хатарининг суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси ва бошқа таъминотни, таъминот турларидан бирини тақдим этиши лозим.

Банк ҳужжатлар банкка келиб тушган кундан бошлаб йигирма банк куни ичида кафолат бериш ёки кафолат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши ва ўз қарори тўғрисидаги хабарномани уч банк кунидан кечиктирмай принципалга юбориши зарур. Кафолат бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинса, кафил ва принципал ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафиллик шартномаси тузилади.

Шартномада шартнома тузилган сана ва жой, шартнома предмети, шартнома баҳоси, бажарилиш муддатлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кафилнинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби, мажбуриятларининг чегаралари, кафолатни чақириб олиш асослари, шартнома бўйича жавобгарлик, уни бекор қилиш ва бошқа реқвизитлар кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг банкларга оид қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрларга риоя етмаётган ҳамда кредит портфелида 6 фоиз ва ундан юқори миқдордаги тўлов муддати ўтган ёки муаммоли активлари мавжуд бўлган тижорат банклари томонидан кафолат бериш тақиқланади. Ундан ташқари тижорат банклари томонидан берилган жами кафолат ва принципал томонидан қопланмаган бенефитсарга тўлаб берилган маблағлар суммаларининг йиғиндиси биринчи даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Банк кафолатини олиш хоҳишида бўлган мијоз (принципал) зарар кўриб ишламаётган бўлиши ҳамда ликвид балансга эга бўлиши, муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзларининг мавжуд бўлмаслиги, охириги уч молиявий йил натижалари бўйича ижобий аудиторлик хулосасига ҳамда ижобий кредит тарихига эга бўлиши лозим. Агарда мијоз банк кафолатини олгандан кейин шартнома шартларини бузса, банк томонидан кафолат чақириб олиниши мумкин. Бунинг учун банк кафолат беришда унинг чақириб олиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқ белгилаб қўйиши ва бу шартномада акс еттирилган бўлиши лозим. Банк томонидан берилган кафолатда унинг берилган куни ва амал қилиш муддати ва агар банкнинг бошқа шартлари бўлса улар ҳам кўрсатилган бўлиши керак. Банкда берилган барча кафолатлар бўйича уларнинг суммаси, шартлари, муддати ва тури тўғрисида алоҳида ҳисобот юритилади.

Кафолат Бош банк томонидан берилади, кафолат бериш масаласи Бош банкнинг кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарори асосида амалга оширилади. Аксарият банкларда Бош банк томонидан банк филиалларига кафолат бериш ҳуқуқининг тақдим этилишига йўл қўйилмайди. Аммо баъзи банкларнинг Кредит қўмитаси маълум турдаги кафолатларни бериш бўйича қарор қабул қилиш ваколатларни филиал кредит

комиссияларига бериши мумкин. Бундай ҳолларда банк филиали кредит комиссияси банк кафолати бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилгандан сўнг, агарда, унга кафолат бериш ҳуқуқи берилмаган бўлса, кўрсатилган ҳужжатларни ва, шунингдек, банк кафолати бериш тўғрисидаги шартномани имзолаган ҳолда Бош банк кредит қўмитасига ҳужжатларни тақдим қилади. Банк филиали ва мижоз ўртасидаги банк кафолати бериш тўғрисидаги шартномада унинг кредит қўмитаси розилиги олингандан кейингина кучга кириши мумкинлиги тўғрисидаги шарт киритилган бўлиши керак.

Кафолатда назарда тутилган кафилнинг бенефитсиар олдидаги мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш билан чекланади.

Кафилнинг принципалдан кафолат бўйича бенефитсиарга тўланган суммаларни регресс тартибида тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал билан бажариш юзасидан кафолат берилган келишувда белгилаб қўйилади.

Берилган кафолат бўйича унинг амал қилиш муддати давомида принципалнинг молиявий аҳволи ва кафолат бериш билан боғлиқ битимларнинг ижроси доимий назорат қилиб борилади. Принципал молиявий аҳволи ёмонлашганда ёки у томонидан кафолат бериш тўғрисидаги шартномага риоя қилинмаганда, кафолат бериш тўғрисидаги шартнома бўйича таъсир чоралари қўлланилади.

Банк томонидан кредит (лизинг) қайтмаслик хавфи юзасидан бошқа банкларнинг кафолати қабул қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда, бошқа шартномалар каби берилаётган кафолат шартлари кредит (лизинг) шартномаси шартларига мувофиқлиги ва бошқа шартноманинг муҳим шартлари банк томонидан ўрганиб чиқилади. Бошқа банкларнинг кафолати кафолат берган Бош банкининг ваколатли раҳбарлари томонидан тасдиқланган (маъқулланган) бўлгандагина қабул қилиниши мумкин.

Тижорат банклари томонидан берилган кафолатлар бўйича принципалнинг молиявий аҳволи, кредит тарихи ва принципал фаолият кўрсатаётган иқтисодиёт тармоғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, унинг кредитга лаёқатлилигидан келиб чиқиб белгиланган тартибда эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантириши лозим. Принципалнинг кредит лаёқатлилиги “яхши”, “стандарт”, “субстандарт”, “паст” ва “ёмон” каби таснифланади.

Кредитга лаёқатлилиги “яхши” деб эътироф этилган принципал берилган кафолатлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантирилмаслиги мумкин. “Стандарт” кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларига эга бўлган принципал берилган кафолат суммасининг 10 фоизи миқдорида, “субстандарт” деб эътироф этилган принципал берилган кафолат суммасининг 25 фоизи миқдорида, кредитга лаёқатлилиги “паст” деб эътироф этилган принципал берилган кафолат суммасининг 50 фоизи миқдорида, “ёмон” кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларига эга бўлган принципал берилган кафолат суммасининг 100 фоизи миқдорида эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантирилиши лозим.

Халқаро талабларга мувофиқ банк кафолатида принципал, гарант ва бенефитсарлар номлари, шартнома шартлари, тўланиши керак бўлган максимал сумма, тўлов валютаси номи, кафолатнинг амал қилиш муддати, тўловни талаб қилиш усули, мажбурият суммасини камайтириш имкониятлари каби маълумотлар акс еттирилиши, шунингдек, кафолат матнида кафолатнинг чақирилмайдиган характерда эканлиги тўғрисида кўрсатилиши керак.

Банк кафолати ва кафилликнинг қўлланишидан мақсад мажбурият (кредитни қоплаш бўйича)ни бажаришни таъминлаш усули бўлганлиги билан уларнинг моҳияти умумий тавсифга эга. Аммо банк кафолати ва кафил ўртасида қуйидаги аниқ фарқлар мавжуд:

1.Банк кафолати (кафилликдан фарқли равишда) асосий мажбуриятга боғлиқ эмас.

2.Мажбурият субъектлари бўйича.Қонун бўйича банк гарантлари сифатида фақат кредит муассасалари ва суғурта ташкилотлари қатнашиши, кафил сифатида эса турли юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.

3.Муносабатларни ўрнатиш шакли бўйича.Банк-гарантлар банк-мижозлари билан банк кафолати шартномасини тузадилар ёки уларга кафолат хати юборадилар. Кафиллилик муносабатлари эса банк-кредитор ва кафил ўртасида кафиллик шартномаси тузилиши натижасида ўрнатилади.

Тажрибали **инглиз иқтисодчиси Кристофер А. Блумфилд кафолат бераётганда** кафолатланаётган шартноманинг мустаҳкамлигига ишониш ҳосил қилиш, берилган кредитни қоплаш бўйича масалаларни яхшилаб кўриб чиқиш, банк-кредитор билан кафолатни тақдим этиш тўғрисида келишиш, бунда кафолат суммасининг активлар қийматидан юқори бўлмаслигига эътибор беришни маслаҳат беради.

Хорижий мамлакатлар амалиётида банк кафолатининг қатор турлари қўлланилади.

Чақирилмайдиган кафолат – кафолат чақирилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши (агар олдиндан келишиб олинган бўлмаса) мумкин эмас. Аммо баъзи хорижий давлатлар қонунчилигида чақириладиган кафолатни қўллаш ҳам таъқиқланмаган. Агар банк кафолати тўғрисидаги шартномада: **“банк кафолати чақириладиган характерга эга”** деб аниқ белгиланган бўлса, бунда гарант хоҳлаган пайтида берган кафолатини бекор қилиши мумкин. Шунинг учун кредиторлар кафолат турига жуда эътибор билан қарашлари лозим.

Банк-кредитор, қарз олувчи ва гарант ўртасидаги муносабатларда энг муҳим жиҳати – бу банк кафолатининг кучга кириш вақтини аниқлаш ҳисобланади. Одатда, банк кафолати берилганига қарз олувчи гарантга мукофот тўлайди. Бу омил амалиётда кафолатнинг кучга киришида рол ўйнаши мумкин. Масалан, банк кафолати қарз олувчи гарантга кафолат суммасидан аниқ фоиз ҳисобида комиссия мукофот ўтказилгандан кейин ёки қарз олувчининг ҳисоб рақамига барча кредит суммаси ўтказилгандан

кейин ёки кредит шартномасида кўрсатилган мақсадлар бўйича кредит ишлатилганда ва бошқа ҳолларда кучга кириши мумкин.

Банк кафолатининг ижро этилиши тўғрисидаги кредитор талаби, у томонидан ёзма шаклда кафолатда кўрсатилган ҳужжатлар билан бирга гарантга тақдим этилиши керак.

Кредитор ва гарант ўртасидаги барча муносабатлар банк кафолати шартномасида аниқланади. Бу қоидага риоя қилмаслик ёки ёзма шаклда шартнома тузмаслик шартнома ҳаққоний эмаслигидан далолат беради. Кафолат ёки икки томонлама шартнома гарант томонидан кредиторга юборилган кафолат хати орқали расмийлаштирилади.

Кафолат хати – банк-кредитор ва гарант ўртасида шартномани тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади. Кафолат хати ссуда олувчи томонидан банкка кредит бериш масалалари ҳал этилгунча топширилиши лозим. Кафолат берувчи, ссуда олувчига кафолат хатини беришдан олдин, кафолат хати ҳақида ўз банкига ариза бериши лозим ва ушбу аризада кафолат бериш зарурлиги ва мақсади ҳақида ёритиш лозим.

Банк кафолати шартномасида қайси мажбуриятни ижро этилиши учун кафолат берилганлиги, кимга (кредитор номи) берилганлиги ва ким учун (қарз олувчи номи) берилганлигига кўрсатилиши керак. Арбитраж судларининг амалиётидан келиб чиққан ҳолда, банк кафолати шартномасида қайси мажбуриятни ижро этилиши учун кафолат шартлари аниқ кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган деб ҳисобланмайди.

Умумий қоида сифатида гарант кредитор олдида субсидиар (қўшимча) жавобгарликни ўзига олади. Гарантнинг ва қарз олувчининг солидар жавобгарлиги банк-кредиторга нисбатан фақатгина қонунчиликда ва шартномада кўрсатиб ўтилганда белгиланади.

Жаҳон амалиётида банк-гарантнинг кредитор олдидаги мажбуриятларининг бажарилиши қуйидаги ҳолларда:

- 1) кафолат берилган сумма кредиторга тўланганда;
- 2) белгиланган кафолат муддати тугаган пайтда;
- 3) кредитор гарантия бўйича ўз ҳуқуқларини рад етса ва уларни гарантга қайтарса;
- 4) кредитор гарантни мажбуриятларидан холи этиш тўғрисида ёзма ариза орқали кафолат бўйича ўз ҳуқуқларини рад этганда, кафолат берувчи ўз мажбуриятларини бажаришдан тўхташи мумкин.

Гарант кафолат тўхтатилганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин қарз олувчига бу ҳақда дарҳол маълум қилиши шарт.

Гарант қарз олувчидан банк кафолати бўйича кредиторга тўланган суммани регресс тартибда қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Хориж амалиётида банк кафолати кенг тарқалган бўлиб, мустаҳкам рақобатчилик шароитида бундай хизмат бозорида банк-гарантларнинг комисион ставкаси гарантия (кафолат) суммасидан 0,1-0,8% ни ташкил қилади. Иқтисодий ва ҳуқуқий нобарқарорлик, юқори банк рисклари

шароитларида бу кўрсаткич 4-10% ни ташкил қилиши мумкин. Чет элбанклари томонидан тақдим этилган кредитларнинг кафолати сифатида давлат (ҳукумат), ваколатли банклар, банклар консортсиуми, алоҳида банклар ва суғурта компаниялари қатнашиши мумкин.

Бизнинг амалиётимизда ҳам ҳукуматимиз кафолати орқали Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкидан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан, йирик чет элбанкларидан тижорат банкларимиз кредит олишмоқда.

Кредит муносабатларининг асосийҳужжати бўлган кредит шартномаси қарз олувчининг кредитни ўз вақтида қайтариш мажбуриятини кўзда тутди. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, иқтисодиётдаги инфляция жараёнлари ссуданинг қадрсизланишига, қарздорнинг молиявий аҳволининг ёмонлашуви кредитни тўлаш муддатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун халқаро банк амалиётида кредитнинг қайтарилишини ташкил этишнинг механизмини ишлаб чиқилган. Бу механизм қуйидагиларни ўзида мужассамлаштиради:

- ссудани тушум (даромад) ҳисобидан қоплаш тартиби;
- қоплаш тартибини кредит шартномасида мустаҳкамлаб қўйиш;
- ссуда маблағини ўз вақтида ва тўлалигича қайтарилишини таъминлашнинг турли шаклларида ва манбаларидан фойдаланиш.

Банк амалиётида ссудаларни қоплаш манбалари бирламчи ва иккиламчи манбаларга бўлинади. Бирламчи манба сотувдан келган тушум бўлиб, бу кредитни қоплашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Кредит таъминотининг иккиламчи шакллари кредит қайтарилишининг кафолат, гаров ва бошқа шакллари ҳисобланади.

Хорижий банкирлар кредит шартномасини тузиш имкониятларини кўриб чиқишда, аввало, кредитни қоплашнинг бирламчи манбаларга таянишни ўз фаолиятининг “олтин қоидаси” деб ҳисоблайдилар.

Амалиётда кўп ҳолларда кредитнинг қайтарилишида маълум рисклар мавжуд бўлади. Бу рискларга турли омиллар таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ҳолларда кафолат сифатида иккиламчи манбалар ҳам талаб қилинади. Улар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- мулк ва ҳуқуқ гарови;
- талаблар ва ҳуқуқларни ўтказиш;
- кафолат ва кафиллик, суғурта в.б.

Кредитларни қоплашнинг иккиламчи шаклларида фойдаланиш кўп меҳнат талаб қиладиган, узоқ муддатли жараён ҳисобланади. Шундай бўлсада, ушбу шакллардан бизнинг амалиётимизда кенг фойдаланилади.

Назорат учун саволлар.

1.Кредитнинг таъминланганлиги деганда нимани тушунасиз ва у нима учун зарур?

2.Таъминланганликнинг қайси шакллари мавжуд?

3. Банк кафолати деганда нимани тушунаси?
4. Кафолатнинг қайси турларини биласиз?
5. Гаровнинг турларини изоҳланг.
6. Гаровнинг баҳолаш тартибини тушунтиринг.
7. Кафиллик деганда нимани тушунаси?

18- боб.Тижорат банклари фоиз сиёсати

18.1.Тижорат банклари фоиз сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.

18.2.Тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсир этувчи омиллар.

18.3. Фоиз ставкаси ва унинг турлари

18.4.Банк маржаси ва фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омиллар

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

18.1.Тижорат банклари фоиз сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари

Тижорат банкларининг фоиз сиёсатининг асосий жихатлари куйидагилардан иборат:

1. Фоиз сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари: фоиз сиёсатининг асосий мақсади фоиз сиёсатида аниқ белгилаб куйилган булиши лозим. Айрим банкларда фоиз сиёсатининг асосий мақсади сифатида фоиз рискларини бошқариш тизимини такомиллаштириш белгилаб куйилади, бошкаларида эса соф фоизли даромад даражасини ошириш курсатилади.

2. Фоиз рискинни юзага келтириши мумкин булган холатлар: бундай холатлар одатда кредит куйилмаларининг хажминини кескин оширилиши натижасида ёки кредитларнинг бозор ставкаларининг сезиларли даражада ошиши натижасида юзага келиши мумкин.

3. Фоиз рискинни бошқариш усуллари: одатда банк амалиётида фоиз рискинни асосий бошқариш усуллари сифатида фоизли своплардан кенг фойдаланадилар, кичик банкларда эса купрок кредит рискига лимитлар урнатиш услубидан фойдаланадилар.

4. Фоиз ставкаларининг устирмаслик макомининг белгилаш тартибининг жорий қилиш.

Тижорат банклари даромадларининг шаклланиши уларнинг фоиз сиёсати орқали амалга оширилади. Банк кредит бера туриб миқдорнинг фаолиятининг молиявий жихатдан қўллаб-қувватлаб унинг фойда олиши учун шарт - шароит яратар экан, демак, бу орқали ўзининг мақсадли манфаатининг ҳам амалга оширган бўлади. Банк бошқарувида фоиз сиёсатининг ишлаб чиқиш ва бошқариш муҳим ўрин тутди. Тижорат банкларининг **фоиз сиёсати** банк умумий сиёсатининг муҳим элементларидан бири сифатида банкнинг пул маблағларининг жалб қилиш ва жойлаштириш соҳасида фоизлар урнатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар мажмуасидан иборат бўлиб банкнинг ликвидлиги ва рентабеллигининг таъминлашга йўналтирилган. Фоиз сиёсатига кенгроқ таъриф берадиган бўлсак, у фоиз ставкаларининг бошқариш орқали иқтисодий муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган чора- тадбирлар


йиғиндисидир. Шу боис, фоиз сиёсати банк операцияларининг самарали бўлишини ва банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланиб тижорат банкининг соф фоиз даромадини кўпайтириш ва банк баланси ликвидлигини бошқаришга йўналтирилади.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати ва уни амалга оширишга ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади.

Фоиз сиёсатига таъсир қилувчи **ташқи омилларга** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Молия бозорининг ҳолати
- Мамлакатда мавжуд инфляция даражаси
- Банкуро рақобат ва банк хизматларига бўлган талаб
- Пул бозоридаги таклиф
- Марказий банкнинг пул – кредит сиёсати
- Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ривожланишининг ўзига хос

хусусиятлари



18- расм. Тижорат банки фоиз сиёсатини шакллантириш босқичлари

Фоиз сиёсатига таъсир қилувчи **ички омилларга** қуйидагилар киради:

- Банк хизматларининг кўлами ва турлари
- Банк миждозларининг таркиби ва молиявий ҳолати
- Банк ходимларининг малакаси ва тажрибаси
- Банк ресурс базасининг барқарорлиги, миқдори, ҳажми, муддати ва

ҳ.к.

Банкларнинг фоиз сиёсати банкга жалб қилинган ресурслар ва уларни активларга жойлаштириш давомида уларнинг миқдори, муддати ва фоизларида мувофиқлик бўлишини таъминлашга йўналтирилади. Жалб қилинган маблағлар ва уларни активларга жойлаштиришда фоизларнинг номутаносиб бўлиши, активлар бўйича олинган фоизлар жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар тўлашга етарли бўлмасдан фоиз рискинни юзага келтириб йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Одатда **пассив операциялар бўйича фоиз ставкаларини** шакллантиришда қуйидаги омилларга, яъни:

- жалб қилинган ресурслар бўйича фоиз ставкалари муддати, ҳажми, миждоз тавсифи, пул маблағлари қайси валютада жалб қилинганлиги ва бошқалар;

- Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий резерв меъёрига;

- жалб қилинган маблағлар бўйича реал фоиз ставка ўрнатилганлигига, яъни актив операциялар бўйича ўрнатилиши мумкин бўлган фоиз ставкаси ва маржа миқдорини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилишига боғлиқ бўлади.

Тижорат банкларининг ресурсларни жалб қилиш бўйича фоиз сиёсати уларнинг депозит сиёсати сингари қуйидаги омилларга:

- ресурсларни жалб қилиш борасида қўлланиладиган банк воситалари ва усулларига;

- депозит муносабатларининг субъектлари(жисмоний ва юридик шахслар)га;

- ресурсларни жалб қилиш муддатлари(қисқа муддатли, ўрта муддатли ёки узоқ муддатли фоиз сиёсати)га;

- маблағларни жалб қилиш мақсадлари(инвестиция учун, кредитлаш ёки жорий ликвидликни таъминлаш ва ҳ.к.)га;

- жалб қилинган ресурслар бўйича баҳо сиёсати ва амалга оширилган операцияларнинг рислилик даражасига боғлиқ бўлади.

Маблағларни жалб қилиш борасида тижорат банкларининг фоиз сиёсати қуйидаги тамойилларга таянади:

-банкга жалб қилинган маблағларнинг миқдори ва банкда сақланиш муддатига қараб фоиз ставкаларини дифферентсиатсиялаш тамойили;

-жамғармалар бўйича фоизларни дифферентсиатсиялашда “ижтимоийлик” (болалар, ёшлар, ёш оилалар, қариялар учун, Давлат дастурларида белгиланган йўналишлар бўйича имтиёзли жамғармалар) тамойили;

-банк фаолиятининг рентабеллигини таъминлаш тамойили;

- жамғармачилар маблағларини сақлаш ва ҳимоя қилиш тамойили ва бошқалар.

Аҳоли жамғармалари банк ресурсларининг бир қисмини ташкил этганлиги боис улар бўйича фоиз ставкаларини ўрнатишда жамғарманинг миқдори ва муддатига эътибор бериш лозим. Чунки депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўзгариши кредит баҳосининг ҳам ўзгаришига олиб келади.

Банкларнинг маблағларни жалб борасидаги фоиз сиёсатининг асосий принтсипи - минимум харажатлар билан банк фаолиятини самарали олиб бориш учун зарур бўлган оптимал миқдор ва муддатдаги пассивлар таркибини таъминлашдан иборат.

Банкнинг фоиз сиёсатида маблағларни жалб қилишда уларнинг қийматида ўз таъсирини ўтказувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Булар:

1. Марказий банкнинг мажбурий захираларига ажратмалар нормаси миқдори ва баъзи жалб қилинган маблағларнинг турига қараб бу нормаларнинг турличалиги.

2. Мижозларни жалб қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ банкнинг оператсион харажатлари даражаси

3. Банк рекламасига сарфланадиган харажатлар

4. Банк маблағларининг оборотдан четлаштирилиши ва даромад келтирмайдиган операцияларга жалб қилиниши

5. Жалб қилинган маблағларнинг миқдори ва муддати, улар бўйича фоиз ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ва бошқалардир.

Банк ресурсларини жойлаштириш соҳасида банкнинг фоиз сиёсатида:

-Ўзбекистон республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкаси миқдорини;

-ресурсларни аниқ воситалар(тижорат кредити, истеъмол кредити, банклараро кредит, мажбуриятларни тўлаш ва б.)га жойлаштиришнинг бозор шартларига риоя қилиш;

-актив операцияларнинг муддати, ҳажми, қиймати, валютасидан келиб қўшимча ресурсларни жалб қилиш бўйича банкнинг имкониятлари;

-банкнинг ўз мижозлари, юридик ва жисмоний шахслар ҳамда бошқа банклар билан ҳамкорлик муносабатларини инобатга олиш лозим.

Тижорат банкларининг **актив операциялари бўйича фоиз ставкаларини** шакллантиришда қуйидаги омилларни, яъни:

• Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини;

• Бозор конъюктурасини;

• Жалб қилинган маблағлар баҳосини ёки маблағларни жалб қилишга сарфланган харажатларни;

• Банк маблағи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳанинг жозибадорлиги ёки риск даражасини;

• Мижознинг молиявий ҳолати,ликвидлилиги кредитга ва тўловга лаёқатлилиги ва бошқаларни инобатга олиш лозим.

Тижорат банкининг кредит сиёсати “баҳо-фойда-фоиз” механизмига таянади. Кредитга талабнинг ошиб бориши ссуда капиталига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатининг ўзгаришига олиб келади, ссудалар бўйича фоиз ставкалар ошади. Бу ўз навбатида кредиланининг кўлами ва ҳажмини кўпайтиради, банк томонидан кўшимча кредит пуллар муомалага чиқарилади, банкнинг ликвидлилик квотаси камаёди. Одатда банк фоиз ставкасининг юқори ва паст чегаралари белгиланади. Кредит бўйича фоиз ставкасининг юқори чегараси бозор муносабатлари асосида талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланади. Фоиз ставкасининг паст чегараси банкнинг маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатлари ва кредит ташкилоти фаолиятини олиб боришга кэтган сарфлардан келиб чиқиб белгиланади.

Тижорат банкларининг ресурсларни жойлаштириш бўйича фоиз сиёсатининг асосий тамойили – активларнинг баланслаштирилган таркиби ва жойлаштирилган ресурсларнинг минимал даражадаги рискига эришган ҳолда банкнинг максимал даромад олишини таъминлашдан иборат бўлиб у қуйидаги тамойилларга таянади:

-маблағларни жойлаштириш йўналиши, муддати, мижознинг молиявий ҳолати, ликвидлиги, тўловга лаёқати, таъминот даражасига қараб фоизларни дифференциациялаш;

-банк операцияларининг (ресурсларнинг реал баҳосидан келиб чиқиб) рентабеллигини таъминлаш;

-юқори даражада ликвидлиликка эришиш ва уни барқарор ушлаш;

-актив операцияларга жойлаштирилаётган мижозлар маблағларининг максимал қайти келишига эришиш тамойилларидир.

Тижорат банклари фоиз сиёсатини амалга оширишда фоиз маржасини ҳисоблаб боради. **Фоиз маржаси** фоизли даромадлар ва фоизли харажатлар ўртасидаги фарқни ташкил этади, ёки банк томонидан жалб қилинган ресурслар учун амалга оширилган тўловлар ва жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлар ўртасидаги фарқ фоиз маржаси сифатида шаклланади. Фоиз маржа банк бўйича умумий ҳамда алоҳида олинган моддалар бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Фоиз маржанинг салмоғини аниқлаш учун фоиз маржаси коэффициенти қўлланилади. Фоиз маржаси коэффициенти тижорат банки маржасининг ҳақиқий ва етарли бўлган миқдорини кўрсатади. Фоиз маржаси миқдорининг ҳақиқий ҳолати **фоиз маржаси коэффициенти (Кхфм)** қуйидаги формула бўйича аниқланади ва у банк фойдасида фоиз миқдорининг ҳажми қанча эканлигини кўрсатади.

$K_{x\phi m} = (O_{\phi} - T_{\phi}) / A$ ўқ ёки $K_{x\phi m} = (\text{олинган фоизлар} - \text{шу даврда тўланган фоизлар}) / \text{даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи};$

Бу ерда:

O_{ϕ} – олинган фоизлар,

T_{ϕ} – тўланган фоизлар,

A ўқ - даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи

Шунингдек, банкларда фоиз маржанинг минимал етарлилик даражасини ҳам аниқлаш мумкин.

Банк томонидан олинган маржа унинг харажатларини қоплашга етарлилигини фоиз маржанинг етарлилик коэффиценти(**Кфме**) орқали аниқланади.

$(Кфме) = ((X_o - T_f) + (B_{Ax} - B_x)) / A_{\text{ўқ ёки}} (Кфме) = (\text{Опер. харажатлар} - \text{тўланган фоизлар}) + (\text{бошқарув аппарат. харажатлари} - \text{бошқа харажатлар}) / \text{даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи};$

Бу ерда:

X_o – оператив харажатлар,

T_f – тўланган фоизлар,

B_{Ax} – бошқарув аппарати харажатлари,

B_x – бошқа харажатлар (банкнинг нокредит характердаги операциялари, МЮ инкассация, турли тўловлар ва бошқалар бўйича харажатлари),

$A_{\text{ўқ}}$ - даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи

Фоиз маржанинг етарлилик коэффиценти аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб келажакда фоиз маржаси миқдорини прогнозлаш имкониятини беради. Актив операциялар бўйича фоизларнинг минимал миқдорини шакллантиришда фоиз маржасининг етарли миқдори асос қилиб олинади ва ушбу миқдорга инфляцияни ҳисобга олган ҳолда ресурсларнинг реал қийматини кўшиш орқали аниқланади.

Банк айнан кредит операциялари бўйича ҳам ҳақиқий фоиз маржасини ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Тижорат банкларининг кредит операциялари бўйича фоиз маржаси коэффиценти (**Кхфм кред. опер.**) ни қуйидаги формула бўйича аниқлашимиз мумкин.

$Кхфм \text{ кред. опер} = (K_f - P_{тф}) / K_{\text{ўқ ёки}} Кхфм \text{ кред. опер.} = (\text{кредит бўйича олинган фоизлар} - \text{кредит ресурс бўйича тўланган фоизлар}) / \text{шу даврдаги кредит қарздорликнинг ўртача қолдиғи};$

Бу ерда: K_f – кредитдан олинган фоизлар,

$P_{тф}$ - кредит ресурс бўйича тўланган фоизлар,

$K_{\text{ўқ}}$ - шу даврдаги кредит қарздорликнинг ўртача қолдиғи;

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати улар фаолиятининг тижорат характери билан боғлиқ бўлганлиги сабабли фоиз сиёсати банкнинг фойда олишига ёки фойда олиш учун барча шароитларни яратишга, депозитлар ва кредит операциялари бўйича фоизларни мувофиқлаштириш ва уларни банкга фойда келтирадиган даражада ўрнатиш орқали банк операциялари ва фаолияти рентабеллигини таъминлаш, депозит ва ссуда операцияларининг суммалари, фоизлари, муддатлари бўйича бир-бирига алоқадорлиги ва мутаносиблигини таъминлаш, банк баланси ликвидлигини таъминлаш, фоиз рискни минималлаштириш ва бошқаларни таъминлашга замин яратади.

Тижорат банклари фоиз сиёсатининг самарадорлиги ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш борасида фоизларни оптимал ўрнатиш ва уларни бошқариш орқали юқори фойда олиш билан бирга омонотчиларнинг омонотларининг ижтимоий-иқтисодий кафолатланганлигини таъминлашдан иборатлиги билан белгиланади.

Банклар фоиз сиёсатини амалга оширишда омонатлар бўйича тўлайдиган фоизни уларнинг ўзлари тақдим этадиган ссудалар учун оладиган ссуда фоизидан пастроқ қилиб белгилайди. Содда қилиб айтганда, олинган ва тўланган фоизларнинг суммалари ўртасидаги фарқ банкларнинг фойдасининг асосини ташкил этади. Банк фойдасига бошқа турдаги операциялардан кўрилган даромадлар ҳам киради. Банк фойданинг бир қисмини солиқларни тўлашга, ўз харажатларини (банк хизматчиларига, ходимларига иш ҳақи тўлаш, биноларни сақлаш, идора чиқимлари, реклама харажатлари, транспорт харажатлари ва бошқалар учун маблағ сарфлаш) қоплашга ишлатади, солиқлар тўлагандан қолган қисми эса банкнинг соф фойдасини ташкил этади.

Маълумки, тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ўзларининг фоиз сиёсатини юритадилар. Аммо, банкларда юқори фойда олиш имкониятлари кенг бўлсада, улар бу имкониятлардан еҳтиёткорлик билан фойдаланишлари лозим. Чунки юқори фойда олиш доимо юқори рискли жараёнларни амалга оширишни талаб этади. Юқори риск остида фаолият олиб бориш ҳамма вақт ҳам муваффақият келтирмаслиги мумкин. Биринчидан, катта маржа ортидан қувиш мижозлардан маҳрум бўлиб қолишга олиб келиши муқаррар, чунки улар ҳаддан ташқари юқори кўйилган фоиз ставкали кредитлардан воз кечишлари мумкин. Иккинчидан, банклараро рақобат шароитида бошқа тижорат банклари бир қадар самаралироқ ишлар учун анча арзон кредитлар таклиф этишлари мумкин. Фойда олиш қоидаси тижорат банклари фаолиятининг асосий қоидаларидан ҳисобланади ва бундай мақсадни қўймаган банк бозор муносабатлари шароитида тўлақонли фаолият кўрсата олмайди. Банк тижоратининг бу қоидаси асосан “Арзонроқ сотиб олиш, қимматроқ сотиш” формуласи орқали амалга ошади. Бироқ, бу қоидага нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ёндашмоқ лозим.

18.2. Тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсир этувчи омиллар

Барча товарларга бўлгани каби кредит учун ҳам нарх (нархнинг асосини ташкил қилувчи фоиз ставкалари) талаб ва таклиф асосида вужудга келади. Буни схематик тарзда қуйидагича кўришимиз мумкин.

Алоҳида келишувлар бўйича фоиз ставкасининг вужудга келади.

Қарз олувчи томондан	Кредитор томондан
Талаб	Таклиф
Кредитга бўлган эҳтиёж	Кредиторнинг ссуда фонди
Қарз олувчини қониқтирадиган (истаётган) фоиз ставка	Кредиторни қониқтирадиган (истаётган) фоиз ставка
Кечаги кундаги фоиз ставкалар	Бозордан келиб чиқиб ўрнатиладиган фоиз ставкалар

19-расм. Кредит бўйича фоиз ставкани шаклланиш элементлари

Кредит бўйича фоиз ставкалар пул бозорида кредитга бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Талаб ва таклифнинг даражаси кредит баҳосининг қиммат ёки арзон бўлишига асос бўлиши мумкин. Кредит баҳосининг асосини у бўйича ўрнатилган фоиз ставка ташкил қилади, лекин ҳамма вақт ҳам кредитнинг фоизи унинг баҳосини ўзида ифода қилмайди. Кредитнинг баҳоси кредит бўйича фоиз ставкадан ташқари турли комиссия тўловлар, ссуда ҳисоб варақларини очиш, юритиш, кредит бериш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа тўловларни ўзида акс эттиради. Баъзи давлатларда кредитнинг баҳоси кредитнинг тўлиқ қиймати деб ҳам юритилади.

Тижорат банклари ўз фоиз сиёсати доирасида фаолият олиб бориши билан бирга баъзи бир омиллар банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларини ўзгартириб туришни тақозо қилиши мумкин. Бу соҳадаги ташқи омилларга

1. мамлакатдаги пул-кредит сиёсатининг ҳолати таъсир кўрсатиши мумкин. Марказий банк томонидан фоиз ставкаларига таъсир ўтказиш орқали иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтириши ёки камайитириши, иқтисодиёт ва пул муомаласининг ҳолатига қараб кредитни арзонлаштириши ёки қимматлаштириши мумкин. Фоиз ставкаларни мувофиқлаштириш орқали Марказий банк тижорат банклари билан муносабатларини кенгайтиради. Фоиз ставкаларнинг камайиши банк кредитларининг ҳажмини оширишга замин яратади, тижорат банкнинг Марказий банкдаги захира маблағларининг ҳажми ҳам ортади. Фоиз ставканинг оширилиши банк кредитлари ҳажмининг ва тижорат банкнинг Марказий банкдаги захира ҳисоб варағидаги маблағларнинг камайишига олиб келади.

2. Кредит ресурслари ва хизматлари бозоридаги рақобат ҳам кредитлар бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиб, паст фоиз ставкаларда кредит бериш орқали мижозлар сонини ва уларга йўналтирилган кредитлар ҳажмини оширишга олиб келади.

3. Инфляция баҳолар ошиши билан характерланади ва у албатта кредитлар бўйича фоизлар ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Инфляция суръатларидан келиб чиқиб берилаган кредитлар бўйича уларнинг инфляцияга учраш салмоғини олдиндан тахминий ҳисоб – китоб қилиш ва кадрсизланишнинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Бу чора берилган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини ўзгартиришни тақозо этади. Чунки тижорат банклари берган кредитларидан оладиган фоизлар бозор ставкаси даражасидан кам бўлмаслиги, инфляция суръатларидан кутилаётган қиймат кадрсизланишини қоплай оладиган, банк барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада бўлиши лозим.

4. Пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳам фоиз ставкасининг ошиши ёки камайишига олиб келиши мумкин. Фоиз ставка ошганида кредит бўйича таклиф ҳам ошади, аксинча таклиф камаяди. Чунки фоиз ошганда мижозлар кредитдан кўра ўзида мавжуд ресурслардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Кредитга бўлган талабда аксинча ҳолатни кўришимиз мумкин,

яъни, фоиз ставка ошганда кредитга бўлган талаб камаяди, фоиз ставка камайганда кредитга талаб ошади. Эркин бозор муносабатлари шароитида мазкур талаб ва таклиф кредитнинг бозор қийматини шакллантиради. Агар кредитнинг баҳоси бозор баҳосидан юқори бўлса пул маблағлари бўйича таклиф юқорилигини, агар кредит баҳоси бозор баҳосидан кам бўлса бу пул маблағларнинг этишмовчилигини кўрсатади.

5. Валютани айирбошлаш курси хорижий давлатларда инвестиция ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларнинг юқори бўлган ҳолларда миллий валютадаги инвестицияларнинг фоиз ставкасини ҳам юқори ўрнатиш орқали миллий валюта курсининг тушиб кетишининг олдини олиш мумкин. Шунингдек банк рисклари даражаси, кредитдан фойда олиш, мижозларнинг тури, фаолияти хусусиятлари, барқарорлиги, уларнинг жойлашув ўрни ва бошқалар ҳам кредит муносабатларини ўрнатиш ва кредит баҳосини белгилашда муҳим аҳамиятга эга

Кредитнинг асосий шarti - бу кредит учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ кредитга берилган маблағга нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Кредитнинг фоиз ставкаси пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоизда белгиланади. Бошқа товарлардан фарқли ўлароқ кредитнинг нархи - бу унинг мижознинг молиявий маблағга бўлган эҳтиёжини қондиришдек хусусиятидан фойдаланилганлик учун бериладиган ҳақ ҳисобланади. Кредит капитал сифатида одатдаги тўлов ёки харид воситасида ишлатилади. Шунинг учун ҳам қарз олувчи шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди.

Фоиз ставкасининг тури, миқдори ёки даражаси кредит шартномасида белгиланади. Фоиз даражаси (ФД) кредит фоизининг (Кф) берилган кредит миқдorigа (Км) нисбати бўйича аниқланиб фоизларда ифодаланади.

$$\text{ФД} = \frac{\text{Кф}}{\text{Км}} * 100$$

Кредит фоизлари тижорат банк даромадининг асосий манбаи ҳисобланади ва фоиз ставкалари мамлакатнинг ссуда капиталлари бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб шаклланади. Умуман олганда, фоиз сиёсати пул-кредит муносабатларини мувофиқлаштириб турувчи иқтисодий усули ҳамдир.

Тижорат банклари кредит муносабатларида фоиз нормасини ҳисоблаганда қуйидагиларни эътиборга олиши лозим:

- таъминланган ссудалар бўйича молиявий барқарор, кредитга лаёқатли мижозлар учун аниқ муддатга бериладиган базавий фоиз ставкасининг даражасини;

- ҳар бир кредит шартнома шартларини, мижоз фаолиятининг хусусиятлари ва бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда риск учун қўшимча тўлов.

Ғарб мамлакатларининг пул-кредит муносабатларида турли хил фоиз ставкалари қўлланилади. 1-даражали фоиз ставкаси Марказий банкнинг

қайта молиялаш фоиз ставкаси ҳисобланади. Бу муҳим аҳамиятга эга. Ставканинг Марказий банк томонидан пасайтирилиши бозорда кредит ресурсларининг таклифини кўпайишига ва арзонлашишига олиб келади.

Фоиз ставкасини пасайтиришдан мақсад - инвестиция харакатини тезлаштириш, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига туртки беришдан иборат.

Қайта молиялаш фоиз ставкасининг ошиши кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг ҳам ошишига, яъни кредитнинг қимматлашувига шу билан бирга иқтисодиётда инвестициялар ҳажмининг қисқаришига олиб келиши мумкин. Демак, Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати инфляция даражаси ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатнинг пул-кредит тизимининг ҳолатига қараб олиб борилиши керак.

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати икки асосий йўналишни ўз ичига олади. Биринчиси, бу банк ресурсларини яратишда маблағларни жалб қилиш жараёнида олиб бориладиган фоиз сиёсати, иккинчиси, банклар томонидан ресурсларни жойлаштириш соҳасида олиб бориладиган фоиз сиёсатидир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг фоиз сиёсати банк тизимига таалуқли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган. 1998 йилнинг 2 декабрида қабул қилинган 558-сонли “Банкларнинг кредит ва депозитлари бўйича фоизлар ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Низомига асосан олиб борилади.

Тижорат банклари фоиз сиёсатини ўзлари мустақил ишлаб чиқадилар ва улар амалга оширадиган операцияларига фоизлар ўрнатишда эркиндирлар (аммо, фоизлар ўрнатиш чегараси Марказий банк талаблари доирасида бўлиши лозим).

Қоидага асосан кредитлар ва депозитлар бўйича фоизлар тўлаш вақтида эмас, балки фойда кўриш даврида ҳисобланиб, молиявий ҳисоботларда даврийликка мос акс эттирилиб борилиши лозим. Депозит ва кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни ифодалаш учун ҳар бир депозит тури ва кредит бўйича алоҳида ҳисобварағлари очилади.

Депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари, уларнинг суммаси, уларни тўлаш вақти, даври, тўлаш шартлари ва бошқалар мижоз билан банк ўртасида келишиб олинади ва тузиладиган шартномада акс эттирилади. Кредитлар бўйича фоиз ставкалар кредитнинг муддати, қарз олувчи томонидан тавсия қилинган гаров ҳолати ва қиймати, унинг ликвидлилигига, кредит ресурслари баҳосига, кредит рискнинг даражасига қараб тижорат банки томонидан мустақил белгиланади ва у кредит шартномада акс эттирилади. Кредит бўйича фоизлар муддати келганда мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, мижознинг асосий талаб қилиб олингунча бўлган депозит варағидан график бўйича ундириб олинади.

Фоизларни ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилиши мумкин.

Фоиз миқдори = сумма * фоиз ставка * амалдаги кунлар сони

Микрокредитлар бўйича Ўзбекистонда фоиз ставкалар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қайта молиялаш ставкасининг 50 % миқдорида имтиёзли фоиз ставка ўрнатилиши мумкин.

Таълим ва истеъмол кредитлари бўйича фоиз ставкалар томонлар келишувига асосан сузиб юрувчи фоиз шаклида, лекин қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган суммада белгиланади.

Кредит бўйича фоизлар ҳар куни ҳисобланиши мумкин ва қуйидаги бухгалтерия операцияси бўйича акс эттирилади .

Дт 163XX. - Олиш учун ҳисобланган фоизлар

Кт 40201–44900 – Фоиз даромадлари

Фоизларни ундириш шартномада белгиланган тартибда ва муддатда амалга оширилади ва у қуйидаги бухгалтерия ўтказмада ифодаланади.

Дт – Касса, банкнинг вакиллик ҳисобрақами ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобрақами

Кт – 163XX. Олиниш учун ҳисобланган фоизлар

Депозит ҳисобварағлари кредит қолдиғи бўйича тўланадиган фоизларни ҳисоблаш банкнинг молиявий ҳолатидан қатъий назар ҳар куни амалга оширилиш мумкин ва уни қуйидаги бухгалтерия ўтказмасида ифодалаш мумкин.

Дт – 50101-54900 – фоиз харажатлари

Кт – 224XX. Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар.

Ҳисобланган фоизларнинг тўлашини кредит шартномада кўрсатилган муддат ва суммада - қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Дт 224XX. Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар

Кт - Банк вакиллик ҳисобварағи ёки мижознинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

Фоиз ставкаси қуйидагиларга боғлиқ ўзгариб туради:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарз бериладиган пул чиқарилган.

2. Молиявий ресурснинг истеъмол қиймати, яъни уни ишлатишдан келадиган наф даражаси.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти.

4. Инфляция даражаси.

5. Пул эгасининг маблағини даромад келтирадиган бошқа соҳаларнинг нафлилик даражаси.

6. Қарз беришнинг риск даражаси, яъни маблағларнинг қайтиб келиши кафолати.

18.3. Фоиз ставкаси ва унинг турлари

Фоиз ставкаси кредитга берилган маблағлардан маълум бир

миқдорда фойдаланилганлиги учун тўланадиган фоиз тўловларининг нисбий кўрсаткичидир.

Фоизнинг бозорда юзага келадиган ҳолат ёки ўзгаришлар банкларнинг фоиз ставкаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, фоиз ставкасининг ўзгармас ва ўзгарувчан-сузиб юрувчи турлари мавжуд. Пул, кредит ресурслар бозоридаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда тижорат банклари томонидан пассив ёки актив операциялар бўйича қатъий ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари ўрнатилади.

Қатъий ёки ўзгармас фоиз ставка – қарз маблағларидан фойдаланиш даврида қайта кўриб чиқиш ҳуқуқисиз ўрнатиладиган, ўзгармайдиган ставкадир.

Сузиб юрувчи фоиз ставка – кредит берилган муддат ичида вақти-вақти билан фоиз ставкаси қайта кўриб чиқиладиган ўрта ва узоқ муддатли кредитларга қўлланадиган ставкадир. Кредит бўйича фоиз ставканинг қайси тури қўлланилиши мижоз ва банк ўртасида тузилган кредит шартномада акс еттирилиши лозим.

Сузиб юрувчи фоиз ставка аксарият ҳолларда узоқ ва ўрта муддатли кредитлар берганда қўлланилади ва у икки қисмдан иборат деб қараш мумкин. Биринчи қисм пул-кредит бозори конъюктурасига боғлиқ равишда ўзгарадиган ҳаракатланувчи қисмдир. Унинг ўрнида, одатда, кредит ресурсларини таклиф этишнинг банклараро ставкалари ЛИБОР, ПИБОР, ФИБОР ва бошқалар қатнашади. Иккинчи қисми қатъий ўрнатилган ҳажм қатнашади. У томонлар келишувининг предмети ҳисобланиб ва у қоида бўйича, кредит шартномасининг амал қилиш муддатида ўзгармайди. Қайд қилинган қўшимчанинг ҳажми келишув шартлари ва риск даражасига боғлиқ.

Ғарб мамлакатларининг пул-кредит соҳасида фоиз ставкалари турли хил кўринишда маълум қилинган. Буларга расмий фоиз ставкалари, банклараро бозорда таклиф этиш ставкаси, “Прайм-рейт” ставкалари, корхона ва хусусий шахсларга бериладиган, риск даражаси юқорироқ бўлган ссудалар бўйича ставкалар киради. Баъзи давлатларнинг Марказий банклари томонидан тижорат банкларига бериладиган кредитлар бўйича расмий фоиз ставкалари ўрнатилади. Расмий ёки базавий фоиз ставканинг икки тури мавжуд. Бу қимматли қоғозларни қайта ҳисобга олиш редисконтлаш ёки ҳисоб ставкаси ва қайта молиялаш ставкасидир. Одатда қайта молиялаш ставкаси ҳисоб ставкасидан юқори бўлади.

Чет элбанклари амалиётида тижорат банкларини қайта молиялаш Марказий банк томонидан вакилларни (тратталар) қайта ҳисобга олиш йўли билан амалга оширилади, шунинг учун бу ставкалар ҳисоб ставкалари номини олган.

Етакчи банклар биринчи даражали банкларни еуровалютада кредитлашда, уларда ўз депозитларини жойлаштириб, кредит ресурсларини таклиф этишнинг (банклараро бозорда) ставкаларидан фойдаланадилар. Булар базавий фоиз ставкалар деб юритилади.

Бундай ставкаларга **ЛИБОР (ЛИБОР)** – “Банклараро кредитлар ва депозитлар бозорида Лондон таклиф этиш ставкаси” мисол бўла олади. **ЛИБОР** ставкалари бир неча энг ривожланган мамлакатлар валюталари бўйича ва даврлар (1 ҳафта, 1,2,3,6,9, ва 12 ой) бўйича аниқланади. Кўпдан-кўп ҳолларда “Либор ставкаси” терминида фунт стерлингдаги депозитлар бўйича ставка тушунилади. Ҳар бир йирик тижорат банки ҳар иш кунининг ерталаб соат 11:00 да мавжуд ҳолат бўйича пул бозори конюктурасига боғлиқ равишда ставкани қайд этади. Шунингдек, яна базавий (расмий) фоиз ставкаларнинг ПИБОР- Париж фоиз ставкаси, НИБОР – Нуу-Ҳорк фоиз ставкаси, МИБОР – Москва фоиз ставкаси каби турлари ҳам халқаро амалиётда кенг қўлланилади. Энг кўп қўлланиладиган фоиз ставка бу **ЛИБОР (ЛИБОР)** бўлиб у нафақат халқаро бозорларда, балки баъзи мамлакатларнинг ички бозорларида ҳам қўлланилади. Базавий фоиз ставкалар жалб қилинган маблағларнинг реал баҳоси, бу соҳадаги банк харажатлари, ссудалар бўйича фойда нормаси ва риск мукофотидан келиб чиқиб ўрнатилади.

Тижорат банклари молиявий ҳолати ижобий бўлган, биринчи даражали қарз олувчиларга кредитларни беришда “**ПРАЙМ – РЕЙТ**” ставкаларидан фойдаланадилар.

Ва ниҳоят, фоиз ставкаларининг кейинги даражаси бу корхона ва жисмоний шахсларга бериладиган, риск даражаси юқорироқ бўлган ссудалар бўйича ставкалардир.

Фоиз ставкалари яна номинал ва реал фоиз ставкаларига бўлинади.

Номинал фоиз ставка жорий даврдаги бозор фоиз ставкаси ҳисобланса, **реал фоиз ставка** инфляция жараёнлари таъсирида пулнинг қадрсизланиш даражасини инобатга олиб номинал ставканинг қайта кўриб чиқилган салмоғи ҳисобланади.

Банк амалиётида фоизларни ҳисоблашнинг турли хил метод ва усуллари мавжуд бўлиб, кўпроқ оддий ва мураккаб фоиз ставкалар қўлланади.

Оддий фоизлар асосан қисқа муддатли кредитлашда фойдаланилади. Унда шартнома бўйича келишилган муддатлар, ҳар чорак ёки бошқа аниқ муддатда фоизлар ҳисобланади ва кредиторга тўлаб борилади.

Ҳозирги кунда тижорат банклари кўпинча оддий усулда фоиз ставкасини ҳисоб – китоб қилишдан фойдаланилади. Бунда қарзнинг асосий суммасини ҳисобга олган ҳолда қарздорнинг жами тўловлари ҳажмини қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$T_c = B_k * (1 + k * f_c);$$

Бу ерда, T_c – бошланғич қарзни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича тўловлар суммаси

B_k – бошланғич қарз

f_c – фоиз ставкаси

k – ссуданинг муддати, йиллар(360 ёки 365 кун) ёки кунлар бўйича кредит муносабатларнинг даврийлиги.

Масалан, хўжалик субъектига 200 млн. сўм кредит, йиллик фоиз ставкаси 12 фоиздан, 6 ой муддатга берилган бўлса, кредит бўйича тўловлар суммаси:

$T_c = 200\,000\,000 * (1 + 0,12 * 180 \text{ кун} / 365 \text{ кун}) = 211\,835\,616,4$ сўмни ташкил этади. Мижознинг банк кредитидан фойдаланганлиги учун тўлайдиган фоиз суммаси 11 835 616,4 сўмга тенг бўлади.

Банкнинг маблағларни жалб қилиши билан боғлиқ фоиз ставкасини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин.

$$M_{тф} = D_c * F_c / 100 / 12 * D_m;$$

Бу ерда, $M_{тф}$ – мижозга тўланиши керак бўлган фоиз миқдори;

D_c – депозит суммаси;

F_c – фоиз ставкаси;

D_m – депозит муддати.

Буни қуйидаги мисол орқали кўришимиз мумкин. Масалан, тижорат банки мижоз – жисмоний шахсдан 3 000 000 сўмни 20 фоиз ставка билан 3 ойлик муддатли омонотга жалб қилди. Мижозга тегишли бўлган фоиз миқдори

$$= 3\,000\,000 * 20 / 100 / 12 * 3 = 150\,000 \text{ сўмни ташкил қилади.}$$

Банк амалиётида **мураккаб фоизлар** ҳам қўлланиши мумкин. Улар одатда узоқ муддатли кредитлашда қўлланилиб, ҳисобланган фоиз суммалари шартнома муддати тугалланмагунча кредиторга тўланмайди, балки қарзнинг асосий суммасини кўпайтиради. Бизнинг банк амалиётимизда мураккаб протсент ҳисоблаш методи асосан юридик ва жисмоний шахсларнинг депозит ва омонат счётлари бўйича қўлланади.

Бу усулдан фойдаланганда ҳисобланган маблағлар ҳажми қарзга қўшилади ва уларга нисбатан фоиз ҳисобланиб бораверади.

Протсент ҳисоблашнинг усуллари кўп жиҳатдан берилган кредитнинг муддатига боғлиқ бўлади. Буларга мувофиқ тарзда қуйидаги мураккаб фоизларни ҳисоблашнинг вариантлари қўлланади.

$$\checkmark_f = (B_k * (1 + k * f_c)) - B_k;$$

Юқорида келтирилган формулага асосан ўсган фоиз (\checkmark_f) миқдорини аниқлашимиз мумкин.

$$\checkmark_f = (200\,000\,000 * (1 + 0,12 * 180 \text{ кун} / 365 \text{ кун})) - 200\,000\,000 = 11\,835\,616,4 \text{ сўмни ташкил ташкил этади.}$$

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган меъёрларга асосан **реал фоиз ставкаси** – бу активнинг фойдаланиш муддати давомида кутилаётган келгуси пул тушуми оқимларини дисконтлаш учун ва активнинг бошланғич баланс қийматига тенглаштириш учун зарур бўлган фоиз ставкасидир;

реал фоиз ставкаси усули эса активнинг (мажбуриятнинг) хизмат муддати давомида дисконтни ёки мукофотни фоизли даромадга (ёки харажатга) амортизатсия қилиш ёки кечиктирилган фоизли тўловларни (масалан, ҳар ойда эмас, ҳар йили олинадиган ёки тўланадиган) тақсимлаш орқали ўзгармас фоиз ставкасини тан олишга олиб келувчи усулдир.

Банклар кредитлар, қарз қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий воситалар бўйича фоизларни ҳисоблаб боришни қуйидаги ҳолларда тўхтатади:

1) активлар Марказий банк норматив ҳужжатларига мувофиқ субстандарт, шуҳбали ва ишончсиз турларга таснифланганда;

2) актив МКХС га мувофиқ қадрсизланганда;

3) асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 60 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилгача бўлган фоизли активлар бўйича);

4) асосий суммани қайтариш ёки унинг фоизини тўлаш муддати 90 кун ва ундан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда (қайтариш муддати бир йилдан кўп бўлган фоизли активлар бўйича);

Активларга фоиз“ўстирмаслик” мақомини берган пайтдан бошлаб, банклар қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

1) фоизли даромадларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади;

2) барча ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадлар баланс ҳисобварақларидан кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилиши лозим ва активга «ўстирмаслик» мақоми берилгандан сўнг кейинги фоизлар ҳисобланиши кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилади;

3) ушбу активлар бўйича барча кейинги тўловлар биринчи навбатда, ҳисобланган, лекин олинмаган фоизли даромадларни, кейин эса кредитнинг асосий суммасини қоплашга йўналтирилади.

Муддати ўтган фоизларни капитализациялаш орқали асосий қарз суммасига қўшиб ҳисоблашга йўл қўйилмайди.

18.4.Банк маржаси ва фоиз ставкаларига таъсир қилувчи омиллар

Банк кредитидан фойдаланилганлик учун ҳақ тўлаш **кредит баҳосининг асосини** ташкил этади, кредит баҳоси ҳисобот давр бошлангунга қадар банк бўйича юзага келадиган ўртача фоиз ставкаси ва маржани ўз ичига олади.

Банк оладиган ва тўлайдиган фоиз ўртасидаги фарқ фоиз маржа деб юритилади. Яъни фоиз маржа – банк активларидан олинадиган фоизли даромад ва банк мажбуриятлари бўйича тўланадиган фоизли ҳаражатлар ўртасидаги фарқдир. Фоизли маржани фоизлар бўйича келадиган соф даромад ҳам деб аташади. У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$M_f = \frac{D_f - P_f}{A_d} * 100$$

Ад

Мф – фоизли маржанинг ҳажми

Дф – фоизли даромадлар

Хф – фоизли тўловлари бўйича ҳаражатлар

Ад – фоиз кўринишида даромад келтирадиган активлар.

Кредит нархи Марказий банкнинг “қайта молиялаш” ставкаларининг меъёрлари билан тартибга солинади, ҳамда маҳсулот ва хизмат таннархи даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган чегара кўрсаткич ларидан ошмаслиги лозим. Амалда қайта молиялаш ставкаси “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ Марказий банк томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фоиз ставкаси ойига 0,75 % ни, ҳамда йилига 9 % ни ташкил этади. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси тижорат банклари томонидан кредитларга ўрнатиладиган фоиз ставкаларнинг энг паст чегараси ҳисобланади. Демак, жорий даврдаги қайта молиялаштириш ставкаси орқали Марказий банк тижорат банклари кредит нархининг минимал миқдорини белгилайди. Тижорат банклари ўз кредит сиёсати талаблари дан келиб чиқиб қайта молиялаш ставкаси асосида ўз кредитлари бўйича фоиз ставкаларни ўз мустақил белгилайди.

Кредитларнинг фоиз ставкасига таъсир этувчи омилларга тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қанча миқдорда кредитга талаб бор ва унга нисбатан қанча миқдорда қарзга бериладиган пул бўйича таклиф бор. Кредитга талабнинг ошиши фоизларнинг ҳам ошишига, таклифнинг ошиши эса, фоизларнинг камайишига олиб келади.

2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан кутиладиган наф даражаси, аниқроғи шу пулнинг истеъмол қиймати. Кредит хўжалик субъекти фаолияти, эҳтиёжи учун жуда зарур бўлса, у бўйича фоиз ҳам юқори бўлиши, акс ҳолда у пасайиши мумкин.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин – аста ёки кичик – кичик суммаларга бўлиб, бемалол қайтариш шартига келишилган бўлса бу ҳолда банк қарздордан юқори фоиз тўлашни талаб қилиши мумкин. Агар кредит қисқа вақтга берилса, уни бир йўла тўлаш шарт бўлса, қарздор паст фоизни маъқул кўради. Демак, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, шунчалик уни ишлатиб даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш энгил бўлади.

4. Кредитнинг қайси валютада берилиши. Агар кредит эркин конвертирланган валютада берилса, фоиз юқори белгиланади, агар у миллий валютада берилса, фоиз нисбатан паст ўрнатилади.

5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, кредитга берилган пул эгасига қайтиб келгунича ўз қадрини қисман йўқотади. Бунда пул эгаси ютказади. Шу сабабли, юқорида таъкидланганидек, фоиз ставкаси инфляция суръатларини ҳисобга олиб ўрнатилади.

6. Пулни кредитга беришдан кўра бошқа йўл билан ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш принтсипи амал қилади. Агар акция дивиденди юқори бўлса, фоиз пасаяди ва аксинча, агар

акция дивиденди паст бўлса, фоиз ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси (банк) уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.

7. Кредит беришнинг риск даражаси. Агар кредитнинг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз ставкаси юқори бўлади.

Фоиз рискларини бошқаришнинг бир неча концепциялари мавжуд. Уларни куйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

24 - жадвал

Фоиз рискинни бошқариш концепциялари

жараёнлар	таклифлар
1. Паст фоиз ставкаларининг ошиши кутилмоқда.	- қарз маблағларининг муддатини узайтириш; - инвестицияларнинг муддатини қисқартириш; - ўзгармас фоиз ставкада бериладиган кредитларни қисқартириш; - узоқ муддатли қарз олиш; - инвестициялар(қимматли қоғозлар шаклидаги)нинг бир қисмини сотиш; - баъзи рискли кредит линияларни ёпиш
2. Фоиз ставкаларининг максимал ўсиши кутилмоқда.	- қарз маблағларнинг муддатини қисқартириб бошлаш лозим; - инвестицияларнинг муддатини узайтириб бошлаш керак; - ўзгармас фоиз ставка билан кредитларнинг салмоғини ошириб бориш лозим; - қимматли қоғозларга инвестиция қилиш ҳажмини ошириб бошлаш лозим.
3. Жуда юқори фоиз ставканинг тушиши кутилмоқда.	- қарз маблағларнинг муддатини қисқартириш; - ўзгармас фоиз ставкадаги кредитларнинг салмоғини ошириш; - инвестициялар ҳажмини ошириш; - янги кредит линиялар очиш.
4. Фоиз ставкалари минимал даражага тушганда.	- қарз маблағларнинг муддатини узайтириб бошлаш керак; - инвестицияларнинг муддатини қисқартириш керак; - ўзгарувчан фоиз ставкадаги кредитларни кўпроқ бериш керак; - қимматли қоғозларга инвестиция қилишни қисқартириш лозим

Фоиз рискларини бошқаришда банкнинг активлари ва пасивлари муддатларининг мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Актив ва пасивларнинг муддатлари ўртасидаги фарқ ГЕП деб аталади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, банкнинг активлари ва пасивлари фоиз ставкалари, муддатлари

тўлаш муддатлари бўйича гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир муддат учун ГЕП шу муддатдаги активлар ва пасивлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

ГЕП=АСФ-ПСФ, бу ерда АСФ – активлар бўйича соф фоизлар; ПСФ – пасивлар бўйича соф фоизлар.

Агарда банкда активларга нисбатан пасивлар кўп бўлиб ва улар фоизлар ўзгариши га таъсирчан бўлса, геп салбий бўлиши мумкин. Фоиз рискени фоиз маржаси орқали баҳолаш мумкин. Фоиз маржаси – бу олинган фоизлар ва тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборат. Фоиз маржаси коэффиценти малум вақтда унинг ҳақиқий даражасини кўрсатади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$K = \frac{\text{маълум даврда олинган фоизлар}}{\text{шу даврда тўланган фоизлар}} * 100 / \text{даромад келтирувчи активларнинг ўртача қолдиғи}$

Тижорат банкларининг фоиз сиёсати доимо риск билан боғлиқ. Шу боис банкларда фоиз рискни (интерест рате риск) – депозитлар ва қарзга олинган маблағлар бўйича фоизларнинг кредитлар бўйича фоизлардан ошиб кетиши натижасида юзага келадиган йўқотишларнинг олдини олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Фоиз сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсир этувчи қандай омилларни биласиз?
3. Кредит таваккалчилигида мониторинг ташкил этишни аҳамияти қандай?
4. Фоиз ставкаси қандай ўрнатилади ва қайси омилларга боғлиқ?
5. Фоиз даражаси қандай аниқланади?
6. Кредитнинг баҳоси деганда нимани тушинасиз ва у қандай аниқланади?
7. Оддий фоизлар қандай аниқланади?
8. Мураккаб фоизлар қандай аниқланади?
9. Банк маржаси қандай аниқланади ва у қайси омилларга боғлиқ?
10. Хорижий давлатлар фоиз сиёсатининг қандай хусусиятларини биласиз?
11. Реал фоиз ставкаси қандай аниқланади ва унга қандай омиллар?

19- боб.Тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш тартиби

19.1.Имтиёзли кредитлаш тушунчаси ва уни мамлакат иқтисодиётидаги ўрни.

19.2. Тижорат банклари томонидан таълим кредитини бериш тартиби ва унинг аҳамияти

19.3. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ажратиладиган кредитлар ва улардан фойдаланиш шартлари

19.4. Ёш оилаларга микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш ва қайтариш тартиби

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

19.1.Имтиёзли кредитлаш тушунчаси ва уни мамлакат иқтисодиётидаги ўрни

Имтиёзли кредитлар ва лизинг хизматлари қайтариш, пуллик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида, баъзи ҳолларда қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % миқдорида ҳам ажратилади. Имтиёзли кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш имтиёзли давр тамом бўлгандан кейинги ойдан бошланади.

Президент қарорига асосан юртимизда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури амалга оширилади. Низомга мувофиқ дастур доирасида имтиёзли кредитлар қарз олувчиларга тадбиркорликни йўлга қўйиш ёки ривожлантириш мақсадлари учун ажратилади.

Кредитлар:

-илгари олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

-алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

-савдо-воситачиликни амалга ошириш;

-умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантириш;

-ишлаб чиқариш мақсадлари учун ишлатилмайдиган шахсий мулкни сотиб олиш;

-маъмурий харажатларни тўлаш, жумладан хизмат автомобиллари таъминоти;

-мебель, уяли телефон сотиб олиш, шунингдек алоқа хизматларига тўлов мақсадлари учун ажратилмайди.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида имтиёзли кредитлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган жисмоний шахсларга, кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланган яқка тартибдаги

тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорларга ажратилади.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ажратилаётган истеъмол кредитларининг имтиёзлар билан тақдим этилаётгани таҳсинга сазовордир. Жумладан, мамлакатимизнинг деярли барча тижорат банклари ёш оилаларга истеъмол кредитларини, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган, 30 ёшдан ошмаган ёш оилалар учун 3 йил муддат, 6 ойлик имтиёзли давр билан (имтиёзли даврда кредит бўйича асосий қарздорлик тўланмайди) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда тақдим этадилар.

2012 йил 30 апрелдаги “Ёш оилаларни ижтимоий куллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 124-сонли қарорлари, Адлия вазирлигида 2007 йил 18-июлда 1697-рақам билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Ёш оилаларга бериладиган имтиёзли истеъмол, ипотека, таълим кредитлари бўйича 6 ойлик имтиёзли давр белгиланган ҳолда Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси доирасида расмийлаштирилади. Қарз олувчи имтиёзли даврда фақат кредитга ҳисобланган фоизларни тўлайди, асосий қарзни имтиёзли давр туганидан кейин, кредитдан фойдаланиш даврининг 7-ойидан бошлаб тенг тўловларда тўлаб боради.

19.2.Тижорат банклари томонидан таълим кредитини бериш тартиби ва унинг аҳамияти

Тижорат банклари томонидан таълим кредитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001-йил 26-июндаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида”ги низомга мувофиқ ажратилади. Таълим кредитини олиш учун қарз олувчи тижорат банкига куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- а) таълим кредити бериш тўғрисидаги ариза;
- б) талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим.
- д) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома;
- е) кредитни қайтаришнинг таъминланиши тўғрисида ҳужжат;
- ф) имтиёзли таълим кредитлари олиш ҳуқуқига эга бўлган чин етимлар, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар, болаликдан И ва ИИ гуруҳ

ногиронлари, кам таъминланган оилалардан чиққанлар тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этадилар. Шунингдек тижорат банки қарз олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлардан кўчирмалар ҳам олиши мумкин. Зарур ҳолатларда кредит бериш тўғрисида хулосани тайёрлаш учун банк қарз олувчидан кўшимча ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Таълим кредитлари қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва ундан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин.

Кредит таъминланганлик шarti асосида мол-мулк ёки қимматли қоғозларни гаровга қўйиш, банкнинг кафолати, учинчи шахснинг кафиллиги, суғурта компаниясининг қарз олувчи кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги (фақат чин етимлар ва “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганлар, болаликдан II ва III гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун). Агар тақдим этилган ҳужжатлар банк талабларига жавоб берса, банк, қарз олувчи ва олий таълим муассасаси ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Таълим кредитлари бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Кредит қарз олувчининг ссуда ҳисоб варағидан унинг ёзма топшириғига асосан олий таълим муассасасининг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб варағига ўтказилади. Таълим кредитлари бўйича маблағлар кредит шартномасида қайд этилган шартларда ҳар ярим йилда ўқиш учун йиллик тўловнинг тўлиқ миқдорини икки тенг қисмга бўлиш йўли билан ўтказилади. Бунда янгидан қабул қилинган талабалар учун биринчи ярим йилликда ўқиганлик учун бошланғич тўлов жорий йилнинг 1 октябригача, иккинчи ярим йиллик учун навбатдаги календар йилнинг 15 мартигача тўланади. Ўқишнинг иккинчи йилидан бошлаб кредит ҳисобига тўловлар ҳар ярим йиллик биринчи ойи (сентябр ва март)нинг 5-кунидан кечиктирилмай тўланади. Таълим кредити чин етимларга, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганларга ҳамда болаликдан II ва III гуруҳ ногиронларига нол фоиз ставкасида ёки фоизсиз кредит, талабаларнинг қолган тоифаларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкаларида берилади. Таълим кредитлари бўйича фоиз қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин. Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади. Қарздор томонидан кредитни қайтариш нақд пулда, шунингдек нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан амалга оширилади. Таълим кредитининг фоизи ҳар ойда,

асосий қарзи эса талаба ўқишни битиргандан сўнг 3 ойдан кейин тўланади. Кредит олувчи таълим кредитини муддатидан олдин ҳам қайтариши мумкин. Кредит шартнома шартларининг бажарилиши тижорат банки томонидан мониторинг қилиб борилади. Агарда таълим кредити ва у бўйича фоизлар шартномада келишилган муддатларда тўланмаса банк ундирувни таъминотга қўйилган мулкка ёки нарсага қаратади ва кредитни қайтариб олиш чораларини кўради.

19.3.Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ажратиладиган кредитлар ва улардан фойдаланиш шартлари

Мамкакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига катта эътибор берилаётгани тижорат банклари фаолиятида ҳам намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ёшларнинг иқтисодий ташаббуслари ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун микрокредитлар ажратиш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уй-жой қурилиши, истеъмол эҳтиёжлари қондириш учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ёш оилалар учун ипотека кредити – ёш оилалар (ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради)га сотиб олинаётган кўчмас мулкни гаровга олиш орқали уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун берилади. Ёш оилаларга ипотека кредитлари қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари асосида 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Ёш оилаларга ипотека кредитларини қуйидаги мақсадларга йўналтириши мумкин:

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда келишилган якка тартибдаги ва намунавий лойиҳа асосида, қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда якка тартибда уй-жой қуришга ва реконструкция қилишга;

- якка тартибдаги уй-жойни ёки кўп хонадонли уйдаги хонадонни сотиб олишга.

Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга ипотека кредитлар банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурслари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда берилади. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга бериладиган ипотека кредити кредит ресурслари манбасидан қатъи назар қуйидаги миқдорларда берилади:

-якка тартибдаги уй-жойни қурилиши ва сотиб олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 бараваригача;

-якка тартибдаги уй-жойни реконструкция қилиш, шунингдек, кўп хонадонли уйдаги квартирани сотиб олиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2500 бараваригача берилиши мумкин.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ипотека кредитларини бериши мумкин. Ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

24-жадвал

Ёш оилаларга ипотека кредитлари бериш меъёрлари

Уй-жой қийматидан келиб чиқиб тўланган бошланғич бадал -%	Банкнинг йиллик фоиз ставкаси - %	Ипотека кредитининг муддати - йилларда
Энг кам миқдори 25%	16 % (Ўз. Рес. Марказий банкнинг қайта молиявий ставкаси даражасида)	15 йилгача

Ёш оилаларга бериладиган ипотека кредитлари бўйича уч йиллик (36 ой) имтиёзли давр белгиланади. Ипотека кредити олиш учун қарз олувчи банкка стандарт ҳужжатлар пакетини, кредитлаш мақсадига боғлиқ равишда кредитланаётган кўчмас мулк объекти бўйича ҳужжатлар, никоҳ ва болалари тўғрисида гувоҳномалар ва бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Банк зарур ҳолларда бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

Ёш оила аъзолари (эр ёки хотин)нинг иш берувчиси бўлган юридик шахслар ёш оила томонидан олинадиган уй-жой куриш, реконструкция қилиш ва сотиб олишга ипотека кредити учун дастлабки бадални банкка ўтказиб бериши мумкин. Бунда, бадал суммаси ёш оила аъзоси (ери ёки хотини)нинг қайси бири номига ипотека кредити расмийлаштирилдиган бўлса, унинг номига банкда очилган жамғарма омонат ҳисоб варағига иш берувчи томонидан ўтказилади.

19. 4. Ёш оилаларга микрокредит ва истеъмол кредитларини бериш ва қайтариш тартиби

Ёш оилаларнинг иқтисодий ташаббуслари ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга микрокредитлар берилди. Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга микрокредитларнинг берилиши, мониторинги ва қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонуни ва банкларнинг ички кредит сиёсатлари билан тартибга солинади.

Микрокредит – ёш оилаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилдиган пул маблағларидир. Ёш оилаларга микрокредитлар қуйидаги мақсадларга берилди:

-оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун;

-микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек, юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликлари дастлабки (бошланғич) сармоясини шакллантириш учун;

-якка тартибдаги тадбиркорлик, микрофирмалар, кичик корхоналар, оилавий корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларини кенгайтириш ва ривожлантириш учун.

Тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан оилавий тадбиркорликни ташкил этиш учун ёш оилаларга фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда микрокредитлар бериши мумкин.

Тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёш оилаларга микрокредитларнинг берилиши мумкин. Бунда банкнинг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан берилган микрокредитдан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорида ўрнатилади.

Давлат мақсадли жамғармалари кредит линиялари ҳисобидан ёш оилаларга имтиёзли фоиз ставкалари бўйича микрокредитлар берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунига асосан тижорат банклари томонидан ёш оилаларга молиявий истеъмол кредитлари берилиши мумкин. Ёш оилаларга бериладиган молиявий истеъмол кредитлари олти ойлик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади. Тижорат банклари амалиётида истеъмол кредити бўйича ўрнатиладиган фоиз ставкалар қарз олувчи томонидан товар ва хизматлар қиймати бўйича тўланган дастлабки бадал миқдorigа ва кредитнинг муддатига боғлиқ бўлади.

25-жадвал

Ёш оилаларга истеъмол кредитлари бериш меъёрлари

Кредитга сотиб олинадиган товар ва кўрсатиладиган хизматлар миқдори бўйича шакллантирилган бадал миқдори	Истеъмол кредитининг муддати	Истеъмол кредитининг % ставкаси
20%	3 ойдан 3 йилгача	16 % (Ўз. Рес. Марказий банкнинг қайта молиявий ставкаси даражасида)

Имтиёзли давр ўрнатилган ҳолда берилган кредитлар асосий қарзни тўлаш бўйича имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади. Имтиёзли давр кредит бўйича фоизлар ҳисоблаш ва ундиришга татбиқ етилмайди.

Бунда фоизлар ёш оилага кредит бўйича қарздорликнинг амалдаги қолдиғига кунлик ҳисоблаб борилади ва ойда бир марта ундирилади.

Мазкур кредитларнинг мақсадли ишлатилиши устидан тижорат банклари доимий мониторинг ўрнатади. Банк томонидан кредитдан бошқа мақсадларда фойдаланганлик учун қарз олувчига нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чоралари кредит шартномасида белгиланади. Асосий қарз ва у бўйича ҳисобланган фоизлар кредит шартномасида белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, банк қарз олувчининг мажбуриятларининг бажарилмаётгани сабабларини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитни қайтаришни таъминлаш чораларини кўришни талаб қилади.

Агар кредитни ўз вақтида ундириш бўйича кўрилган чоралар зарур натижани бермаса ва кредитнинг қарз олувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслик хавфи вужудга келса, берилган кредитни ва у бўйича ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириб олади. Ушбу шартлар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

Назорат учун саволлар

1. Имтиёзли кредитлаш тушунчаси ва уни мамлакат иқтисодиётидаги ўрни қандай?

2. Тижорат банклари томонидан бериладиган имтиёзли кредитларнинг турлари: истеъмол, ипотека, таълим, колледж битирувчиларига ажратиладиган микрокредитлар.

20- боб. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш тартиби

20.1. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш

20.2. Активлар сифатини таснифлаш тизими

20.3. Тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш

20.4. Кредит портфелини диверсификациялаш даражасини оршириш рискларни камайтиришнинг асосий омили сифатида.

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

20.1. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш

Марказий банк Бошқарувининг ушбу қарори «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунлар ва давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қабул қилинди.

• активлар — кредит, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда молиялаш билан боғлиқ барча бошқа талаблар.

• муаммоли активлар — сифати «қоникарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар;

• махсус захиралар — сифати «субстандарт», «қоникарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплашга мўлжалланган мажбурий захиралар;

• стандарт активларга яратиладиган захиралар — тижорат банки фаолияти давомида умуман ёки бирор-бир фаолият тури натижасида эҳтимолий йўқотишларни қоплаш мақсадида ташкил қилинадиган захиралар;

• шартлари қайта кўриб чиқилган активлар — шартнома ва (ёки) унга қўшимча келишувга мувофиқ асосий шартлари ўзгартирилган активлар;

• тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий захиралар депозитлари (бундан буён матнда мажбурий захиралар депозитлари деб юритилади) — активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) мажбурий захиралар депозитлари;

• таъминланмаган активлар — таъминоциз берилган ёки таъминоти белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган активлар. Бундай активлар мустаҳкам тушумга эга бўлган қарздорга унинг яхши кредит тарихи асосида берилиши мумкин.

Хужжатда белгиланишича, тижорат банки балансида ва баланسدан ташқари моддаларда юритилаётган муаммоли активларнинг улуши жами активларнинг ўн фоизидан ортиқ бўлса, Марказий банк томонидан тижорат банки ижро раҳбариятининг малакаси Марказий банк талабларига мувофиқ эмас деб топишга ҳамда тижорат банки Кенгаши томонидан банк фаолияти устидан ўрнатилган назоратни етарли эмас деб ҳисобланишига асос бўлади. Даромад келтирмайдиган активларнинг улуши жами активларнинг етмиш фоизидан ортиқ бўлиши банк кредит сиёсати, кредитлар ажратиш ва уларни бошқариш жараёнининг бўшлигини билдирувчи кўрсаткич ҳисобланади.

Қарорда шунингдек активлар сифатини таснифлаш тизимида оид қоидалар ҳам ўрин олган бўлиб, унда қайд этилишича, қарздорлар тармоқ (иқтисодиёт сектори) тенденцияси ва истиқболи, муайян лойиҳанинг техник амалга оширилиши ва иқтисодий рақобатбардошлиги, молиявий ҳолати ва кредит олишга қодирлиги, раҳбарининг бошқариш қобилияти ва шу каби бошқа бир қатор асосий мезонлар бўйича баҳоланади.

Тижорат банкларининг активлари сифатига кўра «стандарт», «субстандарт», «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» тоифаларга таснифланади.

Хусусан, қарзларнинг ўз муддатида тўланишига шубҳа туғдирмайдиган активлар сифати «стандарт» деб таснифланади. Бунда қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятларни, жумладан, мазкур қарзни қондириш учун етарли пул маблағлари оқимида, шунингдек амалга оширилиши мумкин бўлган стратегик режага, бозорда рақобатдошлик қобилиятига, яхши маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва ўз маҳсулоти бўйича маркетинг режасига эга бўлади.

Сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди. Бунда асосий қарз суммасининг ва фоизларининг ҳеч қандай қисми муддати ўтган ёки шартлари қайта кўриб чиқилмаган бўлиши лозим.

Хужжатда шунингдек активлар сифатининг қолган бошқа тоифалари ҳам алоҳида шарҳлаб ўтилган.

Бундан ташқари қарорда таъминотга қўйиладиган талаблар, шартлари қайта кўриб чиқилган активлар ва инвестиция портфелининг сифатларини таснифлаш, тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш, мажбурий захиралар депозитларига маблағ ўтказиш, захиралардан фойдаланишга оид қоидалар ўрин олган.

Банклар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган фойда ҳисобидан ушбу низом кучга кирган санадан эътиборан ажратилиб, ҳисобот санасига «стандарт» сифатида таснифланган кредитлар

(активлар) қолдиғига 1 фоиз миқдорида захиралар ташкил қилиниши жорий қилинди.

Мазкур захира «Стандарт» деб таснифланган кредитларнинг банк капитали таркибида захиралар яратилади ва бу банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур низомда тижорат банклари томонидан қорхоналарнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларини таснифлашнинг аниқ омиллари кўрсатилган. Жумладан,

охирги бир йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – «кониқарсиз» сифатида;

охирги икки йил давомида тижорат банкига даромад келтирмаган инвестиция – «шубҳали» сифатида;

охирги уч йил давомида даромад олинмаган инвестиция сифати – «умидсиз» сифатида таснифланади.

Юқорида келтирилган қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари томонидан муддати ўтган, суд жараёнидаги кредитларни ундириш ва банк балансига олинган мол-мулкларни сотиш бўйича чораларни янада кучайтиради ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш имкониятини яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Ушбу Низом кучга кириши муносабати билан Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби (рўйхат рақами 632, 11.02.1999 й.) ва унга ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қарори ўрнатилган тартибда Адлия вазирлигидан 2015 йил 14 июлда 632-3-сонли билан рўйхатдан ўтказилган.

20.2.Активлар сифатини таснифлаш тизими

Республикамизда банк тизимидаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, активларни жойлаштириш бўйича банк хизматларини кўрсатиш, активлар бўйича эҳтимолий захиралар яратиш борасидаги амалдаги меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида 2015 йил 13 июнда Марказий банк Бошқарувининг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартибига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 14/5-сон қарори қабул қилинди.

Марказий банк Бошқарувининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун

захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби⁶¹»га киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларда ифодаланган.

Шунингдек, мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори⁶²га мувофиқ активларни таснифлаш меъзонларини, тижорат банклари томонидан активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган ва мавжуд йўқотишлар учун ташкил этиладиган захираларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Марказий банкнинг «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби⁶³»га киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларда, жумладан қуйидагилар ифодаланган. (26-жадвал).

26-жадвал.

Тижорат банклари активлари сифатининг таснифланиши⁶⁴

Таснифлаш тоифалари	Муддати ўтган кунлар	Яратилиши лозим бўлган захира	Фоишларни ҳисоблаш
Стандарт	0	1%	балансда
Субстандарт	0	10%	балансда
Қониқарсиз	1-89	25%	“Кўзда тутилмаган ҳолатлар” ҳисобварағида
Шубҳали	90-179	50%	
Умидсиз	180 ва кўп	100%	

1. Сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қайтарилишида муаммолар кузатилмайди. Бунда асосий қарз суммасининг ва фоишларининг ҳеч қандай қисми муддати ўтган ёки шартлари қайта кўриб чиқилмаган бўлиши лозим. Асосий қарз суммаси ёки фоишлардан муддати ўтган ва шартлари қайта кўрилган активлар сифати «стандарт» деб таснифланиши мумкин эмас.

Тижорат банки захира капитали таркибида сифати «стандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ)

⁶¹ Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги 2696-сон НИЗОМ. 2015 йил 14 июл.

⁶² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2344–сон Қарори, 06.05.2015 йил

⁶³ Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги 2696-сон НИЗОМ. 2015 йил 14 июл.

⁶⁴ Жадвал «Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш Тартиби» асосида муаллиф томонидан шакллантирилган

суммасининг бир фоизи миқдорида стандарт активларга яратиладиган захира шакллантириши лозим.

Стандарт активларга яратиладиган захиралар тижорат банклари томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг қолган соф фойда ҳисобидан мазкур Низом кучга кирган кундан кейин ажратилиб, ҳисобот санасига сифати «стандарт» деб таснифланган активлар қолдиғидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилинади.

2. Қарздорнинг молиявий ҳолати барқарор ҳисобланган, лекин айрим салбий ҳолатлар ёки тенденциялар мавжуд бўлиб, агар улар бартараф этилмаса, молиялаштирилган лойиҳанинг амалга ошишига ёки қарздорнинг активни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа пайдо бўлиши мумкин бўлган активлар сифати «субстандарт» деб таснифланади. Бунда молиявий ҳолати ёки таъминотни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлган, кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки таъминот бўйича ҳужжатлари бўлмаган «стандарт» деб таснифланган активларнинг сифати ҳам «субстандарт» деб таснифланиши лозим.

Тижорат банки сифати «субстандарт» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг ўн фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

3. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «қониқарсиз» деб таснифланади:

-асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли бўлмаса, таъминотга қўйилган мулкни ва қарз олувчининг бошқа асосий воситаларини сотиш, тўланиши лозим бўлган қарзларни узайтиришларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча тўлов манбаларини топиш талаб этиладиган бўлса;

-қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарли бўлмаса;

-қарз олувчининг капитали етарли даражада бўлмаса;

-ушбу соҳага нисбатан тенденция ва истиқболлар барқарор бўлмаса;

-таъминот қиймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзнинг тўланмаган суммасига тенг бўлса;

-асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлиб, унинг муддати 90 кундан ошмаган бўлса.

Тижорат банки сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг йигирма беш фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Сифати «қониқарсиз» деб таснифланган активларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлиқ қайтарилишини шубҳа остига ва кам ишончли қилиб қўядиган активлар сифати «шубҳали» деб таснифланади. Бунда йўқотишлар кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган активлар сифати шароит ойдинлашгунча «умидсиз» деб таснифланмайди.

4. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд

бўлса, активларнинг сифати «шубҳали» деб таснифланади:

-«қониқарсиз» активларнинг ҳеч бўлмаганда бирорта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа салбий тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотиладиган таъминотнинг мавжуд эмаслиги ёки таъминланмаган активларнинг мавжудлиги ёхуд қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);

-яқин келажақда активнинг қисман тўланиш эҳтимоли мавжуд бўлса;

-асосий қарз ва фоизлар бўйича 90 кундан ортиқ лекин, 180 кундан ошмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати «шубҳали» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг еллик фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Шартномада белгиланган муддатда қайтарилмаган ёки қайтмаслигидан далолат берувчи омиллар ёки аломатлар мавжуд бўлган ҳамда қайтмайдиган ёки қиймати жуда пастлиги туфайли ҳисобини балансда актив сифатида юритилиши мақсадга мувофиқ эмас деб баҳоланадиган активлар сифати «умидсиз» деб таснифланади. Бундай таснифлаш активларда умуман ҳеч қандай тугатиладиган қиймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Бироқ, тижорат банклари ўз балансларида бундай активларнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Тижорат банки томонидан таъминотга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш ёки уни қайтариш чоралари қўлланиши лозим.

5. Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлса, активларнинг сифати «умидсиз» деб таснифланади:

-активларни ундирилиши суд жараёнида бўлса;

-қарздор ва лизинг олувчидан ундирилган, гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш йўли билан тижорат банки томонидан балансга қабул қилинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган ва банк фаолиятини кенгайтириш учун сотиб олинган бинодан икки йил мобайнида фойдаланилмаган ҳамда банк фаолияти учун ортиқ фойдаланилмай қўйилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида сотилмаган бўлса;

-активларнинг тўлаш муддати узайтирилган бўлса;

-асосий қарз ва фоизлар бўйича 180 кундан ортиқ кунга муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса.

Тижорат банки сифати «умидсиз» деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг юз фоизи миқдорида махсус захира шакллантириши лозим.

Агар тижорат банкида битта қарздорга берилган бир неча активлар мавжуд бўлса, қарздор томонидан тижорат банкка қайтариладиган барча активлар сифати улардан энг паст тоифада таснифланган активлар сифатидек таснифланиши лозим.

Агар қарздорнинг бир нечта тижорат банклари олдида қарзи мавжуд бўлиб, уларнинг бирида қайтарилиши лозим бўлган активлар сифати энг паст

тоифада таснифланган бўлса, бошқа тижорат банклари ҳам ушбу қарздорга берилган активлар сифатини мазкур тоифада таснифлашлари шарт. Бунда тижорат банклари қарздорга бошқа тижорат банклари томонидан берилган активлар сифатининг таснифини аниқлаш учун кредит ахбороти маълумотлар базасидан фойдаланишлари лозим.

Марказий банкда тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираланадиган мажбурий захира депозити ташкил қилинган ҳамда ушбу мажбурий захира депозитига тижорат банклари ўз активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирилган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан ўтказиб бориш талаби қўйилган.

Мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағлар миқдори ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисоб-китоб натижаларига кўра, уч иш куни мобайнида тижорат банклари махсус захиралар суммасига етмаётган миқдордаги маблағларни мажбурий захира депозитига ўтказиши ёки тижорат банкларининг асослантирилган мурожаатига кўра Марказий банк томонидан ортиқча маблағлар банкларга қайтарилади.

Шунингдек, янги киритилган ўзгартиришларга кўра, Марказий банк тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилган ҳолда, тижорат банкларига қўшимча равишда активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантириш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориши мумкин.

Ўз навбатида, агар тижорат банклари юқорида келтирилган талабларига амал қилмаган тақдирда, Марказий банк мажбурий захира депозитига ўтказилиши лозим бўлган маблағларни банкнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағидан ундириб олади ва банкка нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 53-моддасига мувофиқ тегишли чора ва санкцияларни қўллайдди.

Бундан ташқари, янги киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга кўра, банк томонидан ажратилаётган барча кредитлар бўйича тўловлар кредит шартномасининг бутун амал қилиш муддатига тақсимланган ҳолда бўлиб-бўлиб тўланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу қоида банкларда муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик юзасидан огоҳлантирувчи белги сифатида хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, киритилган ўзгартиришлар кўра, тижорат банклари ўз активлари сифатини таснифлаш бўйича бир қатор янгиликлар киритилди.

Жумладан, эски қоидаларга кўра, 30 кунгача тўлов муддати ўтган кредитлар «стандарт», 90 кунгача тўлов муддати ўтган кредитлар «субстандарт» ва 180 кундан ортиқ кунга тўлови кечиктирилган кредитлар

«умидсиз» сифатида таснифланган бўлса, янги тартибга кўра шартнома муддатида тўланмаган ва график бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича оралиқ тўловлар 180 кундан кечиктирилган барча кредитлар «умидсиз» сифатида таснифланади.

Бундан ташқари, суд жараёнидаги активлар, қарздорнинг молиявий ҳолати ёмонлиги ва тўловга қобилиятсизлиги сабабли тўлов муддати узайтирилган активлар ҳамда банк фаолиятида фойдаланилмайдиган, муаммоли кредитларни қоплаш учун олинган мулклар, улар банк балансига олинган кундан бошлаб уч ой муддатда сотилмаган активлар ҳам «умидсиз» сифатида таснифланади.

Мазкур қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари активлар сифатининг янада ошишига, муаммоли кредитларни пайдо бўлишини дастлабки вақтларда аниқлаштиришга имкониятларни яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

20.3. Тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш

Захираларнинг етарлилиги даврий равишда камида ойига бир мартаба таҳлил қилиниши, зарур ҳолларда, қўшимча захиралар яратилиши лозим.

Бунда тижорат банклари захираларни шакллантириш ва улар бўйича бухгалтерия ўтказмаларини дастурлашган ҳолда амалга оширишлари лозим.

Белгиланган меъёрларга мувофиқ яратилган захирага нисбатан актив бўйича эҳтимолий йўқотишлар миқдорининг ошиб кетиши мумкинлигидан далолат берувчи омиллар ва шароитлар аниқланганда, захирага эҳтимолий йўқотишларга нисбатан йирик ажратмалар амалга оширилиши керак.

Актив сифати «умидсиз» деб таснифланиши билан 3 иш куни ичида унинг ҳисоби баланسدан ташқари моддаларда акс еттирилиши ва тегишли махсус захиралар камайтирилиши лозим. Зарарлар улар тан олинган даврда ҳисобдан чиқарилиши керак.

Активнинг ҳисобдан чиқарилиши унинг қисман ёки тўлиқ қайтарилиши мумкинлигини инкор етмайди.

Агар актив сифати «стандарт» деб таснифланмаган бўлса, тижорат банки қарздорга эҳтимолий йўқотишлари билан боғлиқ бўлган таваккалчиликнинг батафсил таҳлилисиз қўшимча кредит маблағлари, жорий кредит бўйича қўшимча ресурслар ёки янги кредитлар шаклида маблағлар бериши мумкин эмас.

Қуйида келтирилган омиллардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлиши, Марказий банк томонидан муайян активлар сифатини янада салбий таснифлаш учун асос бўлади:

- ✓ тижорат банки кредит портфели умумий ҳолатининг ёмонлашуви;
- ✓ тижорат банкида кредитлар беришга доир етарли таҳлил ва текширувларнинг ўзгариши ёки мавжуд эмаслиги;

✓ тижорат банки шу тармоқ ва соҳага берилган кредитлар бўйича амалда зарарлар кўрганлиги;

✓ йирик активларнинг тўпланиши;

✓ номақбул иқтисодий йўналиш ва шароитлар, хусусан, қарздорларнинг бир ёки бир неча саноат тармоқлари ёки маъмурий-худудий бирликда катта миқдорда тўпланиши;

✓ тижорат банки томонидан тақдим этилган ҳисоботни таҳлил қилиш ёки Марказий банк томонидан ўтказилган инспекция текширишлари натижасида аниқланган қарздорнинг ёхуд тижорат банкининг молиявий аҳволига тааллуқли бошқа ҳолатлар.

Бунда Марказий банк мазкур Низом талабларида белгиланган миқдорда захираларни қайта кўриб чиқишни ва (ёки) қўшимча захиралар шакллантиришни талаб қилиши мумкин.

Захираларга ажратмалар тегишли «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағини дебетлаш ҳамда тегишли «Активлар ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси» ҳисобварағини кредитлаш орқали амалга оширилади.

Захиралар етарли бўлмаган ҳолларда, тижорат банки томонидан захираларга қўшимча ажратмалар захираларнинг этишмовчилиги аниқланган даврда амалга оширилиши зарур.

Агар тижорат банки активлари портфели таҳлил қилинганидан кейин унинг захиралари талаб қилинганидан ортиқ бўлса, у ҳолда тижорат банки тегишли «Активлар ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси» ҳисобварағини дебетлаши ва тегишли «Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварағини кредитлаши лозим.

20.4. Кредит портфелини диверсификациялаш даражасини оршириш рискларни камайтиришнинг асосий омили сифатида

Маълумки, амалдаги қонунчиликда банк кредит портфели мунтазам равишда таҳлил ва аудит қилиниши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бунда кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсати ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнларига, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилишга мувофиқлигини таъминлашга эътибор қаратилиши лозим.

Жаҳон банки таҳлилларига кўра, тижорат банкларининг кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллар қаторида муҳим ўринни ички омиллар эгаллайди. Хусусан, Европа банкларида кредит йўқотишларининг 67 фоизи айнан банкнинг ички омиллари сабабли юзага келади, ташқи омиллар эса бундай йўқотишларнинг 33 фоизини ташкил этади⁶⁵

Банк кредит портфелида муаммоли кредитларни бартараф этиш

⁶⁵ Жаҳон банки, 2000 й. [www. Worldbank.com](http://www.Worldbank.com).

амалиёти самарали бўлиши учун уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, таснифлаш муаммолик кредитларни бартараф этиш жараёнининг асосий ва дастлабки босқичларидан биридир.

Банкларнинг кредит портфелида юзага келган муаммолик кредитларни бериш белгиларига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлиб, таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Булар:

- Банкнинг ўз қарори бўйича берилган кредитлар;
- ҳукумат қарори бўйича берилган кредитлар;
- Вазирликлар қафолати бўйича берилган кредитлар;
- Бошқа турли қарор ва қафолатлар бўйича берилган кредитлар.

Агар банк барча рискни ўзига қабул қилган ҳолда ўзи кредит беришга қарор қилиб, бу кредит бўйича муаммолар юзага келган бўлса, у ҳолда банк миждонинг акциядорлик муносабатини кўриб чиқиши лозим. Агар миждон банкнинг акциядори бўлса, кредитни қайтариш масаласини унинг акциядорлик жамиятидаги салмоғи ҳисобидан амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Мабодо кредит ҳукумат ёки вазирликлар қафолати бўйича берилган бўлса, Ш. З. Абдуллаева томонидан у кредитларни ундиришнинг қуйидаги ечими таклиф қилинган.

Молия Вазирлигида ҳукумат қафолати бўйича берилган, лекин муаммолик кредитларга айланган кредитлар бўйича иш олиб борувчи агентлик-эмитентларни ташкил қилиш лозим. Бу агентликка облигациялар чиқариш ҳуқуқи берилиб, муаммолик кредитлар бўлган банклар шу облигацияларни сотиб олиш йўли билан муаммолик кредитлар салмоғини қоплаши мумкин. Облигациялар узоқ муддатга эга бўлган ҳолларда банклар улар бўйича дивиденд олиш имконига эга бўлишлари лозим. Муаммолик кредитлар бозорини ташкил қилиб унда муаммолик кредитларни ва улар бўйича банклар олган облигацияларни сотишни йўлга қўйиш лозим. Муаммолик кредитлар юзага келиш сабаблари бўйича бир-биридан фарқ қилсада, уларнинг олдини олишда қуйидаги ёндашишлар қўл келиши мумкин. Бунда:

1. қарзни реструктуризация дастурини ишлаб чиқиш;
2. қўшимча ҳужжатлар ва қафолатлар олиш;
3. қўшимча фондларни тўхтатиш ёки қўшимча инъекция қилиш;
4. Гаровни сотиш;
5. Бошқа активларни сотиш;
6. Қафолат бўйича тўловни талаб қилиш;
7. Бошқарувни алмаштириш;
8. Менежмент ишларини олиб бориш;
9. Ҳуқуқий ишларни кўриб чиқиш ва бошқалар. Бизга маълумки,

тижорат банкларининг ишончилиги ва барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш Марказий банк томонидан мувофиқлаштириб борилади. Шунинг учун банклар тизимининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш масаласи турли мамлакатлар Марказий банкининг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ҳар бир мамлакатда бу соҳада

ўрнатиладиган назорат Марказий банк томонидан тижорат банкларида уларнинг активлари бўйича мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун захиралар ташкил қилиш ва уни доимо барқарор ушлаш масаласини кўяди.

Шу билан бир қаторда муаммоли кредитларни бартараф этиш юзасидан қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

1. Тижорат банклари муаммоли кредитларни бартараф этишда муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги салмоғини пасайтириш мақсадида:

- банк томонидан инвестицион лойихаларни молиялаштиришда бизнес-режалардаги кўрсаткичларнинг ишончли эканлигини текшириш ва уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш лозим;

-ўзини оқламаган лойихаларга берилган кредитларнинг гаров таъминотини сотишни тезлаштириш ва бошқа таъминот объектлари реализацияси ижросини таъминлаш;

-муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги салмоғининг 5 фоиздан ошмаслиги хусусидаги талаб алоҳида кўрсаткич сифатида банкнинг кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши ва унга риоя қилиш устидан мониторинг ва назорат Банк Бошқаруви ва Кенгаши томонидан доимий равишда олиб борилиши лозим.

Республикамиз тижорат банклари барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни алоҳида ажратиб олишлари ва уларнинг кредит тўлов қобилиятини аниқлашда пул оқимини баҳолаш усулидан фойдаланишлари лозим. Барқарор пул оқимига эга бўлмаган мижозлар алоҳида ажратиб олиниб, уларнинг кредит тўлов қобилияти молиявий коэффицентлар усули орқали аниқланиши зарур.

Барқарор пул оқимига эга бўлган мижозларни кредитни ўз вақтида тўлай олиш қобилияти юқори бўлганлиги сабабли, уларни кредитлаш жараёнидаги рискларнинг даражаси нисбатан паст бўлади. Аммо пул оқими беқарор бўлган мижозларнинг кредитни қайтариш қобилиятини молиявий коэффицентларни комплекс қўллаш орқали аниқ баҳолаш мумкин.

3. Кредит хужжатларини тижорат банкининг Кредит қўмитасида кўриб чиқиш жараёнини такомиллаштириш лозим.

Тақдим этилган кредит хужжатлар йиғмажилди қўмита мажлисида кўриб чиқилишидан аввал, қўмита аъзоларининг мазкур субъектни кредитлашга доир ёзма хулосаси берилиши лозим. Қўмита аъзоларининг 2 та аъзоси хулоса бермаган тақдирда мазкур субъектга кредит бериш масаласи аъзолардан тўлиқ хулоса олингунга қадар қўмита йиғилишига киритилиши мумкин эмас. Лекин бу муддат 3 кундан ортиб кетишига йул қўймаслик лозим.

4. Тижорат банкнинг кредитлардан олинадиган фоизли даромадларининг ялпи даромад хажмидаги салмоғининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

-биринчидан, кредитларнинг брутто активлар хажмидаги салмоғини пасайишига йўл қўймаслик зарур;

-иккинчидан, кредитлар фоиз ставкаларининг кескин тебрашининг олдини олиш лозим; учинчидан, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги салмоғи кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш зарур.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, муддати ўтган кредитларнинг брутто кредитлар хажмидаги салмоғининг 3 фоиздан ошмаслиги нормал ҳолат ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 % ҳисобланади.

Тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг беқарорлиги кредитларнинг даромадлилигига салбий таъсир этади. Шу сабабли, Марказий банк тижорат банклари кредитлари фоиз ставкаларининг барқарорлигини таъминлаш масаласини ўзининг муҳим вазифаларидан бири сифатида эътироф этиши зарур.

5. Пул базасининг кредит мультипликаторига таъсир даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банкларининг кредит экспансиясини рағбатлантириш, монетизация коэффициентининг амалдаги даражасини сезиларли даражада ошириш зарур.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларининг даражаси нисбатан юқори бўлиб, бунинг натижасида тижорат банкларининг кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда. Мажбурий захира ажратмалари пул базасининг муҳим таркибий қисми бўлганлиги сабабли, республикада, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига таъсири юқори бўлмоқда.

Фикримизча, пул базасининг тижорат банклари кредит эмиссиясига нисбатан салбий таъсирига барҳам бериш мақсадида тижорат банкларининг бир йилгача муддатга жалб қилинган сўмдаги ва хорижий валютадаги муддатли депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира талабномаларини инфляциянинг жорий йиллик даражасидан ошмаган ставкада белгилаш зарур. Бунинг натижасида талаб қилиб олинган депозит счётларидаги ҳамда юридик шахсларнинг жамгарма депозит счётларидаги пул маблағлари камайиб, уларнинг ҳисобига муддатли депозит счётидаги маблағлар кескин кўпаяди. Бу эса, ўз навбатида, республикада тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тижорат банклари кредитларни ва улар асосидаги муаммоли кредитларини бошқаришни такомиллаштириш меъёрий- ҳуқуқий базаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва бошқа йуналишларни ривожлантириш билан бир қаторда ҳозирги замонавий институционал бошқарув ва услубий йуналишлари кўрсаткичларини тартиблаштиришни муҳим назарий-амалий масала қилиб қўймоқда.

Агарда кредитлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасининг номукамаллиги кредит ва кредитлаш тўғрисидаги услубий ҳужжатларни номукамаллиги билан боғлиқ бўлса, кредитлаштиришнинг ташкилий ва

иқтисодий йуналишлар бошқарувини такомиллаштириш кредит олувчилар туғрисидаги ахборот базасини тўлиқ булмаслиги ва бу база маълумотларига қўйилга барқарорлик айниқса, хавфсизлик кўрсаткичлари тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва асосланмаганлиги сабабли юзага келади⁶⁶.

Шунинг учун ҳам тижорат банклари муаммоли кредитларини бошқаришни такомиллаштириш, бизнинг назаримизда, қўйидаги яна бир қатор институционал-услубий йуналишларда олиб борилиши керак булади:

- анъанавий бошқариш усулларини такомиллаштириш;
- муаммоли кредитларни бошқаришнинг янги усулларини шакллантириш;
- муаммоли кредитларни бошқаришнинг институционал муҳити фаолияти мезонларини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини такомиллаштириш ва кредит ташкилотларини ривожлантириш;
- кредитлаштириш жараёни катнашчилари уртасидаги шартномаларнинг янги меъёрларини ишлаб чиқиш.

Бу масалаларнинг ҳал қилиниши учун биринчи навбатда кредит ташкилотлари фаолият курсатишининг ҳуқуқий асосларини банк назорати буйича Базель қумитасининг «Банк назорати самарадорлигининг асосий тамойиллари» ҳужжатида белгиланган халқаро қабул қилинган меъёрларга мувофиқлаштириш, кредитлар ва жамғармачилар ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, банк операцияларини амалга ошириш лицензиялари бекор қилинган кредит ташкилотларини тугатиш коидаларини ва ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, банк соҳасида тижорат фаолияти эркинликларини чеклашга қаратилган ҳаракатлари олдини олиш ва рақобатбардошликнинг меъёрий механизмини мустаҳкамлаш, кафолатланмаган жамғармалар тизими шаклланиш шароитларини қонунийлигини таъминлаш зарур. Шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтишнинг меъёрий-ҳуқуқий шароитларини яратиш, валюта назорати ва валюта тартибини бошқариш тизими такомиллашувини таъминлаш, замо- навий ва ахборот коммуникацияларининг кенг қўлланиши учун зарур шарт-шароитлар туғдириш, кредит ташкилотлари устидан юзаки, сохта назоратларнинг ўрнатилишига қарши чора-тадбирлар кўриш каби изчил амалий ишларни бажариш лозим булади.

Банк тизимини барқарор бошқарув моделига ўтиши пул-кредит соҳасини тартиблаштириш тўрисидаги тушунчаларни ўзгартириб, замонавий бозор тизимининг кредитлаштириш ишини бошқаришнинг янги йуналишларини ишлаб чиқишни такозо килади.

Ўзбекистан банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар бу тизимнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳим ўрин тутаётганлиги, жаҳон молиявий- иқтисодий инқирозларидан ишончли тарзда ҳимояланганлигини кафолатлайди.

⁶⁶ Бердиёров Б, Досчанов А. Муаммоли кредитлар таснифи, ўзига хос хусусиятлари ва бошқариш масалалари, Бозор пул ва кредит, 2011 й № 9.

Банк тизимини барқарор бошқарув моделига ўтиши пул-кредит соҳасини тартиблаштириш тўғрисидаги қотиб қолган тушунчалардан воз кечиб, замонавий бозор тизимининг кредитлаштириш ишини бошқаришнинг янги йуналишларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Банк активлари ва бошқа молиявий институтлар нисбати эса анъанавий ва «ўта ҳаракатчан» инвесторлар сонига, ҳар бир кредит секторидаги институционал ўзгаришлар тезлигига боғлиқ бўлади. Бозор муносабатларининг ҳозирги узиш даврида ҳар бир фуқаро фонд бозорини инвестициялаш билан боғлиқ молиявий рискларни ўзига олишга унча тайёр эмас. Шу билан бирга мамлакат институционал инвесторларида миллий иқтисодиётда банк-фонд моделини жадал ривожланишини таъминлашга талаб даражасидаги молиявий ресурслар этишмайди.

Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатлар илғор тажрибаларига таяниб, давлат суғурта тизими орқали қафолатланган аҳоли омонатлари 3-5 йиллик муддатларга банк депозитларини инвестицияларга йуналтирилган қисмининг асосий молиявий манба деб қараш лозим. Шу билан бирга, бизда аҳолининг молиявий саводхонлиги ошиши ва аҳоли томонидан тижорат банкларидаги ҳар хил пай, фондларига кооператив қимматли қоғозлардан даромад олиш имкониятининг ошиб бориши муҳим омил булса ҳам, у анъанавий банк чакана депозитларининг олдингидек юқори суръатларда ўсишини таъминламайди. Шу сабабдан ҳам яқин йилларда «банк капитали» ва «банк-биржа капитали» моделларининг аралаш тури асосий булиб, унда деярли 3/4 қисм молиявий тизим активлари банк сектори капитали хиссасига туғри келиши кутилади. Бу аралаш модель ҳозирги ва яқин келажакда молиявий хизматларга эҳтиёжларни барқарор ва самарали таъминлашга ериштиради.

Узоқ муддатли режалаштиришда эса, кредит бозорларига молиявий жиҳатдан кучли нобанк молиявий институтларнинг жадал кириб келиши ва уларнинг молиявий барқарор тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти молия секторининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидан ҳам юқори суръатларда узишини таъминлайди. Молия бозоридаги анъанавий кучли институционал субъектлар билан бир қаторда янги кредит ташкилотларининг кириб келиши кредит бозорида давлат молия институтлари билан рақобатни оширади. Бунинг натижасида анъанавий кредит бозори моделидан оптимал моделга ўтиш асосида давлат кредит бозорида ресурсларнинг тақсимланишида хусусий банк ва нобанк институтларининг нуфузи ошиб боради.

Шу билан бирга, давлат тижорат банклари оптимал модели давлатнинг ижтимоий ва миллий саноат сиёсати вазифаларини ҳал қилишга, банк инфратузилмаси ривожланишига хизмат қилади. Устувор вазифаларнинг ҳал қилиб борилиши билан давлатнинг айрим банклар капиталида хиссасининг аста-секин камайиб ва бутунлай чиқиб кетиши янги моделнинг кредитлаштириш фаолиятини мустаҳкамлайди ва самарадорлигини оширади.

Тижорат банкларининг ўз кредит ресурсларини тўлғизишни узоқ

муддатли миллий молиявий манбалардан, жумладан, фуқароларнинг нафақа жамғармалари, суғурта захиралари ва хусусий инвестициялардан шакллантириш имкониятларини кенгайтириш лозим.

Секьюритизация активлари, айниқса ипотека соҳасидаги конунчиликнинг такомиллашуви банк тизимига ишончнинг мустақкамлашуви даражаларига қараб давлат захираларидан қайтарилиши шарти асосида молиялаштирилган кредитлар ўрнини аста-секинлик билан узоқ муддатли хусусий молиявий ресурслар эгаллаб боради.

Банк кредит ресурсларининг кредит бозори талаби даражасида таъминланиши учун кредит соҳасида конунчиликдаги айрим камчиликларни, жумладан секьюритизация ва синдикатлашган кредитлаштиришни, шунингдек кафиллик конунчилигини такомиллаштириш тақозо қилинади. Шунингдек, институционал йуналишда кредитлаштириш, молиявий ресурслар базасини мустақкамлаш ҳукуматдан пенсия соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни ва такомиллаштиришни талаб қилади. Бу пенсия маблағлари тижорат банк-лари ҳамда молиявий институтлари учун узоқ муддатли молиявий ресурсларнинг асосий манбаларидан бўлиб хизмат қилади.

Муаммоли кредитлар бошқарувининг институционал йуналишларини шакллантириш ва ривожлантириш асосий масалалари кредит бозорини тулиқ шаклланмаган, айниқса кредит ташкилотлари фао-лияти, фуқароларнинг юқори булмаган кредит маданияти, ягона ахборот худуди етарли ривожланмаган шароит, тараққий қилган мамлакатлар юқори технологияларини таҳлил қилмасдан тугридан-тугри кредит соҳасида кенг қулланиш мамлакат кредит бозори тизимида кредит рискларини, муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишини кучайтиради.

Шунингдек, индивидуал қарз берувчилар кредитбардошлигини баҳолашнинг услубий ёндашувларини такомиллаштириш, бу муаммога оид илғор чет тажрибаларини миллий иқтисодиётимиз хусусиятларига уйғунлаштирган ҳолда танлаш муаммоли кредитларни бошқаришнинг алоҳида институционал йуналишларини таҳдил қилиш ва таҳминлаш курсаткичлари ва уларнинг чегаравий микдорларини тизимини яратиш ва уларни амалиётида қўллаш муҳим услубий масалалардан бири ҳисобланади.

Назорат учун саволлар

1. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш қандай амалга оширилади?
2. Активлар сифатини таснифлаш тизими қандай?
3. Тижорат банки активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир захирани шакллантириш тартибини гапириб беринг.

21-МАВЗУ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШ

21.1. Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши

21.1. Муаммоли ссудаларни юзага келишининг белгилари ва асосий сабаблари.

21.2. Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш усуллари

21.3. Кредит портфелини бошқаришда рискларни баҳолаш тизими

21.4. Тижорат банкида кредитлаш даражасини оптималлаштириш

21.5. Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар

21.6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштириш

21.7. Кредит қайтмаслиги рискининг ошиши

21.8. Кредит портфелини диверсификация қилиш

Таянч иборалар: ссуда, капитал, пассив, актив, кредит тамойиллари, фоиз, кредит сиёсати, стратегия.

21.1. Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши

“Кредит портфели” тушунчаси иқтисодий адабиётларда турлича таърифланади. Айрим олимлар кредит портфелига кенг тушунча бериб, унга банкнинг барча молиявий актив ва пассивларини кирица, айримлари эса ушбу тушунчани банкнинг фақатгина ссуда операциялари билан боғлашади.

О.И.Лаврушиннинг фикрича, тижорат банки кредит портфели ўзида ссуда кўринишидаги барча банк активлари - рўйхатга олинган векселлар, банклараро кредитлар ва депозитлар ҳамда бошқа кредит кўринишидаги талабларни маълум мезонлар асосида сифат гуруҳлари бўйича таснифларини мужассамлаштиради.

Ш.З. Абдуллаева “Банк рисклари ва кредитлаш” номли китобида кредит портфелини кенгроқ илмий асослаб берган. Унда кредит портфелининг моҳиятини очиқ беришда қуйидаги омилларни инобатга олиниши зарурлиги айтилган:

- кредитлар бўйича риск даражаси;
- кредит бериш объектлари;
- кредитдан фойдаланиш муддати;
- кредитнинг ҳажми ва таъминлаганлиги;

- миқдорнинг молиявий ҳолати, мулк шакли ва бошқалар. Шуларни инобатга олган ҳолда кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган

муайян мезонларга қараб туркумланадиган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир.

Кредит портфели фақат нормал кредитларни эмас, балки муддати ўтган кредитларни ҳам ўз ичига олади. Кредит портфелини моҳиятини чуқурроқ тўғри англаш уни таҳлил қилишга ёрдам беради. Чунки унда:

- берилган кредитлар бўйича рисклилиқ даражасини ифодаловчи мезонлар;

- банкнинг барча берган кредитлари бўйича талаблари йиғиндисини ҳисобга олиш зарурлиги;

- кредитларнинг асосий мезонлари бўйича туркумлаш лозимлиги ва бошқалар ўз аксини топган.

Кредит портфелини бошқариш бу - мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демакдир, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли даражада даромад келтиради.

21.2.Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш усуллари

Кредит портфелини бошқаришнинг асосий босқичлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Кредитнинг мақсади, яъни бошқариш стратегияси детерминантларини аниқ белгилаб олиш;

2. Турли кредитларнинг даромадлилик даражаси тўғрисидаги тахминга эга бўлиш;

3. Танлаб олинган воситаларнинг оқилона нисбатини таъминлаш мақсадида тахминлар устуворлигини аниқлаш;

4. Портфель таркибида туб ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни доимий тарзда таҳлил қилиш ва ўрганиш;

5. Портфель фаолиятини баҳолаш, яъни кредит рискига нисбатан портфелдан олинадиган даромадларга баҳо бериш.

Кредит портфелини бошқаришнинг таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқсак, кредит портфелини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири кредитнинг мақсадини аниқ белгилаб олишдан иборат. Кредит мақсадидан келиб чиқиб, кредитларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

а) капиталнинг ўсиши, яъни келажакда барқарор даромадлар олишга мўлжалланган узок муддатли кредитлар;

б) тез муддатларда даромад олиш, яъни спекулятив даромадларни олишга мўлжалланган қисқа муддатли кредитлар.

Агар кредит берувчи бозор ҳолатини яхши башоратлай олишига ишонса, у ҳолда у ўзининг кредит портфели таркибини бозор ўзгаришларига қараб ўзгартириши мумкин. Ва ниҳоят, кредит берувчи истиқболли соҳаларни аниқ билса, у ҳолда у диверсификациялашдан воз кечиши ва

кредит ресурсларини энг юқори даромад берувчи соҳаларга жойлаштириши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз тижорат банкида кредит даражасини оптималлаштириш мақсадида унинг самарали кредит портфелини таркиб топтириш йўналишларини қуйидагича ифодалашимиз мумкин.

Чизмадан кўриниб турганидек, самарали кредит портфелини таркиб топтиришда тижорат банки ресурсларни жойлаштириш соҳасидаги учта муҳим йўналишнинг оқилона нисбатига эришишга ҳаракат қилиши лозим:

1. Инвесторларни қимматли қоғозларга маблағ киритишини таъминлаш ресурсларни оқилона жойлаштиришнинг асосий йўналиши бўлиб, миллий иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

2. Ресурс жойлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири жисмоний шахсларни кредитлашдан иборат. Чунки кредитлашнинг ушбу йўналиши нафақат рискни диверсификация қилиш, балки яхши даромад кўриш имкониятини ҳам беради.

3. Ўзбекистон Республикасининг истиқболли корхоналари билан узок муддатли ҳамкорлик қилиш орқали юқори дивидендли даромадлар олиш ва ушбу корхоналарни бошқаришда иштирок этиш.

Банклар ўз фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида мижозларнинг истеъмол ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган банк депозитлари ҳамда суғурта ва кредит депозитларининг муштараклигини таъминловчи янги молиявий маҳсулотларни тақдим этиш орқали аҳолининг жамғариш ва инвестицион фаоллигини рағбатлантириш асосида жисмоний шахслар билан ишларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш ва банк сертификатларини чиқариш йўли орқали жалб этиш амалиётини кенг жорий этилмоқда. Бундай амалиётдан мақсад ушбу ресурс турининг банк томонидан жалб қилинган жами маблағлардаги улушини оширишдир.

Банкнинг молиявий бозордаги мавқеи унинг кредит портфелини шакллантириш ва уни бошқаришдаги муваффақиятлари билан чамбарчас боғлиқдир. Тижорат банкининг кредит портфели деганда турли хил кредит рискларга асосланган муайян меъзонларга қараб туркумланган рисклар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндиси тушунилади¹.

Кредит портфелини тўғри шакллантириш тижорат банкининг самарали ва барқарор фаолият кўрсатишининг асосий мезони ҳисобланар экан, ҳар қандай тижорат банки кредит портфелининг сифатли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади. Тижорат банклари кредит портфелининг сифати ва шаклланиши унинг таркибий қисмига бевосита боғлиқдир.

¹ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: "Молия", 2002, 166 бет.

Кредит портфелини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, ўзида нафақат кредит сиёсати ва унинг стратегияси, балки назорат тизимини йўлга қўйиш жараёнларини мужасамлаштиради. Шу билан бирга, кредит портфелини шакллантириш жараёни динамик характерга эга бўлиб, доимий равишда ҳаракатдадир.



20-расм. Тижорат банкининг самарали кредитпортфелини таркиб топтириш йўналишлари

Кредит портфелини шакллантириш банк томонидан кредитнинг асосий тамойилларига риоя этишни, риск даражасини инобатга олган ҳолда кредитлар сифатини белгилаш ва туркумлашни, кредитлар бўйича зарурий заҳираларни ташкил этишни ва кредит портфели сифатини яхшилаш борасида чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Кредит портфелини бошқариш бу - мавжуд кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш санъати демакдир, яъни самарали бошқарув натижасида кредит ресурслари нафақат ўзининг қийматини сақлаб қолади, балки сезиларли

даражада даромад келтиради.

Кредит портфелини бошқаришнинг таркибий қисмларини батафсилроқ кўриб чиқсак, кредит портфелини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири кредитнинг мақсадини аниқ белгилаб олишдан иборат. Кредит мақсадидан келиб чиқиб, кредитларни қуйидаги гуруҳларга ажратишимиз мумкин:

а) капиталнинг ўсиши, яъни келажакда барқарор даромадлар олишга мўлжалланган узок муддатли кредитлар;

б) тез муддатларда даромад олиш, яъни спекулятив даромадларни олишга мўлжалланган қисқа муддатли кредитлар.

21.3. Кредит портфелини бошқаришда рискларни баҳолаш тизими

Айтиш жоизки, агар кредитдан мақсад қисқа муддатда даромад олиш бўлса, у ҳолда риск хатарининг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкасини юқори белгилаш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, рискларни баҳолашда нисбий (облигацияларнинг даромадлигига нисбатан рискларга баҳо бериш), омилли (даромадлар, дивидендлар, пул оқимини таҳлил қилиш), динамик (олдинги фаолиятни, жорий операцияларни таҳлил қилиш ва истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш) кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим.

Нисбий баҳолаш. Кредитдан олинadиган фоиз ва қимматли қоғозлардан даромадларини баҳолаш хавф-хатарларни баҳолаш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир кредит турининг риск даражаси кредит олувчининг ликвидлик даражаси, кредитнинг даромадлиги ва барқарорлиги билан тескари мутаносиб боғланишга эга.

Омилли таҳлил. Кредит самарадорлигини омилли таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олиш лозим.

Киритилаётган инвестицияларнинг қоплаш муддати. Бу кўрсаткич кредит қийматини соф фойдага (соф нақд пул оқимига) нисбати билан аниқланади. Масалан, кредит қиймати 30 бирликни, соф фойда эса 6 бирликни ташкил еса, у ҳолда қопланиш муддати $30 : 6 = 5$ йилни ташкил этади. Аммо жаҳон бозорида компаниянинг қопланиш муддати 7 йилни ташкил этганлиги туфайли бу компания арзон ҳисобланади.

Бундан ташқари, кредит самарадорлигини аниқлашда қоплаш коэффицентини ҳисоблаш зарур. Бу кўрсаткич кредит фоизининг кредитдан олинadиган даромадга нисбати сифатида аниқланади. Агар бу коэффицент 1 ёки 1 га яқин бўлса, у ҳолда кейинги йилда даромадлар пасаяди ва кредит фоизи қопланмай қолади. Қоплаш коэффицентини 2 дан кам бўлмаслиги лозим.

Кредит бериш жараёнида лойиҳаларни соф келтирилган қийматини ҳисоблаш муҳим аҳамиятни касб этади. Чунки ушбу кўрсаткич нафақат лойиҳанинг самарадорлигини балки пулнинг вақт ўлчовини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг фойдалилик даражасини ҳам белгилаб беради.

Лойиҳаларни ички даромадлилик кўрсаткичини ҳисоблаш омилли таҳлилнинг ажралмас қисмидир. Ушбу кўрсаткич лойиҳанинг самарадорлигини

белгилаб бериш билан бир қаторда даромадлиликни нисбий солиштиришга имкон берувчи воситадир ҳам.

Кредит самарадорлигини омилли таҳлил қилишда ушбу кўрсаткичлардан фойдаланишнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, мазкур таҳлиллар кредит олувчи банк миждозининг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил этилишини талаб этади. Чунки лойиҳа нақадар мукамал ишлаб чиқилган бўлмасин агар лойиҳа ташаббускорини молиявий аҳволи танг бўлса уни самарали амалга ошириши гумондир.

Динамик таҳлил. Кредитларни баҳолашда кўпгина мутахассисларга қўл келади, чунки ушбу услуб нафақат кредит олувчи миждозининг жорий фаолияти, балки истиқбол кўрсаткичлари асосида хулоса чиқаришга имкон беради.

Банк иқтисодиётга кредит қуйилмаларини амалга оширар экан, банк ўзининг келажакдаги даромадлари ва кредит хатарларини башоратлаш учун иқтисодиётнинг уч даражасида фундаментал таҳлилни амалга ошириши лозим. Айтиш жоизки, айнан ушбу таҳлиллар орқали мукамал молиявий қарорлар қабул қилиш имконияти туғилади.

Таҳлилнинг биринчи даражасида иқтисодиётнинг умумий ҳолати, молия бозори ва ривожланишнинг муқобил вариантлари таҳлил қилинади. Таҳлилнинг иккинчи даражасида кредит учун энг истиқболли соҳаларни аниқлаш учун иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва қуйи тармоқлари атрофлича таҳлил қилинади. Ушбу жараён, истиқболда ноаниқлик омилини пасайтириш учун жаҳон бозори эҳтиёжларини таҳлил қилиш макроиқтисодий ахборотлар таҳлили билан бойитилиши лозим.

Мазкур таҳлилнинг якуний босқичида объектларни кредитни қайтара олиши нуқтаи назаридан бир тизимга келтиришдан иборат. Ушбу босқичда корхона фаолияти чуқур таҳлил этилади ва юқорида қайд этилган босқичларда амалга оширилган таҳлиллар натижаси билан бир қаторда корхонанинг кредитни қайтара олиш борасида хулоса ясалади.

Қуйидаги матрица ёрдамида мавжуд кредит ресурсларини ҳисобга олган ҳолда кредит портфелини бошқаришнинг энг яхши тактикасини танлаш мумкин.

27- жадвал

Кредит портфелни бошқариш тактикасини танлаш матрицаси

Кредит турини танлай олиш қобилияти	Бозор ҳолатини олдиндан айта олиш қобилияти	
	Яхши	Ёмон
Яхши	1.Кредит ресурсларини диверсификация орқали танланган соҳаларга жамлаш 2. Бозор ҳолатини олдиндан айтиш маълумотларига асосланиб, рискни узоқ муддатли меъёрий даражасидан паст ёки юқори қилиб белгилаш	1.Кредит ресурсларини диверсификацияламасдан танланган соҳаларга жамлаш 2.рискни узоқ муддатли меъёрий даражасида сақлаб туриш
Ёмон	1. Диверсификацияланган портфелга эгалик қилиш 2. Бозор ҳолатини башо-ратлаш	1. Диверсификациялан-маган портфелга эгалик қилиш 2.Рискни узоқ муддатли

	маълумотларига асосланиб рискни меъёрий даражада сақлаб туриш	меъёрий даражада сақлаб туриш
--	--	-------------------------------

Ушбу матрицадан фойдаланган ҳолда кредит портфелини бошқаришнинг самарали тактикасини танлаб олиш мумкин. Агар кредит берувчининг миждозларни танлаш қобилияти яхши бўлмаса, у ҳолда у ўз кредит портфели учун умумий хатар даражасини аниқлашга асосий эътиборни қаратган ҳолда миждозларни танлаши ва шундан сўнг хатар даражаси ўзгармас бўлган диверсификациялашган портфелни шакллантириши лозим.

Кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида корхонанинг фаолиятини вақт давомида ўзгаришини таҳлил этган ҳолда истиқболда корхона фаолиятининг турли вариантларини оператив тарзда ишлаб чиқиш, фойда динамикаси ва таркиби нуқтаи назаридан энг истиқболли объектларни танлаб олиш зарур.

21.4.Тижорат банкида кредитлаш даражасини оптималлаштириш

Банклар ўз фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, кредит портфелини соғломлаштириш мақсадида миждозларнинг истеъмол ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган банк депозитлари ҳамда суғурта ва кредит депозитларининг муштарақлигини таъминловчи янги молиявий маҳсулотларни тақдим этиш орқали аҳолининг жамғариш ва инвестицион фаоллигини рағбатлантириш асосида жисмоний шахслар билан ишларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини қарз мажбуриятларини эмиссия қилиш ва банк сертификатларини чиқариш йўли орқали жалб этиш амалиётини кенг жорий этилмоқда. Бундай амалиётдан мақсад ушбу ресурс турининг банк томонидан жалб қилинган жами маблағлардаги улушини оширишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз тижорат банкида кредит даражасини оптималлаштириш мақсадида унинг самарали кредит портфелини таркиб топтириш йўналишларини қуйидагича ифодалашни мумкин (15.2- расм).

Расмдан кўриниб турганидек, самарали кредит портфелини таркиб топтиришда тижорат банки ресурсларни жойлаштириш соҳасидаги учта муҳим йўналишнинг оқилона нисбатига эришишга ҳаракат қилиши лозим:

1. Инвесторларни қимматли қоғозларга маблағ киритишини таъминлаш ресурсларни оқилона жойлаштиришнинг асосий йўналиши бўлиб, миллий иқтисодиёт ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

2. Ресурс жойлаштиришнинг истиқболли йўналишларидан бири жисмоний шахсларни кредитлашдан иборат. Чунки кредитлашнинг ушбу йўналиши нафақатрискни диверсификация қилиш, балки яхши даромад кўриш имкониятини ҳам беради.

3. Ўзбекистон Республикасининг истиқболли корхоналари билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш орқали юқори дивидендли даромадлар олиш ва ушбу корхоналарни бошқаришда иштирок этиш.

Кредит портфелининг сифатини доимий равишда назорат қилиш тижорат банклари фаолиятининг самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит рискларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Шунини қайд қилиш лозимки, банкларнинг молиявий ҳисоботлари ва бошқа қўшимча маълумотлари улардаги активлар сифатининг реал ҳолатини, шунингдек кредит портфели бўйича мавжуд муаммоларнинг банк даромадига таъсирини ақс эттириши лозим. Бундай маълумотларнинг йўқлиги нафақат банк акциядорлари ёки Марказий банк ва бошқа манфаатдор томонларни чалғитиб қўймасдан, балки банкнинг ўзига ҳам рискларни бошқариш жараёнида зарар етказиши мумкин.

Банкнинг кредит портфели ва унинг сифати тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаслик, зарур ҳолларда олдиндан чоралар кўрилмаслик натижасида муаммоли кредитлар юзага келиши мумкин. Муаммоли кредитлар банклардаги рискларни минимал даражага етказишга тўсиқ бўлиб туради. Кредит портфели сифати ҳақида объектив маълумотларнинг йўқлиги банк раҳбарияти томонидан банкнинг кредит сиёсатига зарур ўзгартиришлар киритилишига ҳам ҳалақит беради.

Кредит портфелини бошқаришда асосий ўринни алоҳида олинган ссудаларнинг сифатини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш асосий ўринни эгаллайди.

Жаҳон амалиётида банклар томонидан берилган кредитларнинг сифатини баҳолашнинг 10 хилдан ортиқ йўналишлари мавжуд. Кредитнинг сифатини баҳолаш кредитнинг мақсади, уни тўлаш усули, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси, унинг қайси тармоққа таълуқли эканлиги ва мулк шакли, мижознинг банк билан муносабатининг характери, банкнинг мижоз тўғрисидаги тўлиқ ахборотга эга эканлиги ва унинг етарлилиги даражаси, ссудаларнинг таъминланганлиги, ҳажми ва бошқа мезонлар киради.

Банк активларининг сифатини аниқлашга уларнинг кредит портфелини ўрнатилган меъёрлар асосида тавсифлаб чиқиш орқали еришилиши мумкин. Ўзбекистонда 1996 йил июлидан бошлаб Марказий банк тасдиқлаган кўрсатмага асосан тижорат банклари активларини тавсифлаш ва ссудалар бўйича йўқотишлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига асосан активларни тавсифлаш, муаммоли ёки ҳарақатсиз кредитлар бўйича резервларни ташкил қилиш амалга оширилмоқда.

Бу меъёрий ҳужжатга асосланиб банклар томонидан берилган кредитлар бўйича қарзларнинг сифати, мижознинг кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари, унинг молиявий ҳолати, кредит рискининг даражаси, келажакда кредитни қайтиб бериш имконияти, кредитнинг таъминланганлик даражасини, кредитни тўлаш муддатидан неча кун ўтганлигини кабиларни инобатга олган ҳолда гуруҳларга таснифланади. Кредитларни таснифлашдан

асосий мақсад қарз олувчининг тўлай олиш қобилиятини ҳамда қарзнинг ўз вақтида қайтарилиши учун пул оқиминининг ҳолатини баҳолашдан иборат.

Кредитларни таснифлаш қарз олувчининг фаолиятини қуйидаги мезонлар орқали баҳолашдан бошланиши керак:

- миждознинг тўловлари тарихи;
- тармоқнинг келажаги ва анъанавий ривожланиш усуллари;
- корхонанинг умумий ҳолати;
- кредитланадиган лойиҳанинг ҳолати ва самарадорлиги;
- корхонанинг молиявий ҳолати;
- корхонада бошқарув ва раҳбарлик сифати;
- корхонанинг ривожланиш режаси, стратегияси ва бошқалар.

Қуйидаги жадвалга асосан тижорат банклари томонидан миждознинг кредитга лаёқатлилиқ қобилияти даражаси аниқланади:

27-жадвал

Синфлар бўйича кредит қайтариш қобилияти асосий кўрсаткичлари талаблари⁶⁷

Т/р	Номланиши	1 синф	2 синф	3 синф	4 синф
1	Қоплаш коэффициент и	$ҚК \geq 2,0$	$2 > ҚК \geq 1,0$	$1 > ҚК >> 0,5$	$0,5 > ҚК >> 0$
2	Ликвидлик коэффициент и	$ЛК \geq 1,5$	$1,5 > ЛК \geq 1,0$	$1 > ЛК > 0,5$	$0,5 > ЛК > 0$
3	Мухторият коэффициент и	$МК \geq 60\%$	$60\% > МК \geq 30\%$	$30\% > МК > 15\%$	$15\% > МК > 0\%$

1 – синфга мансуб корхоналар умумий тартибда кредитланадилар. Уларга нисбатан баъзи имтиёзлар берилиши мумкин, яъни ишончли кредит бериш, қонунда ва банкнинг ички кредит сиёсатида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар қўлланилиш мумкин;

2 – синфга мансуб корхоналар ҳам умумий тартибда, қўшимча ижобий кўрсаткичлар мавжуд бўлган тақдирда баъзи имтиёзлар қўлланган ҳолда кредитланиши мумкин (ишончли кредитлар бериш бундан мустасно);

3 – синфга мансуб корхоналар кредитга лаёқатиз деб ҳисобланиб, уларни кредитлаш факат юқори фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда, юқори ташкилот кафолати ёки юқори ликвидили мулкни гаровга қўйиш йўли билан амалга оширилиши мумкин;

4 – синфга мансуб корхоналар кредитланмайди. Лекин ҳукуматнинг алоҳида қарорларига кўра истиснолар қўлланиши мумкин.

⁶⁷ И.Р.Тоймухамедов. “Банк иши”. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005 й.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётида муаммоларнинг мавжудлиги кредит портфели сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Бу эса банкларнинг тўловга қобиллиги ва ликвидлилигининг пасайишига сабаб бўлади.

Иқтисодийни модернизациялаш босқичида республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётидаги айрим муаммоларнинг мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Республикамизнинг айрим банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Юқорида қайд этилган кредит портфелидаги камчиликлар қисқа муддатли кредитларга хос бўлиб, уларни чуқур таҳлил қилиш тижорат банклари кредитлаш жараёнини мўътадиллаштиришни тақозо этмоқда.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатига баҳо бериш учун биринчи навбатда банк томонидан берилган кредитларнинг таркиби ва динамикаси таҳлил қилинади ва мавжуд бўлган тенденциялар аниқланади. Ушбу таҳлил тижорат банки кредит портфелининг диверсификация даражасига, даромадлилигига баҳо бериш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан мамлакат иқтисодийётига ажратилган кредит қўйилмаларининг ўсиши қисқа муддатли ёки узоқ муддали кредитлар ўсиши евазига ўзгаришини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли тижорат банклари томонидан берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Банкларнинг капиталлашув даражасини ва ликвидлилигининг оширилиши уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилади. Шу билан бирга, кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлаш учун барқарор ресурс базаси шакллантирилади.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигига таъсир килувчи асосий омиллардан яна бири кредитларнинг тури ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк амалиётида кредитлар турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

- қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатдаги);
- узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатдаги).

Республикамиз банк амалиётида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 578-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» номли йўриқномасига асосан ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди⁶⁸.

Ўрта муддатли кредитлар тоифасини бекор қилинишининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Халқаро банк амалиётида кредитларнинг асосан қисқа ва узоқ муддатли турлари тан олинади;

⁶⁸ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2004 йил.

2. Республикамиз банк тизимида ўрта муддатли кредитларнинг сезиларли қисми бир неча марта пролонгация қилиниши натижасида узок муддатли кредитларга айланди ва натижада уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишда ва таҳлил қилишда қийинчиликлар, чалкашликлар юзага келди.

3. Айрим тижорат банкларида қисқа муддатли кредитларни муддатида қайтарилмаслиги, пролонгация қилиниши натижасида уларнинг муддатини бир йилдан ошиб кетиши, яъни ўрта муддатли кредитларга айланиши юз берди.

Тижорат банклари томонидан берилган қисқа муддатли кредитларнинг узок муддатли кредитларга нисбатан қиёсий таҳлилини амалга ошириш қисқа муддатли кредитлаш амалиётининг таҳлилини бойитишга хизмат қилади. Бунинг боиси шундаки, қисқа муддатли кредитлар узок муддатли кредитлардан кредитлаш объекти бўйича кескин фарқ қилади. Бундан ташқари, кредитларнинг муддати бўйича фарқланиши кредитлаш шаклларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифат даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири уларнинг таснифланган кредитларининг таркиби ва динамикаси ҳисобланади. Чунки кредитлардан олинадиган даромаднинг миқдори ва даражаси бевосита таснифланган кредитларнинг таркибидаги ўзгаришларга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 11 июндаги 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги йўриқномасига мувофиқ, захира ташкил қилиш мақсадида кредитлар тўрт гуруҳга – стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга бўлинади. Стандарт кредитлар суммасининг 10 фоизи миқдорида, субстандарт кредитларнинг 25 фоизи, шубҳали кредитларнинг 50 фоизи, 100 фоизи миқдорида фойда ҳисобидан захира шакллантирилади. Берилган кредитларнинг сифатини ёмонлашиши улардан кўриладиган захира ажратмаларини миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг кредитлаш салоҳиятини пасайтиради. Шу сабабли, қишлоқ хўжалик корхоналарининг кредитларни ўз вақтида қайтара олмасликлари уларга берилган кредитларнинг сифатини ёмонлашишига ва шунинг асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини кредитлаётган тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини пасайишига сабаб бўлади. Шунингдек, муддати ўтган фоизлар ҳам тижорат банкининг фоизли даромади ва тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан балансдан ўчирилади.

21.5. Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг

жами кредит қўйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси 3 фоизни ташкил қилади. Унинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси эса, 5 фоиздан ошмаслиги лозим.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориш, кредит портфелини самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичида банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк директорлар кенгаши томонидан белгиланади.

Ҳар қандай банкнинг кўрсатадиган хизматлари нуқтайи назаридан унинг кредит портфелини тартибга солиб туриш ўта муҳимдир. Зеро, кредитнинг баъзи бир турларини бериш қонун билан чегараланган, баъзи бир кредит турлари эса умуман тақиқланган.

21.6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида самарали кредит портфелини такомиллаштириш

Ҳозирги вақтда банк кредит портфелини бошқаришдаги муаммолар асосан бозор муносабатларига ўтиш шароитидаги иқтисодиётнинг аҳволи билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳисобланади ва бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида аста-секинлик билан ҳал қилинади деб ҳисоблаш мумкин.

Тижорат банки кредит портфелини бошқаришнинг асосий муаммолари ва вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- кредит rischi даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;

- ссудаларни риск гуруҳлари бўйича таснифлаш;

- кредит портфелини кредит рисклари, мижозлар таркиби ва ссудалар таркиби бўйича оптималлаштириш;

- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини, кредит riskини прогноз қилиш мақсадида ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;

- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;

- яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида туғилиши мумкин бўлган рискларга мувофиқлаштириб бориш;

- кредит қўйилмаларини диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;

- банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга кредит портфелининг сифати таҳлилига асосланган ҳолда ўзгаришлар киритиб бориш.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридаги тамойилларга амал қилиши, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини

оширади, ўз навбатида, банкнинг кўрадиган фойдаси ҳам барқарорлашиб боради. Кучли рақобатчилик муҳотида банк кредит сиёсатида кредит менежментига алоҳида эътибор бериш муҳимдир, бу банкка бозор шароитида самарали фаолият юритиши учун зарур. Маълумки, тижорат банклари фаолиятида олинган фойданинг ярмидан кўпроқ қисми унинг кредит операцияларидан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли ҳам, ҳар қандай банк ўзининг аниқ ва йўналтирилган кредит сиёсатиغا, кредит портфелини самарали бошқариш механизмига эга бўлиши шарт. Бу эса банк томонидан бериладиган кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ сўндирилиши ва банк фойдасининг кафолатидир.

Тижорат банкларини кредитлар бўйича йўқотишларга таъсир этувчи омиллари таҳлили натижасида Ғарбий Европа банкирлари ички омилларнинг таъсири кўп, деган хулосага келдилар. Жаҳон Банки маълумотларига кўра кредит йўқотишларини 67 фоизига банкнинг ички омиллари сабаб бўлса, 33 фоизига эса ташқи омиллар сабаб бўлади.

28- жадвал

Кредит йўқотишларига таъсир қилувчи асосий омиллар⁶⁹

Ички омиллар	67 фоиз	Ташқи омиллар	33 фоиз
Таъминот этишмаслиги	22 фоиз	Компаниянинг банкротлиги	12 фоиз
Кредит аризаси таҳлил қилинганда нотўғри баҳолаш	21 фоиз	Кредиторлар ҳақларини талаб қилишлари	11 фоиз
Мижоз фаолиятини яхши ўрганмаслик	18 фоиз	Оилавий муаммолар	6 фоиз
Таъминотнинг ёмонлиги	5 фоиз	Тамагирлик	4 фоиз
Бошқа ички омиллар	1 фоиз		

Таҳлил натижаларидан кўринадикки, кредит йўқотишларига таъсир қилувчи ички омиллар орасида кредит учун таъминотнинг этишмаслиги ҳамда мижоз фаолияти ва аризасини яхши таҳлил қила олмаслиги асосий ўринларни эгаллайди. Шуниси характерлики, республикамиз банк тизимида ҳам кредитнинг қайтмаслигига сабаб бўлувчи бирламчи омиллар ана шулардир.

Жумладан, кредит бўйича тақдим этилаётган гаров суммасининг кадрсизланиши натижасида нафақат фоизлар тўловини қоплашга, баъзи ҳолларда асосий қарз миқдорини ҳам тўла қоплашга етмай қолишига сабаб бўлмоқда.

⁶⁹ Жаҳон банки миссиясининг умумий шарҳи – Вашингтон Д.С. 2001

Мураккаб таъминот (мол-мулк ва кафиллик, ёки мол-мулк ва суғурта полиси) ёки янада rischi юқори бўлган фақат кафиллик асосида кредит ажратилган ҳоллар эса нафақат кредит ҳолатини, балки учинчи шахс бўлмиш кафил ташкилот ҳолатини ҳам мониторинг қилиш вазифасини юклайди. Бу эса қўшимча иш вақти ва маблағ талаб қилади.

Бундан ташқари, гаровдаги мол-мулкни банк тасарруфига ўтказиш ҳам бир мунча мураккаб ҳамда судга мурожаат этиш билан боғлиқ жараёнлиги банк активларининг маълум даврга даромад келтирмайдиган мақомга ўтиб қолишига сабаб бўлмоқда. Банк тасарруфига ўтган бино, иншоот ҳамда асбоб ускуналарни сотиш билан боғлиқ ҳолларда банк ходимларида яхши маънодаги тадбиркорликнинг этишмаслиги кузатилмоқда. Мисол учун, ишончли инвесторлар ва мижозларга қулай молиявий шартларда даромад келтирмаётган мол-мулкни лизинг асосида бериш, керак бўлса қўшимча кредит маблағларини ажратиш ҳисобига муаммоли активларни реструктуризациялаш мумкин ҳолларда журъат ва қонунчилик талабларини яхши билмаслик ҳоллари мавжуд.

21.7.Кредит қайтмаслиги рискининг ошиши

Кредит қайтмаслиги рискининг ошиши кўп ҳолларда кредит олгандан сўнг, қарздорнинг қуйидаги самарасиз ва гаразли хатти-ҳаракати натижасида ҳам юз бериши мумкин:

- қарздорнинг бошқа банклардан кредит олиши;
- қарздорнинг бошқа шахсларнинг мажбурияти таъминоти сифатида кафилликлар бериши;
- қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбурияти таъминоти сифатида ўз мулкни гаровга қўйиши натижасида хўжалик фаолиятида зарур бўлган мулкдан қисман ёки тўлиқ маҳрум бўлиши ;
- пул маблағларини кредитланган лойиҳадан четлаштириш (қимматбаҳо автомобиллар сотиб олиниши, офисни таъмирлаш ишлари ва бошқа ортиқча ҳаражатлар қилиш) ҳолларига йўл қўйилади ;
- кредит олган корхона шўъба корхоналар ташкил етилиб, бир-бирларининг мажбуриятлари учун жавоб бермаслиги шarti билан, хўжалик оборотидаги мулкнинг шўъба корхонага берилиши ва сунъий банкротлик учун шароит яратилиши;
- кредит олгандан сўнг, пул айланмаларини банкдан ташқарида амалга оширилиши ва х.к.

Бундай ҳолларнинг олдини олиш учун банкларнинг юридик хизматлари кредит ва гаров шартномаларини тузишга жиддий эътибор беришлари ва мажбурий тарзда шартномаларда қуйидаги шартлар кўзда тутилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан молия интизомини мустаҳкамлаш;

- кредит бериш олдидан карздорнинг бошқа банкдаги барча ҳисоб рақамларини ёпиши тўғрисидаги шарт;

- кредит берилганидан сўнг, кредитор банкнинг розилигисиз бошқа банклардан ссуда олмаслик ва ҳеч қандай ҳисоб рақам очмаслик (талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма депозитлар, муддатли депозитлар ва ҳисоб рақамлар) ва. ҳ.к.;

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, қуйидаги кредит рискларини бошқаришга оид 4 туркумга бўлинган тамойиллар банк кредит фаолиятининг устувор элементлари деб белгиланиши ва уларнинг амалда ижроси самарали кредит портфелини шакллантиришдаги мавжуд муаммоларни камайтиришга хизмат қилади.

29-жадвал

Кредит рискларини бошқариш тамойиллари

Тамойиллар	Вазифалар
Кредит рискларини бошқаришга мос муҳит яратиш тамойили	Банк кенгаши Банкнинг кредит сиёсати ва кредит рискларини бошқариш стратегиясининг тасдиқлаши ҳамда янгиланиб турилишини назорат қилиш
	Бошқарув Банк кенгаши томонидан тасдиқланган кредит рисклари бўйича стратегияни амалга ошириш ва назорат қилиши
	Фаолият йўналишлари ва хизматларнинг барча турлари билан боғлиқ кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш
Кредитнинг асосланган тарзда берилишини таъминловчи тамойил	Банк кредит беришнинг аниқ белгиланган ва асосланган мезонлари доирасида ўз фаолиятини олиб бориш
	Банк қарз олувчилар ва рақобатчи шериклар, шунингдек ўзаро ҳамкорлик қилувчи рақобатчи шериклар гуруҳи даражасида умумий кредит лимитларини белгилаш
	Банк янги кредитларни тасдиқлаш
Тегишли кредит бошқарувини олиб бориш тамойили	Банкда кредит портфелининг умумий таркиби ва сифатини ҳамда турли кредит портфелларини бошқариш ва мониторинг қилиш
	Банкда кредитлар ҳолатини мониторинг қилувчи алоҳида тизим мавжуд бўлиши
	Банк кредит рискларини бошқаришда кредитлар учун ички рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш
	Банкда раҳбариятга баланс ва балансдан ташқари фаолиятга тааллуқли ҳамда кредит рискларини баҳолаш имкониятини берадиган ахборот тизимлари ва таҳлилий технологиялар яратиш
	Айрим кредитларни ва умуман кредит портфелини баҳолашда банк келажакда иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариш эҳтимолини ҳисобга олиш
Тегишли кредит назоратини таъминлаш	Банк кредит рисклари қай даражада бошқарилаётганлигини ўрганувчи мустақил баҳолаш

	тизимини (Кредит инспекцияси) яратиш
	Банк Бошқаруви кредит бериш функцияси тегишли даражада бошқарилаётганлигини таъминлаши
	Банкда кредит рискларини бошқариш муаммоларини ҳал қилиш

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда унинг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация қилинганлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки бу хусусият кредит портфелини диверсификация қилишнинг асосий мезони ҳисобланади.

Бугунги кунда тижорат банклари кредит портфелининг маълум бир қисмини муаммоли кредитлар ташкил этади. Ажратилган кредитлар бўйича ехтимолӣ йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида, тижорат банкининг кредит портфели доимий равишда таснифланиб боради. Кредитларни ўз навбатида 5 турга, яъни яхши, стандарт, субстандарт, шубхали ва умидсиз кредит турларига таснифлаш мумкин. Шубхали ва умидсиз кредит деб таснифланган кредитлар муаммоли кредитлар деб қаралади. Муаммоли кредитлар тижорат банклари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банкларнинг асосий вазифаси, кредит бериш ўрнига кредитларнинг ўз муддатида қайтарувчанлигини таъминлашдангина иборат бўлиб қолмоқда. Чунки, муаммоли кредитлар тижорат банкининг фойда олиб келадиган активларини камайтиради, бу эса ўз навбатида, банкнинг истиқбол режаси кўрсаткичларига ериша олмаслигидан далолат беради.

21.8. Кредит портфелини диверсификация қилиш

Банкларнинг кредит портфелини диверсификациялашдан мақсад ҳам шу, муаммоли кредитларнинг юзага келишига йўл қўймаслик, банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги стратегияни ишлаб чиқиш, кредитларнинг сифатини таҳлил қилиш, ва уни яхшилаш учун турли йўлларни излашдан иборатдир.

Кредит портфелини диверсификация қилиш усули ушбу хусусиятларни ўзида ифодалайди:

1. Кредитни кўп сонли, турли тармоққа таалуқли мижозлар ўртасида тақсимлаш
2. Кредитни кам миқдорда бериш ва бир мижоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа мижозлардан келадиган фойда орқали қоплаш
3. Кредитнинг умумий хажмини сақлаб турган ҳолда қисқа муддатларга кредит бериш
4. Кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик рискини энг оддий ва осон усул билан хеджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг мижозлар кўламига бўлиб чиқишни англатади

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миқдорда кўпроқ мижозларга беришга алоҳида эътибор қилиш лозим

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда юқоридаги тамойилларга амал қилиш, банкнинг кредит фаолияти самарадорлигини оширади, ўз навбатида, банкнинг кўрадиган фойдасини ҳам оширади.

Назорат учун саволлар

- 1.Тижорат банклари кредит портфели тушунчаси ва уни ташкил этилиши.
- 2.Тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш усуллари қандай?
3. Банк кредитларини таснифлаш ва захиралар ташкил этиш тартиби қандай?
4. Тижорат банклари фоиз сиёсатининг моҳияти, мақсади ва вазифалари.
- 5.Тижорат банклари фоиз сиёсатига таъсир этувчи омиллар.

22- боб. Кредит рисклари ва уларни бошқариш

22.1.Банк рисклари ва уларнинг турлари.

22.2.Кредит рисклари ва уларни келиб чиқиш сабаблари.

22.3.Кредитнинг алоҳида турларида кредит рискларини аниқлаш, уни камайтириш йўллари.

22.4.Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кредит рискларини бошқариш усуллари.

Таянч иборалар: банк, риск, фоиз, бозор, бюджет, таваккалчилик, операцион риск, омиллар, банк rischi, кредит.

22.1.Банк рисклари ва уларнинг турлари

Мамлакаитмизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнлари тижорат банкларининг барқарор фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки тижорат банклари бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Уларнинг барқарорлиги давлат аҳамиятига эгадир.

Марказлашган иқтисодий шароитида барча хўжалик субъектлар фаолияти режалаштирилган бўлиб, асосий мақсад режани бажаришга қаратилган, режанинг бажарилмаган қисми зарур ҳолларда юқори ташкилот ёки бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилган. Шунинг учун бу даврда риск деган тушунча бўлмаган.Бозор муносабатларини ташкил қилиш ва олиб бориш бутунлай бошқа тамойилларга таянади. У тезкор тараққиёт ва ривожланиш, турли ўзгаришлар, рақобат, инноватсия, ислохотлар ва бошқаларга асосланади. Бундай жараёнлар бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатаётган ҳар бир субъектнинг ишига таъсир қилади. Бу, айниқса, тижорат банклари фаолиятида яққол намоён бўлади. Чунки тижорат банклари фаолиятининг ўзи рискли бўлганлиги учун бозор муносабатида юзага келадиган ислохотлар, ўзгаришлар, тебранишлар, инқирозлар ва бошқа ҳолатларни биринчи бўлиб банклар сеза бошлайди.

Замонавий банк тизимини рисксиз тассавур қилиб бўлмайди. Банкнинг рисксиз операцияси йўқ, унинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлиб, уларнинг даражаси операция турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин. Бинобарин, банк амалиётида рискни умуман йўқ қилиб бўлмасада, уни олдиндан кўра билиш ва камайтириш чораларини кўриш лозим.

Ҳар қандай иқтисодий фаолият фойда олишга қаратилганидек, тижорат банклари фаолиятидан ҳам кўзланган натижа – юқори фойда олишдан иборат. Фойдага эришиш жараёни эса доимо риск билан боғлиқ бўлади. Шу туфайли тижорат банклари олдида турган биринчи масала - бу риск ва фойдалилик ўртасидаги оптимал даражага эришишдир. Бу, ўз навабатида, банк рискларини аниқлаш, ўрганиш ва самарали бршқаришни талаб қилади. Банк фаолиятининг рисклилиқ даражаси бошқа хўжалик субъектлари

учрайдиган рисклардан бир неча баробар юқори. Тижорат банкининг рисксиз операцияси мавжуд эмас, банкнинг барча операциялари риск билан боғлиқ.

Чунки хўжалик субъектлари фаолиятида ўз маблағларига таянса, тижорат банклари асосан жалб қилинган маблағларга таяниб фаолият олиб боради. Шу боис тижорат банклари ўз фаолияти билан бир томондан, ўз акциядорлари олдида жавобгар бўлсалар, иккинчи томондан, ўз маблағларини ишониб топширган ва банк хизматларидан фойдаланаётган мижозлар олдида мажбуриятга эгадирлар.

Шу туфайли банк rischi, унинг моҳияти, турлари, келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиш банклар фаолиятини самарали бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Риск кенг маъноли, фаолиятнинг, жараёнларнинг турли босқичларида учраб турувчи кўп қиррали тушунчадир. Банк riskининг моҳияти ҳақида кўпгина маҳаллий иқтисодчилар томонидан банк таваккалчилиги, кредит хавф-хатари, банк хатари, йўқотишлар, эҳтимоллик, қалтислик, иккиланиш, ноаниқлик каби катор тушунчалар берилган.

Биз таъкидлаганимиздек, банк фаолияти ҳар томонлама риск билан боғлиқ бўлиб, банк “берган кредити ўз вақтида қайтиб келадими? Кейинги ойда депозитлар салмоғи ошадими? Банк акциясининг баҳоси ва банк фойдаси ошадими? Кейинги чорақда (ойда) фоиз ставкалар қанақа бўлади, улар банк фойдасига қандай таъсир кўрсатади?» каби эҳтимоллар билан боғлиқ фаолият олиб боради. Шу ҳолатларнинг таҳлилини ҳисоб қилган ҳолда, маблағларни активларга жойлаштиради: кредитлар беради, инвестиция қилади ва бошқа соҳаларга йўналтириб, ижобий натижага эришишни мақсад қилиб кўяди. Банк rischi иқтисодий рисклар туркумига кириб, банк билан жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ўртасидаги иқтисодий муносабатларга таянади. Банк фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши, банк маблағларининг маълум тамойиллар асосида кредитга берилиши унинг фаолияти риск билан боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳол банк riskининг обективлигини ифодаласа, банк фаолиятига бошқа омилларнинг таъсири, уларнинг натижасини ҳисоблаш имкониятининг мавжудлиги ва бир турдаги riskнинг турли шароитда бўлиши, уни турлича қабул қилиш ва ҳисоблай олиш унинг юзага келишининг субъектив сабаблари ҳисобланади.⁷⁰

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатларида банк riskи- таваккалчилиги –банк фаолиятига таъсир қилувчи иқтисодий, молиявий, ижтимоий, сиёсий, технологик ички ва (ёки) ташқи омилларга боғлиқ бўлган ҳолатлар натижасида банк фаолиятига хос бўлган молиявий зарарлар кўриш ва (ёки) банк ликвидлиги (банк ўз мажбуриятларини вақтида бажариш қобилияти)ни тўлиқ ёки қисман йўқотиш хавфининг

⁷⁰Henny van Greuning, Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WORLD BANK Washington, D.C.

William Gould, Michael Higgins: Banking: Strategic leadership. United States Agency for international Development (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc., 2010. 525-529 p.

мавжудлигидир, деб таърифланади.

Банк фаолиятида рискнинг юзага келиши, унинг салмоғи, таъсири, шакли турли сабаблар ва ноаниқликларга боғлиқ бўлади. Чунки ташқи ва ички муҳит, обектив иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ва улардаги бўладиган ўзгаришлар банк фаолиятига таъсир кўрсатади.

Банк фаолиятида рискларнинг юзага келишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

- бозорни яхши ўрганмаслик;
- ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштиришда юзага келадиган номуванносиблик;
- кредитландиган лойиҳа, объект ва мижозлар тўғрисида, уларнинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- мижознинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий кўрсаткичларининг чуқур таҳлил қилинмаслиги, унинг кредит тарихини ўрганмаслик;
- тармоқлар фаолияти хусусиятининг инобатга олинмаслиги;
- субъектлар ёки мижозларнинг маблағлардан мақсадли ва тўғри фойдаланиш бўйича кўникмаларига эътибор қаратмаслик;
- банк ходимларининг малакаси ва ўз касбига масъулияти саёзлиги ва бошқалар банк рисклари юзага келишининг умумий сабабларидан ҳисобланади.

Банк rischi - бу банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида банк маблағларининг бир қисмини йўқотиш ёки даромад ола олмаслик шароитида ижобий натижага умид қилиб банк операцияларини (депозит, кредит, инвестиция, валюта) ўтказишдан иборат. Банкнинг барча операциялари риск билан боғлиқ бўлсада, банк шу операцияларни амалга оширишда юқори даромад олишга интилади

Банкнинг депозитлар, жамғармалар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоиз тўлаш, бошқа молия-кредит институтларидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар тўлаш, банк ходимлари учун иш ҳақи тўлаш ва бошқа операцион харажатлари билан боғлиқ рисклари қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: бозор иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар аҳоли жамғармалари бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишда, кредит ресурсларининг етарли эмаслиги, кредит ресурсларини сотиб олиш қийматининг ошишида, банк ходимларининг иш ҳақи билан боғлиқ харажатларни ошириш кабиларда ўз ифодасини топади. Банк харажатларининг меъёрдан ошиши, даромад ола олмаслиги банкка зарар олиб келади.

Банкнинг зарар кўриши, банк фаолиятида учрайдиган рискларнинг олдини ола олмаслик натижасида юзага келади. Банк фаолиятида рисклар келажакда амалга ошириладиган операцияларни олдиндан обдон таҳлил қилмаслик, ҳолатни яхши ўрганмаслик, маблағларни самарали жойлаштирмаслик, бозор имкониятларига тўғри баҳо бермаслик, банк фаолияти учун салбий натижаларга олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳолатларни олдиндан сеза олмаслик туфайли юзага келиши мумкин.

Зарарларнинг юқори бўлиши банкларда йўқотишлар бўлишига олиб келади.

Йўқотишлар банк фойдасини камайтирувчи омил ҳисобланиб, у банк фаолиятининг рисклилиқ даражасига боғлиқ бўлади.

Рискнинг ҳажми банк амалга оширадиган операцияларнинг рисклилиқ даражасига, банкнинг риск соҳасидаги стратегияси сифатига боғлиқ бўлади.

Банк раҳбариятининг фойдани кўпайтиришга интилиши эҳтимолий зарарларни имкон қадар камайтириш билан бирга кечади. Ушбу икки мақсад бир-бирига муайян даражада зид бўлиб, бу банк маъмурияти ва унинг омонатчилари манфаатларининг қарама-қаршилиги билан боғлиқдир. Банк маъмурияти фойдани кўпайтиришга интилади ва кўшимча фойда олиш учун риск қилишга тайёр туради. Омонатчи учун эса маблағларининг сақланиши ва банкка ишонч масаласи муҳимроқдир. Даромадлилик ва риск ўртасидаги мақбул нисбатни сақлаб туриш банкни бошқаришнинг энг асосий ва мураккаб муаммоларидан биридир. Банкларни баъзан «риск сотиб олувчи ва сотувчилар» деб аташлари бежиз эмас. Зиммага олинадиган риск ва банк фаолиятдан кўзланган даромад ўртасида муайян алоқа мавжуд: катта рискга кўпроқ даромад олиш эҳтимоли хосдир. Деярли рисксиз, кам кафолатланган даромад олишдан фарқли равишда, даромад қанча катта бўлса унга эришиш эҳтимоли ҳам шунча кам, бинобарин риск юқори бўлади.

Банк рискларини бошқаришни самарали ташкил этиш уларни муайян белгилари бўйича аниқ гуруҳларга бўлиш боғлиқ.

Рискларнинг илмий асосланган таснифи уларнинг ҳар бирининг умумий тизимдаги ўрнини белгилаш, уларни бошқаришнинг самарали усулларини кўллаш имконини беради.

Махсус адабиётларда рискларнинг, жумладан, банк рискларининг турли хил таснифларини учратиш мумкин. Биз шу параграфда банк рискларнинг илмий асосланган таснифини келтиришни мақсад қилиб қўйганмиз. Риск турлари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, улар банклар фаолиятига турли даражада таъсир кўрсатади. Бу ҳолат рискларнинг олдини олиш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва рискнинг аниқ бир турларини таҳлил қилиш, уларнинг юзага келиши сабабларини аниқлашни қийинлаштиради.

Шу боис банк рискларини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича турларга таснифлаш мумкин:

- 1.Пайдо бўлиш сабаблари ва таъсир қилиш характери бўйича.
- 2.Намоён бўлиш шакллари бўйича.
- 3.Бошқариш имкониятига қараб
- 4.Ҳисоблаш усулига қараб.
- 5.Юзага келиш ва таъсир вақтига қараб.
- 6.Юзага келиш соҳаси ва бошқаларга қараб.

Банк рисклари пайдо бўлиш сабабларига кўра соф ва чайқовчилик рискларига бўлинади. Соф рисклар, кўпинча, обектив хусусиятга эга бўлади ва салбий («0») натижага эришиш эҳтимолини билдиради. Бу рискларга табиий, екологик, транспорт рисклари, тижорат рискларининг бир қисми

киради. Чайқовчилик рисклари иқтисодий фаолият, жумладан, банк фаолияти билан бевосита боғлиқдир. У ижобий ёки салбий натижага эришиш имкониятида намоён бўлади. Бу рискларга валюта, фонд, пул бозори фаолияти билан боғлиқ молиявий операциялар киради.

Намоён бўлиш шаклларига кўра банк рисклари тизимли ёки тизимсиз рискларга бўлинади. Тизимли рисклар банк тизимидаги умумий вазият натижасида банкнинг молиявий аҳволи ўзгариши эҳтимоли сифатида таърифланади. Тизимсиз ёки номунтазам рисклар банк тизимида умумий аҳвол барқарор сақланган ҳолда алоҳида олинган банкнинг молиявий аҳволи ёмонлашиш эҳтимолини билдиради. Банк рискнинг бу турлари, одатда, бири-бири билан жуда боғлиқ бўлганлиги учун амалиётда бу турдаги рискларни бир-биридан ажратиш жуда қийин.

Бошқариш имкониятига кўра банк рисклари очик ва ёпиқ бўлади. Очик рискларни тартибга солиб бўлмайди. Ёпиқ рискларни эса бошқариш мумкин. Ёпиқ рисклар диверсификатсия сиёсатини ўтказиш йўли билан тартибга солинади. Яъни бунда банк операциялари умумий ҳажмини сақлаш мақсадида бир неча мижозларга берилган кредитларни кичик суммаларда кенг миқёсда тақсимлаш ёки йирик кредитларни консортсионал асосда бериш; депозит сертификатларини жорий қилиш; қайта ҳисобга олиш операцияларини кенгайтириш, кредит ва депозитларни суғурталаш амалга оширилади. Банкларда мижоз танлашга юзаки қаралиб, иқтисодий нобақарор ва ликвидлиги паст субъектларни кредитлашга устунлик берилганда баланслашмаган ликвидлилик rischi пайдо бўлади.

Баланслашмаган ликвидлилик рискнинг пайдо бўлиши банк бошқаруви ва ходимлари малакаси, банк фаолияти ва назоратини ташкил қилиш усуллари, рискларни тартибга солишда қўлланиладиган усулларнинг ишончилиги, алоҳида банк операциялари ёки уларнинг гуруҳлари бўйича рисклар коэффициенти шкаласига боғлиқ бўлади.

Банк фаолияти натижаларига таъсир этиш даражасига кўра банк рискларини бир нечта тоифаларга бўлиш мумкин. Энг асосий белгиларига кўра улар кичик, ўртача ва тўла рискларга бўлинади. Банк рискнинг даражаси банк йўқотишларига олиб боровчи жараёнларнинг таъсир қилиш даражасига боғлиқ бўлади. Улар фоизларда ёки муайян коэффицентларда ифодаланади. Чет элтижорат банклари, жумладан, Буюк Британия банклари рискларни 5 тоифага ажратади. Булар:

- А тоифа - кичик ёки нол риск;
- Б тоифа - оддий риск;
- Д тоифа - ошган риск;
- Е тоифа - катта ёки юқори риск;
- Ф тоифа - номақбул риск.

Бизда риск тоифаларининг даражаланиши банк активларининг риск даражасини ҳисобга олган ҳолда гуруҳлаш кўринишиданамоён бўлади.

Ҳисоблаш усулига кўра рискларни жами (умумий)ки айрим рискларини ажратиш мумкин. Умумий риск банк рискнинг ҳажми, унинг

даромади ва банк ликвидлиги меъёрларига боғлиқ равишда баҳоланади ёки тахмин қилинади. Айрим аниқ риск алоҳида банк операцияси ёки уларнинг гуруҳлари бўйича риск коэффициентлари шкаласи асосида баҳоланади.

Таъсир вақтига кўра рискларни ретроспектив, жорий ёки истиқболдаги рискларга ажратиш мумкин. Ретроспектив рисклар банк фаолиятининг ўтган даврдаги турли рискларга боғлиқлигини ифодалайди ва жорий ҳамда истиқболдаги рискларни баҳолашга ёрдам беради.

Юзага келиш соҳасига кўра банк рисклари ташқи ва ички рискларга бўлинади. Ташқи рисклар макромухит даражасида юзага келади. Улар банк фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас. Ички рисклар банкнинг фаолияти натижасида юзага келади. Ташқи рисклар даражасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва табиий-иқлим рискларини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур. У урушлар, инқилоб, миллийлаштириш, четга тўловларни таъқиқлаш, қарзларни консолидатсиялаш, ембарго жорий қилиш, импортга литсензияни бекор қилиш, табиий офатлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни ўзига жамлайди. Ташқи рискларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар банк фаолияти натижаларига ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатиши мумкин. Бу банк олдида пул мажбуриятларига эга бўлган хўжалик субъектларининг ушбу рискка алоқадорлиги ва муносабатига боғлиқ.

Ташқи рисклар орасида, кўпинча, таъсир даражаси боғлиқлигига кўра сиёсий рисклар, иқтисодий рисклар ва табиий-иқлим рисклари ажратиб кўрсатилади. Сиёсий рисклар мамлакатдаги сиёсий вазият ва давлатнинг фаолияти билан боғлиқ. Иқтисодий рисклар мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятдан келиб чиқади.

Тузилиш белгиларига кўра иқтисодий рисклар мулкӣ, тармоқ ва молиявий рискларга бўлинади. Мулкӣ рисклар ўғрилиқ, диверсия, террористик акт, экологик танглик ва бошқа сабабларга кўра мулкни йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ. Тармоқ рисклари иқтисодиёт тармоқларидаги аҳволнинг ўзгарувчанлиги туфайли юзага келади. Молиявий рисклар пулнинг харид қуввати ўзгариши натижасида пул маблағларини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ. Унга пулнинг қадрсизланиши ва дефлятсия рисклари киради. Табиат-иқлим рисклари табиий офат ва ҳалокатлар: zilзила, сув тошқини, бўронлар, ёнғин, эпидемиялар; одамларнинг ноўрин фаолияти натижасида экологик мувозанатнинг бузилиши ва бошқаларга боғлиқ.

Келиб чиқиш ҳудиди ва географиясига қараб рискларни туман, минтақа, мамлакат rischi ва халқаро рискка бўлиш мумкин. Халқаро риск деганда, биз глобал муоммалар билан боғлиқ, ер шарининг маълум минтақаларини ёки мамлакатларни қоплаб олувчи рискни тушунамиз. Бунга 1997-йил кузидаги Осиё-Тинч океани минтақасидаги молия бозорлари инқирозини, 2008-йилда бошланиб бугунги кунгача давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини мисол келтириш мумкин.

Мамлакат rischi, халқаро банк амалиётида ва банк ташкилотлари,

қўшма банклар фаолиятида пул оқими, кредит ва ҳисоб операциялари соҳасида бўлган рисклар билан бевосита боғлиқ. Бу рискларнинг бўлиши ва уларнинг даражаси эса импортёр ёки экспортёр давлатлар ёки контрагент мамлакатлардаги сиёсий-иқтисодий барқарорликка боғлиқ. Ҳар бир мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорликка асосланиб, шу мамлакатдаги риск даражасини баҳолай олиш чет эл капиталли иштирокида ташкил топган қўшма банклар ва бош литсензияга эга бўлган банк ташкилотлари учун долзарбдир. Банк амалиётида унинг раҳбарияти чет эл контрагентларининг молиявий барқарорлигига нотўғри баҳо бериш натижасида анча хатоларга йўл қўядилар. Шунинг учун бирор давлат билан узвий иқтисодий алоқани ўрнатишда, айниқса, кредит ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ муносабатларни олиб боришда, ундаги иқтисодий-сиёсий барқарорликни таҳлил қилиб риск даражасини аниқлаш лозим.

Мамлакат рискиниконвертирланган рисклар, трансферт рисклари ёки маратория тўловлари бўйича рискларга туркумлаш мумкин. Мамлакат рискинипрогноз қилиш давлат қурилмасининг таркиби ва сифат даражаларини таҳлил қилишга, шунингдек, амалий маълумотлар ва нисбатларни ўрганишга асосланган миқдор кўрсаткичларига таяниши керак.

Мамлакат рискинibaҳолашда асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичларни таҳлил қилиш лозим:

- ◆ иқтисодиётнинг самарадорлиги (бунда давлат бўйича ялпи миллий маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши ҳисобланади);

- ◆ сиёсий риск даражаси;

- ◆ жаҳон банки маълумотларига асосан олинган кредитлар миқдори, улар бўйича қарздорлик даражаси, кредитни қайтиб тўлаш жараёнининг амалга оширилиш сифати, экспорт ҳажми, ташқи қарзлар, ташқи савдо обороти в.б.;

- ◆ банк кредитларини олиш имконияти;

- ◆ қисқа муддатли кредитлаш имконияти;

- ◆ узоқ муддатли кредитлаш имконияти;

- ◆ форс-можор ҳолатларининг юзага келиши;

- ◆ мамлакатнинг кредитга лаёқатлилиқ даражаси;

- ◆ ташқи қарзлар бўйича тўланмаган мажбуриятлар в.б.

Рискнинг асосий турлари бир-бири билан боғлиқ ва амалиётда уларни ажратиш кўпинча мураккабдир. Ўз навбатида, сиёсий ва иқтисодий рисклар ҳам ички ва ташқи бўлиши мумкин.

Алоҳида олинган банк фаолиятига сезиларли таъсир қилувчи рисклар, банк фаолиятидан келиб чиқувчи рисклар – бу ички рисклардир. Банкларнинг ички рискларига банкнинг ўз фаолияти, унинг мижозлари (унинг қарздорлари) ёки унинг муайян контрагентлари билан бўлган фаолиятига боғлиқ рисклар киради. Банк раҳбариятининг ташаббускорлиги, фаоллиги, банк ходимларининг ўз ишига лаёқатлиги, оптимал маркетинг стратегияси сиёсати ва тактикасини танлаш каби омиллар ички риск даражасига таъсир кўрсатади.

Ички рисклар банк операцияларининг характери, банк мижозларининг таркиби ва тижорат банклари фаолиятининг турлари бўйича гуруҳларга бўлинади.

Банк операциялари характерига кўра:

- ◆ баланс операциялари rischi ;
- ◆ балансдан ташқари операциялар rischi ;
- ◆ молиявий хизматларни амалга ошириш билан боғлиқ рискларга бўлинади.

и.

Ўз навбатида, баланс операциялари рисклари банкнинг актив операциялари rischi, банкнинг пассив операциялари rischi ва активлар ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рискка бўлинади.

Банкнинг актив операциялар riskига кредит, ҳисоб-китоб, касса, бозор, валюта, лизинг, факторинг рисклари, молиялаш ва инвестициялар билан боғлиқ рисклар киради.

Кредит rischi мижоз томонидан асосий қарз суммасини ва кредит бўйича фоизларни тўлаёлмаслик эҳтимоли бўлганда юзага келади.

Ҳисоб китоб рисклари банкнинг келишилган шартнома бўйича мижознинг талабига асосан ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказолмаслиги шароитида юзага келади.

Касса рисклари банк кассаси орқали ўтувчи нақд пулларнинг сақланиши билан боғлиқ хавфли ҳолатлардан келиб чиқади.

Бозор rischi бозор фоиз ставкаларининг нобарқарорлиги оқибатида молиявий активларнинг бозор қийматининг ўзгариши сабабли банкнинг актив операцияларидан келувчи даромадни ўзгариши эҳтимоли туфайли юзага келади.

Валюта rischi – валюта алмаштириш курсининг ўзгариши натижасида чет эл валютасида олиб бориладиган операциялар бўйича йўқотишлар ёки юқори фойда олиш эҳтимолини ифодалайди.

Лизинг операциялар бўйича риск ижарачининг банкдан олган мулкдан самарали фойдалана олмаслиги натижасида шартномада кўрсатилган тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслиги натижасида юзага келади.

Факторинг операциялар бўйича риск банкнинг учинчи шахсдан сотиб олган қарздорнинг мажбуриятлари бўйича тўловни ўз вақтида амалга ошира олмаслик шароитида юзага келади.

Инвестиция рисклари банк сотиб олган қимматли қоғозлар бўйича оладиган даромадларининг тушиб кетиши ёки уни ошириш билан боғлиқ рисклардир.

Банклар пассив операциялар ёрдамида ўз актив операцияларини амалга ошириш учун ресурсларни жалб қилади. Тижорат банкларининг пассив операцияларига унинг уставкапиталини ташкил этиш (ошириш) мақсадида фойдадан чегирмалар, бошқа юридик шахслардан маблағлар жалб қилинган кредитлар, депозитоперациялари киради.

Пассивоперациялар рисклари асосан актив операцияларни ресурслар билан таъминлашда келиб чиқадиган муаммолар билан боғлиқ.

Банкнинг пассив операциялари билан боғлиқ рисклар банкнинг омонатлар, депозитлар, бошқа молия-кредит муассасаларнинг муддатидан олдин талаб қилиб олинмайдиган аниқ муддатли кредитлари шаклида етарлича миқдорда ресурс жалб эта олиши қобилиятига боғлиқ бўлади.

Балансдан ташқари операциялар рисклари, биринчи навбатда, миждозларнинг маждбуриятлари юзасидан берилган кафолатлар бўйича тўлаш зарурати юзага келиши эҳтимоли билан боғлиқ.

Активлар ва пассивларни бошқариш сифати билан боғлиқ рискларга тўловга лаёқатсизлик (ёки банкротлик) rischi, мувозанатланмаган ликвидлик rischi, фоиз rischi, фойда ола олмаслик rischi, суиистеъмолликлар rischi ва бошқалар киради. Банкротлик rischi ўз капитали ва ресурсларини йўқотиши оқибатида ўз маждбуриятлари бўйича тўловга лаёқатсиз бўлиши ва фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ рискдир. Баланслашмаган ликвидлилик rischi банкнинг ресурс сифатида жалб қилинган маблағлари билан кредитга берган маблағлари суммаси, муддати, фоиз ставкасининг даражаси бўйича мос келмаслиги туфайли юзага келади. Фоиз rischi банкнинг кредитга берган маблағлари бўйича оладиган фоиз ставкасига нисбатан жалб қилган ресурслари бўйича юқори фоиз ставкалари тўлашга маждбур бўлган ҳолда юзага келади. Фойда ола олмаслик rischi банк ресурслари йўқотиши, улардан самарали фойдалана олмасликни ифодалайди. Суиистеъмол rischi банк бошқаруви ёки раҳбарияти, ходимлари томонидан банк фаолияти тамойилларига оид молиявий қарорлар қабул қилинганда ўз манфаатини кўзлаш натижасида вужудга келади.

Молиявий хизматларни амалга ошириши билан боғлиқ рисклар оператсион, технологик рискларни, инноватсиялар рисклари, хавфсизлик рисклари ва бошқаларни ўз ичига олади. Оператсион ва технологик рискларга банк техника-технологиясида учраб турадиган (сбой) ахборотларни йўқотишлар (компютер тизимида йўқотишлар, хужжатларни йўқотиш, компютер тамагирлиги, банк ходимлари фаолиятида хатоларга йўл қўйиши в.б.) киради. Инноватсия rischi маълум бир сабаблар туфайли банкнинг инноватсияга йўллаган маблағлари мўлжаллаган самарани бермаса ёки йўқотилган бўлса юзага келади. Банк хавфсизлиги rischi бу банк биноси, унда мавжуд ахборот, компютер тармоқларининг хавфсизлиги билан баҳоланади.

Банк рисклари миждозлари таркибига кўра миждозларининг соҳавий тегишлилигига, миждозлар юридик шахсларнинг яхлитланган даражасига ва миждозларнинг у ёки бу мулкчилик шаклига тегишлилигига боғлиқ.

Рисклар тижорат банкларининг турларига кўра ҳам гуруҳларга бўлинади. Универсал тижорат банклари миждозларига улар қайси тармоққа тегишлилигидан қатъи назар, жуда кенг хизмат турларини кўрсатади. Шунинг учун улар деярли барча рискларга учрайди. Бироқ универсал тижорат банкларининг фаолияти бозорнинг юқори даражада диверсификатсияланиши билан ҳарактерланади, яъни баъзи соҳалардан кўрилган зарар бошқаларидан олинган фойда билан қопланиши мумкин.

Тармоқ тижорат банклари бирор соҳа, тармоқ билан узвий боғлиқ. Шунинг учун улар учрайдиган рисклар (эркин банк операциялари бўйича рисклардан ташқари) асосан, мижозларининг фаолиятида учрайдиган иқтисодий (яъни банк учун ташқи) рискларга боғлиқ бўлади. Ихтисослаштирилган тижорат банклари ўз йўналишидаги махсус банк операциялари бўйича ҳам рискларга учрайдилар.

Ички рисклар банкнинг тури ва хусусиятига, унинг фаолияти, характерига ҳамда унинг мижозлар таркибига боғлиқ бўлади.

Банкнинг актив операцияларининг рисклари фоиз рисклари даражаси билан боғлиқ бўлади. Бу рисклар банкларнинг ўз фаолияти жараёнида юзага келади.

Фоиз рискларнинг бошқарилиши актив ва пасивларни бошқарилишидан ташкил топади. Фоиз рискларни бошқаришнинг бир неча тамойиллари мавжуд. Булар қуйидагилар:

1. Банкнинг фоиз маржаси қанча юқори бўлса, фоиз rischi даражаси шунча паст бўлади.

2. Спред тамойили. Бунда олинган активлар бўйича тортилган ўртача ставка ва тўланган мажбуриятлар бўйича тортилган ўртача ставка ўртасидаги фарқ таҳлил қилинади. Таҳлил учун маълумотлар, одатда, банкнинг статистик ҳисоботидан олинади.

3. Банкнинг ўзгармас ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари билан баланسدан ташқари актив ва пасивларни таҳлил қилишдан иборат.

Фоиз рискларининг даражаси қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

- активлар тузилишидаги ўзгариш, шу жумладан, кредит ва инвестицияларнинг ҳажми, активларнинг қайд қилинган ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари, уларнинг бозордаги нархи динамикаси.

- пасивлар тузилишидаги ўзгариш, яъни ўз ва қарз маблағларнинг мутаносиблиги, муддатли ва жамғарма депозитлар, уларнинг муддати ва фоизларининг мослиги.

-фоиз ставкаси динамикаси.

Фоиз рисклари даражасини бошқариш ва назорат қилиш учун банк фаолиятининг аниқ бир ҳолатига боғлиқ ҳолда муҳим стратегиялар ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банклари фаолиятида портфел рискларига ҳам эътибор бериш лозим.

Портфел рисклари қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари ҳамда ссудаларнинг барча категориялари бўйича зарар кўриш эҳтимоли билан белгиланади. Портфел рисклари молиявий, ликвид рисклар, тизимли ва тизимсиз рискларларга бўлинади.

Молиявий рисклар қуйидагича аниқланиши мумкин: банклар, акционер жамиятлар, қўшма банклар қанча кўп қарз маблағларига эга бўлса, уларнинг акционерларига, таъсисчиларига нисбатан rischi шунча юқори бўлади. Шу билан бирга қарз маблағлари молиялаштиришнинг муҳим ва асосий манбаи ҳисобланади, чунки бу нарса қўшимча қимматли қоғозларни муомалага

чиқариш ва сотишга қараганда арзонроққа тушади. Қабул қилинган нормаларга асосан қарздорлар учун ўз маблағлари билан жалб қилинган маблағлар ўртасидаги нисбат - қарздорлик коэффиценти (K_k) = 0,2 - 0,3 ўртасида тебраниб туриши лозим. Бу риск левераж rischi қимматли қоғозга қўйилган капитал билан даромаднинг белгиланган даражаси ўртасидаги нисбатга, даромаднинг белгиланмаган даражаси билан ва банкнинг асосий ва айланма капиталининг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Ликвидлилик rischi – бу молиявий активларнинг оператив равишда нақд пулга айланиш қоблияти бўлиб, йирик ишлаб чиқарувчи ва банкларнинг муомалада бўлаётган акциялари ҳам бу хил рисклардан унчалик холи эмас.

Тизимли риск акция баҳосининг ўзгаришига унинг даромадлилиги, облигатсиялар бўйича жорий ва кутилаётган фоиз, ҳамда кутилаётган ўлчамда дивиденд ва қўшимча фойда ҳажмига боғлиқ бўлади. У фоиз ставкасини ўзгариши rischi, умумбозор нархлари ўзгаришининг rischi ва инфляция riskини бирлаштиради.

Тизимсиз рисклар бозорнинг ҳолатига боғлиқ бўлмайди ва аниқ бир корхона, банк хусусияти ҳисобланади. Унинг тармоқ ва молиявий турлари мавжуд. Тизимсиз портфел riskининг даражасига муқобил сферада молиявий ресурсларни қўйиш, товарлар конъюнктураси, бозор фондлари каби омиллар таъсир этади.

Банкнинг фаолият турига қараб банк riskиларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

а) кредит rischi – қарздорнинг шартномада белгиланган шартлар бўйича банк олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

б) бозор rischi – банкнинг қимматли қоғозлар портфелидаги инструментлари нархларининг, шунингдек, чет элвалютаси ва қимматбаҳо металллар курсларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик. Бозор rischi фонд, валюта ва фоиз рискларини ўз ичига олади, бунда:

фонд rischi – қимматли қоғозлар портфелидаги инструментларнинг бозор нархларидаги салбий ўзгариш натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

валюта rischi – чет элвалютаси ва қимматбаҳо металлларнинг очик позитсиялари бўйича шу чет элвалюталари курслари ва қимматбаҳо металллар баҳоларининг ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

фоиз rischi – активлар, пассивлар ва кўзда тутилмаган ҳолатлардаги инструментлар бўйича фоиз ставкаларининг салбий ўзгариши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

д) ликвидлилик rischi – банкнинг ўз молиявий мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик. Банкнинг ликвидлилик rischi, асосан,

актив ва пассивларнинг сўндирилиш муддатларининг ўзаро номувофиқлиги оқибатида юзага келади. Банкнинг ликвидлилик рискинни бошқариш «Тижорат банкининг ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида»ги низом талаблари асосида амалга оширилади;

е) операцион риск – банкнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган хатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан, табиий офатлар натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

ф) мамлакат рисқи – банкнинг хорижий ҳамкорлари томонидан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар сабабли ўз молиявий мажбуриятларининг бажара олмаслиги натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

г) ҳуқуқий риск – банк томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслик, иш жараёнида ҳуқуқий хатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида банкда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ таваккалчилик;

х) бизнесда обрў-эътиборни йўқотиш рисқи – банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши сабабли, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида банкда зарарлар юзага келиши таваккалчилиги;

и) фирибгарлик рисқи – банкда ходимлар, мижозлар ва бошқа ҳамкорларнинг фирибгарлик ёки бошқа жиноий хатти-ҳаракатлари оқибатида молиявий зарарлар кўриш рисқи.⁷¹ Банкдан нақд пул ва бошқа қимматликларнинг ўғирланиши ҳамда банк ходимлари томонидан атайлаб молиявий ҳисоб ва ҳисоботларда зарарларни (вақтинча ёки текшириш орқали аниқлангунча) яширилиши натижасида банкнинг молиявий зиён кўриши тушунилади.

22.2.Кредит рисклари ва уларни клиб чиқиш сабаблари

Банкнинг кредит фаолияти, уни бошқа нобанк ташкилотлардан фарқловчи асосий мезонлардан биридир. Жаҳон банк амалиётида айнан кредит операциялари орқали банклар фойдасининг асосий қисми шаклланади. Шу билан бир вақтда, кредитларнинг, асосан, йирик кредитларнинг қайтарилмаслиги, банклар фаолиятида рискларнинг пайдо бўлишига, улар, ўз навбатида, банк даромадларининг камайишига, баъзи

⁷¹The Business of Banking. American Bankers Association. Washington, D.C.2014.

Henny van Greuning, Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WOLD BANK Washington, D.C.

William Gould, Michael Higgins: Banking: Strategic leadership. United States Agency for international Development (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc., 2010. 525-529 p.

ҳолларда эса банкларнинг банкрот бўлишига ҳам олиб келиши мумкин.

Банклар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, уларда мавжуд рискларни минималлаштириш масалаларидан бири кредит рисклари, уларнинг сифати ва даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Кредит rischi деб, қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммаси (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг шартномада кўрсатилган муддатларда тўланмаслиги тушунилади. Шунинг учун кредит рискларини аниқлаш ва бошқариш ҳар қандай тижорат банкининг ривожланишига, даромадлиги ошиб унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Кредит рискларининг банклар учун долзарб муаммолиги шундаки, кредит rischi мавжуд бўлган ҳолда кредитор(банк)да қарз олувчи томонидан кредит шартнома шартларини, унинг ўз мажбуриятларини белгиланган вақтда бажара олиш имкониятига ишончсизлик ҳосил бўлади. Маълумки, банк амалиётида фойда асосан берилган кредитлар бўйича олинадиган фоизлардан ташкил топади. Қарз олувчи томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг ёки кредитнинг асосий суммасининг ўз вақтида тўланмаслиги ёки умуман тўланмаслиги банк фойдасининг камайиши оқибатида, банкнинг келажакдаги маблағлари салмоғининг тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун банклар улар берган маблағларнинг қайтиши билан боғлиқ рискларни камайтиришга ҳаракат қиладилар.

Қарз олувчи фаолиятида мавжуд рисклар даражасини банклар кредит бергунга қадар, кейинчалик кредит бергандан кейин, ундан фойдаланиш давомида аниқлаши мумкин. Riskни минималлаштириш мақсадида банклар кредит беришдан олдин riskни аниқлашга ҳаракат қилади.

Кредит riskининг юзага келишига қуйидаги ҳолатлар:

а) турли хил макро ва микроиктисодий омиллар, иқтисодий қонунийлик ва меъёрлардаги ўзгаришлар;

б) иқтисодий ва сиёсий муҳитдаги ўзгаришлар, салбий ҳоллар, қарз олувчининг фаолиятидаги бўладиган молиявий нобарқарорлик туфайли олган кредитларини тўлашга мос пул оқимини ташкил қила олмаслиги;

д) кредитнинг таъминланганлиги учун олинган гаровнинг қиймати ва сифати бўйича тўлиқ ишончнинг йўқлиги;

е) юқори билимга эга бўлган банк ходимлар ва мижозларнинг кредитдан фойдаланишдаги кўникмаларининг етарли эмаслиги;

ф) қарз олувчи субъектнинг маҳаллий ёки давлат миқёсида обрўсининг тушиб кетиши, унинг ишчанлик фаолиятида юзага келган ўзгаришлар ва бошқа сабаблар бўлиши мумкин.


Кредит муносабатларида банклар кредитга ёки қарзга берилган сумманинг ўз вақтида қайтиб тўланишини ва мўлжалланган фоиз ставкаларини белгиланган вақтда олишни кутадилар. Улар рискдан қочадилар, кредит беришгача кредитланадиган соҳанинг риск даражаси билан қизиқадилар, уни аниқлайдилар ва ўзлари учун риск даражаси минимал бўлган ҳолларда кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул

қиладилар. Лекин кредитор томонидан кутиладиган натижа ҳар доим ҳам у ўйлаганидек бўлмаслиги мумкин.

Банклар ва банк ходимлари бошқа кредиторларга нисбатан рискдан кўп ҳимояланувчи ёки қочувчи бўлишлари керак. Бунинг сабаби шундаки, банк бошқа кредиторларга нисбатан ўз маблағи билан эмас, балки жалб қилинган маблағлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча, банкда турган маблағлари билан ишлайдилар. Банкнинг кредит бериш қобилияти у жалб қилган ресурсларга боғлиқ бўлади. Банк, ўз навбатида, бу жалб қилинган маблағларни талаб қилинган вақтда мижозга қайтариб бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу имконият эса банк фаолиятида мавжуд рискларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Тижорат банкининг кредитлаш жараёнининг схемасини олиб қарайдиган бўлсак, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш босқичида бериладиган кредит бўйича риск даражасини тахминан хомчўт қилиш мумкин.

Кредитлаш жараёнининг 2,-3,-5-босқичларида кредит рисклари ва уларнинг даражасини аниқлаш мумкин. Мижознинг кредитга лаёқатлиги бўйича риск кредитлашнинг бошланғич босқичларида бўлмаслиги мумкин, лекин унинг фаолияти давомида кутилмаган молиявий қийинчиликларнинг пайдо бўлиши кредит рискининг юзага келишига асос бўлади.



Кредитни ўз
вактида тўлаш

Кредитни қайтаришда
муаммолар

20-расм. Тижорат банкининг кредитлаш жараёни

Кредит рискининг вужудга келиши икки асосий параметр-кредит берувчи ва қарз олувчининг ўз мажбуриятлари, вазифа ва функцияларини қай даражада бажаришига боғлиқ. Қарз олувчи томонидан тайёрланган кредит пакетини таҳлил қилиш ва кредит бериш бўйича лойиҳа тайёрлаш кредитловчи банк учун риск ва унинг турларини аниқлаб олиш имкониятини беради. Бу босқичда кредит берувчи:

1. Қарз олувчининг иқтисодий, молиявий аҳволи, унинг ишчанлик, маънавий қиёфаси, ишлаб чиқариш имкониятлари, маркетинги, молиявий бошқаруви ва бошқаларни.

2. Кредитга бўлган талабнинг қанчалик даражада тўғри асосланганлиги ва шу асоснинг корхонанинг реал иқтисодий ҳолатидан келиб чиққанлиги.

3. Кредитнинг мақсади банк манфаати учун ҳам тўғри келиши каби саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб олиши лозим. Масалан, бозор иқтисодиётининг ҳозирги босқичида янги корхона, фирмалар ташкил топаётган ва улар тўғрисида ҳар доим ҳам аниқ ахборот мавжуд эмаслиги шароитида **биринчи саволга** жавоб бериш жуда муҳим. **Иккинчи саволнинг** кредит олувчи томон тўлдириши, унинг молиявий аҳволи, ундаги ҳисоб-китоблар ҳолати, аудиторлик текширувлар бўйича ҳисоботлар ва хулосалар, корхона баланси, пул оқими тўғрисида ҳисобот, даромадлари ва бошқа маълумотлар банк учун зарур ҳамда бу ҳужжатларнинг мавжудлиги корхонанинг ўз молиявий ресурсларини мувафакқиятли бошқараётганлигидан далолат бериши мумкин.

Учинчи саволда эса банк у бераётган кредит унинг кредит портфелига мос келадими ёки йўқми, шуни аниқлаши лозим. Агар бу бериладиган кредит банкнинг кредит портфелининг янада кўпроқ диверсификатсияланишига олиб келса, бу банкнинг кредит портфели рискинни камайтиради. Агар бу кредит бир тармоққа кредитларнинг йиғилишини кучайтирадиган, тўлаш муддати бир вақтда тўғри келадиган бўлса, кредит портфелининг рисқи ошиши мумкин. Бунда банк ходимлари кредит бериш, кредитни баҳолаш соҳасида етарли билимга эгами, улар бозор ўзгаришларини инобатга олган ҳолда банк ишининг техникасини билиши, кредит бериш бўйича охириги қарорни қабул қилмасида, у кредитни баҳолаш жараёнига жавобгар ҳисобланиши лозим.

Кредит рискнинг юқори бўлиши банк томонидан пул бозорига муурожаат қилиш ва унинг маблағларидан еҳтиёткорлик билан фойдаланишга даъват қилади. Кредит рискларини таҳлил қилиш нафақат қарз олувчининг молиявий ҳолатини ўрганиш, шунингдек, банкнинг ички фаолиятини яхшилаш учун зарур ахборотлар йиғиш имкониятини яратади. Кредитларни риск даражаси бўйича гуруҳларга бўлиш, уларни минималлаштириш

йўллари ишлаб чиқиш, банк манфаатларини ҳимоя қилиш ва кредит рискларини камайтиришга асос бўлиши мумкин. Кредит рискларининг вужудга келишининг асосий сабаблари кредитларнинг бир соҳа, бир тармоққа кўп ажратилиши, бир қарздорга тўғри келувчи рискка риоя қилмаслик туфайли ҳам бўлиши мумкин. Кредитларни риск даражаси бўйича бўлиш кредит қўйилмаларнинг қайси (қанча) миқдори нормал риск ёки юқорида, риск зонасида эканлигини кўрсатиши мумкин.⁷²

Кредит рискнинг даражасини аниқлашда риск коэффициентидан фойдаланиш мумкин.

30-жадвал

Риск коэффициентини аниқлаш тартиби

Кўрсаткичлар	Вариантлар	
	биринчи вариант	иккинчи вариант
1. Ўз маблағлари, млн сўм	10000	60000
2. Мумкин бўлган йўқотишларнинг максимал суммаси, млн сўм	6000	24000
3. Риск коэффициенти	0,6	0,4

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, II-вариант бўйича капитал қўйиш rischi, биринчи вариантга нисбатан 1,5 марта кам ($0,6: 0,4=1,5$). Риск туфайли йўқотишлар ҳажмига қараб риск даражасини аниқлаш мумкин.

31-жадвал

Риск зоналари

Ютуқлар	Йўқотишлар			
рисксиз зона - юқори фойда	йўқотишлар бўлиши мумкин бўлган рисклар зонаси	критик риск зонаси	ҳалокатл и риск зонаси	мумкин бўлган йўқотишлар ҳажми

0 фойда тушум мулк ҳолати

Рисксиз зонада йўқотишлар йўқ, яъни унинг ўлчами «0»га тенг, бу ҳолда фойда даражаси юқорида бўлади. Бўлиши мумкин бўлган риск – бу олдиндан аниқ бўлган, юқорида хавф туғдирмайдиган риск бўлиб, унинг ҳажми сезиларсиз, доимо олинмайдиган фойдадан паст бўлади. Критик риск зонаси

⁷²The Business of Banking. American Bankers Association. Washington, D.C.2014.

Henny van Greuning, Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WORLD BANK Washington, D.C.

William Gould, Michael Higgins: Banking: Strategic leadership. United States Agency for international Development (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc., 2010. 525-529 p.

йўқотишлар бўлиш хавфи борлигини ифодалайди, олинадиган фойдадан бир қисмининг бирон жараён учун йўналтирилганлигини ва шу маблағларнинг қайтиб келишида хавф борлигини ифодалайди.

Ҳалокатли риск - аниқ йўқотишлар муқаррарлигини ва банкнинг фойдаси, мулки зарар билан яқунланишини ифодалайди.

Банклар томонидан бериладиган кредитларнинг қайси соҳага йўналтирилиши, улар бўйича тўланмаган қарзларнинг мавжудлиги тўғрисида аниқ тасавурга эга бўлиш учун банклар аниқ ахборотларга эга бўлиши, доимий ҳисоб-китобларолиб боришлари лозим. Кредитларни риск даржаси бўйича туркумлаш кредитлар хавfli зонага тушмаслигининг олдини олиш, кредит рискларининг салмоғини камайтиришга имконият яратади.

Юқори рискли ёки спекулятив (юқорида даромад келтирувчи бўлса ҳам) лойиҳаларни молиялаштириш орқали банк ўз омонатчиларининг маблағларини хавф остига қўймаслиги лозим. Бу жараёнларни банкнинг мониторинг бўлимлари текшириб туришлари лозим.

Кредит rischi ташқи омилларга (бозор ҳолати билан, иқтисодий муҳит ҳолати билан боғлиқ) ва ички омилларга (банкнинг ўз фаолиятидаги камчиликлар туфайли юзага келадиган йўқотишлар) боғлиқ бўлади.

Ташқи омилларни бошқариш имкониятлари чекланган бўлса ҳам, аммо ўз вақтидаги ҳаракатлар билан банк ушбу омилларнинг таъсирини юмшатиши ва йирик зарарларни бартараф қилиши мумкин.

Банкда кредит рискларининг юзага келиши, биринчидан, пухта ишлаб чиқилган кредит сиёсати ва унда қайд этилган мижозлар билан бўладиган операцияларга тегишли умумий йўриқномаларнинг мавжудлигига; иккинчидан, ушбу йўриқномаларни ҳаётга татбиқ етаётган банк ходимларининг билим даражасига ва ҳаракатларига, яъни рискни бошқариш қобилияти банк раҳбарларининг омилкорлигига ҳамда айнан кредит шартномасининг шартларини ишлаб чиқувчи, кредит лойиҳаларни танлаб олувчи банк ходимларининг малака даражасига боғлиқ бўлади.

Тижорат банкининг кредит рискларини бошқариш жараёнини бир нечта босқичларга ажратиш мумкин. Булар:

- банкнинг кредит сиёсатининг мақсад ва вазифаларини ишлаб чиқиш;
- маъмурий ечимларни қабул қилиш тизимини ва кредит рискни бошқариш маъмурий таркибини ташкил этиш;
- қарздорнинг молиявий ҳолатни таҳлил қилиш;
- қарздорнинг кредитлаш тарихини, унинг алоқаларини аниқлаш;
- кредит шартномасини ишлаб чиқиш ва имзолаш;
- кредитларнинг қайтарилмаслик рискни таҳлил қилиш;
- барча ссудалар портфели бўйича қарздорнинг кредит мониторингини йўлга қўйиш;
- муддати ўтган ва шубҳали кредитларни қайтариш ҳамда гаровни сотиш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш в.б.

Кредит rischi бошқариш учун банк ходими ссудалар портфелининг сифатли таркиби ва тузилиши устидан доимо назорат олиб бориши керак. У

рискни бўлиб-бўлиб қўйиш сиёсатини олиб бориш ҳамда кредитларни бир нечта йирик қарздорларда тўпланишига йўл қўймаслиги керак. Акс ҳолда, қарздорлардан бирининг кредитни тўлай олмаслиги банкнинг молиявий аҳволини қийинлаштириши мумкин.

Кредит rischi ликвидлилик rischiга ва банкнинг тўловга ноқобиллиги rischiга, шунингдек, банкнинг маъмурий-хўжалик харажатларини қоплай олмаслиги билан боғлиқ riskларга олиб келиши мумкин, фоиз ставкаси rischi ўзича мустақил бўлсада, у кредит rischi ва бошқа барча riskлар занжирини чуқурлаштириб бориши мумкин.

Тижорат банкларининг долзарб муаммоларидан бири, баланс маълумотлари ва кредит портфелининг таҳлили асосида кредит riskларини бошқариш ҳисобланади. Кредитларни risk синфларига гуруҳлаш, уларни таҳлил қилиш, уларни минималлаштириш ва банк манфаатини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқиш кредит riskларини камайтиради. Ишлаб чиқаришда пасайиш бўлаётган корхона ва тармоқларда кредитнинг тўпланишидан воз кечиш, шунингдек, «ҳамма тухумни бир саватга солмаслик керак» деган донишмандларнинг ҳақлига амал қилган ҳолда, бир қарз олувчига тўғри келувчи riskнинг максимал миқдорига риоя қилиш кредит riskини минималлаштиришга имкон беради.

Банклар берган кредитларнинг ўз вақтида қайтиб тўланмаслиги берилган кредитлар бўйича riskлар пайдо бўлганлигидан далолат беради. Муддати ўтган кредитларнинг умумий кредит қўйилмалар суммасига нисбатини олиш билан кредит riskларнинг даражасини аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткич жаҳон амалиётида ҳам қўлланилиб, халқаро банк амалиётида унинг қабул қилинган нормаси 4-5%, лекин баъзи ҳолларда 7% гача бўлиши мумкин.

Биз ўтказган таҳлил материаллари шуни кўрсатадики, бизнинг республика бўйича банкларнинг умумий кредит қўйилмалар ҳажмида муддати ўтган кредитларнинг салмоғи 3,08%ни ташкил этади, бу ғарб мамлакатлари тижорат банкларининг умумқабул қилинган меъёрлар чегарасидан чиқмайди (4-5%гача).

Мазкур ҳолатда ишончсиз кредитларни қоплаш учун зарур бўлган резерв фондларини ташкил этиш жуда муҳимдир, акс ҳолда, riskли кредитларнинг юқори даражаси банкнинг ўз маблағларининг маълум қисми йўқотилишига хавф туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, банкнинг тўловга лаёқатсизлигига олиб келади. Баъзи ҳолларда банклар бўйича кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатининг пасайиши бир вақтнинг ўзида кредит riskларининг келажакда пасайиши ёки барқарорлашувига олиб келиши мумкин.

Кредитлар бўйича йўқотишларни қоплаш учун ташкил қилинадиган резерв (захира) фондлари кредит riskларининг ўзига хос амортизатори бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан кредит беришда асосий эътибор бериладиган соҳа – бу кредитнинг таъминланганлигидир. Лекин

кредитнинг таъминлаганлиги, рискни ўз-ўзидан йўқ деб ҳисоблашга асос бўла олмайди. Чунки, биринчидан, кредит бўйича таъминланганликка олинган мулкнинг қиймати тўғри баҳоланганми? Иккинчидан, шу мулкнинг фойдалилик даражаси, бозорда унга бўлган талаб ёки умумий қилиб айтганда, таъминланганлик учун қабул қилинган мулкнинг ликвидлилик даражаси қандай? Таъминланганлик учун қабул қилинган мулкнинг мана шу муҳим томонларини инобатга олишнинг ўзи кредитлар бўйича рискларни ҳисоблашни биринчи ўринда зарур қилиб қўяди. Шунинг учун тижорат банклари ўз кредит сиёсатларида кредит рискларни ҳисоблаш ва бошқаришнинг бошқа йўналишларини ҳам белгилаб олишлари лозим.

Банк томонидан кредитлаш учун фойдаланилаётган ресурсларнинг бир қисми банкнинг мижозлари бўлган жисмоний ва юридик шахслар, акционерлар маблағлари бўлсада, улардан қай даражада, қайси соҳада фойдаланиш бўйича қарорни банк қабул қилади. Банк даромад олишни режалаштириши билан бир қаторда, ўз фаолиятида маълум рисклар ҳам мавжуд эканлигини доимо ҳисоб қилиши, кредитлашда, авваламбор, кредит олувчи мижоз ва унинг фаолиятининг ҳаётийлиги, унинг кредитга лаёқатлилиги, берилган кредитнинг рисклилик даражасини аниқ кўриб чиққанидан кейингина кредитнинг таъминланганлигини инобатга олиши лозим. Кредитнинг таъминланганлиги учун гаровга олинган мулк кредитни қайтариб олишнинг охириги манбасидир.

Кредит рискининг даражасини аниқлашдаги муҳим кўрсаткичлардан бири, бу корхонанинг молиявий жихатдан мустақиллигини ифодаловчи коэффициентдир.

Унинг оптимал кўрсаткичи $K_m \approx 0,5$ га тенг бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич қарз олувчиларнинг ўз маблағларининг суммасини корхонанинг умумий маблағларидан катта бўлиши лозимлигини англатади. Ўзбекистон ҳудудидаҳўжалик субектларини қисқа муддатли кредитлашда, асосан, бу кўрсаткичнинг минимал миқдори 0,3 дан кам бўлмаслиги лозим.

Мухторлик коэффициенти ҳиссадорларнинг, акция эгаларининг ва кредиторларнинг манфаатларини ва, шу билан бирга, молиявий маблағларнинг таркибини ҳам ифодалайди, яъни четдан жалб қилинган капитал билан ўз маблағлари таъминланганлигининг нисбий даражасини кўрсатади. Бу кўрсаткич депрессия даврида корхоналарни катта йўқотишлардан сақлайди ва кредит олиш учун кафолат ҳисобланади. Бу кўрсаткич орқали корхонанинг молиявий аҳволига баҳо бериш мумкин.

Қоплаш коэффициенти ($K_{\text{ў}}$) ликвид маблағлари суммасининг қисқа муддатли мажбуриятлар суммаси нисбатини ўзида ифодалайди. Бу кўрсаткич тахминан 2,0-2,5 дан кам бўлмаслиги керак ва қисқа муддатли мажбуриятларнингҳар бир сўмига ликвид маблағларининг 2 сўмдан ортиқ қисми тўғри келишини англатади. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари амалиётида бу кўрсаткич И тоифага кирувчи корхоналар учун 2,0 ва ундан ортиқ, ИИ тоифага кирувчи корхоналар учун $1 > 2$, ИИИ тоифа корхоналар учун $0,5 > 1$ қилиб белгиланган.

Абсолют ликвидлилик коэффициенти ($K_{ал}$) қарздорлик бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишни таъминлайди, ишлаб чиқарувчининг ҳаракатдаги активлар даражасини ўзида ифода этади. Абсолют ликвидлилик коэффициентининг энг мукамал кўриниши бу ликвидлилик коэффициенти бўлиб ($K_{л}$), у юқори ва ўрта ликвидлик маблағлар суммаси билан қисқа муддатли қарздорлик ўртасидаги нисбатни ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси банклари амалиётида бу кўрсаткич 1 тоифа корхоналар учун 1,5 дан юқори, 2 тоифа корхоналар учун 1,0 дан 1,5 гача, III тоифа корхоналар учун 1,0 дан кам қилиб белгиланган.

Қарздорлик коэффициенти корхона активига қўйилган ўз маблағларига қанча жалб қилинган маблағлар тўғри келишини ифодалайди. Заруриятга қараб уни қуйидагича гуруҳлаб таҳлил қилиш мумкин:

$$\text{Debitorqarzdorlikkoeff} (K_{dq}) = \frac{\text{debitor qarzdorlik summasi}}{\text{o'z kapitalining summasi}};$$

$$\text{Kreditorqarzdorlikkoeff} (K_{kq}) = \frac{\text{kreditor qarzdorlik summasi}}{\text{o'z kapitalining summasi}};$$

$$\text{Jalbqilingankapitalavlanishkoeff} (K_{jqk}) = \frac{\text{realizatsiyadan tushum}}{\text{o'z kapitalining o'rtacha summasi}} \times 100 \bullet$$

Бу коэффициентлар ишлаб чиқарувчи фаолиятининг ташқи қарзларга қанчалик боғлиқлигини кўсатади. Кўрсаткич қанчалик катта бўлса, узоқ муддатли мажбуриятлар ҳам шунчалик кўп бўлади ва юзага келган вазият ҳам шунчалик рискли бўлади. Корхонанинг ўз мажбуриятларини тўлай олмаслиги эса корхонани инқирозга учрашига олиб келади.

Кредит рискинни таҳлил қилишлик учун, аввало, юқорида кўрсатиб ўтилган коэффициентлар ҳисоблаб чиқилади ва уларнинг оптимал кўрсаткичлари билан солиштирилади. Агар ҳисобланган кўрсаткичлар тахминан оптимал кўрсаткичлар билан бир хил бўлса, у ҳолда таҳлилни давом еттирмаса ҳам бўлади. Кўп ҳолларда баъзи кўрсаткичлар кредит рискининг юқорилиги ҳақида далолат берса, баъзилари эса бунинг аксини кўрсатади. Бу ҳолда кредит рискига баҳо бериш қийин бўлади ва шу ҳолларда таҳлил қилишни давом эттириш лозим бўлади. Кўп ҳолларда оптимал кўрсаткичлардан узоқ бўлган коэффициентларнинг ўзинигина таркибларга ажратиш мумкин.

Ликвид маблағларининг этишмаслиги тўловларни ўз вақтида оширилмаслигидан далолат беради ва бу баланс ликвидлигини пасайтиради. Ликвид маблағларининг этишмаслиги амортизатсия ажратмаларидан катта бўлган суммадаги корхона фаолиятидаги зарарлар, ўтган йиллардаги ва кутилмаган зарарлар, ликвид маблағларининг нотўғри баҳоланиши, кераклигидан ортиқча суммадаги маблағларнинг капитал қўйилмаларига йўналтирилиши, узоқ муддатли инвестицияларга керагидан ортиқча қўйилмалар сабабли юзага келиши мумкин.

Кредит рисқи минимал бўлиши учун корхона ликвид маблағларининг миқдори қисқа муддатли қарздорликлардан тахминан икки баробар катта

бўлиши керак.

Кредит рискинни камайтириш борасида тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таввакалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида”ги низоми талабларига риоя қилишлари лозим.

Мазкур низом бўйича ҳар қандай бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳининг балансдан ташқари мажбуриятларини ҳам ҳисобга олган ҳолда, кредитлари жами суммаси 1-босқичли банк регулятив капиталининг 10 фоиздан ошган ҳолати йирик кредит ҳисобланади ва бу кредит бўйича йирик йўқотиш эҳтимоли юзага келади. Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таввакалчиликнинг энг юқори даражаси 1 даражали банк капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак. Ишончли кредитлар учун таввакалчиликнинг энг юқори даражаси 1-босқичли банк капиталининг 5 фоизидан, банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-босқичли банк капиталидан 8 мартадан ошмаслиги лозим.

Тижорат банклар томонидан кўрсатилган лизинг хизматларининг умумий суммаси (авиализингдан ташқари) банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро банк амалиётида кредит рискларининг олдини олиш бўйича қабул қилинган йўриқномаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳон амалиётида кредит рискларининг олдини олиш бўйича қуйидаги талаблар қўйилган:

- бирор-бир қарз олувчи банкнинг асосий капиталининг 10% эквивалентидан ортиқча маблағ ола олмайди;

- бир тармоққа бериладиган кредит миқдори банкнинг умумий портфелининг 25% идан ошмаслиги лозим;

- бир қарз олувчига тўғри келувчи тахминий риск (гаровга қўйилган-ган мулк баҳолангандан кейин) банкнинг асосий капиталининг 1% и дан ошмаслиги лозим;

- тахминий (кутилаётган) риск миқдори мижоздан олиниши кутилаётган йиллик фойда миқдорининг 3 баробаридан ошиб кетмаслиги керак.⁷³

22.3.Кредитнинг алоҳида турларида кредит рискларини аниқлаш, уни камайтириш йўллари

Банклар фаолиятида рискларни бошқариш рискларни минималлаштириш ва олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Банк

⁷³The Business of Banking. American Bankers Association. Washington, D.C.2014.

Henny van Greuning,Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WOLD BANK Washington,D.C.

William Gould, Michael Higgins: Banking:Strategic leadership. United States Agency for international Devolpment (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc.,2010. 525-529 p.

рисklarини бошқаришдан асосий мақсад банкнинг актив ва пасивларини бошқаришда банкнинг фойдаси ва унинг ликвидлилик ҳамда хавфсизлиги ўртасидаги энг муқобил нисбатни таъминлаш, яъни рисклар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни минималлаштиришдан иборат. Рисklarни самарали бошқариш банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган кўп муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Риск даражаси турли сабаб ва омилларга қараб ўзгариб туради. Шу сабаб банклар ҳам бозор муносабатлари, мижозларнинг сифати, талаби ва бошқалардан келиб чиқиб ўз активлари ва пасивларининг ҳолати, банк хизматларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб рисklarни ҳам ҳисоб-китоб қилиб фаолиятини олиб бориши керак.

Рисklarни бошқариш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади: рисklarни олдиндан кўра билиш, уларнинг тахминий ҳажми ва таъсирини аниқлаш, рисklarнинг олдини олиш ёки уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, улар таъсирида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш в.б. Бу борада ҳар бир банк рисklarни бошқариш соҳасида ўзининг стратегиясига эга бўлиши лозим. Агарда банк рискли операцияни амалга оширишга қарор қилса, у олдиндан мазкур операцияда қанақа рисклар бўлиши мумкинлигини ва уларни қайси усуллар билан, қандай қилиб бошқариши мумкинлигини ҳам билиши лозим. Бизининг республикамизда тижорат банклари фаолиятида учрайдиган рисklarни бошқариш бўйича Марказий банкнинг 2011-йил 25 майда тасдиқланган “Тижорат банкларининг банк таваккалчилигини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низом талаблари асосида олиб борилади. Бу ҳужжат Марказий банк томонидан тижорат банкларининг банк рисklarини бошқаришига қўйиладиган минимал талаблар баён этилган ва банк рисklarини бошқариш деганда, банк ўз фаолиятини юритиши ва банк операцияларини ўтказишида пайдо бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, бартараф этиш, камайтириш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарларни бошқа молиявий воситалар орқали қоплаш бўйича банк томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи тушунилиши белгилаб берилган. Республикада тижорат банклари томонидан улар фаолиятида юзага келадиган рисklarни бошқаришдан асосий мақсад - банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш, банк таваккалчиликларини камайтириш, бартараф этиш ва олдини олиш ҳамда банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Рисklarни бошқаришнинг қуйидаги елеменлари мавжуд:

1. Банк рисklarини бошқариш бўйича махсус бўлим ёки бошқармалар ташкил қилиш.
2. Рисklarни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш.
3. Рисklarни минималлаштиришга таъсир қилувчи дастагларни топиш.
4. Рисklarни таҳлил қилиш асосида қарорлар қабул қилиш в.б.

Ушбу элементр Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган

банклар фаолиятида ҳам ўз аксини топган.


Банк рискларини бошқариш соҳасида тижорат банклари қуйидаги талабларни амалга оширишлари зарур:

-банк фаолияти ва унинг атрофидаги муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган таваккалчиликларни бошқариш сиёсатини ишлаб чиқиш;

-банк таваккалчилигини бошқариш вазифалари юкланган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

-банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

-банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқа ўрнатишда, инвестициялар киритишда, чет элвалютасидаги маблағларни активларга жойлаштиришда, янги ходимларни ишга қабул қилишда ва бошқа банк таваккалчилиги юзага келиши мумкин бўлган банк операциялари таваккалчилигининг юзага келиши ва уни бартараф этиш, олдини олиш, камайтириш нуқтайи назаридан банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш в.б.



21-расм. Кредитни бошқаришнинг биринчи қўмитаси вазифалари

Банкларда кредит рискларини бошқариш муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон банк амалиётида йирик тижорат банкларида кредит ва у билан боғлиқ рискларни бошқаришни уларнинг махсус иккита қўмитаси амалга оширади. Уларнинг биринчиси ва унинг асосий вазифалари қуйидаги расмда


кўрсатилган.

Банк рискларини бошқаришда банклар фаолиятини чуқур билиш, улар бажарадиган операцияларнинг самарадорлигини аниқлай олиш, банкнинг кредит, инвестиция, валюта сиёсати ва бошқа фаолият турлари бўйича оптимал қарорлар қабул қилишга эришиш, мижозларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг молиявий аҳволи, тармоқлар фаолиятининг хусусиятларини билиш муғим ағҳамиятга эга. Банк рискларини бошқаришда банклар диверсификатсиялаш, суғурталаш, таъминот базасини мустаҳкамлаш, мижознинг кредитга лаёқатлилики кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш каби усуллардан кенг фойдаланиши лозим. Шунингдек, тижорат банклари рискларнинг олдини олиш учун:

- ўз капиталидан ортиқ суммага риск қилмаслик;
- кам даромад олиш имкониятида катта риск ёки умуман риск қилмаслик;

- ҳар қандай бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорларга берилган кредитлар суммаси 1-босқичли банк регулятив капиталининг 10 фоиздан оширмаслик;

- бир қарздор ёки ўзаро дахлдор қарздорларга тўғри келувчи рискнинг энг юқори даражаси 1 даражали банк капиталининг 25 фоиздан ошишига йўл қўймаслик. Ҳаттоки, ишончли кредитлар бўйича ҳам рискнинг энг юқори даражаси 1-босқичли банк капиталининг 5 фоиздан, банкнинг барча йирик кредитларининг умумий ҳажми 1-босқичли банк капиталидан 8 мартадан оширмасликка эришиши лозим.



22-расм. Кредитни бошқаришнинг иккинчи қўмитаси вазифалари

Йирик тижорат банкларида кредит рискларини бошқаришдаги асосий қийинчиликлар кредитланадиган соҳани чуқур таҳлил қилинмаслиги,

мижозлар билан алоқани тўғри йўлга қўйилмаганлиги, назоратнинг тўғри ташкил қилинмаслиги, кредит жараёнларини назорат ва аудит ўтказишдаги муаммоларининг тўғри ҳал қилинмаслигида кўрилади.

Кредитнинг рискларини бошқаришни вазифаларини амалга оширишда банк бошқарувчиси, кредит бўлими, оператсион бўлим бошлиқлари, бош иқтисодчи, бухгалтерларнинг фаолияти аҳамиятлидир. Чунки улар кредитни бошқаришнинг биринчи қўмитаси аъзолари бўлиб, кредитни бошқариш вазифаларини амалга оширадилар.

Тижорат банкларида кредитни бошқаришнинг иккинчи қўмитасининг фаолияти ва унинг йўналишлари, вазифалари қўйидаги расмда кўрсатилган: Биринчи ва иккинчи қўмиталар биргаликда ўзига бириктирилган вазифаларни бажариб бориш натижасида рискларнинг камайишига эришиш мумкин.

Банк фаолиятининг ишончлилиги унинг фаолиятида юзага келган рискларни моҳирона бошқариши билан белгиланади. **Рискларни бошқариш** – бу рискни минималлаштириш бўйича қўлланиладиган усул ва воситаларнинг мажмуасидир. Банк рискларини бошқаришнинг элементлари сифатида:

- рискни бошқариш субъектларини;
 - рискни аниқлашни;
 - риск даражасини баҳолашни;
- рискни мониторинг қилишни олиш мумкин.

Рискни бошқариш субъектлари - булар банк раҳбарияти, рискни бошқариш бошқармаси ёки бўлими, кредитни берган бошқарма ёки бўлим, назорат, мониторинг бўлинмалари ва юридик бўлим ҳисобланади.

Рискни аниқлаш – мавжуд ва қўшимча маълумотларни олиш орқали риск юзага келган жой-муҳит, рискнинг салбий таъсир зоналари аниқланади.

Риск даражасини баҳолаш – бунда риск сон ва сифат жиҳатдан баҳоланади.

Рискни сифат жиҳатдан баҳолашда рискнинг манбалари, унга таъсир қилувчи омиллар аниқланади. Ва рискни камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганда айнан шу омилларга эътибор қаратилади. Рискни сифат жиҳатдан таҳлил қилиш қўйидаги йўналишларда олиб борилади. Булар:

- риск даражасини баҳолаш мезонларини аниқлаш;
- банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган баъзи рискларнинг даражасини аниқлаш;
- ҳақиқатда юзага келган рискларнинг турлари ва уларнинг кўламини турли усулларни қўллаган ҳолда аниқлаш;
- келажакда рисклар камайиши ёки ошиши имкониятларини баҳолаш.

Рискларни бошқариш усулларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин. Булар:

1. Рискларнинг олдини олиш усуллари.
2. Рискларни ўтказиб юбориш ёки йўналишини ўзгартириш усуллари.
3. Рискларни тақсимлаш усуллари.
4. Рискларни қабул қилиш ва ундан келадиган йўқотишларни

минималлаштириш.

Рискни бошқаришни амалга оширишдаги усуллар рискнинг олдини олиш ва ундан келадиган йўқотишларни камайтиришга қаратилган бўлиб, у қўйидаги йўналишларга асосланади:

- Рискни ўз капитали ҳисобидан қоплаш чораларини кўриш,
- Рискга асосланган маржа (фоиз, таъминот в.б.) даражасини аниқлаш.
- Кредит портфели сифатини назоратга олиш ва унинг

диверсификациясига эътибор қаратиш.

- Рискнинг турлари бўйича уларнинг хавфлилиқ даражасини аниқлаш.
- Банк операцияларини риск омилининг таъсири даражасидан келиб

чиқиб диверсификациялаш.

- Банкнинг рискли операциялари бўйича лимитлар ўрнатиш.
- Зарур ҳолларда активларни сотиш.
- Алоҳида рискларни хеджирлаш.
- Рискларни суғурталаш.⁷⁴

Шунингдек, яна рискдан қочиш, рискни чеклаш, ушлаб туриш, рискни тақсимлаш, қайта суғурталаш, ўз-ўзини суғурталаш каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

22.4. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кредит рискларини бошқариш усуллари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида миллий молия-банк тизимини яратиш бўйича бир неча босқичдан иборат ислохотлар амалга оширилган. Натижада ҳозирги кунда юртимизда халқаро андозаларга мос келадиган кредит тизими шаклланди ва уни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Республикаимизда фаолият юритаётган тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари кредит портфелининг йилдан-йилга ортиши, кредит бозорининг ривожланиши, ўз навбатида, кредитлаш жараёни инфратузилмасини такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Маълумки, бугунги кунда мазкур инфратузилманинг асосий бўғини ҳисобланган кредит ахбороти алмашинуви тизими йўлга қўйилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти ҳамда Ўзбекистон банклари ассоциацияси ҳузуридаги Банклараро кредит бюроси фаол иш олиб бормоқда.

Бироқ амалиётда кредит ахбороти алмашинуви тизимидан фақат тижорат банклари фойдаланиш имконига эга бўлиб, молия-банк тизимининг

⁷⁴The Business of Banking. American Bankers Association. Washington, D.C.2014.

Henny van Greuning, Sonia Brajovich Bratanovich. The Analysis of banking risks. THE WORLD BANK Washington, D.C.

William Gould, Michael Higgins: Banking: Strategic leadership. United States Agency for international Development (USAID) 2012. 23-46 p.

Philip Kotler. Marketing Essentials. Prentice- Hall, Inc., 2010. 525-529 p.

бошқа субъектлари, хусусан, микромолиявий хизматлар кўрсатувчилар, лизинг ташкилотлари, суғурталовчилар ҳамда бошқа кредиторларнинг фойдаланишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Шу билан бирга, қарз олувчилар тўғрисида ишончли ва тезкор ахборотни етказиб бериш лозимлиги, кредит олиш учун мурожаат этган шахслар ҳақида тўлақонли ахборот йиғиш борасида кредит ташкилотларининг имкониятлари чекланганлиги тадбиркорлик хатарларининг ошишига, тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш муддатларининг чўзилишига ва кредит ажратувчиларнинг операцион харажатлари ошиб боришига олиб келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кредит ахбороти олиш тизими ривожланмас экан, кредит бозорининг йирик субъектларига айланиб бораётган нобанк кредит ташкилотларининг кредит хатарларини тўғри баҳолаш, қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги, молиявий аҳволи ва уларнинг ишбилармонлик қобилятини таҳлил қилиш имкониятлари чекланиб қолаверади.

Халқаро тажриба ҳам шуни кўрсатмоқдаки, кредит ахбороти алмашинуви, одатда, давлат реестри ёки нодавлат кредит бюрolari томонидан олиб борилади. Чунончи, айрим мамлакатларда бу марказлашган ягона поғонали кредит ахбороти алмашинуви тизими ҳисобланади. Бунда кредит ахбороти алмашинуви давлат томонидан амалга оширилган ҳолда, кредит ахборотлари ягона давлат реестри томонидан юритилади. Баъзи мамлакатларда эса марказлашмаган кўп поғонали кредит ахбороти тизими фаолият юритади. Бунда кредит ахбороти алмашинуви кредит бюрolari ва давлат томонидан амалга оширилади.

Қонунга асосан, кредит ахбороти алмашинуви кредит бюрolari томонидан тегишли лицензия олинishi орқали йўлга қўйилиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ҳамда Кредит ахбороти ягона давлат реестрини олиб бориш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

Қонунга мувофиқ, кредит бюроси қарз олувчилар тўғрисида кенг камровли ахборотларни, хусусан, кредитлар бўйича тўловлар, ноқредит мажбуриятлари, иш тажрибаси, ишбилармонлик обрўси ва бошқа маълумотларни жамлайди. Бунда бюро ишончли манбалардан ахборот олиб, манфаатдор кредиторларга кредит ҳисоботларини тақдим этади. Айни вақтда Қонун билан кредит ахборотини тақдим этишга ва унинг алмашинувига доир чеклашлар ўрнатилмоқда. Яъни, кредит ахборотини тақдим қилиш ва унинг алмашинуви кредит битимини тўзишда таваккалчиликни баҳолаш, кредит битими ижроси мониторинги, кредит ахбороти субъектларини рейтинг асосида баҳолаш, ахборотнинг холислиги ва тўғрилигини таъминлаш мақсадларида амалга оширилади.

Дарҳақиқат, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Қонун кредит ахбороти алмашинуви соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий базасини шакллантирган ҳолда, кредиторлар ва қарздорларнинг кредит

ахбороти алмашинувида иштирок этишлари учун тенг шароитлар яратади. Қарз олувчиларнинг кредит тарихини тегишли давлат ташкилотлари ва бошқа кредит ахбороти етказиб берувчилар маълумотлари ҳисобига кенгайтиради ҳамда қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини бойитади. Қонун, шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кредит аризаларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш имкониятини вужудга келтиради, қисқа муддатларда кредит ажратиш ҳамда кредит бўйича сарф-харажатларни камайтиришга олиб келади, банк операция харажатлари ҳамда таваккалчиликларини камайтириб, тўлов интизомининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Шунингдек,

1. Кредит ахбороти алмашинуви кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш, банклар микрокредит ташкилотларга кредит буюртмаларини қайта ишлаш муддатларини қисқартириш ва кредитларнинг қайтмаслик ҳолатларини олдини олиш имкониятини бериши зарур.

2. Самарали кредит ахбороти алмашинуви тизими яратилиши натижасида кредитлар ҳажмининг ошишига ва ишончли мижозларга минимал талаблар асосида кредит берилишига, кредит бозорида рақобатнинг ошишига ва фоиз ставкаларининг пасайишига эришиш мумкин.

3. Кредит ахбороти алмашуви, қонунчиликда талаб этилганидек, кредит ахборотини етказиб берувчилардан уларни махсус институтларга ўзатиш ва улардан шундай ахборотни олиш бўйича комплекс ҳаракатларни амалга оширишни кўзда тутди. Банк соҳасида бунинг аҳамияти – кредит беришда уни қайтармаслик хавфининг олдини олиш, қарз олувчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, бизнес субъектларининг ўз мавқени ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини ошириш, кредиторларни қарз олувчилар ҳамда мижозлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш орқали белгиланишидадир.

4. Кредит ахбороти алмашинуви жараёнида кредит ахборотини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни тегишли давлат ташкилотларидан олиш тизимининг жорий этилиши алоҳида эътиборга моликдир. Ушбу идоралар томонидан кредит ахбороти алмашинуви учун зарур ахборотларнинг тақдим этилиши тезкор, ишончли ва тўлақонли кредит тарихини шакллантиришга хизмат қилиши орқали муаммоли кредитларни юзага келишини олдини олиш зарур.

5. Кредит ахбороти алмашинуви қонунчиликда талаб этилганидек кредит тарихи тўғрисидаги ахборотлар базасини бойитиб, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг кредит аризаларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш имкониятини вужудга келтириши, қисқа муддатларда кредит ажратиш ҳамда кредит бўйича сарф-харажатларни камайтиришга олиб келиб, банк операция харажатлар ҳамда таваккалчиликларни камайтириб, тўлов интизомининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим.

Назорат учун саволлар

1. Риск юзага келишининг сабаблари нималардан иборат?

2. Банк рискларининг қандай турлари мавжуд?
3. Банк рисклари қайси тоифаларга бўлинади?
4. Соф рискларга қайси рисклар киради?
5. Бошқариш имкониятига кўра банк рисклари қандай турларга бўлинади?
6. Ташқи рисклар даражасига қайси омиллар таъсир кўрсатади?
7. Тузилиш белгиларига кўра иқтисодий рисклар қандай рискларга бўлинади?
8. Халқаро риск деганда нимани тушунаси?
9. Риск даражаси нимани ифодалайди?
10. Банкнинг ички рискларига қайси рисклар киради ва унга таъсир қилувчи омиллар?
11. Диверсификацияланиш нимани англатади?
12. Банк рискларини баҳолашнинг математик усуллари қайсилар?
13. Кредит rischi ва унинг юзага келиши сабаблари нима?
14. Кредит rischi қачон ва қандай аниқланади?
15. Кредит рискларини олдини олишда кредит ахборот бюросининг ўрни ҳақида гапириб беринг.
16. Кредит бюrolари тизими қандай яратилади?
17. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кредит рискларини бошқариш усуллари ҳақида гапириб беринг.

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг инглиз тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Банкнинг пассив операциялари	Passive operations of a commercial bank	Пассивные операции коммерческого банка	банкнинг маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операцияларидир. Банкларнинг пассив операциялари бу – банклар кредит ва бошқа актив амалиётларни бажариш учун ўз ресурсларини шакллантириш операцияларидир.
Депозит	Deposit	Депозит	лотинча сўздан олинган бўлиб, луғавий маъноси-сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Иқтисодиётда эса мижознинг ўз маблағини вақтинча фойдаланиш учун банкга топшириш натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатни тушунилади..
Банкнинг актив операциялари	Active operations of commercial bank	Активные операции коммерческого банка	Банкнинг актив операциялари-банкларнинг келажакда даромад олиш мақсадида жамланган кредит маблағларини кредитларга ва инвестицияларга жойлаштирилиши ва бошқа мақсадли операцияларидир.
Банк ликвидлиги	banks' liquidity	ликвидность банка	бозор талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришнинг ассортимент тузилмасини ишлаб чиқиш. Маҳсулот рақобатдошлигини баҳолаш. Техник ва истеъмол параметрлари оъзаро алоқасини оърганиш. Йангиликлар киритиш сиёсати. Нарх сиёсати. Товар қадоғи. Товар белгиси.
Тижорат банкларининг кредит сиёсати	The credit policy of the commercial bank	Кредитная политика коммерческого банка	бу банкларнинг кредит рискларини камайтириш ва кредит операцияларининг даромадлигини кўпайтириш мақсадида амалга оширадиган комплекс тадбирлари мажмуасидир.
Қайта молиялаштириш сиёсати	The percentage of refinancing	Процент рефинансирования	Марказий банк томонидан кредит институтларининг векселларни сотиб олиш шакли ва қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш тушунилади.
Банк кредити	Bank loan	Банковский кредит	банклар пулни унинг соҳибларига фоиз тўлаш шарти билан ўз кўлида жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз олишдир.
Тўлов баланси	Payment balance	Платежный баланс	мамлакатнинг хорижий давлатлар билан бўладиган алоқалари натижасида юзага келадиган валюта тушумлари ва

			тўловларининг ҳақиқатдаги суммаси акс эттирилади. Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.
Кредит	Credit-	Кредит-	ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шarti билан олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатдир.
Фоиз ставкаси-	interest rate	Процентная ставка	қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўловидир.
Траст операциялари	trust business	Трастовые операции	банк мижоз топшириғи билан маълум мулкни, пул, қимматли қоғозлар кўринишида сақлаш, ўтказиш ва бошқаришни ўз зиммасига олади.
Транзакцион депозитлар	transactional operations	Транзакционные операции	юридик шахсларнинг бўш пул маблағлари уларни маблағини талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит тури.
Тўловга лаёқатлилиқ	solvency	платежаспособность	банк зарур муддатларда кредит-омонатчилар, банклар давлат олдидаги мажбуриятларини тўла суммада бажара олиш лаёқатини билдиради.
Иқтисодий риск	Economic risk	Экономический риск	умуман йирик тизим ва унинг таркиби ривожланишида ишлаб чиқариш шакллариининг оқилона уйғунлашувини танлашда юзага келадиган рисклар мажмуи.
Кредит сиёсати	credit risk	Кредитный риск	кредит операцияларини амалга оширишда банкларнинг тутадиган стратегия ва тактикасидир
Тижорат банки	Commercial Bank	Коммерческий банк	тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган юридик ва жисмоний шахслардан омонатларни жалб қилиш ва уларни кредитга бериш, тўловларни амалга ошириш билан шуғулланувчи амалга оширадиган юридик шахсдир.
Марказий банк	central bank	Центральный банк	ўз сарф-харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассаса бўлиб, у давлат герби туширилган ва номи ёзилган муҳрига эга.
Кредит портфели	Credit portfolio	Кредитный портфель	тожорат банклари томонидан берилган жами кредитлар жамловчи ҳужжат.
Кредитлаш жараёни	Loan process	Процесс кредитования	кредитни расмийлаштириш жараёни бошлангандан то берилишигача бўлган жараёни қамраб олади.

Кредит потенциал	Credit potential	Кредитный потенциал	банкдаги йиғилган, таркиб топган маблағлардан ликвидлилик резервларини айирмасига тенг.
Кредит механизми	Credit Facility	Кредитный механизм	кредит муносабатларини ташкил қилишда қўлланиладиган элементлар мажмуасидир.
Кредитлаш объектлари	object of financing	Объекты кредитования	кредит ҳисобидан нима ташкил қилинса ёки кредит нимага йўналтиришса ўша тушунилади.
Кредитлаш субъектлари	Subjects lending	Субъекты кредитования	кредит муносабатида катнашувчи томонларангланади.
Кредитлаш стратегияси	lending Strategy	Стратегия кредитования	кредит сиёсати борасида ырон ыр банкнинг молия бозоридаги мазмунли, мақсадли ва аниқ тамоилларга кредит муносабатлари ҳисобланади.
Кредитлаш тактикаси	lending Tactics	Тактика кредитования	кредит жараёнида кўзланган мақсадга эришиш учун қўлланиладиган молиявий ва бошқа дастаклар мажмуидир.
Кредит пакети	Credit package	Кредитный пакет	кредитлаш жараёни учун зарур бўлган хужжатлар мажмуаси тушунилади.
Кредит rischi	credit risk	Кредитный риск	бу қарз олувчи томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилмаслиги, яъни кредит суммасининг (қисман ёки тўлиқ) ва у бўйича фоизларнинг тўланмаслигидир.
Кредитлаш тарихи	History of lending	История кредитования	мижознинг бу кредитдан олдин ҳам кредит олганлиги ва уни қайтариш бўйича мажбуриятларини қай даражада бажарганлиги ҳақидаги маълумотлар мажмуи.
Кредит портфелининг диверсификацияси	Diversification of credit portfolio	Диверсификация кредитного портфеля	бу банкнинг баъзи мижозларидан кўрган зарарларни бошқа мижозлардан кўрган даромад ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонли мижозлар ўртасида тақсимлаш демақдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.:Ўзбекистон, 2018-80б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Т. Адолат 2014
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 21 декабр 1995 йил.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 25 апрел 1996 йил.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Қонун, Т.: Ўзбекистон, 12 сентябр2014 йил.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги Қонуни Т.: “Ўзбекистон” 23 май, 2015йил.
- 1.7.Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни Т.: “Ўзбекистон”6 январ 2012 йил.
- 1.8.Ўзбекистон Республикасининг “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги Қонуни 4 апрел 2006 йил
- 1.9.Ўзбекистон Республикаси “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонуни 16 декабр 2005 йил
- 1.10.Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида” ги Қонуни Т.: Ўзбекистон декабр, 2003 йил
- 1.11.Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Қонуни 29 апрел 2004 йил
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида № 3620 сонли Қарори. 2018 йил 23 март
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида ПФ№5296 Фармони. 09.01.2018 йил.

1.14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон Қарори. 12.09.2017.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикасида давлат қисқа муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги” низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш. 5 март 2016 йил, № 5

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлариغا бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида» Қарори. Тошкент ш., 2016 йил 27 феврал, 4/2-сон

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг чоп этиладиган йиллик молиявий ҳисоботларига қўйиладиган талаблар тўғрисида [низомга](#) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 20 феврал, 4/1-сон

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январь, 1/2-сон

1.19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2015 йил 18 декабр, 35/4-сон, № 19/10

1.20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги Қарори. Тошкент, 2015 йил 22 июль,

1.21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2015 йил 22 июл, 19/14-сон

1.22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банклари томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январ, 1/10-сон.

1.23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармони. 2017 йил 7 февраль.

1.24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 2 сентябрь.

1.25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори 2017 йил 12 сентябрь.

1.26. Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори АВ рег. № 1863-7. Қабул қилинган сана 14.05.2019. Кучга кириш санаси 14.05.2019.

1.27. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахборот-коммуникатсия технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг 2016–2018 йилларга мўлжалланган Концепсияси”.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқлари ва асарлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 29.12.2018 й.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 22.12.2017 й.

2.3. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Мамлакатни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

2.4. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Т. 2016 й.-56 б.

2.5. Ш.М.Мирзиёев. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. Т.2016 7 декабрь. Ўзбекистон 48-б.

2.6. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан курагимиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.Ўзбекистон 2017 й. -48бет.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи// Халқ сўзи, 20.09.2010 й.

III. Соҳага оид меъерий ҳужжатлар

3.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф-4760-сон «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш

ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши. Т.2016 йил 17 декабрь.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Ўзбекистон Республикасида давлат қикска муддатли қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги” низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш. 5 март 2016 йил, № 5

3.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Банкларнинг депозит (омонат) сертификатларини чиқариш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Қарори Тошкент ш., 2016 йил 16 январь, 1/2-сон.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш” ҳақидаги Қарори. Тошкент, 2015 йил 22 июль.

3.4. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль).

3.5. Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август).

3.6. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (рўйхат рақами 2696, 2015 йил 14 июль)

3.7. Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 2711, 2015 йил 26 август).

3.8. “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низом (03.06.2013 й. № 2465)

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Абдуллаева Ш., Файзуллаева М., Галак О. Банковский менеджмент

- и маркетинг. Учебное пособие./ - Т.: "ИҚТИСОД-МОЛИЯ", 2007. - 182 с.
- 4.2. Абдуллаева Ш.З., У.Ў. Азизов. «Банк иши», Т.: “Молия” 2019 й.-
1024 б.
- 4.3. А.А.Омонов, Т.М.Қоралиев «Пул ва банклар» Т.: “Молия” 2018 й.-
464 б.
- 4.4. Абдуллаева Ш.З, Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2009.
- 4.5. Абдуллаева Ш.З, Сафарова З. Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш. Т.: ИҚТИСОД-МОЛИЯ, 2007.
- 4.6. Банковские операции: учеб. пособ. для средн. Проф. Образования / под ред. Ю.И. Коробова. – М.: Магистр, 2007. – 446 с.
- 4.7. Банковские операции: учебное пособие / кол. авторов; под ред. О.И. Лаврушина. - М.: КНОРУС, 2007. - 384 с.
- 4.8. Банковское дело: Учеб. / Под ред. Г. Белоглазавой, Л. Кроливеской - СПб: Питер, 2012. - 400с.
- 4.9. Лобанова Т.Н. “Банки: организация и персонал” Практическое пособие. М: БДС-Пресс, 2004
- 4.10. О.А Ортиқов, И.Я Қуллиев "Банк менежменти ва маркетинги" фанидан ўқув қўлланма.Т.Молия 2013 й.
- 4.11. Ларионова Л.В. Управление активами и пассивами коммерческого банка - М.: Консалтбанкир, 2003.
- 4.12. Муллажонов Ф.М. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. Т."Ўзбекистон" 2011.
- 4.13. Паничкина Г.Г. Краткий курс по маркетинговым исследованиям: учеб. пособие / Г.Г. Паничкина. – М.: Издательство «Окей - книга», 2009. – 108 с. – (Скорая помощь студенту. Краткий курс.)
- 4.14. Панова Г.С.Анализ финансового состояния коммерческого банка – М.:Финанси и статистика, 1996.
- 4.15. Питер С. Роуз Банковский менеджмент. Предоставление финансовых услуг: пер. с англ. 2-е изд., - М.: Дело Лтд, 1997.

- 4.16. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2006. 310 б.
- 4.17. Тожиев Р.Р., Жумаева С.Ҳ Халқаро молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2010. 156 б.
- 4.18. Тоймухамедов И.Р. Банк иши. Т.: “ТДИУ”. 2010 йил
- 4.19. Фазилова С. Управление активами и пассивами: основные вопросы - Спр. Сент.банк Р.Уз., Центр экономических исследований и статистики -Т.: Шарк, 1997.
- 4.20. Саттаров О.Б. “Тижорат банклари ликвидлини бошқариш”. Монография-Т.: "Экстремум Пресс", 2010 йил.
- 4.21. Норқобилов С.Х. “Халқаро амалиётда банк назорати”. Магистрлар учун дарслик.- Т.: "Иқтисод-Молия", 2007йил.
- 4.22. Лаврушин О.И. “Устойчивость банковской системы и развитие банковской политики” монография/ коллектив авторов. –М.: КНОРУС, 2014. – 280 с.
- 4.23. Kotler F., Keller K.L. Marketing, Management. 2006. 431 p.
- 4.24. Shelagh Hefferman «Modern Banking», John Wiley and Sons, Ltd. USA. 2012. 717p.
- 4.25. Kent Matthews and John Thompson. The economics of Banking, John Wiley and Sons, Ltd. USA. 2008. 295p.
- 4.26. Murray N. Rothbard. The Mystery of Banking second edition, Auburn, Alabama. 2008. 298-page.
- 4.27. Jean Dermine. Bank Valuation and Value Based Management: Deposit and Loan Pricing Performance evaluation and Risk. 2014. 514-page/
- 4.28. John Wiley and Sons. Banking Systems, Center for Financial Training. Ltd. USA 2012. 495-p.

V. Қўшимча адабиётлар

- 5.1. Altmann.Altmann J. Wirtschaftspolitik : 7. Auflage/ .Altmann. - Stuttgart: CIP-Einheitsaufnahme, 2000. -692 p.

5.2. Dictionary of Foreign Trade, by F.Henus, Sec.Ed.№4. 1947, p.387

5.3. Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. ИНВЕСТИЦИИ: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2006. – ХИИ, С.1.

5.4. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. – Т.: 2002. иқтисод фанлари доктори диссертацияси автореферати, 11-14-б.

5.5. Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Т.: 2002, -38 б.;

5.6. Тухтабоев У.А. Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. –Т.: 2007, -20 б.

5.7. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2002, -19 б.;

5.8. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Достор оф Пҳилосопҳй) диссертацияси автореферати –Т.: 2017, -49 б.; С

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

6.1.Бозор, пул ва кредит// №1-12 2017. №1-4, 2018 йил.

6.2. Банк ахборотномаси, газетаси 2017 йил №1-52, 2018 йил № 1-14.

6.3. Ўзбекистон Республикасининг Статистика ахборотномаси, 2009-2017 йиллар

6.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари, 2009-2017 йиллар

6.5. “Ахбор Рейтинг” Миллий Рейтинг агентлиги таҳлилий тўпламлари. 2010- 2017 йиллар.

6.6. Нафасов Д. Банк рискларини бошқаришнинг зарурлиги ва асосий мезонлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №1,

февраль, 2017 йил.

VII. Интернет сайтлари

- 7.1. www.cbu.uz.- O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki rasmiy sayti
- 7.2. www.bankinfo.uz- Banklar to'g'risidagi axborot beruvchi sayt
- 7.3. www.finanse.uz- O'zbekiston iqtisodiy, mrliyaviy va texnologik yangiliklar sayti
- 7.4. www.Lex.uz-O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik bazasi rasmiy sayti
- 7.5. www.Norma.uz- O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik bazasi rasmiy
- 7.6. <https://www.sciencedirect.com>. Assessing Credit Risk: An Application of Data Mining in a Rural Bank *Procedia Economics and Finance*, Volume 4, 2012, Pages 406-412 I. Gusti Ngurah Narindra Mandala, Catharina Badra Nawangpalupi, Fransiscus Rian Praktikto
- 7.7. <https://www.sciencedirect.com>. Can banks individually create money out of nothing? — The theories and the empirical evidence *International Review of Financial Analysis*, Volume 36, December 2014, Pages 1-19 Richard A. Werner